

**РАМЗ БОБОЖОН · МУҲАББАТ МЕЗОНИ**



**РАМЗ БОБОЖОН**

# **МУҲАББАТ МЕЗОНИ**

**Роман**

**Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи**  
**Тошкент – 2005**

84 (5У) 6 - 4.1

Б 79

Бобожон, Рамз.

**Б79** Муҳаббат мезони: Роман; /Сўзбоши Ҳамид  
Ғулумники/. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-  
матбаа ижодий уйи, 2005. – 208 б.

Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожоннинг илк насрий асари – “Муҳаббат мезони” романи Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йиллардаги Самарқанд, Қизилқум атрофларидаги энди тикланаётган ҳаёт, чўллардаги ҳурилишлар, икки зиёли ёшнинг муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади.

ББК 84 (5У)6

Б 4702620201 – 102 2005  
М352(04) – 2005

ISBN 5-635-02302-9

© Рамз Бобожон, Ғафур Ғулум  
номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйи, 2005 й.

## “МУҲАББАТ МЕЗОНИ” ҲАҚИДА БИР ОФИЗ СЎЗ

Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожоннинг ҳаётбахш, ҳузурбахш шеърятини кўпдан буён севиб ўқийдиган китобхоннинг қулига унинг биринчи йирик насрий асари – “Муҳаббат мезони” романи келиб тегди.

Бу воқеа биргина Рамз Бобожон учун эмас, бутун ўзбек шеърятини учун таҳсинга сазовордир. Ўтмиш асрларда яшаб, ижод қилган шоирлар камолга етган фаслларида насрга мурожаат қилганлар: ҳикоя, қисса, романлар ёзганлар.

Шоирнинг насри қисқа, лўнда, ширали ва сержило бўлади. Биз бу ҳақиқатни “Муҳаббат мезони” романи мисолида ҳам кўрамир.

Маъжур роман Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда Самарқанд, Қизилқум ва шулар атрофидати ерларда аҳолининг ночор ҳаёти, энди тикланаётган ҳаёт, изланишлар, чўллардаги қурилишлар, икки зиёли ёш (савдо ходимаси ва рассом) муҳаббати, маънавий изланишлар ҳақида ҳикоя қилади

Бу замонавий асар Хемингуэй ва Ремарк каби романнавислар услубида ёзилган бўлиб, воқеаларни, одамларнинг портретларини анча очиқ, ҳаққоний, баъзан эса бепардоз усулда тасвирлайди.

“Ҳаёт асфальт йўл эмас”, деган ибора бор. Ҳаётнинг ўнқир-чўнқирлари, машаққатлари, янглишишлари, алдовлар, зиддиятлар, тақдирлар, мураккаб воқеалар асарда рўйирост, беандоза тасвирланган.

Хуллас, маъжур асар китобхонлар, айниқса, ёшлар ўқиса бўладиган, уларнинг ҳаётини долзарб муаммоларига жавоб топишга кўмаклашадиган, ўқимишли, фойдали романдир

**ҲАМИД ҒУЛОМ**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
5 октябрь 2004 йил,  
Тошкент

*Дарахт шохларини қор босган,  
салқи...  
Гўё салқигандай Ер қовоғи ҳам.  
Эй замин, бўшашма, дадил бўл, балқи,  
Сени ўз кафтида тутуди Одам.  
Кекса десам, ёшсан,  
ёш десам, кекса,  
Кўрнага ўраниб ётибсан ҳорғин...  
Менинг мушдай қалбимда эса,  
Денгизчалик бетиним тўлқин:  
Муҳаббат,  
Муҳаббат,  
Муҳаббат...*





## СҮҚМОҚЛАР



## БИРИНЧИ БОБ

### 1

Тўрт йиллик уруш тугали...

Фариданинг қавм-қариндоши Самарқанднинг бир чеккасидаги гадей топмас маҳаллалардан бирига жойлашган пастаккина уйда истиқомат қилиб турарди. Айтишларича, тоғасининг кўлида гулдай ҳунари бўлиб, ўз уйини ўзи бемалол қуриб, битказиб олган. Аммо, уруш бошланмасдан уч йил аввал шўрлик дунёдан ўтган. Бир йил кечар-кечмас, «оқсолар»дан кейин бир ўғил, икки қиз билан бева қолган Анзират хола ҳовлиси ҳовлисига девор-дармиён кекса бир кишига эрга чиқали. Бу кишининг ҳам биринчи хотинидан икки фарзанди бўлиб, ўзи савдо-сотик билан тирикчилик қилар эди.

Фарида ўн олтига тўлар-тўлмас кўзга кўриниб қолди. Боз устига, даласи Муроджон Аҳмедов қишлоқ оқсоқоли, бообрў, эл ҳурматини қозонган, «ман-ман» деганлардан... Тақдир тақозоси шундай бўлдими, ким билсин, нима бўлди, урушнинг иккинчи йили у кўнгиллилар қаторида фронтга жўнади. Онаси Холисхон гуё ичиккан гўдакдай кетма-кет оғир касалликка чалиниб, дунёдан ўтди. Кутилмаганда Фариданинг тақдири хавф остида қолди, эшигининг турмини бузгудай бўлиб турган совчилар сони сийраклашди, бора-



бора висол ўрнини ҳижрон, муҳаббат ўрнини мусибат эгаллай бошлади. Муроджон акадан келган «қорахат» дард устига чипқон бўлди. Ниҳоят, болаликда кўнгил қўйган ҳамқишлоғи Қуддус ҳам армияга чақирилди, фронтга кетди.

Бир кун мактаб директори Ўғилхон ая Фаридадан хабар олгани келди, узоқ гаплашди, дардлашди ва ниҳоят, унга Самарқандга бориб ўқишни, педагогика институтининг, ҳеч бўлмаганда, тайёрлов курсига кирса, ёмон бўлмаслигини маслаҳат берди, кези келганда, ёрдам қилишлигини ҳам қўшиб қўйди. Фариданинг хушнудлиги кўз қорачиғида қалқиб турган гавҳар доналарда ярқ этди-ю, аммо ўйланиб қолди... Ўғилхон аяга ер сузиб қаради...

— Раҳмат, аяжон, — деди зўрға, товуши томоғига тиқилгандай, — шунчалик ташвиш тортиб, эшигимизга келибсиз...

— Кеча келишим керак эди, лекин туриш-турмуш, айниқса уруш қийинчиликлари, — дея сукутга кетди-ю, кейин яна қочган хаёлини йиғиб олди. — Минг афсус! Муроджон ака муродига етмади, сенинг бўйингни кўрди-ю, тўйингни кўрмади...

Фарида нима қиларини билмади, ич-ичдан тўлқин уриб келган аччиқ кўз ёшини кўкракбурма қўйлагининг нозик ерига қистириб қўйган рўмолчаси билан аста артди.

— Қўй, йиғлама, эсингга даҳшатли ўтмишни солганим учун мен айбдорман! Мен!.. — деганча Ўғилхон аянинг ўзи ҳам кўзига ёш олди, аламини ичга ютай деса, ҳеч ютолмади.

Фарида ўтирган жойидан туриб, стол теварагини айланиб ўтди, Ўғилхон аянинг бўйнидан қучиб, маҳкам қучоқлаб, яна йиғлади...

— Онам ўрнига онамсиз, — деди-ю, Ўғилхоннинг ич-ичига кириб кетдими ёки Ўғилхон уни бағрига янада қаттиқроқ тортиб, маҳкамроқ босиб олдими, билиш қийин

эди, фақат уларнинг кўзларидан оқаятган шашқатор еш икки чашмага қўшилиб, бир жилга ҳосил қилгандай туюларди.

– Бу кунга кимлар етди, кимлар етмади? – деб гап бошлади Ўғилхон ая ўзини оз-моз тутиб олгандай. – Бир бошда минг гурбат! Бировнинг дадаси, бировнинг тоғаси, бошқа бировнинг яна кимидир йўқ ёки дом-дараксиз... Менинг-чи, менинг ҳам юрагимни каламушдай бир алам емириб ётибди, тиқ этса, эшикка қарайман, поччангдан келиб турган хат келмасдан қолди.

– Худо сақласин, – деди Фарида Ўғилхоннинг кўксидан бошини кўтариб.

– Худо сақласин, – деди такрорлаб, Ўғилхон ая. – Нима ҳам иложимиз бор?..

Ўртага жимлик чўкди.

– Онанг ўрнига онаман, албатта, сен айтмасанг ҳам, – деди мийиғида кулиб... – Буни нафақат сен, ҳамма билади. Чунки, Холисхон опа кўлида тарбия топдик, ўқидик, билим олдик. Ҳали-ҳали мактаб биносига кирсам, опажонимизнинг иссиқ нафаслари келиб туради. Муроджон ака ҳақида гапирмаса ҳам бўлади: шаршара устига қурилган тегирмон, мактаб, спорт майдони. болалар боғчаси, чоллар чойхонаси, дала шийпони ва ҳоказо...

Фарида Ўғилхон аянинг куйиб-ёниб айтаётган сўзларини дил-дилдан тингларди, гоҳи-гоҳи уни-буни сўрагиси келса ҳам, ийманиб, тек турарди. Аммо, ая арқонни узун ташлаб, бари бир, мақсадга келди:

– Хўш, нима қилдик, Самарқандга борамизми?

Фарида ўйланиб қолди, «чурқ» этмади.

– Нега индамайсан, ёқмадимми?

– Нима, мен бу ерда ортиқчалик қилаяпманми? – деди йиғламсираб.

– Сен мени нотўғри тушунибсан. Сен ҳеч қачон, ҳеч кимга ортиқча эмассан, айниқса, менга... Фақат истагим

яхшилик, яхши ният — ярим мол... Бу ерда яшасанг яшайверасан, бир кунинг ўтади, сени «пишт» дегани одам топилмайди. Ойнабулоқ — ота тупроғинг, она қишлоғинг... Самарқанд сайқали рўйи замин аст!.. Ўтмиш обидалари, қадриятлар маскани... Буюк иншоотлар, илму маърифат мавжуд... Ҳеч бўлмаганда, шаҳар кўчасидан бир ўтсанг, нураб ётган осори атиқаларга кўз ташласанг, бир нимали бўласан, — деди-да, унинг авзоига разм солди...

Фарида бир оз бўнашган кўринса ҳам, ҳамон ўз фикрида қатъий турарди. Авваламбор, борар жойи нотайин, қолаверса, ўз уйи — ўлан тўшаги...

— Йўқ, ҳеч қаёққа бормайман, дадам билан онам чироғини ёқиб ўтириш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз... — деганини ўзи ҳам сизди шекилли, дафъатан, тиниқ осмонга булут тошгандай қовоқлари осилиб, ранги ўзгариб кетди.

Ўғилхон талмовсиради, ўйланди, ўзига-ўзи деди:

— Қош қўяман деб, кўз чиқардимми?

Эҳтимол, бу сўзларни баралла айтганда ҳам, бари бир, Фариданинг қулоғига кирмасди, хаёли қочиб турарди... Бирдан эсига бир нарса тушгандай ошхона томон отилди-да, яна ортга қайтди.

— Вой, эсим қурмасин, самовар эриб кетибди, боя ўт ташлаб қўйган эдим.

— Ана шу-да! — деди бу ҳодисадан на куларини, на йиғларини билмаган ая. — Қандай қилиб сени ёлғиз қолдириб кетай, жонгинам?.. Катта бошимни кичик қилиб, эшигингга келдим, ҳали ҳам вақт бор, ўйлаб кўр...

— Мен ношуд бир пиёла чойни ҳам эплаб беролмадим, — дея яна йиғлаб юборди қиз ўзини тутолмасдан.

— Қўй, бас қил, жоним, жонгинам, мен сени йиғлатгани келганим йўқ... — дея, елкаларини чайир қўллари билан силаб-сийпалади.

Ташқаридан от кишнаши эшитилди. Ўғилхон «дик» этиб ўрнидан турди, худди уни биров чақиргандай. Фарида ҳамон ўзи билан ўзи банд эди, бошидаги чала-ярим ўралган дуррасини олиб, ийманиб, уялинқираб кўз ёшларини артди-да, Ўғилхонга:

– От миниб келдингизми? – деди.

– Ҳа, қишлоқ катта, юриб етолмайсан... Хабаринг борми, йўқми, тунов кунги мажлисда мени кўярда-қўймай қишлоқ оқсоқоли этиб сайлашди.

– Табриклайман! – деди Фарида, – жуда саз, кўнгилдагидай иш бўлибди.

– Ҳа, бу каттол уруш туфайли қишлоқда эркак қолмади, уруш қурсин, уруш! – деб асабийлашди. – Мен кетдим, далани бир айланиб келай, унганча ўзингни тутиб оларсан, ўйлаб кўрарсан, – деди ая эшик остонасига етиб борар-бормас...

Ўғилхон оёғини узангига қўйиб, бир йигитдай от устига ўтирди, ўнг қўли билан тўриқ ёлини силаб, чап қўлидаги жиловга эрк бериб, ҳаю-ҳай деб жўнаб кетди. Дарахт учларидаги шамол япроқлар билан ўйнашиб зериккандай, энди аянинг сочларини тўзғитар, ҳатто қош-кўзларига тушириб тегажаклик қиларди.

Фарида унинг орқасидан қараганча, узоқ вақт остонада хаёл суриб қолди. Дарвозани ёпишни ҳам, ёпмасликни ҳам билмади: ёпса, гуё Ўғилхоннинг кўнглини оғритиб қўядигандай, ёпмаса ёлғиз бир ўзи ҳайҳотдай ҳовлила... Ниҳоят эсига ўтхонаси эриган самовар тушиди, бирдан опиҳона томон югургилади. Негадир, унинг кўзига энди нафақат самовар, ҳамма нарса омонат кўринарди: ошхонадаги ашқол-дашқолдан тортиб, ҳовли, уй-жой, томорқа, боғу роғ, ҳамма-ҳаммаси... ҳатто, ўзини ҳам омонат ҳис қиларди. Нега, шундай? Кўзи тиндими, боши айландими, нима бўлди?.. Канча вақт ўтди англолмасди... Яна ўша ўтхонаси эриган самоварга кўзи тушиди-ю, ҳамон ошхона

кесакисида ўтирганлигини пайқаб қолди. Ўрнидан кўзгалди, секин-аста юриб, даҳлиздан ичкарига кирди: гиламлар тўшалган, икки каравот ёнма-ён турарди. Унинг тепасида деворга кўринар-кўринмас мих билан ўрнатилган ойнабанд рамкадан дадасининг елкасига эркаланиб бошини қўйган онаси Фаридага термилиб қарарди: «Фарида сенмисан, нега рангингда ранг йўқ, кўзларингда нам, сени ким хафа қилди?» дегандай... Фарида индамади, сукут сақлади, дардини ичига ютди. Лекин, хаёлида ҳамдари изларди, топди шекилли, тикилганча қотиб қолди:

– Мен сизни соғиндим, сизни ойижон, сизни... Қачон келасиз? Дадамдан дарак йўқ... Дадам сизни излаб кетганга ўхшайдилар... – Она ортга тисарилди... – Тўхтанг, ойижон, қаёққа кетаяпсиз? Кетманг! Кетманг!!! – деб ёлворди, илтижо қилди... бир вақт қараса, толиқдими, нима бўлди? Билмайди, каравотда чўзилганча, беҳол ётарди...

Фарида ўзига-ўзи:

– Нега бунчалик хаёл дарёсида оқмасам, тошга урилдимми? Чўчиб тушдим... Уйқу элитдими? Йўқ! Бу қандай сир-синоат? Рўйирост онамни кўрдим-а... Қўлимдаги бу хат қайдан пайдо бўлди, ким тутқазди уни менга?

«Соғинчли салом, азизам Холисхон, якка-ю ягона қизим, суюклигим Фарида! Мен Самарқанд заминидан, Ургут боғларидан анча олисдаман, аммо кўнгил яқин, шарқдан кўтарилган қуёш ҳар тонготар сендан хушхабар олиб келгандай кўринади. Мен унга тикиламан, таъзим қиламан. Ҳолбуки, уруш, ҳар қадамда портлаш, ёнғин, қирғин-барот, эрта-кеч замбаракларнинг ўкириши икки энлик хат ёзишга ҳам имкон бермайди. Лекин кўпи кетиб, ози қолди. Душманни суриб бораётирмиз, ҳадемай юз кўришсак, ажаб эмас...

Сени қучиб, Муроджон  
17.IX.44 Каунас»

Фарида ҳангу манг бўлиб, яна ҳаёл сурди, ён-верига қаради, ҳеч ким йўқ... Жавон очилган, қоғозлар сочилган... Ким бу ишни қилди: ўзими ёки бошқа бировми, билмайди, ҳайрон... Шу алфозда кўп ўтмай кўзи яна уйқуга кетди... Тоғдан кўчган тошга илиниб тургандай қалтис бир ҳолатда босинқирарди... Ер силқиндими, тош қуладими? «Дод» солиб уйғонса, туш, даҳшатли туш... Ҳовлида Қоплон занжирини узгудай бўлиб, унга қўшилишиб кўни-қўшниларнинг итлари вовилларди, уввос соларди. Бунинг устига кўча дарвозанинг ҳалқаси тинмай тақилларди. Бир нафас Фарида гангиб қолди, нима гап эканлигини англолмади... Кўзларини чирт юмиб очди, эснади... Итларнинг улиши ҳамон давом этарди, дарвоза тақилларди... Начора! Ўрнидан турди... Ўзи-ўзига қараб уялди: баданига ёпишган жиққа ҳўл оқ батист кўйлак тагидан кўкраги оқ олмайди диркиллаб турарди, шошиб-пишиб у ёқ-бу ёғини тузатди... Наҳотки, шунчалик гафлат босмаса, ухлаб қолмаса! Эҳтимол, Ўғилхон ая келгандир, югургилаб остонага борди. Дарҳақиқат, эшик олдида «ярқ» этиб Ўғилхон кўринди, кўлида электр самовар.

– Бу, сенга, – деди кулиб.

Фарида хижолат чекди, оларини ҳам, олмасини ҳам билмай бир лаҳза лол қолди, сўнг:

– Кечирасиз, кўзим илинибди, – деди-да, унинг кўлидан самоварни олиб, айвон ёнбошидаги жавон устига авайлаб қўйди.

– Кези келганда уйқу ҳам керак, яхши қилибсан, тиниқиб олибсан, – деди, ичкарига қадам қўяркан, – энди самовар сеники бўлди, қани, сув солиб, чой қўйиб юборчи, қайнармикан ё йўқ?

Ўғилхон уст-бошини ечиб, этигини артди, сўнг ҳовуз бўйига йўл олди... Терак учига илинган офтоб сувга шўнғидими ёки кўкка учдими, бир нафасда кўздан ғойиб бўлди. Ернинг

ҳовури кўтарилиб, кечки салқин туша бошлади. Дастурхон ёзилди... Фарида уст-бошини янгилагани уй ичига кирди, кўйлак танлади: қайси бири маъкул?.. Бирини олиб, бирини кўйди... Бир вақт оловдай ёниб чиқди, эгнида саккиз тепки хонатлас, нигоҳида аллақандай маъюслик, сокинлик... Елкасига тушиб турган қулун сочлари ҳуснига ҳусн кўшарди... Йигит кўзига яқин, бир чимилдиқни обод қилгудай... Сарвиқомат, бугдойранг, истараси иссиқ, ўн гулидан ҳали бир гули очилмаган...

Фарида чой дамлади. Биринчи пиёлани Ўғилхонга узатди:

– Қалай, ая, янги самоварнинг чойи?

– Чой эмас, мой, – деди ая кулиб, – бу, албатта, чойхўрнинг баҳоси, чойхоначи нима дейди?

Фарида уялиб, қизарди, юзидаги маъюслик ҳамон дилидаги дарддан далолат берарди... Аста-секин хиргойи қилиб, айвон тўрида турган жавон эшигини очди:

Юрагим чойдишмиди,  
Чойлар солиб қайнатгали?  
Овозим булбулмиди,  
Боққа кириб сайратгали?

Лекин, кўшиқ тугар-тугамас узилиб қолди. Фарида жавондан ниманидир олмоқчи бўлди-ю, олмади, энтикди, яна ич-ичидан кўзларига ёш келди.

– Айбга буюрмайсиз, аяжон, бу кўшиқни бир вақт ойимдан эшитганман. Негадир. ҳозир эсимга тушди, ўзим ҳам билмайман, – деди бир нарсдан ҳадиксирагандай.

Ўғилхон Фариданинг хотирасидан нималар кечганини аниқ билмаса ҳам, бари бир пайқагандай. Уни овутиш, кўнглини овлаш учун яхши сўзларини аямади, атрофида гиргиттон бўлди.

– Юрагим ғаш, аммо англолмайман, ўнг десам, ўнгга, туш десам, тушга ўхшамас... – деди Фариди.

– Нима бўлди, қачон?

– Сиз кетгандан кейин... ростини айтсам, ўзим ҳам билмайман, кўрганим гуё бир мўъжиза...

– Мен кетгандан кейинми?

– Ҳа, сиз кетгандан кейин...

– Ухламадингми?

– Йўқ, ҳали уйғоқ эдим... хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу уйда, шу ерда ойимни кўрдим... тирик... барҳаёт... – Ўғилхон унинг гапини бўлмади, диққат-эътибор билан эшитди. – Ҳатто, мандан: «Нега рангингда ранг йўқ?» деб сўрадилар. Мен нима дейишимни билмадим, индамадим... Орқага чекиндилар... Тўхтанг, кетманг, ойижон, деб ёлвордим, йиғладим, кейин нима бўлди, билмайман, толиқдимми, сал ўтар-ўтмас яна кўзим илинди: тоғдан кўчган тошга тармашиб турибман, омонатдай...

Чой чойда қолди, ҳатто ушатишга нонга қўл узатилмади. Фариданинг дарди тоғдан кўчган тошдай қалбдан қалбга ўтди. Ўғилхон оғир тортди:

– Мен на фолбинман, на мунажжим... Лекин, адашмасам, сен кўрган тушнинг таъбири шундай бўлса, ажабмас? Тоғ деганинг, эҳтимол, буюк бир тақдир, кўчган тош эса унинг бир бўлаги... Бунини сенга, сенинг ҳаётингга қиёс этсак, сен айна пайтда қалтис ҳолатдасан, бахтинг ҳам, тахтинг ҳам омонатдай... Қолаверса, тош қулаганча йўқ, сен тошга тармашиб, чўққини мўлжалга олиб турибсан, илоҳим, шундай бўлсин, яна такрор айтаман, яхши ният ярим давлат... Онангни кўрган бўлсанг, дейдиларки, тириклар ўлик, ўликлар тирик...

Фариди қулоқ қоқмай тингларди, Ўғилхоннинг фарази унга ростдай туюларди.



– Бу менинг фикрим, албатта, қолгани худога ҳавола! – деди-ю, икки қулоч сочини, негадир бошидан тушириб, яна чамбарак қилиб, турмаб қўйди.

Фарида Ўғилхоннинг бўйнидан маҳкам қучиб, деди:

– Сиз ажойиб одамсиз, турган-битганингиз ақл...

Шундай қилиб яна кигиз китоб очилди:

– Хўш, энди нима қилдик, – деб гап бошлади Ўғилхон.

– Яна ўша гапми?

– Ҳа-да...

– Ўша гап бўлса, аяжон, авваламбор тураржой... қолаверса, дадамдан қолган уй... томорқа?..

– Буни мен ўйлаб қўйдим: бу уйни... – деди бир оз сукут сақлаб, сўнг, – даданг хотирасига музей қиламиз. Ўйлайманки, нафақат Муроджон аканинг, Холисхон опанинг ҳам руҳлари шод бўлади... Тураржойга келганда, ўзингдан қолар гап йўқ! Самарқандда киминг бор? Тоғанг! Уй-жойли, бола-чақали... Наҳотки, сендай қизни...

– Кечирасиз, гапингизни бўлдим, билмадим, беодоблик қилдимми, – деди-ю, лабини тишлаб жим қолди.

– Айтавер, ҳечқиси йўқ, айтавер... Кўнглингда нимаики бор, айтавер, бегона йўқ, ўзимиз...

– Аяжон, – деб гап бошлади Фарида, – Турсун тоға, ҳар ҳолда ўғай, ўз тоғам эмас. Анзират хола, ҳаммаси бўлиб раҳматли ойимнинг келинойиси, холос...

– Ҳа, нима бўпти, бари бир, қавм-қариндошсизлар...

– Шундай-куя, лекин оёғим тортмаяпти. Сиз айтган Турсун тоға уйини ўйласам, тушимда кўрган тоғдан кўчган тош эсимга тушади.

Ўғилой ўйланиб қолди, Фариданинг гапида жон бор, кўз олдига икки йўл келди: бири муҳим ва масъулиятли, қалтис ва қийин.. Иккинчиси одатдаги қишлоқ ҳаёти... Қишлоқда нима кўп? Иш! Фавқулодда боши қотди! Ниҳоят,

Фаридага сўз берди, имонини ўртага қўйди, танлаган йўли хайрли эканини бир неча бор тушунтирди. Фарида нима қиларини билмади, боши берк қўчага кирди-ю, ундан чиқиб кетиш учун йўл қидиргандай бўлди. Сўнг чап қўл тирсагини ўзи ўтирган курсининг ёнбошига тираб, кафтини очди ва бир-бирита ўхшамас, сирли чизиқларга термилганча жим қолди.

Ўғилхон Фариданинг хатти-ҳаракатига ҳайрат билан қарарди:

– Бу ишинг нимаси?

Фарида бир кун Ургут бозорига ойиси билан борганини, у ерда бир лўли хотинга дуч келганини ва ойисининг кафт чизиқларига тикилиб, қисматида нималар рўй беришини ва қандай яхши-ёмонликлар уни кутаётганлигини гапириб берганини айтди.

– Ҳўш, – деди Ўғилхон Фариданинг ёзиб турган кафт бармоқларини тутиб, – сирли чизиқлар сенга нима деяпти?

– Янглишмасам, – деди, ғалати бир назар ташлаб унга: – Ё ишинг ўнгидан келади ёки тескари...

Ҳар иккаласи беихтиёр ич-ичдан қаҳ-қаҳ отиб кулишди.

Эртаси кун Ўғилхон Анзират холага Фариданинг тақдирдан ташвишланганини хабар қилди, тураржой, шарт-шароитларни ўртага қўйди. Анзират холанинг айтишича, Фаридага ўз уйларида ўрин беришга розилар, ўз болаларидайд бавлаб-тўшлаб боқадилар ҳам, аммо қишлоқдан ҳар оинга ёрдам пули, дон-дун бериб турилиши шарт. Чунки, улар ўзи жўжабирдек жон, бунинг устига Фарида келиб қўшилса, нима бўлади?! Ана шу ташвиш Анзират холанинг ҳар гапида бўш қопга солинган кетмон дастадайд туртиб чиқиб турарди. Ўғилхон ўртага қўйилган шарт-шароитларни бир ўйлаб, сўнг Анзират холани хафа қилмайдиган йўлни танлаб, розилик берди ва бир неча кундан кейин ўзи Фаридани икки қўллаб,

Анзират холага топшириш ниятида кунчиқар ёққа қараган бир табақали сариқ дарвозани тақиллатди. Ичкаридан мингиллаган товуш эшитилди:

– Ким?

– Биз, – деб жавоб берди ая.

Эшик очилганда улар қаршисида ўрта ёшлардаги ковоқлари салқиган, оқ чўтир бир аёл пайдо бўлиб, ичкарига чорлади. Бу Анзират холанинг ўзи эди.

Фарида ҳовлининг бир бурчагидаги ҳужрага жойлашди. Биридан бирига ўтиладиган икки хонали уйнинг ичкари хонасида Анзират хола эри билан, кираверишдаги биринчи хонада ўзи билан орқасида эргаштириб келган ўгли Ортиқ турарди.

Турсун тоғанинг аввалги хотинидан қолган икки қиз ўз жуфти ҳалолини аллақачон топиб кетган, лекин бу хонадон бари бир Фаридага бегона кўринарди.

## 2

Кунлар ўз маромида ўтарди. Кечқурунлари уч-тўрт киши бир дастурхон атрофида йиғилишарди. Турсун тоға базадан ҳориб-толиб қайтарди. Фарида унинг кўлига қумғондан сув қуярди, аммо кўлларига ёпишган қора-қуралар кир совун билан ювса ҳам кетмас эди. У омборда тарозибон бўлиб ишларди, уззукун кафтлари орасига кириб қолган чиркларни қирғич билан қириб олгудай...

– Ўқияпсанми? – деб сўради Турсун тоға кўлларига ёпишган исқиртни тирноқлари билан тозалаб туриб, – мана, Самарқандга келганингга ҳам икки йил бўлиб қолди.

– Ҳа, ўқияпман, – деди Фарида.

– Баракалло, – деди-ю, салмоқланиб Турсун тоға сўроғини яна давом эттирди, – ҳисоб-китобга қалайсан?

– Унча-мунча биламан, – деди Фариди ердан бошини кўтариб, – мактабда ҳамма нарсани ўргатади.

– Баракалло, бўтам, – деди яна бояги оҳангда Турсун тоға, – тирикчилик учун энг зарур нарса ҳисоб-китоб, ҳисоб-китобни билган киши оч қолмайди.

Ортиқ қумғондан тўкилган сувга тойиб, йиқилишига сал қолди... Анзират хола жавраб кетди:

– Шалтоғлик ҳам эви билан! Онанг раҳматли уйингда нима ўргатган, билмадим...

– Намунча, шунга ҳам шунчаликми? – деди Фариди.

– Тавба қилиш ўрнига тилини бермайди-я!

– Нима қилай, ўлар бўлсам, ўлдим...

– Ҳа, ўлмаган энди сен қолдинг, мен бўлсам, куйиб-ёниб адо бўлдим! Бир йилда, кўз олдингда, икки қизимни ерга бердим...энди тикилганим шу, Ортиқ! Биттаю битта арзандам!

Ортиқ университетнинг тўртинчи курсида ўқирди. Ҳар куни кечгача лекцияда, сўнг китоб устида мутолаа, хуллас, ўз ўқишидан бошқа ҳеч нарсани билмайди. Фариди бирпас тинч турмас, Анзират холага қарашар, ҳеч бўлмаганда косаларга сузиб қўйилган шўрваларни бирин-кетин келтириб хонтахтага қўярди. Турсун тоға бўктирилган нонни икки лунжиги тўлдириб, «миқ» этмай, ён-верига қараб қўярди, «ким қанча овқат еганини» зимдан кузатгандай...

Фариди баъзан ўтган кунларни эслаб кетарди: оқшом пайтлари оила жамулжам, ҳамма дастурхон атрофида... Ойиси бир даста дафтарни қўлтиқлаб мактабдан келарди, қишлоқ ташвишидан ҳориб-толиб қайтган дадаси апил-тапил ечиниб, юз-қўлини юварди. Дастурхонга таом келтирилгунча, у қийинчиликлардан, айниқса, сув танқислигидан ташвишланиб гапирарди... Ҳаёл уни узоқларга олиб кетди. Бир зумда Фариди нималарни эсламади?... Жумладан,

дадасининг бошига ёғдирилган тухмат тошлари, игво, фисқ-фужур, ниҳоят, Муроджон ака нима қиларини билмай, боши қотгани... Ўз хоҳиши билан ариза бериб, фронтга жўнагани...

– Ҳа, қизим, нима бўлди? – деди Турсун тоға. – Кўзларингдан ёш оқиб, шўрвага тушаётибди ёки шўрванинг суви кам эканми? – деб мийиғида кулди.

Фарида зудлик билан кўз ёшларини артиб, Анзират холага хомуш қаради-да:

– Қалампир чиқди... – деб бошини косага яқинроқ эгди.

Шундай қилиб, ҳеч кимнинг косасида бир қошиқ таом қолмади. Бу овқатнинг мазали бўлганиданми ёки таги озлигиданми, ким билсин?..

Анзират хола эрининг ёнбошига бир жуфт ёстиқ келтириб кўйди, сўнг чилим сархонасига ўт ташлаб, Турсун тоғанинг кўлига тутқазди. Турсун тоға уни жон-жаҳди билан бир-икки тортди... йўтал аралаш яна тортди ва бир оздан кейин пинакка кетиб, хуррак отди...

Ортиқ ўз хонасига кириб, эшигини ёпди. Анзират хола ямоқ-ясқоқ билан банд бўлди, Фарида идиш-товоқларни ювиб, саранжом-саришта топтирди.

Фарида ҳар кунгидай кеч ётди, бирдан электр чироқ ўчиб қолди. У шам ёқди, чунки яна бир оз китоб ўқиши, эртанги дарсга тараддуд кўриши керак эди. Баъзан Қуддусга хат ёзарди. Лекин, жўнатмасдан чамадонининг ғилофига яшириб кўярди. Қуддуснинг армияга кетганлигидан хабари бўлса ҳам, унинг адресини билмасди, билганлардан сўрашга тили бормасди, тортинарди, уяларди. У ўз хатида ўқиши, туриш-турмуши ҳақида ёзибгина қолмасдан, баъзан унинг хаёли билан банд эканлигини, эндиликда замона зайли билан бу ерга келиб қолганлигини ҳам айтмоқчи бўларди ва ўтган кунларни, болаликдаги шовқин-сурону ёшликдаги висол дамларини

эсларди, сўнг қоғозга туширар-туширмас, дафъатан ўчириб ташларди. Боз устига, биров кўриб қолмадимикан, деган ҳадиксираш туфайли атроф-теваракка олазarak бўлиб қарарди.

Шундай ўй-хаёллар билан кўзи уйқуга кетарди. Эрталаб яна ўрнидан туриб, тонг қоронғусидан ҳовлига сув сепарди, супурарди, ўчоқбошига бориб идиш-товоқларни ювиб қўярди ва кўча эшикни очиб келарди. Уйдан бирин-кетин, аввал Турсун тоға, сўнг Фариди, энг кейин Ортиқ чиқиб кетарди.

– Мажлисинг сабил қолсин, бугун эртароқ кел, кир ювасан, – деб жавради Анзират хола Фариданинг орқасидан.

– Ҳеч бўлмаса, кундуз тинч қўйинглар бечорани, – деб, Ортиқ Фариданинг ёнига тушди. – Институтда берилган топшириқларни адо этиши керак, акс ҳолда, ҳайдалади...

– Ҳа, нима бўпти, осмон узилиб ерга тушармиди? – деб ўдағайлади қўллари пихса қилиб, – ҳайдаса, ҳайдаб юборар, бир йил кеч мулла бўлар!...

Ўша куни Фариди ўқишдан чиқибок, тўғри уйга қайтди, кир-чирларни ювди, уй-айвонларни супуриб чиқди, тутантириқ учун бир-икки палён ўтин ҳам ёриб қўйди.

Ҳар ҳолда, Турсун тоға ишдан бекор бўлгунгача ўтган кунларни садағаси кетсанг арзийди. Базада бир бало бўлди-ю, Турсун тоға уйда ўтириб қолди, айтишларича, текширишда мол кам келганмиш, кейинчалик босди-босди бўлиб, ишдан бўшатилишини ўзи етар, деган жазо билан тинчитиб қўйилганмиш... Шундан буён у уйда, аралашмаган иши йўқ, хотинларнинг холаси, қизларнинг янғаси... Тирикчилик важдан эски-туски маҳсиларни ямаб, пул топади. Анзират холанинг ҳасратидан чанг чиқади: «Пулнинг баракаси йўқ, урвоққа ҳам ярамайди, дон-дун адоқ бўлиб қолди, бугун бир амаллармиз, эрта нима бўлади?!» Фариди бу гаплар унга айтилаётгандай хижолат тортарди...

Бир кун кечкурун чой устида Турсун тоға тасодифан эски бир ошнасини кўриб қолганини айтди:

– Эсингдами, Мўминжон деган киши, уруш бошланган йили қишда танчабоп кумир олиб келиб бергани? Аллақасерда экспедитор бўлиб ишларди, кўрган киши уни гўлоҳий деб, ўйласа ҳам, аслида бойвачча эди, жароқ-жароқ пул билан ўйнарди.

– Кимнинг эсида бор дейсиз, нима кўп, сизнинг ошна-оғайнингиз! – деди Анзират хола энсаси қотиб, – бевафо ошна-оғайнилар, омборда ишлаганингизда қалла солган жойдан ит аримагандек, ҳаммаси атрофингизда ўралишиб юришарди, энди бўлса, бирортаси қорасини ҳам кўрсатмайди.

– Бу бошқа, сен айтганлардан эмас, дуруст, анча инсофли, – деди қошларини чимириб Турсун тоға, – дўконда ишлайди, сотувчи эмас, мудир...

– Сотувчи бўлди нима, мудир бўлди нима, сиз билан бизга фойдаси тегмагандан кейин, – деб дунғиллади Анзират хола, – ҳаммаси ҳам бир гўр!

– Ҳай! Сабр қилсанг-чи, «берди»сини айтгунча, уриб ўлдирма, – Турсун тоға Анзират холанинг оғзига урди, – у яхши одам, эсингда бордир – икки юзи ширмондай қип-қизил, пемонаси кенг, бошида бирорта ҳам туки йўқ, сип-силлиқ, худди оёғингдаги калишнинг ўзгинаси, эсладингми? – деб кулди.

– Ҳа, нима бўпти?

– Ҳеч нарса... Ўша Мўминжон мени кўриб қолиб, ўтган-кетган ишлардан гап очди, менинг ишдан бекор бўлганимни ҳам эшитган экан..

– Шунчалик яхши одам экан, – деб бидирлаб кетди Анзират хола кўзлари косасидан чиққудай бўлиб. – Сизни ёнига олсин, иш-пиш топиб берсин, сиз ҳам уни қуруқ қўймасиз, ахир...

– Ҳа, ўзи ҳам шундай деяпти, аммо мени олишлигининг ҳеч иложи йўқ эмиш, авваламбор, савдо-сотиқ ишидан қувилган эмишман, қолаверса, ёшим бир жойга бориб қолган эмиш. Шунинг учун иложи йўқ, дейди. Йўли топилмагандан кейин, қийин... Аммо-лекин, шу жой бегона бўлмасин деяпти, барака топкур...

– Ҳўш, сиздан нима ақл чиқди?

– Нима ақл чиқди, эмиш... аввал унинг гапини эшит! Мўминжон қизлардан бўлса, яна яхши, ишни саранжом-саришта қиладиган, жиян-пиянингиз йўқми, деб сўраяпти, – деди-ю, Турсун тоға қўлидаги пиёлани оғзига олиб бора туриб, секиян Фаридага кўз кирини ташлади. Фарида эса, ўтирган жойида кўзини ерга олди. – Мен бўлсам, – деб гапида давом этди Турсун тоға, – бор, дедим. Хат-саводли, лекин ўқиш билан банд... Мўминжон бўлса, менга «ҳечқиси йўқ, кундуз ишлаб, кечқурун ўқийверди. Менинг қизим ҳам худди шундай қилади, кечки мактабда ўқийди, ошхонада кассир. Ҳозирги пайтда фақат ўқиш билан иш битмайди».

– Ҳўш, ўзи нима дейди, – деб Фаридага қийшайиб қаради Анзират қола.

– Майли, – деди бирдан, – ишласам, ишлай, кечқурунлари ушланиб қолмасам, бас...

Фарида шундай деди-ю, ўрнидан «дик» этиб туриб, ташқарига чиқиб кетди.

Эртаси кун кечга яқин Турсун тоға билан Фарида бир неча маҳаллаларни ўтиб, нураб бораётган Бибиҳоним мадрасаси олдига келиб тўхташди... вайрона устидаги баҳайбат гумбаз омонат тургандай... Ботиб бораётган офтоб нурларида аллақандай товланиб, яна кўзга яққол ташланарди...

– Шу ерда пойлаб тур, бўтам, – деди Турсун тоға Фаридага, – мен ҳозир суриштириб келаман.

Фарида шу муюлишда тўхтаганча, қушлар ғаласи чуғурлашиб устига ёпирилиб олган гумбазни худди биринчи



марта кўргандек томоша қилди. Баъзан қушлар жим бўлиб қолишарди-да, яна бирдан чуғурлашиб, алланарсадан безовталангандай учиб-қўнишарди. Буни кўрган Фариданинг кўнглида ҳам безовталиқ пайдо бўлди.

Турсун тоға қайтиб келди ва Фаридани имлаб орқасидан эргаштириб олиб кетди. Кўп ҳам юришгани йўқ, йигирма-ўттиз қадамдан кейинги муюлишдан бурилишганда Фариданинг кўзи озиқ-овқат дўконига тушди. Дўкон эшигининг юқорисига катта ҳарфлар билан «Нон-хлеб» деб ёзиб қўйилган. Унинг тагида эса «ва бошқа озиқ-овқат моллари» деган сўзлар кўринар-кўринмас... Турсун тоға билан Фаридани ичкарига киришди ва кўк халат кийган икки қиз кулига латта олиб, роса ишқаб артаётган пештахта ёнига бориб тўхтаб туришди.

— Ҳозир чиқадилар, — деди қизлардан бири, — бир оз дамингизни олиб туринг.

Бир нафас ўтар-ўтмас бир табақали эшик қия очилиб, ичкаридан артилган тухумдай бошига гилам дўппи кийган пак-пакана бир одам кўринди. Унинг қўллари калтагина, бағбақаси осилган, қорни қаппайган бўлиб, Турсун тоға айтгандай, хўпласемиз, бир туки йўқ...

— Ассалому алайкум, — деди гумаштасининг қўлини ола туриб, Фариданинг бошидан-оёғигача, кўз югуртириб чиқди ва қўшиб қўйди, — омонмисан, қизим, ўқишларинг қалай?..

Фарида уялинкараб, кўзларини ерга олди. Мўминжон меҳмонларни ичкаридаги киши билмас хонага бошлаб кириб, қўли билан кўрсатди:

— Мана, бу бизнинг кошонамиз! Амирнинг давлатидан кам эмас, мачитнинг меҳробидай муқаддас, луқмай ҳалол — нон! — деди, кўрсаткич бармоғини юқори кўтариб, нон тахлаб қўйилган тахта токчаларга ишора қилиб, — нондан азиз ва мўътабар нима бор! Нон ҳамма нарсани ҳал қилади, айниқса,

ҳозир!.. Демак, нонни кечиктирмасдан ўз вақтида олиб келиш, суви қочмасдан ўз вақтида сотиш, асосий масала, халқ кутади. Кейин, соат олтиларга борганда дўконни йиғиштирамиз, ҳисоб-китоб... эрта туриш, кеч қолмасдан ишга келиш, ҳали тонг отмасдан, мушук юз ювмасдан ўз жойимизда бўлишимиз шарт! Аммо-лекин... – деб, бармоқларини қирсиллатиб Турсун тоғага бир разм солди, – ҳали ҳеч ким биздан хафа бўлмаган, ҳар кимнинг ўзига боғлиқ, ҳамма гап ишда, уринишда, сабру қаноатда...

– Иш ҳам, уриниш ҳам, ҳаммаси бўлади, ака мулло, – деди Турсун тоға қўлини кўксига қўйиб, – Фарида одобли, қўли гул қиз... Оғирингизни енгил қилади. Ўйлайманки, мамнун бўласиз, иншоолло!

Фарида, энди Регистон ортида ухлаб ётган офтоб ҳали ўз оромтоҳидан бош кўтармасдан ўрнидан туриб, тонг ёришар-ёришмас, гира-ширада уйдан чиқиб, йўлга тушадиган бўлиб қолди. Сентябрь ойининг бошлари эди, айниқса, августнинг тандирдай бурқиб, юзга уриб турган иссиғи қайтиши билан атроф-теваракка бирдан салқин тушиб, боғлардан эсган майин шабада гул ва меваларининг хушбўй атрини димоққа урганида киши ўзини сархуш сезарди. Фарида қадамларини илдамлиб, бўм-бўш кўчадан ёлғиз борарди. У ҳар кун соат олти яримдан кечикмасдан нон заводининг дарвозаси олдида ҳозир бўлишми керак... Ҳали Фарида етиб келмасданоқ бу ерда от-уловдан тортиб, эшак аравагача, ҳамма-ҳаммаси узундан-узоқ навбатга тизилган бўлса ҳам, айқаш-уйқаш турарди. Автомашиналар кўринмасди. Дарвозага яқинроқ жойда уларнинг дўконига қарашли эшак арава ҳам турарди. Араванинг устига нон ташиш учун фанердан аллақандай уйча ясаб, ўрнатилган... Ҳали нон ортилмаган бўм-бўш уйча ичида чопонга ўраниб, дўкон қоровули мизғирди. У ҳаммадан эрта келиб, навбатнинг олдини оларди ва шунинг учун ҳам Мўминжон аканинг наздида ундан

эпчил нон ташувчи йўқ эди. Соат еттиларда Мўминжон аканинг ўзи етиб келарди, ҳужжатларни расмийлаштириб, улар билан биргаликда нонни дўконга олиб борарди. Мўминжон ака ҳар гапнинг бирида Фаридага савдо-сотик «сир»ларини уқтирарди: бир бўлак нонни олиб, уни сотувчи қандай кесишини, тарозуга қандай қўйишини, тошдан кам келиш-келмаслиги учун нималар қилишини кўрсатиб берарди.

Бир кун Мўминжон ака овқатланиш вақтида ёпиб қўйилган дўкон ичкарисидаги хонада нон карточкасидан қирқиб олинган талонларни санаб турган Фарида ёнига бориб:

– Икки кундан кейин нон сотишга ўтасан, – деди нурсиз кўзларини қизнинг ранги-рўйига югуртириб, – бу жуда қийин иш, ўйлайманки, сен уддалай оласан...

Мўминжон ака икки бўлак бутун нонни Фариданинг олдига олиб келиб ташлади:

– Қайси бири оғир? – деб сўради Фаридадан у.

– Билмадим, – деди Фарида шошиб қолиб, – иккаласи ҳам бир хил бўлса керак...

– Кўринишидан, албатта, шундай. Қани, тарозуга солиб тортиб кўр-чи?..

Фарида аввал биринчисини, сўнг иккинчи бўлак нонни тарозу палласига қўйганда, бири биридан, ҳатто ярим килограммгача фарқ қилганлигини ўз кўзи билан кўриб, таажжубланди.

– Нега шундай, билдингми?

– Йўқ, – деди Фарида

– Қани, бу ёққа юр-чи...

Мўминжон ака уни орқа томондаги нон турадиган, баъзан эртасига қолгани ҳам сақланадиган хонага олиб кирди. Тахта токчалар устида ҳўлланган латталар ёпиб қўйилган нонлар қаланиб ётарди. Шу жойнинг ўзида бир челак сув ҳам турарди.

– Тушундингми? Бошқа илож йўқ! Заводдан усти пишган, ичи хом нон чиқади. Уни дўконга олиб келгунингча, сотиб тугатгунингча суви қочиб қолади. Сен билан биз ана шундай қилмасак, ўтдай куямиз, ялангоёқ қоламиз. Бундан ташқари, чойчақа ҳам чиқиб туриши керак... – деб тиржайр экан, сергўшт қовоқлари тагидан зўрға йилтиллаб турган қисик кўзлари бутунлай кўринмай кетди, – бу билан ҳали иш тамом бўлди, деган гап эмас, қани, юр!

Улар яна қайтишиб тарозунинг ёнига боришди. Мўминжон ака бир бўлак нонни олиб, тарозу палласига қўйди.

– Қанча келди? – деб Фаридадан сўради.

– Икки килограмму саккиз юз...

– Ҳа, шундай, – деди у, – хўш, энди айт-чи, тўрт юз граммдан неча жон бошига тўғри келади?

– Етти жон бошига, – деб жавоб берди Фарида.

– Ҳисоб-китобга дурустсан, – деди кўзларини пирлиратиб Мўминжон ака, – мана, энди бу ёққа қара!...

Мўминжон ака катта пичоқни қўлига олиб, бир буханка нонни бир неча бўлақка кесиб ташлади-да, ҳар бўлагини навбат билан тарозу палласига қўйди

– Тўрт юз грамм... тўрт юз грамм... мана, буниси камроқ, демак, қўшамиз, энди тўрт юз... Сен тарозунинг шайинига қара!

Фарида диққат билан Мўминжон аканинг нон кесишини кузатарди. Нон бўлаги тарозу палласига келиб тушганда, тарозу шайи бирдан аллақасёққа, беш юз граммнинг нариги ёғига ўтиб кетарди ва ортга қайтиб, уч юз граммга келиб қоларди-да, кейин, уч юз эллик грамм деб, ёзиб қўйилган рақам устига етганда Мўминжон ака чаққонлик билан нон бўлагини тарозу палласидан оларди. Шундай қилиб, кесиб қўйилган бир неча бўлак нон тарозуга бирин-кетин тушиб чиқди.

– Ҳаммаси жойидами, тўғрими? – деб сўради у тортиб бўлгандан кейин.

– Т-ўғри, – деди ишонқирамасдан Фарида.

– Энди нон бўлақларини санаб кўр, неча жон бошига этади.

Фарида санаб чиқди, саккизта. Адашмадиммикан деб, яна санади, бари бир, саккизта...

– Мен бунни уддасидан чиқолмайман, – деди хомуш тортиб Фарида.

– Ўрганасан, одам қўлидан келмайдиган иш борми? – деб дўнғиллади Мўминжон ака, – аввалбошида ҳар иш ҳам қийин кўринади, сўнг кўникиб қоласан. Энг муҳими, машқ қилиш керак, ҳамма гап машқда! Қани, бир ўзинг қилиб кўр-чи...

Ҳар кун ишнинг охирида Мўминжон ака дўкон ходимларини ўз «кабинети»га бирин-кетин чақириб, улар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиб оларди.

Ҳали Фаридага гал келганича йўқ, уни бирор марта бўлса ҳам, нечундир, чақирмади. Фақат ойлик оладиган куни Мўминжон ака унга иш ҳақини санаб бера туриб, деди:

– Ҳозирча ишнинг мазаси йўқ, нонни сен тортяпсану жабрини мен ... ўйлайманки, аста-секин билиб оларсан. Фақат сенга айтиб қўяйки, одамларнинг юзига иложи борича камроқ, тарозу шайинига кўпроқ қара! Гапнинг сирасини айтганда, қилган ишнинг, олган пулинга арзимаЙди... Аммо-лекин, Турсун тоғаннинг ҳурмати, навбатдаги хизматинг ҳисобидан, – деди қисик кўзларини катта очиб, стол устига иккита юз сўмлик қоғозни қўйди, – ма, ол, қўйнидан тўкилса, қўнжига, деган гап бор. кейинчалик суришиб кетармиз.

– Ҳожати йўқ, – деди Фарида қалтираб кетган қўли билан стол устидаги пулни ўзидан нарига итариб, – пешона терим билан топмаганимдан кейин...

– Иштиёринг... – деб дўнғиллади қўзини пулдан узмасдан туриб, сўнг йиғиштириб олди-да, стол тортмасига солиб, қўшиб қўйди, – ишлаган тишлайди!...

Фарида хижолат тортди, нима қилишини билмади...  
Мўминжон ака раҳми келгандай:

– Ма, ол, ёш болалик қилма! Пулдан ҳали ҳеч ким юз ўтирмаган, сен ким бўпсан? – деди-да, писанда билан яна тортмадаги бояги пулни олиб, унга узатди.

Фарида маошининг бир тийинини ҳам олиб қолмасдан, ҳаммасини Анзират холага икки қўллаб топширди. Анзират холанинг қўлига пул тушиши билан кўнгли эриб, Фариданинг юз-кўзидан ўпди, эртасига бозор чиқиб, унга арзон-гаров, жездан ипланган исирға сотиб олиб берди-ю, шу билан пулни адоқ қилгандай бўлди. Навбатдаги ойлигини олиб келиб берганда Турсун тоға Фаридадан сўради:

– Бутам, холангга олиб келиб берган пулинг адашмасам, ҳаққи ҳалол маошингни ўзгинаси, шундайми? Бундан бошқа ҳеч нарса бўлмадими?

– Йўқ, – деди Фарида.

– Мўминжон аканг индамдими?

– Индадилар.

– Хўш, ундай бўлса, нима деди?

– Ишлаган тишлайди, дедилар пулни бера туриб, буни ўзим ҳам биламан, у киши айтмасалар ҳам... дарсликда ўқиганман, имтиҳон ҳам топширганман-ку...

– Хўш, ундай бўлса, гап нимада?

– Гап унда эмас, тегирмонда, – деди кулиб Фарида.

– Хўш-хўш, бутам? – деб доғулилик қилди Турсун тоға.

Фариданинг аччиғи келди, дилидаги гап тилига чиқиб кетди:

– Мўминжон аканинг дарди бошқа... ишлаш эмас, тишлаш...

– Йуғ-е, бутам, сен Мўминжоннинг гапини тушунмаган бўлсанг керак... Савдо-сотикда шундай ҳам бўлиб туради... Тарозудан уриб қолинади. Бу гаплар айтишга арзимаيدди,

хамма жойда бор... мол эгасига ўн грамм деган, нима нарса, лекин тома-тома қўл бўлади, тушундингми? Вақти келиб, ана ўша қўлга биров чўмичини, биров челагини ботириб кўради... ҳамманинг нафси бир хил эмас, буни ўзинг яхши биласан...

– Турсун тоға, ҳаммаси тушунарли... Лекин...

– Хўш, яна лекин?...

– Мана, сиз билан Анзират холам тўрт юз граммдан нон оласизлар, борди-ю, ҳар иккингиздан эллик граммдан уриб олиб қолса, нима қилардингиз?

– Шу ҳам гап бўлдим, бўтам? Ўйлайсанки, бизнинг нонимизни ҳеч ким туя қилмаяпти? Қилганда, қандоқ! Борди-ю, сен тарозудан уддалаб уриб қолсанг, ора очиқ бўлади, холос. Сувники сувга, қатиқнинг пули қолди ёнга, деган гапни эшитганмисан?

– Тоға, мен буни эплотмайман, Мўминжон акага ҳам айтдим... Яхшиси, дўкондан бўшаб, заводгами, фабрикагами, бориб ишлайман...

– Жим, тилингни тий, зумраша! – деди Турсун тоға ўдағайлаб, – яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин дейди. Қайси нодон нонни қўйиб, темир-терсак ичига боради. Мабодо, сен шундай қиладиган бўлсанг, ноннинг уволи тутати. Билганингни қил! Йил-ўн икки ой ишлаб топганинг бир жуфт маҳсингга ҳам етмайди.

Ўша кундан бошлаб, Фарида дастурхонга келиб ўтирди дегунча, Анзират хола рўзгорнинг бор-йўғидан, бозорга ўт тушиб кетганидан, қозонни сувга ташлашдан бошқа илож қолмаганлигидан гап бошлайдиган бўлди...

Дўконда Фаридага муносабат ўзгарди, Мўминжон ака уни ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, дейдиган бўлиб қолди. Худо урганни пайғамбар ҳассаси билан туртиб ўтади, дегандек, бечора қиз ҳар қанча уринса ҳам, иши юришмади. Гоҳ нон

сотиш жойининг тартибсизлигида, гоҳ харидорларга секин хизмат қилишда уни айблайдиганлар топилиб турарди. Ўқишга энди жўнай деганда, Мўминжон ака бирдан ё дўконни тозалашни, ё нонларни тахлаб, тартибга солишни, ёки бўлар-бўлмас бирор мажлисни тайинлаб қўярди, Фарида икки ўтнинг орасида қолгандай гангирди. Бундай воқеа бир-икки марта бўлса кошкийди, тез-тез такрорланиб тургани учун бир неча марта дарсга қатнаша олмади. Ниҳоят, сўнгги бор дўкон мудири ишдан кейин ҳамманинг қолиши зарурлигини айтганда, Фарида унинг юзига тик қарашга мажбур бўлди:

– Ишдан кейин сени ҳеч ким ушламайди, деб айтган эдингиз-ку, энди қандоқ бўлди, ака мулло?!

– Шундай деган бўлсам, дегандирман, менга ҳам кўп гапни дейдиганлар бор, ваъда қиладиганлар анча-мунча, аммо-лекин наф йўқ. Сенинг ҳақингда ҳам, бу қиз жонингга ора киради, оғирингни енгил, узоғингни яқин қилади деб, айтганлар бўлган, шундай бўлиб чиқмади-ку?! Бир жойни банд қилиб турибсан, холос, айт-чи, сендан сариқ чақали фойда кўрдими?!

– Бой бойга боқар, сув сойга оқар, – деди Фотима опа кўлидаги супургисини ерга қўйганча, Фаридага қараб, Мўминжон ака ташқарига чиқиб кетар-кетмас, секингина. – Сен ким билан гаплашаётганингни, дардингни кимга айтаётганингни биласанми? Мўминжон ким?.. Бу киши бойвачча, бой, тагин қанақаси дегин?! Сен билан мен ким бўпман!

Фотима опа ўзи унча кекса бўлмаса ҳам, қаттол уруш йилларининг изтироби юзида из қолдирганлиги бевақт тушган ажинларда акс этарди. Фарида уни ҳар қанча ҳурмат қилган бўлса ҳам, ҳеч қачон ўз дардини айтмаган, юрак сирларини очмаган. Ҳозир ҳам нима қилишини билмай рўмол учини ўйнаб, бармоқлари билан ҳимариб, индамасдан турарди. Фотима опа эса ўзини тўхтата олмасдан:



– Ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайди. Сен бу балога бас келолмайсан...

– Тўғри, лекин Турсун тоғадан андиша қиламан, ҳар ҳолда...

– Андишанинг оти, бу ерда, қўрқоқ эмас, қўрқма! Ундан кўра эсинг борида, этагингни ёп! – деди-ю, Фотима опа эгнидаги ранги ўчиб, оқариб кетган халатининг чўнтагидан узун ипга бойланган калитни чиқариб унга узатди, – ма, буни ол, борар жойинг бўлмаса, менинг уйимнинг тўри сеники, ёлғизман, бирга тураверамиз...

– Қуллуқ, – деди-ю, Фарида калитни олиб, яна қайтариб, унинг чўнтагига солиб қўйди-да, ўзи-ўзига деди: – Ким билсин, шундай қилишга ҳам тўғри келиб қолар. Одам ўз тақдирида нима борлигини билмас экан...

Фарида эгнидаги халатни ечиб, анчагина уринган пальтосини кийди... Мўминжон ака ишдан кейин ҳамма қолиши мажбурий деб, айтган бўлса ҳам, у индамасдан отланиб, кўчага чиқди.

#### 4

Фарида бу гал ҳам лекцияга кечикди. Трамвайга чиқиш ўрнига анча йўлни пиёда босиб ўтди, йўл-йўлакай аллақандай хаёллар бошини чулғаб, унга тинчлик бермади: дам ғанимат, ҳадемай ўн саккизга киради, ҳали на ўқиш, на ишнинг тайини бор! Ўз тақдири ҳақида ўзидан бўлак ким ташвиш тортади-ю, ким ўйлайди?! Ҳеч ким!

Турсун тоғанинг оғзини қуруқ қошиқ йиртади, унга бир нарса олиб келиб берсанг, сен яхши, бўлмаса... Мўминжон ака ундан баттар!.. Нима қилиш керак?! Қишлоққа қайтиб борай деса, юзи чидамайди, ваҳоланки, ҳеч қандай айби йўқ. Шунга қарамай, билган у дейди, билмаган бу... Оғзига кучи етмаганлар: «Шаҳарга бориб ҳеч нарса буюлмади экансан,

индамай ўз уйингда ўтираверсанг, ўларминдиг», дейишдан ҳам тоймаслигини билганидан, ҳамма қийинчиликларга бардош бериб, ўз этини ўзи ерди. Дунё рутубати уни эзиб қўйганидан наздида ўзини кичкина тортиб қолгандай, ориқлаб кетгандай ҳис этарди. Яна хаёл айгоқчилари зўрлик қилиб, аллақаяқларга олиб қочдилар: бирдан кўз олдида Қуддус пайдо бўлди ва ўзи-ўзига «бу, Қуддус эмас, нега индамайди ёки мени танимай қолдими? Наҳотки, шунчалик ўзгариб кетган бўлсам!.. Эҳтимол, унутгандир, эҳтимол, бошқага кўнгиб бергандир...»

Бирдан кимнингдир забардаст қўли Фариданинг елкасидан маҳкам ушлаб, уни одам тўла трамвайга ўзини уриб олишидан асраб қолди.

– Яхши қиз, эҳтиёт бўлиш керак! – деган товушни эшитди у ва жон ҳолатда кўзини катта очиб қараса, рўпарасида қавима калта камзул кийган, сочлари пепонасига тушган, юзларини ўқ ялаб ўтганидан чандиқ-чандиқ бўлиб кетган бир киши турарди, тўсатдан қараганда одам чўчиб тушиши ҳеч гапмас! Фариди трамвайдан кўра, унинг ўзидан кўрқиб кетди. Кейин, қандай воқеа юз берганини англаб, ўзини тутиб олди.

– Кечирасиз, – деди энтикиб, – афв этинг, хаёлим қочибди. Раҳмат...

Фарида яна ўз йўлида давом этди. Лекин, бари бир хаёл денгизида ўзини ёлғиз сезарди. Институт коридорида кимдир уни кўриб, «Муродова яна кеч қолдингизми?» деганда нима дейишини билмагандай уялганидан дераза ёнига борди ва кимнидир кутгандай ташқарига кўз ташлади...

– Салом, Фарида, биз кеча бир пиёла чой устида учрашдик, сен келмадинг... Нима бўлди сенга, тинчликми? – деб, ҳол-аҳвол сўради Талъат – нигоҳида ўт чақнаган, оқ-кўнгиб, одамшаванда йигит.

– Тинчлик, – деди зўрға овози ичидан чиқар-чиқмас, – кечир, мени, кейинчалик айтиб бераман.

Талъат Фаридани ёлғиз қолдириб кетмоқчи бўлди-ю, яна бир боқиб, ўз фикридан қайтди.

— Сени бирор киши хафа қилдимми?

— Ҳечқиси йўқ, мени... мени холи қўйсанг, бас! Ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади,— деди-да, Талъатга кулимсираб қарамоқчи бўлди-ю, бирдан йиғлаб юборди, шунча уринса ҳам ўзини тўхтата олмади.

Талъат Фариданинг ёнидан кетарини ҳам, кетмасини ҳам билмади, бир нималарни баҳона қилиб ивирсиди. Шу орада кўнғироқ чалинди, синфдан бирин-сирин талабалар чиқа бошлади, Фаридани ўзини четга олди. Талъат кўз қирини ташлаб, уни кузатиб турди ва яна қайтиб Фариданинг ёнига борди.

— Фаридани, — деди гапни бошқа ёққа буриб, — ҳа, тунов кунни айтгандай, сен, ижроқўмга бордингми, Бекмирза акага учрашдингми-йўқми, деб, сўрайман дейману ҳар гал...

— Ҳа-да, бировнинг гами эрта кириб, кеч чиқади, Лекин, сендан миннатдорман, — деди ўзини бир оз тутиб олиб, — тоғангми, холаваччангми билмадим... Мен бундай кишиларни кам кўрганман десам, ёлғон бўлмайди, умуман, кўрмаганман...

— Аммамнинг ўғли, яхши одам, аммам ундан ҳам яхши... Мен-чи, мен бир ошиқи беқарорман, муҳаббат гадосиман, санъаткор, — деди кулиб.

Фариданинг эти жимирлаб кетди, худди бу сўзлар унинг шаънига айтилаётгандай... Айни пайт Зубайда пайдо бўлди. Улар синфдош, дугона бўлсалар ҳам, чала-ярим эшитилган гапдан кўнгли ғаш тортди:

— Нима қилиб, бир чеккада, хилватда турибсиз? Тинчликми?

— Тинчлик, — деди Талъат шошиб-пишиб, лаби-лабига тегмай. — Мен сени дарсдан кейин, олиб кетай деб, келган эдим. Фаридани кўриб қолдим.. Кўриб қолганда ҳам қандай? Сунгги дарс тугай-тугай деганда...

– Сен ўзинг?..

– Менми? Мен бугун ишдан эрта бўшадим, ўзинг биласан-ку, «Бир қизга уч ошиқ» асарида бир сўзни айтаман-кетаман...

– Тагин ҳам театр сени ушлаб туради-да, – деди кулиб Зубайда, – бир сўзинг учун ...

– Бир сўз нафақат мени, бир асарни ушлаб туради, – деди қатъият билан Талъат. – Сен ҳали санъат сирларини яхши билмайсан...

– Ҳа, майли, сен билган санъат сирларини билмасам, билмайман, лекин санъат сафсаталарини яхши биламан, – деди Зубайда энсаси қотиб, лабини буриб...

Фарида ўз хаёли билан банд... Кўкда сузиб юрган ярим ой гўё институт томига етиб қолганда ҳориб-толиб ёнбошлагандай. Зубайданинг кўнглида негадир рашк олови учқунлади, Талъатнинг Фарида билан бевақт учрашганидан...

– Дарсга кеч қолишга қолибсан, нима қилиб келдинг? Келишинг шартмиди?

– Шарт деб, ўйладим, юрагим ғаш тортди, сени кўргим келди, Зубайда. Фавқулодда Талъатни учратдим...

– Хўш, нима бўлди?

– Дўкондан кетдим...

– Шунга шунчаликми? У дўкон бўлмаса, бошқаси! Мана, Талъат бор-ку, ваъда қилган, – деди мийиғида кулиб...

– Раҳмат унга, ўз сўзининг устидан чиқди, аммо...

Фариданинг миннатдорчилик билан айтган сўзлари институт қоровули ўчира бошлаган чироқлардан қоронғи тортган ҳовли бурчагида папирос чекиб турган Талъатнинг оғиз танобини қочирган бўлса ҳам, Зубайданинг қалбидаги ўт яна аланга олди.

Улар хиёбон оралаб ўтганларида бояги институт томига ёнбошлаган ой, энди кўрпага киргандай, уйқута кетгандай...

Теварак-агроф жим-жит... Йўл-йўлакай суҳбат давом этарди.

– Мен ҳеч қачон Ижроқўм ёки шунга ўхшаш, – деди Зубайда доғулилик билан, – идораларда бўлмаганман, қалай, сенда қандай таассурот қолдирди. Фариди?

– Вой, нимасини айтасан: ипак гиламлар, қандил чироқлар, юмшоқ барқут курсилар, кирдимубирига ўтирган эдим, ботдим-кетдим. Нима бўлганини ўзим ҳам билмай қолдим, уялганимдан юз-кўзим терга ботди... Салобат босдим, билмадим, қўлимда турган дастрўмолимни тополмай қолдим... Бу ҳам, майли, Талъат боя айтгандай аммаваччасининг бўй-басти кичик, кўримсиз бўлса ҳам, кабинети ҳайҳотдай, бир оилага ҳовли бўлса, бўлгудай... Телефонларини айтмайсанми, етти-саккизта, қараб кўзим тинди, бизнинг бутун бир маҳаллада биттаси ҳам йўқ.

– Қизиқсан, – деб гапга аралашди Талъат, – сен кимсан, Фариди? Ҳаммаси бўлиб бир студентсан ёки сотувчи, Зубайда эса музей ходимаси, мен бир артистман, холос... Менинг қариндошим, кимсан, Гулмирзаев Бекмирза, область ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари...

– Демак, – деди Зубайда янада қизиқсинаб, – раиснинг кабинети сенинг аммаваччангникидан ҳам зўр экан-да!

Талъат деди:

– Унинг бир оғиз сўзи... Мана, Фариданинг иши ўнгидан келди-ку, яна нима дейсан?

– Ҳа, ўнгидан келишга келди, аммо менинг бош-оёғимга шундай ғайритабиий назар солдики, сузук кўзлари ич-ичимни тешиб ўтгудай бўлди, юрагим орқага тортди... Яхшиям, кимдандир телефон бўлиб қолди... Сўнг ўзи кимгадир телефон қоқди-да, трубкани илиб, менга жилмайди:

– Ойимқиз, ҳозир бу ердан чиқиб, «Книготорг»га борасиз, у ерда сизни, энди нон эмас, китоб дўкони кутиб турибди.

– Раҳмат, – дедим уялганимдан ерга қараб...

– Мен китоб деган нарсани яхши кўраман, – деди ўрнидан кўзғалиб, – сиз-чи?

– Мен ҳам...

– Молодец! – деди-да, ҳашаматли жавон сари юриб бориб, ундаги бир текис териб қўйилган катта-кичик китобларни кўрсатди. – Дарҳақиқат, китоб яхши нарса... Лекин, ўқишга вақт йўқ...

Мен ўтирган жойимдан туришга турдим қариндошинга яқин бориш ё бормаслигимни билмай гуё тош қотдим.

– Ойимча, – деди у ёқимтой овоз билан, китоблар ичидан бир китобчани олиб, муқоваси ортига ёзилган дастхатни ўқиди. – Мана, бу ўзимиздан чиққан, самарқандлик ёш шоир Вализода.

– Ҳақимзодани эсладим, Вализодани кўз олдимга келтиролмадим, ҳолбуки, қариндошинг ўзи менга яқинлашиб, нафаси нафасимга уриб турарди... ўйласам, гап на суратда, на китобда? Бундан баттари, кабинет зшигини очиб ёпаётганимда лаблари бўёққа беланган, қоши қора, сочи сариқ, ўрта ёшлардаги котибаси аллақандай совуқ кўз билан ўқрайиб қарадики, гуё ўз хўжайинини мендан қизгангандай...

– Бу гапларни қўявер, – деди Талъат лоқайдлик билан, – айбга буюрма, сен бир қишлоқ қизисан, шаҳарда нима гап, билмайсан, билмаганинг ҳам маъқул! Самарқанд шаҳри азим, бу ернинг ўз файзу фароғати, шунингдек, ўз касру касофати бор!...

– Ҳа, кеча институтга келолмаганлигимнинг сабаби шу, кун-узункун қариндошинг тайинлаган одамни кутиб, ниҳоят, учратдим: сўлақмондай киши экан, Мэлес Михайлович Муҳамедов... Кўриниши қўпол бўлса ҳам, тили ширин, ўзи эпчил... – Ака мулло, бир сўзингиз минг тилло, яна топшириқ бўлса, бажони дил! – деб телефон қоқди, балки сенинг аммаваччангадир, аниқ билмайман, сўнг трубкани жойига қўйиб, кадрлар бўлими мудирини чақирди ва унга буюрди:

– Фариди Муродовани, – мени кўрсатиб, – Бибихоним мадрасаси ёнбошидаги дуконга сотувчи қилиб ҳужжатларини расмийлаштиринг!

Зубайда дарҳол унинг сўзини бўлиб:

– Табриклайман, Фариди! – деди-ю, кучоқлаб, юз-кўздан ўпди, ўйламай-нетмай, беихтиёр Талъат ҳам шундай қилди. Лекин, унинг бу қилиғи на Зубайдага, на Фаридага ёқди. Улар шу алпозда суҳбатлашиб, Фариди яшайдиган ҳовли муюлишига яқинлашиб қолганликларини билмадилар.

– Кузатиб қўйганларинг учун раҳмат, – деди у, кўройдинда бир-бирларини кўрар-кўрмас, – хайр!

– Хайр, – деди Талъат.

– Яна нарироққа олиб бориб қўйсақ бўларди, – деди Зубайда Талъатга тегажаклик қилиб.

– Раҳмат! – деди-ю Фариди тез-тез одимлаб, кўздан ғойиб бўлди...

Талъат Зубайданинг елкасига қўйиб турган қўлини туширди-да, уни кучоқлаб, бағрига босди, юзларидан, томоқлари тагидан ўпди. Зубайда жон ҳолатда Талъатнинг бағридан чиқиб, унга ёвқараш қилди:

– Мен сенга Фариди эмасман! Адашма, мен Зубайдаман!

Талъат буни аввал бошида англолмади... Эркаланиш ёки ғамза билан айтилган одатдаги қичиқи сўз деб, тушунди. Аммо, у ўйлаганча бўлиб чиқмади. Гина-кудурат жанжалга айланди...

Улар Абрамов хиёбони бўйлаб, Шоҳизиндага етиб борганларида тонг отай-отай деб қолган эди, дакани хўрозлар қичқира бошлади. Фариди аллақачон ухлаган, балки бир уйқуни олиб, уйғонган бўлса ҳам, ажабмас...

Зубайда ҳамон тинчимас, алланималарни ўйлаб, алланималардан бағиз ахтариб, Талъатнинг дилини сиёх қилмагунча, наинки, мурод ҳосил бўлса?! Бу, унинг қон-жонига сингиб кетган. Талъат Зубайда билан неча йил, неча

ой яшабдики, ҳаминша шундай бўлган... Бу гал бошқача бўлиши мумкинми? Йўқ!

Обираҳмат ёқасига қурилган янги, кўп қаватли уйлардан бирининг аллақайси қаватидаги бир хонада чироқ бир ёниб, ўчди... Демак, Талъат билан Зубайда эсон-омон ўз манзилларига етиб бордилар, қолган гапни фақат ўзларию яккаю-ягона Оллоҳ билади, холос.

Бу воқеадан кейин уч кун ўтар-ўтмас Фарида яна уйга жуда кеч қайтди, уйқудагиларни безовта қилишдан кўрқиб, оёқ учида аста-секин юриб бориб, эшикни очди, бирдан ҳовли ўртасида қаққайиб турган Турсун тоға уни кўриб қолди.

— Мана келди адашган-улоққан қиз, — деди уйни бошига кўтариб, — ўзи ярим кечагача юргани-юрган, бошқаларни безовта қилгани нимаси?!

Фарида силласи қуриб, ўз жойида ҳайкал бўлиб қолди, нари-бери юришга ҳам ҳоли қолмади. Турсун тоға бўлса, тобора авжга чиқиб, шўрликни ҳақоратларди, беномусдан олиб, беномуста соларди, жон-жаҳди билан қичқирардики, ҳатто кўзининг шоҳсоққаси чиқиб кетгудай...

— Сенга биров одамгарчилик қилса, ёғлиқ жойга текиндан-текин, индамасдан ўрнаштириб қўйса... холбуки, ҳозир бир дўконнинг нархи фалон пул, имонсиз!.. Сен бўлсанг, нонкўрлик қилдинг, отни эшакка алмашган борми?! Мени ким деб, ўйладинг, уйда ўтирсам ҳам, кўчада нима гап, биламан... Китоб сотиб ким бой бўлган?! Уялмадингми, Мўминжон олдида юзимни ерга қаратгани?! Кўзи боқсанг, қозон-товоғинг мой этар, етим боқсанг, оғзи-бурнингни қон этар, дегани шу экан-да!

Яна жаҳл устида кўшиб қўйди:

— Ҳа, майли, арпа эккан арпа, буғдой эккан буғдой олади. Сен ҳали нон дўконнинг нони тугул тупроғига зор бўласан!.. Шу қилганингга мен ҳам кўрсатиб қўяй... Сенинг



ўрнингга Робияни олиб бораман, бир яйрасии. Шўрликнинг эри чўли маликда бир хўжайинни топиб олган... Кимсан? Фалончи! Ўша билан ошналигига махлиё бўлиб судралиб юргани-юрган, лекин ҳалигача ҳеч нарсаги бўлгани йўқ, хўжайини бир участка эмас, икки-уч участка қуриб олди...

Фарида индамади, ҳар қанча дард чекса ҳам, дардини ичига ютиб ўз хонасига кириб кетди, кўзи тиниб, боши айлангандай бўлди. Секингина бориб, каравотнинг бир чеккасига омонат ўтирди, озгина вақт ўтар-ўтмас ўрндан туриб, шкаф ёнига келди-да, бурнида калити турган эшигини очиб, кийим-кечакларини йиғиштира бошлади. Аммо Турсун тоғанинг товуши ҳамон ўчмасди, ҳовли ўртасидан энди айвоннинг олдига ўтиб яна вайсаб кетди:

– Ўз бошимга ўзим бало олиб келган эканман. Мен аҳмоқ бўлмасам, уйимнинг тўрини сенга берармидим, итвачча! Нонқўр!

Фарида чамадонини кўтариб, ҳовлига чиққанда, Турсун тоға айюҳаннос солиб, бутун оилани оёққа турғазган эди. Анзират хола алёрчига ёрчидай қарғишдан тилини тиймас, хулласи калом, бири олиб, бири қўярди. Турсун тоға ҳар гапда «берган тузимга розимасман, сен билмасанг, оллои каримнинг ўзи билар», деб унга дағдаға қиларди.

Ортиқ эса хижолат тортарди, нима қилишини билмасди...

– Кўйинг бундай гапларни, ойи, ўзингизни ҳам, Фаридани ҳам хафа қилманг. Унинг бошига тушган шўр иш ҳеч кимнинг бошига тушмасин! Яхшилиқ қилган бўлсангиз, қилгандирсиз, бизнинг уйда турган бўлса, тургандир...

– Овозингни ўчир манқа! — деб бақирди унга Турсун тоға, — насиҳат қилмаган энди сен қолувдинг!

Шу пайт Фарида чамадонини кўтарганча, ҳовлини кесиб ўтиб, дарвоза томон юрди. Буни кўрган Турсун тоға олдинига ҳангу манг бўлиб, турган жойида михлангандай қотиб қолди. Сўнг ҳушини йиғиб олиб, унинг кетидан дарвозага отилди.

– Ҳой, қоқбош! Қаёққа борасан? Ҳеч қаёққа! Қилар ишни қилиб қўйиб, секингина қочиб қутулмоқчимисан-а? Хомтама бўлма! Ҳисоб-китоб қилмай, ҳеч қаёққа қочолмайсан! Бу дунё ҳисоб-китобли дунё, сен нима деб ўйлаган эдинг? – деб Фариданинг қўлидан ушлади.

– Қўйиб юборинг, – деди шижоат билан қиз, – яхшилиқча сизлар ҳам қолинглар... ҳисоб-китобга келганда бир гап бўлар...

Анзират хола бу гапнинг маънисини дарров чақди шекилли, Ўғилхонга хабар етгудай бўлса, оқиб турган ариқнинг оғзи беркилиб қолмасин, деган ташвишда Турсун тоғанинг енгидан тортиб, деди:

– Қўйинг, муштдай қиз билан тенг бўлиб ўтирасизми, бунга айтган гапларингиз ҳайф! Билганини қилсин!

Фарида дарвозани очиб, кўчага чиқди. Орқасига қайрилиб қараса, ҳеч ким йўқ, фақат занжир товуши эшитилди.

– Яхши қолинг, Анзират хола, – деди у йиғламсираб, – мендан ўтган бўлса, кечиринг, кетмасдан иложим йўқ... Сизни раҳматли тоғамнинг садди пок арвоҳи қўлласин! Хайр!..

## 5

Ярим кечада Фарида ҳувиллаб ётган кўчада ёлғиз ўзи чамадонини кўтариб, бир қўли толиқса, иккинчисига олиб шаҳдам-шаҳдам қадам ташлаб борарди. Чироқлар ўчган, фақат мирзатеракларнинг барглари орасидан гоҳ-гоҳ мўралаб қўйган ой шуъласидан йўлга ғира-шира ёруғ тушиб турарди. Дарвоқе, кўчада Фаридадан бошқа ҳеч ким йўқ. Кундузги меҳнатдан кейин ҳамма уйқуда... Эҳтимол, Фариданинг кўнглига мана шу вазият – йўлда бирор кишини учратмаслиги, осойишталик, хатто чироқларнинг ёқиб қўйилмаганлиги маъқул келаётгандир. Ҳозир наздида, осмондаги ой ҳам унга ортиқча кўринарди. У

бир нарсага хурсанд эдики, инсон ўйлаш, хаёл суриш, умид ва орзу билан яшаш қобилиятига эга!.. Шундай бўлмаганда нима қиларди? Тўппа-тўғри кагга кўчани босиб ўтиб, мўълишга етиб борганда Фариди аллақандай бир шарпа сезди, худди ортидан биров қувлаб келаётгандай. жинкўчага қайрилиши билан бошига тош билан бир уриб, чамадонини қўлидан олиб қочиб кетадигандай туюлди. Кўнглига келган бу гаплар ҳақиқатдан унча узоқ эмас эди. Уруш тугаган бўлса ҳам, шаҳарда етишмовчилик кўп, қочқинди-қувғинди, безори ва ўғрилар етарли... Бундай бахтсиз ва хунук ҳодисалар тез-тез рўй бериб турарди. Фариди бирдан чўчиб тушди, орқасига қараса, тимқоронғида баланд бўйли бир кишининг гавдаси кўзига чалинди.

– Қимсан?! – Фариди бақириб юборди.

– Мен, – деди азбаройи тез юрганидан ҳаллослаб турган йигит, – қўрқма, мен, Ортиқман. Қаёққа бораяпсан, кузатиб қўяй, деб келдим.

– Қилган ишинг бор бўлсин, ўтакамни ёриб юбординг, – деди Фариди қўлидаги чамадонни йўлкага қўйиб, – ўзим етиб оламан, бораётган жойим унча узоқ эмас.

– Ҳар ҳолда, қиз бола ярим кечада уйдан чиқиб кетишинг яхши бўлмади. Турсун тоғанинг феълини биласан, ойим-чи? Негадир, ойим ҳам узукка кўз қўйгандай, иложинг қанча? – секин кулиб қўйди.

– Ҳечқиси йўқ, – деди Фариди. – Мен-ку, галвали уйдан чиқиб кетдим. Билмадим, сен нима қиласан, Ортиқ, сенга жуда қийин.

– Тўғри, ҳозирча иложим йўқ, ётоққа кўчиб ўтай десам, ойим кўз ёши қилиб қўймади, яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам, ўз онанг, онаизор экан, – деди Фариданинг чамадонини кўтариб, – юр, атайлаб сени кузатиб қўяй деб, чол-кампирга чап бериб, орқангдан қувдим. Қайси томонга юрамиз?

Фарида бир оз нафасини ростлагандан сўнг, у ёқ-бу ёғини тузатгандай бўлиб, қоқиб қўйди. бошидаги рўмолини қайта танғиб олди-да, Ортиққа мулойимлик билан:

– Чакки овора бўлибсан... Мана, етиб ҳам қолдик, жинкўчанинг бошидаги уй.

Йўлда кета туриб, Ортиқнинг кўнглига «бирорта такасалтанг Фаридани йўлдан урмадимикан, шунинг учун авзойи бузилиб, тўнини тескари қийиб олмадимикан», деган гаплар келди-ю, қандай қилиб буни сўрашни билмади. Фариданинг ақлу ҳушига ишюнгани туфайли бўлмағур сўроқ билан уни хафа қилишдан кўрқарди. Ортиқ шундай мулоҳазалар билан жинкўчанинг бошига етиб қолганда, Фарида унга:

– Раҳмат, бу ёғига ўзим бораман, – деб, қўлидан чамадонини олмоқчи бўлди-да, ишюра қилиб кўрсатди, – ана кўк эшик, ҳозирча шу ерда тураман.

– Ижарага олдингми? – эҳтиётлик билан ҳазиломуз сўради, – ундай бўлса, ҳовли тўйи қилайлик...

– Ортиқ, – деди Фарида чуқур нафас олиб, – сендан яширадиган сир йўқ, лекин ҳамма гап шу ерда қолсин...

Ортиқнинг юраги уриб, жони халқумига келди, ўйлаганлари тўғри чиқиб қолди, шекилли.

Фаридага сир бой бермасдан ўзини босиб, титроқ овоз билан:

– Гапиравер, ҳамма гап шу ерда қолади, бу кимнинг уйи?

– Бу уй, – деди Фарида, – мен дўконда ишлаганимда танишиб қолган бир кампирнинг уйи. Кечирасан, кампир дедим, унчалик эмас, ўрта ёшлардаги хотин. Баҳоли қудрат яшайди, уборшчиса..

Фариданинг майдалаб юборган тафсилотидан Ортиқнинг пружинадай буралиб турган асаби «уборшчиса» сўзини эшитганда бир оз ёзилди:

– Шунчалик гап экан, намуноча чўзмасанг, – деди Ортиқ шюшилиб ва қаҳ-қаҳ отиб кулди, – мен, бирорта сирли иш

бор эканми деб, ташвиш тортиб турган эдим, кампирдан қочиб, кампирга тутилибсан, пешонанг битта экан.

– Тисс... Ярим кеча эканини унутдингми, – деди Фарида хижолат-ла. – Мен бу ерга келиб турганимни, Мўминжон ака эшитса борми, Фотима опамнинг шўрига шўрва тўкилади... Ана, шунга эҳтиёт бўл, тилингни тий... Хайр, раҳмат... Мен кетдим...

Ортиқ Фарида билан шунча вақт бир ҳовлида туриб, бир дастурхондан нон еб, чой ичган бўлса ҳам, уни яхши билмаслигига иқроор бўлгандай... Ҳар қанча афсус қилса ҳам, фойда йўқ, Фариданинг авзойидан аенки, энди Турсун тоға остонасига қалам қўймайди. Наҳотки, у билан ажралиш умрбод бўлса?! Шундай хаёллар билан уйга қайтди, кўнгли ғаш эди. Бу ғашлик Фариданинг улар оиласидан чиқиб кетганлигиданми ёки ўзи азаллари сезмаган ҳис-туйғулар ғалаёнига кўника олмаётганиданми, англолмасди. Ортиқ умрида ҳеч кимни севмаган!.. Агар, баъзи бир китобларда ўқиган, фильмларда кўрган муҳаббат саргузаштларини бундан истисно қилганда, севги нималигини билмагани рост! Мана, энди унинг кўнглига чироқ ёқса, ёримайди. Бари Фарида туфайли, эҳтимол, у ҳеч қачон дуч келмаган биринчи муҳаббат мана шудир, ким билсин?

Фарида Фотима опанинг уйи остонасига келиб тўхтаганда кечаси соат бирларга яқинлашиб қолган эди, бирпас ўйланиб турди, эшик зулфини қоқишини ҳам, қоқмасини ҳам билмади, иккиланди... Хўрлиги келди. Ўзга чора йўқ эди, тақиллатди. Ичкарида ит вовиллади, сўнг оёқ товунни эшитилди.

– Ким? – деди қўрққандай кампир.

– Бу, мен, – деб жавоб берди Фарида, – бу, мен, Фотима опа.

– Ҳозир, жонгинам, ҳозир!..

Фотима опа эшикни очди-ю, Фариданинг қўлидаги чамадонини кўриб, ҳамма гапни савол-жавобсиз тушунди-қўйди.

– Вой, келақол, қоқиндиқ кетай! – Фарида билан кўришиб, буй-бошини силади. – Қани, уйга кирақол...

Фотима опа Фаридани бошлаб даҳлизга олиб кирди, ундан икки эшик — бири ўннга, иккинчиси чапга очиларди.

— Сизнинг уйингизга меҳмон бўлиб келдим, — деб кулимсиради Фарида, — бевақт келган меҳмон, балки Мўминжон акадан ёмон...

— Нега ундай дейсан, қизим, — деди Фотима опа шоша-пиша дастурхон ёза туриб, — жони-танзим, мен ёлғизга ҳамдард бўласан, холос.

— Овора бўлманг, — деди Фарида ҳазин овоз билан, — ҳозир ҳеч нарса ўтмайди...

Фотима опа чап томондаги эшикни очиб, Фаридани чим-чақир қилиб йиғиштириб қўйилган кичкинагина бир хонага олиб кирди.

— Мана, шу уй сеники, шу ерда турасан, — деди очиқ кўнгил билан Фотима опа, — ҳеч каёққа кетмайсан, тушундингми?

Фарида чамадонининг устига ўтириб, ўзига ўзини хўрлиги келди, ўзини нечоғлик тутай деса ҳам тутолмади. Хўнгири-хўнгири йиғлади.

— Майли, йиғи келган экан, йиғлайвер, кейин кўнглинг бўшаб, енгил тортасан, — деди-да, Фотима опа унинг елкасини силаб-сийпаб чиқиб кетди.

Фарида чамадон устида ўтирганча ёлғиз қолди, анча вақт нима қиларини билмай, боши қотди. сўнг ўзига бир оз келди, ўрнидан туриб, чамадонидagi уст-бошларини олиб, Фотима опа кўрсатган жавонга жойламоқчи бўлди... Чамадон қулфига калит солганда, филоф тагидан бир даста конверт тўкилди. Бу ўша Фариданинг бир вақт Қуддусга ёзган, лекин жўнатмаган мактублари эди... Кийим-кийимда, буюм-буюмда қолди-да, Фарида ўтган кунларни яна эслаб кетди. Яна болалик йиллари. ёшлик дамлари кўз олдидан ўтди. Ургут тоғ тизмалари, Ойнабўлоқ чапмаси, Минг чинор... Қуддус билан сой бўйидаги сўнгги учрашув, илк севги, ойдин кеча...



## ВАЙРОНАДАГИ ГУЛ



## ИККИНЧИ БОБ

### 1

Фариданинг иши бошидан ошиб кетди, янги магазинда эртаю кеч ўралашиб қолди. Энди унинг китобдан бўлак ҳамдарди йўқ. Ҳали варақларидан босмахона ҳиди кўтарилмаган янги асарларни аввало ўзи ўқиб, ёққанини, маъқул тушганини кўринарли жойларга териб қўярди, кези келганда дугонаси Зубайдага тавсия қиларди. Баъзан зерикканда бир вақтлар ўқиган китобини яна қўлга олиб, эринмасдан варақларди, кимнидир жумлалар орасидан излагандай бўларди. Аммо, бу магазин Фаридани учун янги кўчиб келган уйда кўринарди..

Магазиннинг мўъжазгина биноси савдо учун қулай жойда бўлганлигидан одам оёғи узилмас эди. Лекин, Фаридани салгина бўш қолдими, ҳаёлга чўмиб, дадасини эсларди. Ҳалок бўлганига ишонгани келмасди, «қорахат»ни юборишда адашилган деб, ўйларди. Айниқса, дадаси тенги кишиларни кўрганда юраги ичига тортарди, гўё у ўқлардан илма-тешик бўлиб кетган шинелини елкасига ташлаб, китоб дўконига кириб келаётгандай, ўз қизини танимасдан, ундан «Лайли ва Мажнун»ни топиб беришни илтимос қилаётгандай туюларди.

Фаридани беҳуда ҳаёллар қанотида олис-олисларга учиб кетганини пайқаганда узун киприклари кундай қулган юзига



соя соларди, кўз қорачигида порлаган учқунлар сўниб, алам ва изтиробнинг шудринг доналари бир мижжа қоқишга муштоқдай қалқиб турарди.

Фариданинг ёлғиз ўзи қолганда бир дард унинг жон-жонидан ўтарди, шунчалар кенг ва бепоён дунёга, наҳотки, муштдай боши сизмас?! У ўзи ўқиган асар қахрамонлари билан баҳслашгандай бўларди, яна бўлмағур ўйларга берилиб кетарди, ўксинарди. Ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам аллақандай сирли овоз эшитилаётгандай туюларди. Баъзан китоб устига мукка тушиб, ўтирган жойида кўзи уйқуга чалинарди. Баъзан танҳоликдан қулоқ-бурни шипирилгандай «дик» этиб ўрнидан турарди, шовқин-суронли, жанжалдан боши чиқмаган нон дўконини қумсаб қолган пайтлари ҳам бўларди.

Ана шундай кайфиятга берилганида кўкқисдан магазинни ҳоли қолдириб, худди биров чақиргандай катта кўчага отилиб чиқарди-да, тўйиб-тўйиб нафас олгач, бир оз ҳовридан тушарди. Кузак шабадаси тегажаклик билан унинг эгнидаги кўкракбурма товар кўйлагини гоҳо тортқиларди, гоҳо баданига ёпиштирилгандай сириб кўярди. Ўшандай пайтларда Фариданинг сарвиқомати янада кўзга яққол таппаниб, ошиқ юракларни қинидан чиқаргудай бўларди. Серқатнов кўчада баъзан одам сийракланиб қоларди, ҳар ким ўз иши, ўз ташвиши билан ниҳоятда банд бўлганлиги туфайли ортига қайрилиб қарамасди, ён-верига парво қилмасдан иошилиб, тез-тез одимлаб ўтиб кетаверарди. Фариди эса магазин ёнбошидан шилдираб оқаётган ариқ лабига келиб ўтириб, ўткинчиларни ер остидан кузатаркан, чирт этиб узилиб, сувга учиб тушган барг унинг хаёлини олиб қочди-ю, тутқич бермади. Фариди алдамчи хаёл қармоғига илпинишдан чўчиб, сувдан кўзини олганда, рўпарасида эгнидаги калта ағдарма чарм камзули анча эскирган бўлса ҳам, ўзига ярашган, ўнг елкасига чорбурчак ёғоч яшиқчани осиб олган, бошига аллақандай ҳаворанг қалпоқ кийиб, кўзларини чақчайтириб турган чўққисоқолли бир йигитни кўрди.

Лаби устидаги кўнғизнусха мўйлови эса худди кўмирдан ясаб, ёпиштириб қўйгандай... Фаридани унга ҳайрат билан қаради, ҳамон серташвиш ва бесаранжом кўринган бу йигит кўзларини жавдиратиб, ундан:

– Адашмасам, шу орада бўёқ сотадиган магазин бор дейишганди менга... – деб сўради ва деворга қоқиб қўйилган вивескага кўзи тушиб қолди шекилли, ўқий бошлади.

– Адашмаганингиз рост, мана шу магазиннинг ўзгинаси, – деди Фаридани хушмуомалалик билан, – бемалол кираверинг.

Фаридани ҳали магазин ичига кирганича йўқ эди ҳам, бояги харидор узоқ йўл юриб, толиқиб келган кишидай ҳеч қандай илтифот кутиб турмасдан, пастаккина дераза кесакисига бориб ўтирди.

– Бу ерда чекиш мумкин бўлмаса керак-а? – деб сўради чармдан нозиккина қилиб, гул солиб тикилган тамаки халтачани бир қўлида ўйнатиб...

– Ҳа, шундай, бахтга қарши, чекиш мумкинмас! – деди кулимсираб Фаридани, – сиз қайси мактабдансиз?

– Қайси мактабдан деб, сўрадингизми? – деди қонларини чимириб, истеҳзо билан. – Тошкентданман... Самарқандга расм чизиш учун келганман. Бир бало бўлди-ю, поездда бўёқларим сочилиб кетди. Тўрва, қоп кўтарган йўловчилар оёқости қилиб юборишти... – Яна кулиб, қўшиб қўйди, – қассобга мой қайғуси, эчкига жон...

Фариданинг бу ҳангомадан оғзи очилди.

– Афсуски, дардингизга даво топиб беролмайман, – деди жилмайиб туриб Фаридани, – биз бўёқларни мактабларга тақсимлаймиз. Ҳозир бўёқ ҳам қулоғингизга ўлчаб берилади, чунки таги оз...

– Яхши қиз, – деди ялиниб-ёлвориб йигит, – бир йўлини топмасангиз бўлмайди, ҳолимга сиз эмас, маймун йиғлайди... раҳмингиз келсин, рассом кишига.

– Сиз рассоммисиз, – деб ҳайрат билан сўради, – сизнинг ўзингиз-а?

– Ҳа, мен рассомман, Самарқанд – диплом ишим... бўёқсиз нима қиламан?!

Фарида кўзларини катта очиб йигитнинг бошидан-оёғигача назар солди, чунки рассомлар ҳақида унча-мунча гап эшитган бўлса ҳам умрида ўзини биринчи марта кўриб турарди.

– Сиз чинданам рассоммисиз? – деб яна қайта сўради.

– Тавба, ишонмайсиз шекилли? – деди-да, ўтирган жойидан «дик» этиб туриб, Фариданинг олдига югуриб борди ва яшик тасмаларини елкасидан тушириб, уни авайлаб очди. Бир қулоч қатирмага Бибихоним мадрасасининг андозаси чизилган бўлиб, ҳали рангсиз, бўёқсиз, хомаки бу тасвир ғариб кўринарди.

– Бу томонга қараманг, – деди қатирма устини қоғоз билан беркитиб туриб, – рассомлигимга ишонмай қоласиз. Яхшиси, сиз нариги томонга назар ташланг...

Фариданинг қўлига у чорбурчак қилиб қирқилган бир неча қалин қоғозни узатди. Уларга қалам ёки қуруқ бўёқ билан турли расмлар чизилган эди. Фариданинг нигоҳи кузги хиебонга тушди, сўнг икки ёни теракзор йўлга... Ундан кейин сойликни ва аллақайси тоғдаги тик жарликни кўрди, пастда – жилға бўйидаги тош устида иккита одам ўтирарди, уларнинг юзлари кўринмас, фақат офтобдан қорайган елкалари, бир-бирига тегиб турган бошлари кўзга чалинарди. Уларнинг рўпарасида тоғдан шалола тошени тошга уриб, буралиб, кўпик сочиб оқиб тушарди.

Фарида расмга термилганча қотиб қолди.

– Қалай, маъкулми? – деб сўради рассом йигит.

– Менга ёқди. Лекин қандай ном қўйдингиз бу расмга, билса бўладими?

– “Биринчи муҳаббат”.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, жуда яхши!

– Мақтаб юбордингиз, унчалик эмас! Бу шунчаки, бир ҳавас... – деди-да, қўлини бир силтаб қўйди, лекин мақтовдан ҳаяжонланганлиги, фахрланганлиги унинг авзойидан, юзига шафақдай югурган қизиқликдан сезиларди. Расмни қизнинг қўлидан олиб, диққат-эътибор билан унга олишдан нигоҳ ташлади ва ўзини тўхтата олмасдан деди: – Балки, мулоҳазаларингиз тўғридир. Бу расм бошқалардан кўра, ҳар ҳолда, дурустроқ. Лекин, бу асар туфайли танқиднинг тагида қолганман, кўзимни очирмасдан мен шўрликни тоза савалашган. Қизиғи шундаки, ўзим ҳам лақма эканман, ноҳақ гапни тан олиб, қабул қилибман... Бу, ўтмиш, албатта... Раҳмат сизга, диққат-эътиборингиз учун!..

– Бу асарнинг нимасини танқид қилишадилар?

– Нимасини дедингизми? – расм аламини ичига ютиб, расмни яшиққа солди-да, давом этди: – Сиз умрингизда ҳеч бўлмаса, бир бор тасвирий санъат асарлари муҳокамасида, ижодий мунозараларда қатнашганмисиз?

– Йўқ! Сира бўлмаганман.

– Демак, кўп гаплардан беҳабар экансиз... Агар, бирор муҳокамада қатнашган бўлсангиз, бу асарда воқеликни қамраб олган кўлам йўқлигини эшитган бўлардингиз. Яъни танқидчининг фикрича, расм тор доирадаги севги изтиробларидан нарига ўтолмаган ва ҳоказо.

– Наҳотки, севгининг яхши-ёмони бўлса? Классикларнинг ўлмас асарлари севги туфайли яралганлиги қулоғимга чалинган, ўзим ҳам ўқиб билганман.

– Тушунтиролмадим шекилли. Севгига қарши киши йўқ. Ҳатто, муҳаббат ўтида куйиб-ёнишни ҳам тавсия қиладилар, аммо қурилиш, иншоот, завод-фабрикалар фониде акс этиши, ҳеч бўлмаганда, бепоён пахта далаларининг этаклари кўриниб туриши шарт эмиш...

– Ҳазиллашяпсизми, – деди кулгидан ўзини тутолмай Фарида.

– Мен, эҳтимол, ҳазиллашаётгандирман, танқидчи буни жиддий айтади, ана шуниси қизиқ? – деди у яшиқни беркитатуриб.

– Хўш, сизнинг бу ерда чизадигаи расмингиз қайси иншоот фониди бўлади, билиш мумкинми?

– Мумкин. Бир туркум расмлар мўлжалимда бор. Булардан, айниқса, биттаси қалбимга тинчлик бермайди, қитиқлагани-қитиқлаган... Ростини айтсам, бу расмни ўнгимда ҳам, тушимда ҳам кўраман. Самарқандга келишимнинг боиси ҳам шу... Ҳаммасидан қизиғи шуки, мен сизга бутун бир лекция ўқидиму ҳали бўёқдан дарак йўқ, толиб берасизми-йўқми, бу ҳали гумон?!

– Расмиятчилик бўлса ҳам, айтмай иложим йўқ. Гапнинг қисқаси, ўзингиз ишлаб турган ташкилотдан ҳеч бўлмаганда бир парча хат-ҳужжат керак...

– Битта тугул, юзта қоғоз олиб келиб бераман, лекин ганимат дамлар ўтиб кетиши мумкин. Шу орада ҳаво айниб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Айниқса, кўзим тагига олган образни сиз айтган қоғоз келгунча йўқотиб қўйсам, кейин уни қайдан топаман, яхши қиз?

– Ҳамма гап тушунарли, – деди икки юзига қизил югуриб Фарида. – Ҳозир бўёқни олаверасиз, хат келганда уни менга...

– Кўнглиз тўқ бўлсин! – деди ишонч билан йигит, – қандай қоғоз керак бўлса, «есть» қиламиз. Союзданми, институтданми бари бир...

Фарида магазиндаги бўёқларнинг барини олиб чиқиб стол устига қўйди, рассом йигит улардан бир нечтасини танлаб олди.

– Саломат бўлинг, – деди йигит ўзида йўқ қувониб, – бир соҳиби мўйқаламни фалокатдан қутқардингиз, ишимнинг

ўнгидан келгани шу! Бу яхшиликларингизни, билмадим, қандай оқлайман? Тошкентга қайтганимда, нима юборсам, маъқул бўлади?

– Ҳеч нарса! Асло! – деди хижолат тортиб, – ажойиб расмларингизни кўриб, қувонсак, бас!

– Қулдан келганча, – дея яшиқ тасмасини елкасига ишиб, бошидаги қалпоғини қўли билан тузатиб қўйди. – Ҳали шу орада бўламан, насиб қилса, яна кўришамиз. Мабодо кичкинагина ижодий муваффақият учқунласа сиздан нур олиб, «йилт» этган бўлади, – деб Фаридага яна бир марта қуллук қилгандай жилмайди.

– Одамга одам суюнчиқ, – деди Фарида камтарлик билан. – Мен сизга яхшилик қилган бўлсам, хўш, нима... арзимайдими? Миннагдорчилик ҳаддан ошса, хижолат чекаман.

– Йўғ-ей, авваламбор айтилган ташаққур чин кўнгилдан, иккиламчи, яхшиликнинг катта-кичиги. ози-кўпи бўлмайди. Хайр, омон бўлинг, – деди кетатуриб, – ҳали расм битганда, эҳтимол, ижодий баҳолаш ўзингизга ҳавола бўлар... Чунки, бўёғингизни оқладимми – йўқми?

Фарида индамади. Йигит кетай деса ҳам кетолмасдан алланималарни баҳона қилиб ортига қайтди, ўралашди ва ниҳоят, деди:

– Борди-ю, бирор нарса эсимдан чиққан бўлса, эртага яна келишим мумкин. Сиз ҳар куни бўласизми?

– Ҳар куни кеч соат бешгача, сўнг институтга...

– Кечкурун ўқийсизми?

– Ҳа, кечки пединститутда.

Йигит қизнинг кўзларига фавқулодда жиддий ва маъноли боқди, анча вақтгача нигоҳини узмасдан, алақандай сирни Фариданинг юзларида кашф этгандай термилди.

– Менга қаранг, яхши қиз, – деди. бирдан едига муҳим бир гап тушди-ю, уни айтмаса бўлмайдигандай, – гўзаллик

қуши сизнинг бошингизга қўнганини, негадир, кеч пайқадим... Узр!

Фарида бундай шоирона сўзларни китобларда ўқиган бўлса, ўқигандир, умрида ўз қулоғи билан биринчи бор эшитиши. Шунинг учун ҳам нима дейишини билмай гангиди, индамай қўя қолай деса, бўлмади, тилига келганини қайтармади:

– Ҳамма қизларга ҳам шундай десангиз керак? Мен сиз айтганлардан эмасман! – жаҳли чиқиб, юзини бурди.

Йигит: “Қоронғи уйга тош отиб, керакли нарсани синдириб қўйдимми?” деган ташвишда Фариданинг қўнглини овлашга уринди.

– Бекорга хафа бўляпсиз, нима деган бўлсам, чин юракдан дедим, ҳаммаси тўғри. Бунда на муболага, на киноя бор! Мен айтмоқчи бўлган гап бундай: баъзи одамлар бор, бир қараганда кўнгил “жаз” этмайди, аммо қараган сайинг, унинг юзида илиқ-иссиқлик сезасан, худди уфқ тагидан кўтарилаётган офтобга ўхшайди, тобора кўзга ёрқин ташланади ёки бошқача қилиб айтганда, ажойиб шоҳасарнинг ўзгинаси – ўқий бошладингми, ташлаб кетолмайсан, ўқиган сайин, яна ўқигинг келади..

Фарида йигитнинг сўзларига аввалига энсаси қотиб, эшитгиси келмасдан безътибор қараган бўлса, кейинчалик беихтиёр берилиб тинглади, ўзининг шошилиб айтиб қўйган жавобидан афсуслангандай ҳис этди-ю, сир бой бермади. Йигит эса англашилмовчилик рутубатини кўнгилдан чиқариб юборишга интилди.

– Мен, – деди сўзида давом этиб рассом, – бу гапларни бир мутахассис, санъаткор тарзида айтаётибман... Ўзингизга маълумки, врачга бемор мурожаат қилганда унинг дўстими ё душманими? Фарқсиз! Бари бир, касал... Худди шунингдек, рассом учун ҳам чиройлими, хунукми фарқи йўқ... Одам

бўлса, бас! Нечоғлиқ унинг сиймосида одамийлик барқ урса, шунчалик у гўзал, шунчалик у дилбар!..

Фарида хаёлот денгизига ботган бошини аста кўтариб, қайрилма қошларини чимириб, унга ғамза билан “тушундим”, дегандай назар ташласа ҳам, бари бир, йигит кўнгли тўлмай, ўз сўзида давом этаверди:

– Хулласи калом шуки, хўп, десангиз, мен сизнинг расмингизни чизиш ниятидаман. Уддалай оламанми, йўқми, билмадим? Улдасидан чиқсам, унда ўз сиймоингизни ўзингиз кўрасиз, бошқаларга ўхшайсизми, йўқми? Ҳар кун ўзингизни ойнада кўрганингиз учун, эҳтимол, адашасиз! Сизнинг кўрганингиз, афсуски, асли эмас, кўчирма нусхадан нарига ўтмайдиган бир гап!

Фарида жуда ноқулай аҳволда қолди. Бундай пайтларда нима дейиш кераклигини билмагани учун ич-ичидан ўзини койиди, гоҳ қизариб, гоҳ оқарди. Йигит бўлса, авжга чиқиб, билганини аямади, ҳаммасини айтди. Рембрант ва Рублевдан тортиб, Репин ва Суриков, ҳатто Ван Гог ва Бехзодгача тўхталди, уларнинг буюк санъатини кўкларга кўтарди ва ҳоказо... Бирдан магазинда харидорларнинг кўпайишиб қолганини пайқаб, Фариданинг қўлини тутганидан хижолат тортиди.

– Кечирасиз, эзмалик қилдим. Хафа бўлмасангиз, бас! Келишдик, сизнинг портретингизни чизаман, шундайми?

– Майли, – деди Фарида аллақандай кутилмаган суҳбатдан қутулганига шукур қилиб...

Харидорларни интизор этганлигидан кўнгли азият чекди, бунинг устига вақт сарф қилиб, жон қулоғи билан эшитган серҳашам сўзларига ишонмасди... Уч-тўрт кун ўтди, кейинчалик бир ҳафта ўтди, бари бир, бу ажойиб учрашув Фариданинг хаёлидан нари кетмади, таажжуб! У тунов кун ўзини танитган йигитни яна бир кўриш учун магазин



эшигидан кўз узмади. Институт йўлида аланглаб юрди, Бибихоним вайронаси олдидан ўтди, лекин ҳеч қаерда уни учратмади.

Фариданинг рассом йигитни қайта кўриш умиди пучга чиқди. Аммо, у кўча-кўйда шовқин-сурон тиниб, кундузги ташвишлардан холи бўлган кечалари иссиқ ўринда ётиб хаёл сураётган экан, кўзларига уйқу аралаш кўк қалпоқ кийган, баландпарвоз гаплардан ўзини тўхтатолмай турган йигит кўринарди. Фарида хаёлотнинг бундай қалтис ҳазилидан қутулиш учун ҳар қанча урингани билан, бари бир, шу аллоҳда мижжа қоқмай тонг оттирган кечалари ҳам бўлди.

Вақт ўтган сайин у аста-секин хотирадан ўчаборди. Энди, фақат Фарида дераза кесакиларини ювиб тозалаган кезлари рассом йигитнинг ўзича кулимсираб, шу жойда ўтиргани кўз олдидан ўтарди, холос.

## 2

Бир кун тўсатдан ўша йигит яна пайдо бўлди. Иш соати тугай деб турганда эшик очилди-ю, магазинга ҳовлиққанча кириб келди ва Фаридага кеккайиброқ қаради. Ҳамон унинг эгнида ўша уринган, қирилиб-сирилиб кетган калта, ағдарма чарм камзул ва бошида ҳаворанг қалпоқ бўлиб, фақатгина елкасидаги тасмали тўрт бурчак яшик йўқ эди. Икки қўли чўнтақларида...

– Салом, – деб қичқирди аллақандай тантановар овоз билан, – эсингиздан чиқиб кетмадикми?

– Йўқ, ёдимда борсиз, – деди зўрға Фарида, фавқулодда учрашувдан томоғи қирилиб, – фақат сизни кетиб қолгансиз деб, ўйлагандим.

– Ҳали шу ердан, ҳеч қаёққа кетганим йўқ, – деди дўнғиллаб, тиши оғриган кишидай ва аста-секин бориб дераза

кесақисига ўтирмоқчи бўлди, негадир, иккиланди, ўтирмасдан ойна олдида тўхтаб, ташқарига кўз югуртирди.

— Сиз бугун институтга борасизми? — деб сўради орқасини утириб турганича.

— Ҳа, — деди Фариди, — бораман.

— Сизни кузатиб қўйсам, майлими? — деди дудуғланиб, тилига тирсақ чиққандай....

— Раҳмат, илтифотингиз учун.... ҳожати йўқ...

— Нега, ундай дейсиз... балки...

— Бояги... — деди-ю, жим қолди.

Рассом йигит Фаридага яқин юриб борди ва зимдан унинг кўзларини кўзлари билан илиб олди-да, мулойимлик билан деди:

— Яхши қиз, кўнглингизга ҳеч қандай ёмон гап келмасин. Мабодо, келган бўлса, дарров чиқариб юборинг. Кузатиб қўйишдан мақсад, йўл-йўлақай гаплашиш, бошқа ҳеч нарса эмас...

— Кечирасиз, менинг кўнглимга ҳеч қандай на яхши, на ёмон гап келгани йўқ, келмайди ҳам... Хўш, кўрганлар нима дейди, уларнинг кўнглига ҳам ҳеч қандай гап келмасмикан?..

— Асло! — деди-ю, Фариданинг кўзларини ўзига ром этди, — хотиржам бўлаверинг, яхши қиз.

Кўнгил кўзнинг тагида. Дарвоқе, йигитнинг жозибали нигоҳидан қалби аввал қандай тепганини Фариданинг ўзи ҳам сезмади. Лекин, терс жавоб беришга тили бормас, дилозорликдан қўрқар эди. Шунинг учун бўлса керак, бир оз иккиланиб турди-да, ниҳоят, ҳис-туйғулар тугёнига таслим бўлиб, беихтиёр:

— Ҳозир дўконни кулфлаб, чиқаман... — деди.

— Жуда яхши. Мен кўчада кутаман.

Йигит магазиндан кўчага аллақандай ўлжа олиб чиққандай, ич-ичидан қувонди, таранг тортилган асаблари

бир оз бўшашди, ён чўнтагидан папирос олиб, лабига тутди ва гугурт чақди.

Фарида магазинни йиғиштириб, дераза пардаларини туширди-да, чиқиб кетатуриб бир нарса ёдидан кўтарилгандай ортига қайтди. Бир вақт шкаф тортмасидан кичкина ойнани олиб унга қаради, сочларини қўли билан тузатгандай бўлди, бошидаги рўмолини ечиб, қайтадан ўради, сўнг эшикни қулфлаб кўчага чиқди. Йигит муюлишда папирос тутатганича, уни кутиб турарди. Фарида келиши билан йигит оғзидаги бурқийтган тамакини қўлидаги гугурт қутичага эзгилаб, ерга ташлади.

– Ҳўш, тинчликми? – деб сўради Фарида, – ноқуш кўринасиз?

– Сиз сўраманг, мен айтмай... – энтикиб, чуқур нафас олди, – ўн кундан бери асарнинг умум талқини устида бош қотираман, лекин ҳеч нарса чиқмайди!

– Адашмасам, сиз менга ишлайдиган расмимни кўриб турибман, у кўз ўнгимда, деган эдингиз, текилли?

– Ҳа, шундай! Дарҳақиқат, кўз олдимда яққол турарди. Аммо, енг шимариб бўёқларга қўл уришим билан, нима бўлди-ю, бирдан уни йўқотиб қўйдим, хаёлларим пучга чиқди, боши берк кўчага кириб қолдим.

Йигитнинг пешонаси тиришди, яна папирос тутатди.

– Берган бўёқларингиз увол кетди. Мен сўтак...

– Менимча, беҳуда хафа бўлаётибсиз, – деди, унга эътироз билдириб, – сиз чизган расмни кўрганман, менга ёқади.

– Сиз, киши кўнглини кўтаришга жуда устасиз. Бундай фазилатингизни биринчи учрашгандаёқ пайқаганман. Ўшанда ҳам мени ноқулай аҳволдан қутқариб қолгансиз. Эсимда, яна ҳузурингизга келганимнинг боисини англаган бўлсангиз керак. Бу гал кўнгил кўтаришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Сиз кўрган расм ҳали хомаки, илк чизиклар эди, холос...

Чинакам асарни, қалбим тубида тугён ураётган ҳис-туйғулар шалоласини ранго-ранг бўёқларда яратишим керак эди, афсуски...

– Дарров қўлни ювиб, қўлтиққа уриш яхши эмас, ўйлайманки, ҳозирча хазина калитини топмаган бўлсангиз, эрта-индин топасиз, ҳар ишнинг вақт-соати бор...

– Вақти соати бор, дейсиз, яхши! Икки ҳафтадан бери уринаман, ҳеч нарсадан дарак йўқ...

### 3

Қош қорайди. Кўча-кўй ва хонадонларда чироқлар ёнди. Рўпарадаги уч қаватли катта бинонинг деразаларидан шуълалар таралди.

– Дарров етиб ҳам келдикми? – деб афсуслангандай сўради рассом йигит.

– Ҳа, – деб, оёқ олишини секинлатди Фарида. Улар, энди, ўз босган қадамларини санаётганга ўхшардилар.

– Бутун институтга бормаи қўя қолсангиз нима қилади?

– Ҳеч нарса бўлмайди, бир-икки лекциядан қуруқ қоламан, холос. Ҳали, имтиҳон деган гап ҳам бор, ҳўш, ўшанда...

– Қарс икки қўлдан чиқали, – деб кулди рассом, – сиз менга ҳозирги имтиҳондан ўтишга ёрдам берсангиз, мен ҳам кези келганда қараб турмасман, ҳеч бўлмаганда тушган саволларга жавобни қоғозга ёзиб узатаман.

– Ҳали бундай хунарим ҳам бор, денг...

– Ҳа, бўлмасам-чи, – деб жилмайди йигит.

Фарида йигитнинг ҳазилнамо гапларидан офтобда қолган ҳолвадай эриди. Чунки, кўнгли тортган кишига муҳтож эди. Шунинг учун олдинига тортинса ҳам, кейин ўз шахтидан қайтиб, розилик берди.

- Ростини айтсам, бугун лекциядан безор бўлиб турибман. Йигит хурсандлигидан чалак чалиб юборди.
- Бу қилган ишингиз учун ўпиб қўярдим, аммо...
- Ҳалдингиздан ошманг, – деб бирдан хафа бўлиб, юзини бурди Фариди. – Мен сиз айтган қизлардан эмасман.
- Ҳазил, шунга ҳам дарров жаҳлингиз чиқдими?
- Ҳазилнинг ҳам эви бор! Иккинчи марта шундай қилсангиз, кетаман-қоламан.
- Тавба қилдик, яхши қиз, – деди кулимсираб, – мен ҳам сиз ўйлаган йигитлардан эмасман. Ранжимасангиз, бас! Ҳаммасидан қизиғи шуки, ҳалигача отингизни билмайман. Бу, инсофдан эмас, яхши одамлар мана бунга хафа бўлса, арзийди.
- Фариди.
- Йигит бошини чайқаб маъқуллади.
- Ҳа, тўғри, шундай бўлиши керак...
- Нега?
- Билмадим, негадир, шундай бўлса керак, деб ўзимча, ҳеч бўлмаганда шунга ўхшаш, шунга яқин исмни ўйлардим. Одамнинг юзига қараб, отини ҳам айтиш мумкин, билмайсизми?
- Йўқ, ҳеч қачон буни ўйламаганман.
- Қани бир ўйланг-чи, менинг исмим нима, топа олармикансиз?
- Фариди бир неча дақиқа сукутга кетиб, тек қолди, унинг юзларидан кўз узмади, тикилди, охири «пиқ» этиб кулди:
- Билолмадим.
- Мабодо отимни сиздан сўраб қўйишганда нима дердингиз?
- Ким билсин, бирдан айтиш қийин!
- Борди-ю, айтиш шарт бўлиб қолса...
- Билмадим... эҳтимол, Қуддус...

– Мана, кўрдингизми, сал қолди топишингизга, менинг исмим Феруз.

Ҳар иккиси ҳам кулди.

– Мен хурсандман, – деди Феруз бир қўлида гугурт қутичани ўйнаб. – Мана, сизнинг юзингизда табассум кўриб турибман.

– Мен ҳам... Агар ижодий ишларингиз юришиб кетса, бундан ҳам...

– Балки, юришиб ҳам кетар, ким билсин, лекин мен ҳозир бу ташвишни унутдим, ёлғиз эмасман. Ўйлайманки, ҳали меҳмонхонага қайтгач, хомаки ишлаган нусхамни стол устига қўйиб, яна бир марта кўраман. Эҳтимол, муваффақиятсизлик сирини ўзим топарман: нима етишмайди, нега жонли чиқмаган, балки ҳаммаси маълум бўлар.

– Иложи бўлса айтиб беринг, мен ҳам тасвирий санъатни болаликдан севаман...

– Гап билан тушунтириш қийин, лекин уриниб кўраман.

– Нега бунчалик қийин?

– Чунки, қалб тубида қандайдир бир сеҳр кўзга чалинади. Ҳали, мен уни на бўёқларда, на чизиқларда, ҳатто сўз билан ҳам тасвирлай олмайман. Аммо, аллақандай юрак кўзи билан кўраман, гўзаллигига ишонаман. Мана, шу ишонч мени машаққатли меҳнатга чорлайди, руҳлантиради. Охири мўйқалам, изтироб ва қийналиш туфайли қалб тубидаги сиймони бошқалар ҳам кўришга мушарраф бўлади. Бу осон иш эмас! Мен буни айтиб бермоқчи бўлсам, удалай олмайман. Ҳа, қанча уринсам ҳам, ажойиб сўзлар териб, ўхшатиш ёки муболағалардан фойдаланиб, тасвирласам ҳам, бари бир, қўнгил тўлмайди. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ бир нарсадай кўринади... Шунинг учун сўйлашга журъат этмайман. Қалб тубида ётган, пок-покиза, тиниқ сақланган бир нарса, қарасангиз, ўз гўзаллигидан бебаҳра бўлгандай нурсиз кўринади...

– Кечирасиз, ундай бўлса, гапирманг.

– Сабр қилинг, баъзан бошқача ҳам бўлади. Бир асар устида ишлаб, унинг жорагига йўл топмасдан турганингда, бирор киши билан шу ҳақда фикр алмашсанг, сен излаган йўл яққол кўринади-қолади. Аллақандай сўз, бир саъй-ҳаракат билан ҳамма нарса ёришиб, жой-жойига тушади. Шунинг учун ҳам сизга гапириб бераяпман. Кошки...

– Жуда соз! – деди титроқ товуш билан Фариди, – лекин қандай қилиб асарда ифодалаш мумкин?

– Тўғри, бунинг учун аллақандай бир рамзий тасвир керак... Ҳозир, мен ана ўшани топганга ўхшайман – Бибиҳоним... Ярим гумбази қулаган улкан вайрона! Асрлар сукутини ўзида сақлаган тилсиз тошлар... Аммо, вайронанинг аллақайси ерида очилган гули раъно диққатни ўзига тортади: туби кулранг, ҳатто қора, усти оташранг... Ўйлайманки, бу рамзий маънода асли асрлар фожиаси! Балки, асарни ҳам шундай деб, аташ мумкин...

– “Асрлар фожиаси”, – такрорлади Фариди.

– Шундай тасаввур қиламан: нозик-ниҳол бир гули гунча асрий тошларни чақмоқдай ёриб, емирилган кошонага яна қайта ҳаёт бахш этгандай кўринади...

– Жуда яхши... Нега, ишлаш ўрнига ҳафсалангиз пир бўлди?

– Нега, дедингизми? Ўзим ҳам билмайман. Агар хомаки нусхамни кўрсангиз, сабабини қийналмасдан тушунардингиз. Бахтга қарши, расмда мен ўйлаган нарса барқ уриб кўзга ташланмайди, ўлик! Нима қилмай, қандай бўёқдан фойдаланмай, ҳатто икир-чикирга нечоғлик эътибор бермай, бари бир, жонсиз, ҳаётий эмас... Нимадир етишмайди, нимадир ҳали топилмаган...

– Эҳтимол, сизга шундай туюлаётгандир?

– Кошкийди, сиз айтганингиздай бўлса, – деди хўрсиниб

Феруз.— Ҳа, ўшандай эмас, афсус!.. Буни мен ўзим билиб турибман... кўрсатайми?

— Кўриш мумкинми?

— Булмасам-чи... Мен меҳмонхонада бир ўзимман. Шеригим индинга қайтади, иш билан кетган.

— Шеригингиз бўлганда ҳам бошқа гап эди, мен умримда меҳмонхонага кирган эмасман, кечирасиз...

Ферузнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, маъюс тортди.

— Ҳеч иложи йўқми?! Кўрқсангиз, эшикни очиб кўяман. Мен шунчалик даҳшат эканманми, ўзим ҳам, энди билипман, — деб асабийлашди, — ҳеч бўлмаса, беш минутга кириш, беш минутга... зора, оёғингиз ёқиб, ишим юришиб кетса!..

Феруз беихтиёр Фариданинг қўлидан ушлаб, ичкарига тортмоқчи бўлди, лекин ўзи ўзидан хижолат чекиб, бир нарса қидиргандай чўзган қўлини бирдан чўнтагига суқди.

— Сиз ўйлайсизки, мен кирдим у сизнинг ишингиз жўнашиб кетди. Афсуски, мен ўшандай қудратга эга эмасман. Тасвирий санъатга келганда, ўзингиздан қоладиган гап йўқ.

— Фарида, бир нарсани тушунинг. Четдан қараганда яхшироқ кўринади, шундай эмасми? Ҳар бир айтилган янги фикр мутахассиснинг эски мулоҳазасидан, балки устун туради. Илтимосимни ерда қолдирманг, ўтинаман. Беш минутга...

— Ҳа, майли, беш минутга фақат, — деди Фарида далил, — расмни кўрамизу қайтамыз.

Улар зинадан юриб, иккинчи қаватга кўтарилдилар. Феруз мўъжазгина хонанинг эшигини очди: иккита каравот, бир тумбочка турарди, стол учун жой ҳам йўқ.

— Бу ерда қандай ишлайсиз, — ҳайратланди Фарида.

— Амал-тақал қиламан. Баъзан тумбочка устига, баъзан кесакига қўйиб ишлайман... Аслини айтганда, мен бу ерда жиддий бир нарса қилмайман, шунчаки, ўйлайман, фикр



юритаман, ишга келганда, — деди кўли билан кўрсатиб, — “хув” ана унда, очиқ ҳавода... Бахтга қарши, ҳозирча, ташқарида қиладиган иш йўқ. Мана, кўринг...

Феруз бир қанча хомаки нусхаларни олиб, бирма-бир Фаридага кўрсатди. У ҳар бир расмни узоқ томоша қилиб, сўнг эҳтиётлик билан каравот устига қўйди, биронтаси ҳам Феруз биринчи марта кўрсатган расм каби диққатини ўзига жазм этолмади. Аммо, уни хафа қилгиси келмас, юпатиш учун бирор сўз тополмасдан боши қотди.

— Мана, кўрдингизми, аҳвол қандай! — деб, эскизларни каравот устига улоқтириб ташлади. — Мовий гумбазнинг ўтмишини акс эттирай десам, гули раъно ғариб кўринади, гўзаллик йўқолади... мабодо, гулни олдинга олсам, кошонанинг буюклигини ҳис этолмайди, киши. Шундай қилиб, ҳамма ўйлаганларим пучга чиқди, бошқа бир манзара яралди... — Феруз расмларни йиғиштириб, бир чеккага суриб қўйди. — Бирпас ўтиринг десам, стул ҳам йўқ...

— Раҳмат, — деди Фарида, — ҳозир кетамиз... Бир нарсага ақлим етмаганга ўхшайди, мумкинми?

— Бемалол.

— Гулнинг бўлиши шартми? Балки, гул ўрнига гумбаз тагига уя қўйган гала-гала қушлар учишини тасвирласангиз, яхши бўлармиди?

— Бўлади... тўғри, мен қушлар ҳақида ҳам ўйлаганман... ҳаётдан барҳаёт ҳеч нарса йўқ, тош-метинлар емирилиши мумкин, ҳаёт эса давом этаверади. Гап шундаки, қушлар ўтмишда ҳам, мовий гумбаз устида қанот қоққан, ҳозир ҳам шундай!

— Мен рассом бўлмасам ҳам, жонли нарса пайдо бўлса, аҳвол ўзгарармиди деган фикрдаман, — деди хижолат тортиб Фарида.

— Хўш, гулда жонлилиқ йўқми?

– Тушунтиролмадим, шекилли... Кечирасиз, мен ўзингиз айтганингиздай барҳаётликни, ҳаракатни назарда тутаётиман: борди-ю, болалар теварак-атрофда чолиб юришса...

– Тўхтанг, сабр қилинг, – деди Феруз ҳовлиқиб, – ҳаракат... Ҳа, ҳаяжон... Балки, расмда ана шу ҳаяжон йўқдир?

Шошилгандан Фариданинг қўлини беихтиёр ушлаб олганини ўзи ҳам сезмади... Фарида қўлини тортди.

– Кечирасиз, – гапида яна давом этди Феруз. – Менга қаранг, биласизми, сиз ҳозир нима иш қилдингиз? Айтганим келди, ишим жўнашиб кетадиганга ўхшайди.

– Болаларни чизасизми?

– Ҳозирча бир нарса деёлмайман. Лекин, расмга нима етишмаслигини пайқадим, шунинг ўзи катта гап! Ўйлайманки, ҳаракат расмга жон киритади... Расмнинг лоқайд кўриниши, жонсизлиги ҳаракат йўқлигидан. Бу воқеа худди маиҳур бир асарни эслатади – чана ортидан болалар чопмагунча, қимир этмасдан турганлиги ёдингизга тушдимми?

Фарида умрида кўрмаган асарни кўргандай ҳаяжон ичида гангиди, қувончини ўзига сиғдиролмаган Ферузнинг гўдакларга хос очиқ-ойдин юзига ҳайрат билан тикилди. У, таҳлика остида ётган кишини бир лаҳзада азоб-уқубатдан қутулиб, ақл бовар қилмайдиган шодлик денгизида қулоч отиб сузишини умрида биринчи марта кўриши эди... Ўзи қўшган ҳиссага ивюнгиси келмасди.

– Бунинг ҳаммасига сиз сабабсиз, Фарида, сиз... Сизнинг ёрқин сиймоингиз, ёниқ кўзларингиз туфайли бахтиёрман. Илҳом париси деган гапни кўп эшитганман-у, лекин ўзини биринчи бор кўришим... Эҳ, мен сўтак, бунча кеч уйғонмасам, бунчалик ғафлат босмаса! Наҳотки, дунёда шундай қиз борлигини бугун пайқасам! Сизни учратмаганимда нима бўларди. Сизнинг сиймоингиз, Фарида, кеча-кундуз хаёлимда жонланиб, қалбимга тинчлик бермайди... энди, мен уни

бўёқларда кўрмасам, хаёлчан кўзларингиз тасвирини топа олмасам, мўйқаламимни синдириб ташлайман!

Феруз дарҳол қўлини Фариданинг елкасига қўйиб, кўзларига қараганда, ўзини аллақандай ҳис қилди. Фарида эса аста-секин унинг қўлини елкасидан олиб, эҳтиётлик билан пастга туширди.

– Шундай қилиб, Феруз, – деди Фарида ҳазил-мутойиба билан, – тортиб қўйган қатирмангизга нимани чизасиз? Ҳўйлаган расмингизними ёки менинг кўзларимними?

– Ҳар иккаласини, унисини ҳам, бунисини ҳам! Уларни муштарақ кўраман. Бу сиймо, бу кўзларсиз, энди ҳеч нарса қилолмайман, ҳеч қандай расм чизолмайман. Айтганларим шунчаки гап эмас!

– Бефойда! – деди-да, Фарида ўрнидан туриб, эшик томон юрди, – шарт эмас. Сиз ўзингиз кўпдан бери Ҳўйлаган расмни яратишингиз керак... Менга ҳеч қандай ҳожат йўқ!

– Агар шундай деб, Ҳўйласангиз янглишасиз!.. Бугунги баҳс, иккимиз орамиздаги мунозара шундан далолат бериб турибдики, очилмаган эшик қулфининг калити топилди... Бўлмағур хаёлдан воз кечинг, Фарида!

Қиз нигоҳи тўсатдан Ферузнинг кўзларига тушиб, тўқнашганда, юзларига қизиллик югурди, манглайида марварид доналар йилтиллади, ҳаё тошидан киприклари ерга эгилди.

– Ҳозир, Ҳўйлаган расмимни бутунлай бошқача тасаввур этаётибман. Ишонинг, ўзга илож йўқ, сиз менинг ҳақимда нима Ҳўйласангиз, Ҳўйлайверинг, энди сизсиз ишим битмайди. Тушундингизми, Фарида? Менинг тасаввуримда худди сиз каби соҳибжамол бир қиз асрлар бўйи тилсиз, жонсиз ётган гумбаз тош бағрини ёриб, ёруғликка интилган бир гулни кўриб, унга мафтун бўлади, қўл чўзади. Қизининг саёй-ҳаракатида, жавдираган кўзларида беқийс бахт ва ифғат,

қувонч ва таажжуб, виқор ва ҳаяжон беихтиёр намоён бўлади. Буни пайқаш қийин эмас! Шундай қилиб, Бибихоним мадрасасининг ўзига хос мозий салобати янгича гавдаланади. Ҳа, шундай! Менинг наздимда бу, келажакка интиланган, мангуликка қанот қоққан гўзаллик фариштаси!

Ферузнинг нигоҳи яна Фариданинг нигоҳи билан учрашганда, у бу кўзларда энди бутунлай бошқа бир ҳолатни кўрди. Ҳадиксираш ва кўрқув ўрнида ҳайрат ёки гуруҳ ҳислари билан чатишган кўнгилхушлик ҳоким эди. Феруз унинг қўлини ушлаб туриб, деди:

– Сиз менга қандай муносабатда бўлсангиз ҳам бари бир, худди мана шу ёғоч яшикка қарагандай лоқайд, бефарқ қарашингиз мумкин, сира-сира хафа бўлмайман, аммо ёрдам қўлингизни тортмасангиз, бас! Эшитдингизми, Фарида?

Фарида индамади, фақатгина кулимсираб, қараб қўйди. Феруз унинг бу қарашидан юрагини сезди, айтмоқчи бўлган гапларини англади.

– Раҳмат, Фарида, илтимосимни рад этмаганингиз учун миннатдорман. Энди кўчага чиқсак ҳам майли. бош оққан ёққа борсак арзийди. Истасангиз, кино кўрамиз. Бу ерга келганимдан бери биринчи марта, биринчи кун шунчалик хурсанд бўлишим, виждон ҳаққи!

Сўнги кунларда Фарида машғулотларга кечикиб келадиган бўлиб қолди. Баъзан иккинчи дарсга, баъзан бутунлай кўринмасди. Курслош дўстлари ундан сўраганда ҳам, жавоб беришликдан бўйин товлагандай индамай қўя қоларди ёки магазинда ҳисоб-китоб боряпти деб, баҳона топарди. Кундан-кун дугоналари унинг кўзларида қувонч ва бахт нурлари барқ ураётганини кўрганлариданми, кўп ҳам суриштира бермас эдилар. Лекцияларда босиқ ва тинч ўтирарди. Кулиб турган кўзлари деразалар тугул деворларни ҳам тешиб ўтудай бўлиб, олис-олисларга тикиларди. Ҳар кун беш бўлар-

бўлмас, магазин эшигига қулф солиб, югурганча Бибиҳоним мадрасаси ёнига келиб етганини ўзи ҳам билмасди. Бу ерда уни Феруз кутиб оларди.

Феруз қатирмани ромга таранг тортиб, бўёқларни тахт қилганича, ўзи вайрона биқинида кўзлари тўрт бўлиб турарди. Бир замонлар тош ҳовлининг қоқ ўртасида мавж урган зилол чашмадан қатра ҳам қолмаган, фақат аллақандай тасаввур қилиш қийин бўлган ўрни бор, холос.

Феруз сабрсизлик билан мўйқаламини ёғочдан ясалган бўёқдоннинг қопқоғига уриб, шўхлиги ичига сизмагандай Фаридани чақирарди.

— Қани, қадамингизни илдамроқ босинг, жойингизни эгалланг-чи! Қуёш сизга муштоқ, Сиз бўлса... Қиз боланинг нимаси кўп, нозу карашмаси! Шўрлик Бибиҳоним асрлар ўтса ҳам, қимир этмайди, кўздан сал бўлса ҳам нари кетай, демайди.

— Мени овора қилганингиз қолади, ўша Бибиҳоним аямизнинг суратини чизавермайсизми? — деди Фарида киноя билан.

— Хўп, майли, хафа бўлманг, қуёш ботиб кетмасин, сал берроқ келинг, яна яқинроқ, ўнг томонга... Худди шундай... Мана, энди, кўнгилдагидай бўлди, яшанг, қимирламанг.

Мўйқаламни қўлга олди-да, бўёққа ботириб, тез ва шиддатли зарб билан уни қатирмага урди. Энди, у индамасди, фақат онда-сонда бир-икки лўқма ташлаб қўярди, холос. Фарида зимдан унинг авзойига назар солди, ўз ишидан мамнунми-йўқми эканлиги худди ойнада акс этгандек юзларидан кўриниб турарди. Феруз ўшандай пайтларда кўзлари кичрайиб, игнанинг учидай ва Фариданинг юзларидан қатирмага, қатирмадан яна Фариданинг юзларига сакраб ўтгандай туюларди. Айни ўнг юзининг ёноғи асабийлашганданми, лип-лип учиб турарди. Фарида унинг

бу хатти-ҳаракатини кўриб, раҳми келганданми, унга ёрдам бериш маъносиди қадимий мрамор тошга яхшироқ ўтириб, қулайлик туғдиришга уринарди. Лекин, сунъийлик касб этиб, Ферузнинг асабини бузарди, жаҳлини чиқарарди. Фарида эса қизариб-бўзариб йиғламоқдан бери бўларди, баъзан кўзларига ёш ҳам келарди, бироқ сездирмаслик учун ўзини четга оларди. Ферузнинг мўйқалами қатирма устиди санъат кашф этганда Фарида уни кўриб, қувонганидан юзларида аллақандай жозиба, гўзаллик ёрқин кўринарди.

– Фарида, мўъжизанинг худди ўзисиз, – дерди Феруз бундай пайтларда, – ростини айтсам, сизни Оллоҳнинг ўзи билиб, менга юборди. Самарқандда нима кўп, магазин, бошқа бирига киришим ҳеч гап эмас эди. Балки... демак, бу тақдир! Бирга бўлишимиз табиий, ҳўш, бугун кинога бормаймизми?

– Менинг иложим йўқ. Бугун фалсафадан семинар... Мен шундай ҳам кўп дарсларда бўлмадим.

– Ҳўш, нима бўпти! – деди Феруз қатирмага мўйқаламни шиддат билан суртиб, – бир-икки дарсдан қолсангиз, қолибсиз-да. Бунинг натижасини кейин биласиз. Йиллар, асрлар ўтса ҳам Бибиҳоним руҳи ёр бўлиб, сизнинг ёрқин сиймоингиз, ҳусну жамолингиз келинчакларга кулиб боқади, йигитларнинг кўнглида ҳамиша севги чароғини ёқади.

– Шоир бўлиб кетинг-эй! – деди Фарида жилмайиб, – айтишингизча, ўлмас санъат тарихига кирар эканман... Балки, сиз ўйлагандай бўлар, камида юз йилдан кейин, шундайми? Аммо, бир ой ўтар-ўтмас фалсафадан «икки» олишим, аниқ. Билмадим, ўшанда мен кулиб боқаманми ёки менга бошқаларми?

– Парво қилманг! Суратингизни чизиб, мабодо, қойил қилсам, ўшанда, эҳтимол, «ҳа» ёки «йўқ», дейишим мумкин. Ҳозирча тинч турунг, қимирламанг. Кўрдингизми, барглар орасидан тушган нур парча-парча бўлиб, аллақандай гўзаллик

касб этмиш... Ана шу манзарани эсда сақлаб қолиш керак! Эртага яна шу ҳолатни такрорлашга тўғри келади, – деди-ю ўйланиб қолди-да, Фаридага: – «Асрлар фожиасими» ёки «Вайронадаги қиз»?..

– Ҳар иккиси ҳам ёмон эмас... «Вайронадаги гул» деса яна яхши, аммо...

– Топдингиз, қойил! Энди асар номи учун сиз оладиган гонорар ҳисобидан “Динки Джаздан чиққан Джордж” деган инглиз фильмини бориб кўрамиз, эшитишимча, – деди кулиб, – жуда ажойиб комедия!

– Комедия қандай, билмайман? Аммо, сизнинг золимлигингизга энди ишондим!

– Дарвоқе, буюк санъаткорларнинг ҳаммаси золим бўлган, – деди ҳазиллашиб Феруз, – яна уч минут бардош берсангиз, бас! Бутунги ишимиз тугайди...

Феруз ўпа куни Фаридани уйига жуда кеч кузатди ва шунга қарамасдан эшик олдида узоқ вақт гапга тутиб, унчамунча тегажаклик ҳам қилиб турди.

– Фарида, бирпас сабр қилинг, ҳали Тошкентга бориш-бормаслигингизни айтганингиз йўқ-ку?

– Ёз келсин, бир гап бўлар...

– Сиз истасангиз, ҳамма нарса бўлади.

– Фақат менинг истакларимга боғлиқ бўлганда, – деди-ю, хўрсинди ва гапни бошқа томонга бурди, – ўзингиз яхши биласиз, Феруз, бошимда катта рўзгордай бир магазин, қолаверса, Тошкентга боришнинг ўзи бўладими?

– Хўш, бу билан нима демоқчисиз, тураржойми? Буни ташвишини тортманг. Бутун бир устахонам сизнинг ихтиёрингизда. Магазинга келганда, уни сизга бойлаб бериб қўйгани йўқ.

– Феруз, ишонинг, мен магазинга худди ўз уйимдай ўрганиб қолганман. Китоблар...

– Фарида, сиз ажойиб одамсиз. Биласизми? Сизсиз, энди менга бу ёруғ дунё қоронғу. Сизнинг янгроқ овозингизни эшитмасдан, ёниқ кўзларингизни кўрмасдан гурулмаيمان!

– Расмимнинг ўзи етмасми? – деди кулимсираб Фарида, – унинг умри меникидан узунроқ-ку!..

– Мен-чи, менинг умрим етармикан? – энтикиб, чуқур нафас олди, – йўқ, албатта! Менга қаранг, Фарида, – деди унинг елкасига қўлини қўйиб. – Наҳотки, тушунтиролмасам, чиндан айтаяпман, энди сизсиз гурулмаيمان, гап расмда эмас!

– Нима кераги бор бундай гапларни, ростини айтсам, ёқтирмайман, – деди-ю Ферузнинг қўлини елкасидан тушириб қўйди. – Балки бу баландпарвоз гапларни кўпларга айтган бўлсангиз керак!

– Бундай фикрингиздан қайтинг, Фарида, ўтинаман. Сизга менинг муносабатим ниҳоятда самимий!.. Мен Сизни Тошкентга олиб кетсам дейман, ҳаминша ёнимда бўлсангиз...

– Сизни, эҳтимол, ширин хаёл довдиратаётгандир, уйингизга қайтгач, бари унут бўлади. Бунга ишончим комил! Чунки, тақдиримиз, йўлимиз бошқа... Сизни шон-шуҳрат, дабдаба, ижодий парвоз кутади... Кўрғазма, мухлис ва мухлисалар... Шундай эмасми? Мен бўлсам... – елкасини қисиб ўйланиб қолди...

– Сиз ўша мухлис ва мухлисаларнинг, шовқин-суронли гурунгларнинг гули бўласиз... Сиз мен учун яккаю-ягона... Мен сизни севаман, Фарида! Ишонинг! – деди-ю, қўли билан сочларини силаб, секин-аста юзларини кафтлари орасига олиб, бошини эгди-да, – йўқ, сиз менга ишонмаётибсиз, буни, пайқаябман, – деб куйиб-ёнди, ундан Фарида ўзини тортганда, – негадир, сиз мендан чучиётибсиз?..



Фариданинг кўз қорачиғига беихтиёр ёш қалқиди... Лекин буни сездирмаслик учун киприklarини қоқмасди, рўмолчасини олиб артмасди ҳам, иложи борича ичига ютишга уринарди, бари бир, Феруз пайқади.

– Хафа қилиб қўйдимми, Фарида? – деди ташвишланиб, нима бўлди?

– Ҳечқиси йўқ, ўзим шундай... – дея бир хўрсинган эди, кўз қорачиғида зўрға турган ёш томчилари юмалаб, ёноғига оқиб тушди. Чўнтагидан сездирмасдан рўмолчасини олиб, унинг бир учи билан секингина бошини эгиб, артди. Бир неча дақиқа сукут ичида ўтди. Феруз нима қилишини, юпатишини ҳам, узр сўрашини ҳам билмай ўйланиб қолди. Фарида энтикиб, нафас олди-ю, хаёл оғушида кўз олдидаги ҳамма нарсани унутди. Энди, унинг наздида, ҳатто Феруз борми-йўқми бари бир эди, фақат қалбидаги аллақандай ҳаяжон ва ҳис-туйғулар курашидан икки юзи чўғдай қизариб, баданига ҳарорат тепди ва беихтиёр бошини салгина йигитнинг кўксига қўйди. Ўшанда Феруз биринчи марта ўпди. Тўсатдан Фарида ҳушига келиб, бир чўчиб тушди ва дарҳол ундан ўзини олиб қочишга уринди. Аммо, йигит кучоғидан қўйиб юбормасдан маҳкам тутиб турарди. Фарида ҳолдан кетгандай, жим қолди. Феруз ҳар замон ўз бағрида унинг қалтираганини сезарди.

– Сизни, энди ҳеч қаёққа қўйиб юбормайман. Мана, шундай тутиб турганим-турган...

#### 4

Ҳали тонг отмасдан уйғониб қолганда Фарида, уфқ этакларига кўз югуртириб, ич-ичдан хурсанд бўларди: “Нақадар тонг яқин, бу яхши, албатта! Тонг уйғотади, кундуз келади, кундуз кетидан оқшом... Яна Феруз билан учрашаман”...

Улар ҳар куни кечқурун Бибиҳоним мадрасаси ёнида кўришадиган бўлиб қолдилар. Феруз ўз иши билан банд, Фариди эса унинг ҳаракатларига назар солиб, ўзида йўқ завқланарди. Феруз бутун вужуди билан ўзи ишлаётган расмга берилиб кетганлигидан, шундай пайтларда атроф-теварақдаги ҳодисаларни ҳам пайқамасди, Фариди эса унинг мўйқалами остидан чиқаётган санъат асарига ҳисса қўшаётганидан мамнун эди. Энди унга кеч соат олтидан то кун ботгунгача бўлган вақт камлик қилди. Фариди магазинни эртароқ ёпиб, унинг олдига соат тўрт, ҳатто учларда ҳам етиб борадиган бўлиб қолди.

Нима бўлди-ю. Феруз бир-икки кун ишни эрталаб бошлаб, расмни асосан қўлдан чиқариб олиш ҳақида гапириб қолган эди, Фариди буни узоқ ўйлаб ўтирмасдан, ўзини касалликка солди, магазин эшигига кун бўйи қулф тушди. Бу ишнинг оқибати ёмон бўлишини, битта-яримта уни Феруз билан кўриб қолса, хижолат тортишини ҳам хаёлига келтирмади... Оқшом тушди дегунча, яна учрашувга ошиқар, кўзлари тўрт бўлиб кутишгина эмас, энди қўли билан юзларини силар, елкасига бошини қўйиб, эркаланишдан ҳам тортинмасди...

Энди, улар қоронғи-хилват йўлларни танлаб юрадиган, қайси жинкўчада чироқ йўқ бўлса, шу ёққа қадам қўядиган, қайси дарахтнинг таги холи кўринса, ўшанинг тагида тўхтаб дам оладиган бўлиб қолдилар. Феруз ўзининг режалари, навбатдаги ишларидан гапириб, тоққа чиқиб, у ерда бир неча кун табиат лавҳаларини чизиш фикри борлигини Фаридага маълум қилганда, уни ўзи билан. албатта, бирга олиб кетиши, усиз, энди яшай олмаслигини ҳам айтди. У энди ўз бахтини, тақдирини, ижодий парвозини Фаридасиз кўз олдига келтиролмаслигини аллақандай ҳаяжон билан сўйлаганда, қиз бунга кулиб қараса ҳам, ишонгиси келар, ҳатто ич-ичидан ўзида мамнуният ҳис қиларди.

— Феруз, — деди жилмайиб, унинг бу гапларидан, — кутилмаганда, шундай ҳам бўлиши мумкин. Эҳтимол, кетиб қоларсиз, менинг бошимга ёмон кунлар тушар... Бетоб бўларман, балки тuzалмасман, ким билсин, бу дунёни тарк этарман...

— Нафасингизни шамол учирсин! — деб жаҳли чикди Ферузнинг, — ҳамиша яхши ният қилиш керак!

— Ҳар ҳолда, иссиқ жон! Одам ўз бошида нималар борлигини билмайди... Мабодо шундай бўлса, нима қилардингиз? Ўшанда расм чизишга қўлингиз борармиди-йўқми?

— Ўзингиздан ўзингиз нималар деяпсиз? Бу ҳақда гаплашиш тугул ўйлашни ҳам истамайман! — деди-да, нафаси ичидан ҳаприқиб кетди ва қўли билан унинг пешонаси устига тушган сочларини силаб, — қўйинг, бундай бемаъни хаёлларни, бунинг ўрнига бахт-саодат, келажак ҳақида гаплашайлик...

— Кошкийди...

— Сиз менга ишонинг, чиндан севиб қолганлигим рост. Тақдирим, истиқболим, энди ҳаммаси сиз билан чамбарчас боғланган. Сизсиз ўтган умрим беҳуда... Сиз Тошкентга боришингиз шарт, бирга турамиз, бирга юрамиз — шаҳар, қишлоқларни ва элу юртларни бирга кезамиз, ҳаётни ҳам бирга кузатамиз, бирга янги асарлар яратамиз.

— Баъзан шундай тушлар кўраман, — деди Фарида ғамгингина, — чўчиб уйғониб, ён-веримга қарасам, ҳеч нарса йўқ...

— Фарида, сиз ажабтовур қизсиз. Нега, бахт кулиб боқишига ишонмайсиз?

— Ишонгим келади. Кошкийди...

— Ўзингиз айтганингиздай, бошингизга тушган кулфатлар ҳазилакам бўлмаган. Сизга ана шундай машаққатли сўқмоқларни босиб ўтишга тўғри келган. Шунинг учун яна

янги сўқмоқлар йўл устида пайдо бўлиб қолишидан қўрқасиз. Сизнинг кўзларингизни очган қалит ҳам ана шў бўлса керак... Бахт-саодатга ташна нигоҳ тубида мусибат алангасини кўраман... Менга қаранг, Фариди, менинг бирдан-бир орзуим сизнинг портретингизни яратишдир. Ҳа, фақат сизнинг... Сизнинг сиймоингизни катта кўламда чизаман. Эсингиздами, бир кун сизга мен ойнада кўринган ҳар қандай сиймо, бу ҳақиқий сиймо эмаслигини айтган эдим... Мана, мен сизнинг юзингизни, қош-кўзингизни шундай чизмоқчиманки, ҳамма унинг гўзаллигини, дилбарлигини, олижаноблигини тиниқ кўришга мушарраф бўлсин! Лекин мен буни шуълалар денгизи мавж урган, оёқларингиз остига шабадалар жамбил-райҳонлардан пояндоз тўшаган, бошингиз устида мовий осмон кулиб турган бағри кенг ўтлоқларда, бепоён водий кўйнида бунёдга келтириш ниятидаман. Фариди, мента қаранг, якшанба кунни ана шундай жойга борамизми? Унча узоқ эмас, Ургут яқинида... Жуда ажойиб, серманзара ер, ўтган йил бўлганман, бир неча лавҳалар чизганман. Кўз илғамас тизма тоғлар, зилол дарё, ям-яшил боғлар, майсазорлар... Бормаймизми-а?

– Нима десангиз, шу...

– Фақат мен туфайлими, ўзингиз-чи?..

– Гапнинг очиги, биргина менинг расмимга шунчалик вақт кетишининг ҳожати бормикан?

– Наҳотки, юрагимни ёриб тушунтиролмаган бўлсам... Сизнинг сиймоингизни бўёқларда акс эттириш, билсангиз, мен учун бахт!.. Тушундингизми? Демак, бу чинакам бахт бўлгандан кейин, на вақтни, на меҳнатни аяйсан! Тушунтиролдимми? – деб Фариданинг ёноғидан киши билмас ўпди, – эрта-метан йўлга тушамиз, автобус билан Ургутгача, ундан нариги ёғига сўқмоқлардан бир-икки километр пиёда юрамиз, йўлни биламан. Кечқурун қайтамиз, хўпми?

Фарида индамасдан туриб, бошини қўйи солди ва юзини унинг кафтларига қўйди. Феруз Фариданинг бу қилиғини жуда хуш кўрарди:

— Демак, борамиз, шундайми?

Бир вақт Фарида Ферузнинг қўлларидан «лип» этиб чиқиб, алланима деганча, дарвоза орқасига ўтиб, ғойиб бўлди. Феруз остонадан жилмасдан, узоқ вақт турган жойида қотиб қолди. Аммо, ҳовлидан оёқ товуши, уй ичкарисидаги эшикнинг «ғиқ» этгани эшитилди-ю, сўнг бир лаҳза теварак-атрофга сукунат чўкди. Феруз энди жўнаб кетай деб турган ҳам эди, бирдан яна қулоғига аллақандай овоз чалинди, зўрғагина эшитилаётган бу оёқ товуши борган сайин дарвозага яқинлашиб келаверди. Йигит кетаётган жойида тўхтади, қимир этмасдан ўзини четга олиб, нафасини ҳам чиқармасдан, биров сезиб қолмасин деган ташвишда, дарвоза ёнида тек турди ва:

— Фарида, — деди секингина, шивирлагандай, — Фарида! Мен сизни севаман! Эшитяпсизми? Севаман! Сиздан бир нидо чиқмаса билингки, бугун бу остонадан кетиш йўқ! Ҳеч бўлмаганда эшитдим, денг...

Жавоб бўлмади, аммо дарвоза занжири жуда секин, секингина авайлаб туширилганини Феруз пайқади ва қоронғиликда биров қўлларидан ушлаганини, ҳаяжондан титраб турган лабларига лабларини қўйганини ўзи ҳам билмай қолди.

## 5

Шанба куни кечга яқин магазин остонаси олдида баҳайбат «Студбеккер» гувиллаб тўхтади. Унинг кабинасидан мошранг коржома кийган бир йигит пастга тушди-да, эшигини зарб билан “қарс” этиб ёпди. Фариданинг энсаси қотди. “Наҳотки,

бошқа кун қуриб қолгандай шу бугун мол келган бўлса!” Ўзича база мудиридан ранжиди ва тик турган жойида ўйланиб қолди: “Ҳали бу китобларни қабул қилиб олишнинг ўзи бўладими? Камида бирор соат вақт керак! Энди нима қилади? Қалбида тўлқин уриб турган истаклари чиппакка чиқмаса, кошкийди!”

Коржомо кийган йигит магазинга нечундир ҳадиксираб кирди-да, бошидаги шапкасини ечиб, кўлига олди.

– Фарида, – деди бирдан у.

Фарида йигитга қаради-ю, лекин ўз кўзларига ишонмас эди. Унинг рўпарасида Қуддус турарди. Қуддус унга илгаридан анча дуркун, юзларига йигит ҳусни урган, кенг яғринли, барваста кўринди. Бир вақтлар ўтган-кетган машина орқасидан чопиб юргандаги шўхликлари таскин топиб, куюлиб қолган бўлса ҳам, кўзлари ҳамон Фаридага жавдираб боқарди.

Фарида ҳаяжон ичида довдиради, саросимага тушиб, нима қилишни билмасдан, ақлу ҳуши учгандай кўз қароқларига қалқиб, узун киприкларига илиниб турган олмос томчилар орасидан тикилди.

– Мени танимадингми, Фарида? – йигит унга томон аста-секин юриб борди, – мен, Қуддусман!

– Қуддус... – деди овози ичидан зўрға чиқиб ва бирдан йиғлаб юборди-да, шапқатор оққан ёшларни қизалоқдай энги билан артди.

– Сенга нима бўлди?.. Кўй, йиғлама, – деди кўлидаги шапкасини гижимлаб туриб, – ўзингни тут. Фарида, ўзингни тут, йиғлама.

– Кечирасан, кўнглим бузилди. Ўзим ҳам нима бўлганини билмай қолдим. Сени кўрдиму, бирдан уйимиз, қишлоғимиз, ойим, дадам – ҳамма-ҳаммаси эсимга тушиб кетди, битган ярам янгиланди. Ҳа, майли, айбга буюрмайсан, сен баҳона кўнглимни бир оз бўлатиб олдим... Уни-буни кўй, Қуддус, қандай қилиб мени бу ердан топдинг?

- Сени топиш менга жуда қимматга тушди.
- Қийналдингми? – деди ич-ичидан хўрсиниб Фарида.
- Жондан кечмасанг, жонона қайда, тоққа чиқмасанг дўлона? – деб кулди. – Биласанми, бу гапни ким айтган?

Фарида ўйланиб қолди ва бирдан:

– Буни сен ўзинг айтгансан, – деди шошиб-пишиб, – мен Ойнабулоқ сойда оқиб кетганимда, апил-тапил уст-бошингни ечиб, сувдан мени олиб чиққанинг эсингдами? Бу нақлни ана ўшанда айтгансан.

– Тўғри, эсингда бор экан, Фарида. Аслида, буни бобомдан эшитганман.

– Ўзим ҳам ҳайрон қолган эдим, Қуддус бундай гапларни қаёқдан билар экан деб... Ростини айтсам, ўшанда бу нақл кулоғимга ёқимли эшитилгани билан, ҳеч нарса тушунмаганман.

– Менинг ўзим ҳам... – деди Қуддус кулиб ва гапни давом эттирди, – эсингда бўлса, бобом жуда хушчақчақ одам эди, бамисоли бир қоп ёнғоқ... Мени елкасига миндириб олиб, ҳар гапнинг бирида катта бувимга: “Тоққа чиқмасанг дўлона қайда, жондан кечмасанг жонона қайда”, деб тегишарди.

– Ҳа, мен у кишини жуда яхши биламан. Адашмасам, отлари Сувонқул созчи, шундайми?

Қуддус Фариданинг сўроғига жавоб бермади: “ҳа” ва “йўқ” демади. Бунинг ўрнига асабийлашгандай пастки лабини тишлади-да, чуқур нафас олиб, эшитилар-эшитилмас:

– Яқинда дунёдан ўтдилар... – деди юзини кўланка қоплаб, – қишлоққа борганимнинг боиси ҳам шу...

Ўртага совуқ сукунат тушди. Фариданинг аъзойи бадани жунжиб, Қуддус бошига тушган мусибатдан беҳабар эканлигидан хижолат чекди, томоғига тош тикилгандай нафаси чиқмади. Қуддус эса ундан баттар қийналди. Фариданинг кўнгли яримталигини у яхши биларди. “Қаёқдан

ҳам бундай нохуш хабарни унга етказдим, синиқ дилига яна озор бериб қўймадиммикан”, деб ич-этини еди ва гапни бошқа ёққа буришга уринди.

– Шундай қилиб, – деди Қуддус Фариданинг кифтига ўнг қўлини қўйиб, – сени кечадан бери ахтараман. Бормаган жойим қолмади. Анзираат холадан у-бу гапларни эшитдим, аммо бир нарса тушунган бўлсам, ўлай! Ундан кейин институтга бордим. Биров у деди, биров бу деди, лекин сал бўлса ҳам калаванинг учи топилди, таваккалига яна йўлга чиқдим... Мана, энди, сени кўриб турибман...

– Қуддус... – деди энтикиб Фарида, – Қуддусжон, жуда хавотир олдим, бедарак кетдинг...

– Ҳа, – деди қошларини чимириб, – сира қўним бўлмади... Авваламбор, сен билан оқшом сой бўйида учрашдим, кейин шошилинч армияга жўнадим, – деди-ю, лаблари титраб, кўзлари ола-кула бўлиб, ҳатто энгаклари тиришганданми, башараси ўзгариб кетди.

– Тинчликми? – деб сўради ташвишланиб Фарида.

– Тинчлик, – деди-ю, бошидан кечган сир-синоатни айтишга тили айланмади... Аксинча, гапни бошқа ёққа бурди, – ҳозир юртимизда нима кўп, қурилиш... Қурилишда шоферсиз иш битмайди. Шундай қилиб, ўзинг кўриб турган устимдаги мана шу коржомани кийдим, – деб бир нарсани эслагандай аланглади, яна сўзида давом этди, – ҳозир қатта бир иншоотда ишляпман. Атроф-теварак қумлик...

– Ҳали бу ерда кўп бўласанми?

– Ҳозир, шошиб турибман, авваламбор қишлоқда қолиб кетдим, кейин сени қидирдим, аллақачон жўнаб кетишим керак эди, лекин Фаридани топмагунча қайтмайман деб, аҳд қилдим.

– Сен жуда ўзгариб кетибсан. Қуддус, танимаслигимга оз қолди...



– Сен ҳам шундай! Шаҳарлик қизларнинг ўзисан... Хўш, туриш-турмушинг қалай?

– Мана ўзинг кўриб тургандай! Кундуз ишлайман, кечкурун ўқийман. Анзираат холаникидан чиқиб кетдим, бўлмади... Ҳозир яхшигина бир кампирнинг уйида турибман.

– Фарида, – деди-да, Қуддус яна хўрсиниб, оёқларини чалиштирди. – Кўришмаганимизга икки-уч йил бўлди.

– Йўғ-эй, ундан кўпроқ... Нега, бирорта хат ёзмадинг?

– Сен-чи?

– Менми? Мен ёздим, аммо жўнатмадим.

– Нега?

– Сўрашга ҳожат борми? Фронт катта, уруш бепоён... Қайга жўнатишни билмадим, аммо кўзим тўрт... бир парча қоғоз бўлса ҳам, сендан келиб қолар, деб кутдим...

Қуддус бу гапларни очиқ чехра билан эшитган бўлса ҳам, ич-ичидан изтироб чекарди... Патила-патила сочи тўсиб турган манглайдаги чандиқ, кошкийди, ўқ изи бўлса! Даҳшат, наинки, фронт, суд, қамоқ...

Фарида Қуддус суялиб турган деразага яқин борди.

– Эҳтимол, қорнинг очдир, чарчаган кўринасан? Юр, хув, анав ерда кабобпазлик бор!..

– Раҳмат, – деди Қуддус бошини чайқаб, – зудлик билан жўнаб кетишим керак! Самарқандга махсус топшириқ билан келганман...

– Ундай бўлса, майли! – деди Фарида ер остидан қараб, – зорим бор, зўрим йўқ...

– Кўнглингга олма, – деди кулимсираб Қуддус, – энди сени топиб олдим, ҳали кўп учрашамиз. Ўшанда нафақат кабоб, палов ҳам еймиз.

– Сен нима билан хурсанд бўлсанг, шу!.. – деди Фарида маъюс овоз билан, – мен ҳамма нарсага кўникиб қолганман...

Қуддус Фариданинг бу гапига нима дейишини билмай, суялиб турган деразадан ўзини тортди.

– Дарҳақиқат, қаттиқ чарчагансан, Қуддус! Бу ҳолатда қандай жўнайсан, кошкийди, йўл яқин бўлса?!

– Гап йўлда эмас...

Қуддус юрагини ёзишни ҳам, ёзмаслигини билмади, кўнгли Қизилқум қўюнидай безовталанди... Унга Фарида билан хайрлашини нечоғлиқ оғир бўлса, Мурунговга бориш, тез етиб бориш шунчалик зарур...

– Менга қара, Фарида, – деди Қуддус дафъатан топиб олган ўлжадай унга, – мен билан кетмайсанми?

– Қаёққа?

– Бошимиз оққан ёққа, – деди-ю, Қуддус Фариданинг кўзларига тикилди.

– Кошкийди!.. – деб, юзи қизариб, ерга қаради қиз, – ўзинг кўриб турган магазин оёғимга боғ, юрагимга доғ... Бир киши келиши керак, кутмасам бўлмайди.

– Ким?

– Сен танимайсан, бир рассом, Тошкентдан... Мен унга буёқ олиб қўяман деб, ваъда берганман.

– Ҳа, майли! Лекин... – Қуддуснинг тили айланмай қолган бўлса ҳам, бутун хаёли, фикру ўйи Фарида кутаётган одамда, тоқати тоқ... Теварак-атрофга алангларди. Ҳеч қачон ҳис этмаган аллақандай рашик ўтида ёнарди: Тошкентлик йигит, рассом...

– Фарида!.. – деди-ю, овози сунъий эшитилди, сўнг бирдан тўхтаб ўқдай кўчага отилди. Бир оздан кейин қудратли моторнинг гувиллагани эшитилди. Шунда Фариданинг юрак торлари титраб кетди, қийналди, Қуддусни қайта кўргиси келди, гўё бир гап эсига тушди-ю, уни ҳозир айтмаса бўлмайдигандай югургилаб, магазинни ташлаб, кўчага чиқди, аммо кечикканини пайқади. Машина турган жойидан аллақандай куч билан қўзғалиб, лаҳза ўтмасдан кўздан ғойиб бўлди.

Фарида унинг ортидан лойга ботган кўшгилдиракларини кўриб қолди холос ва ниҳоят ўзи-ўзига:

– Уруш курсин! Уруш!!! Шундай хушфеъл, меҳр-муҳаббатли, гулдай йигитни йўнилмаган таёқдай қилиб қўйибди...

## 6

Эртаси кун тонготарлаб Фарида Феруз билан бирга тоққа жўнаши керак эди. Кечга яқин унинг кўнгли алланечук ғашланди. Кийим-кечак ва озиқ-овқатларни чоққина сумкага жойлаб туриб, узоқ ивирсинди ва кўз олдидан яна ўз қишлоғи, Қуддус билан ёшликда қувлашиб дарёга борадиган сўқмоқлар, қолаверса, Ўғилхон ая, айниқса, болаликнинг энг яхши дамлари лип-лип этиб ўтди...

Фарида она уйини қумсади, ёдига чанги осмонга кўтарилган дала йўллари тушди, шарқироқ сой, баҳаво тепаликларни кўргиси келди... Лекин, бегона йигит билан уни бирор ҳамқишлоғи кўрса, нима бўлади, кўнглига қандай гап келади? Яхшиси, Ургутга жўнаб кетаверса, Ферузнинг ўзи билиб борармикан? Йўқ! Бундай қилса, Феруз автобус тўхтайдиган жойда Фаридани кутиб, ундан дарак бўлмагач, уйдан хабар олиши турган гап. Ўшанда у ёзиб қолдириб кетган хатни ўқиб, ҳаммасини биледи-олади... Ярим кечада кўзларидан уйқу қочиб, бўлар-бўлмас хаёллардан гаранг бўлди, ниҳоят тонгга яқин кўзи уйқуга кетди. Бир вақт тўсатдан чўчиб уйғонди. Деразадан тапқарига қараса, офтоб ёйилган, нима қилишини билмасдан шошиб қолди. Кўнглига яна ҳар хил гаплар келди: эҳтимол, кута-кута Ферузнинг тоқати тоқ бўлгандир... эҳтимол, энди Фариданинг келмаслигига ишониб, ўзи жўнаб кетгандир... Ана шундай хаёллар оғушида узоқ тебранди ва шоша-пиша ариқ бўйига бориб, юзини ювди, кийинди. Нонушта қилишга ҳам сабри чидамасдан, йўлга отланди.

– Бир пиёла чой ичиб кетсанг бўларди, – деб Фотима опа чойнакни хонтахта ёнига келтириб қўйди-да, нон ушатди, – бир бурда ҳам тишламадинг, ҳеч бўлмаса, сумкангга солиб ол, озиқли от ҳоримас...

Фарида устига дастурхон ёпиб қўйилган нондан бир бўлагини олди-да, газетага ўраб, сумкасига жойлади. Эрта билан ҳувиллаб ётган йўллардан ўта туриб, шошилганданми, Фотима опа билан хайрлашмагани эсига тушди, бироқ йўлдан қайтган кишининг иши ўнгидан келмайди, деб бир вақт ойиси айтган гапни эслаб, оёғи орқага тортмади...

Феруз автобус тўхтайдиган жойда Фаридани кўзи тўрт бўлиб кутарди. Бир вақт Фарида кўринди-ю, шошилгандан қоқилдими, нима бўлди, ўзи ҳам билмай қолди.. бирдан оёғидаги туфлиси учиб, ерга тушди, йиқилай деганда Феруз усталик билан даст кўтариб олди...

– Дуруст! Ўз вақтида келдингиз, ҳадемай жўнашимиз керак...

Фарида унга айтмоқчи бўлиб, кўнглига тугиб қўйган гаплар эсидан чиқмаган бўлса ҳам, негадир, айттиси келмади. Тавба, энди у истаган ёққа боришга рози... Фақат, у билан бирга бўлса, бас!.. Ҳар қандай қувонч, бахт-саодат бўлса ҳам, Фарида энди уни Ферузсиз тасаввур қилолмас эди... Бир вақт мотор гувиллаб, автобус жўнади...

Теварак нақадар гўзал, нақадар хушманзара... Улар мўлжалга олган манзилга етиб борганларида офтоб мис баркашдай қизариб, жар ёқасига тушган тола-тола нурлар Фариданинг оёқлари остига тўшалди, сўнг шарқираб, кўпик сочиб оқаётган тоғ жилғаларининг тўлқинлари билан ўйнашиб, қувлашиб пастликдаги илонизи ирмоқлардан кўз илғамас Зарафшон бағрига йўл олди...

Уззукун улар адирма-адир кезишиб, даста-даста лолаю чучмома теришиб, охири салқин бир жойни топишди-да,

тамадди ҳам қилиб олишди. Фақат, куёш бошқа тарафга ўтгандагина Феруз ахтарган, унинг кўнглидагидай жой учради — ҳам шалола, ҳам бағри кенг водий, ҳам заррин шугъалар... Унга, айниқса, кунботиш олдидаги манзара жуда ёқди ва бундай ранг-барангликни хотирасида узоқ сақлаб қолишга уринди: шарқдаги нурсиз мовийлик, гарбдаги доларанг шафақлар ва уларнинг Фаридани юзидаги акси...

Фарида тош устида ўтириб уфқ тағларига назар ташларди, гўё унинг хаёллари дарёдай оқиб, тоғ оралиқларидаги ёрларга етиб борганда кўздан ғойиб бўларди.

— Ҳозир... Ҳозир, яна бир оз сабр қилинг, — деган Ферузнинг овозини Фарида эшитиб, жилмаярди ва ўчай-ўчай, деб турган офтоб нуруни тутиб олгудай бўлиб, мўйқаламдаги бўёқларни қатирмага шиддатли зарб билан тез-тез суртаётганини тасаввур этса ҳам, қарай олмасди. Чунки, Феруз ўнг томондаги тепаликда, Фарида шалолага юзма-юз ўтирарди...

— Бас, етар, дам олинг... — деди раҳми келгандай унга Феруз ва мўйқаламини ишлатаётган жойида қолдириб, ёнига бориб, чўккалаб ўтирди. — Ҳар ҳолда, ўйлаганим тўғри чиқди, бу кенгликнинг, бундай тиниқликнинг тенги, ўхшаши йўқ... Наҳотки, бу ерда кишининг кўнгли чоғ, кўзлари равшан тортмайди, шундай эмасми?

— Шундай, — деб Фарида жарликнинг тубига бир тикилиб олгандан кейин, атроф-теваракка кўз югуртириб, кўкрак қафасини тўлдириб-тўлдириб нафас олди.

— Мен, — деди Феруз Фаридани бағрига босганда сенсираб, — ростини айтсам, портретингни чизиш билан бўёқлардаги гўзалликни, кўзларингдаги тиниқликни яратмоқчи эдим, лекин бунинг ўзи етарли эмаслигини тушундим. Қалбинг тубида яширинган, ҳали менга сиру асрордай кўринган аллақандай сеҳрли булоқнинг кўзларини

очиш керак бўлиб қолди. Хўш, бу қандай сир? Ўзим айтганимдай, ҳали буни яхши билмасам ҳам, дил-дилдан ҳис қилардим. Ана, шу ҳис-туйғулар мени ушбу тоғлар этагига етаклади. Дарвоқе, бу ерга келиб сени янада яхшироқ билдим, мени ўзига мафтун этган сендаги жозибанинг кучи нимада эканини пайқадим. Мана, бу рўпарамиздаги тоғларга, оёғимиз остидаги биллур шалолага, гўё инсон қўли билан моҳирона ўйилган жар устидаги кунгирадор уфққа ботиб бораётган лоларанг кўёшга қарадимизу барини англадим. Сен буни нима эканини билдингми?

– Йўқ.

– Бу, поклик! Қалб покизалиги, кўнгил мусаффолиги, кўзларинг тубидаги тиниқлик тоғ шалоласидай шаффоф ва қудратли, водий ҳавосидай хушбўй ва ёқимли, оёқ босиб турган еримиздай фусункор, ранг-баранг бўёқларга, куй на оҳангларга бой... Мен инсон қалбининг поклигини табиат кўйнидан ҳам қидириб топиш мумкинлигини бу ерга келиб биринчи бор кашф этдим. Дарҳақиқат, ўйласам, ҳар иккиси эгизак ёки бири-бирининг давомидай кўринди. Кимдир, табиат ўзининг гўзаллигини инсон орқали англай олади деб, айтган экан... Сен ҳам бунда ўз гўзаллигини ўзи пайқаетган табиатнинг худди ўзгинаси!.. Уфқ тағларига боқ, кун ботаётибди.

Фарида тошнинг устига чиқиб, бўйинини чўзиб қаради, кўёш қизил бўёққа ботириб олинган коптоқдай тоғ тизмаси ортига юмалаб борарди. Мана, тўртдан уч бўлаги қолди, энди тўртдан бир бўлаги кўринади, холос... Ҳадемай, тоғ устида фақат ўтли шафақ чашмасигина мавж уради...

– Нақадар чиройли бу, Феруз, — деди Фарида ҳаяжон ичида унинг қўлини ушлаб, — негадир, куннинг мана шундай ботишини кўрганимда хўрлигим келади, лекин сабабини билмайман...

Феруз уни кучоқлаганча, даст кўтариб олиб, тош устидан ерга эҳтиёткорлик билан тушириб қўйди.

– Биласанми, Фариди, сен кимсан? Тоғ париси, менинг фариштам...

Улар ана шундай бир-бирларини бағриларига босганча туриб қолдилар, аста ботиб бораётган офтобдан юзларига қирмизранг шуълалар сачраб, аланга олгандай кўринарди.

– Феруз. – деди юраги ҳаприқиб Фариди, – жўнашимиз керак, улгуролмай, кеч қоламиз...

Улар шоша-пиша, майда-чуйдаларни йиғиштириб, шаршаранинг ёнбағри бўйлаб йўлга тушдилар. Бирдан қош қорайиб, атрофга қоронғилик чўкли. Қурт-қумурсқалар чийиллади, қушлар гала-гала учиб, сой бўйидаги тарвақайлаб ўсган қайрағоч шохларига қўнишди, осмон гумбазида бирин-кетин ёқилган шамчирокдай юлдузлар йилтиллади.

– Қўлингдаги сумкани менга бер. – деди Феруз Фаридани аяб, – қани, кетдик, тезроқ юр!

Феруз майда-чуйдалар солинган тикмачоқдай сумкани Фариданинг қўлидан олди. Энди, бошидан-оёғигача юк тагида қолгандай... бир қўлида у нарса, бир қўлида бу нарса... Фариди оқсоқланиб, судралди. Феруз одатдагидай дадил юриб бораверди. Фариди ҳар қанча уринса ҳам, етолмади, босган қадами, орқага кетарди. Оёқлари чағир тошлардан шилиниб, яра бўлди, фақат Ферузга сўялиб боришдан бошқа иложи қолмади. Улар не алпозда уриниб-суриниб, жардан энди чиқиб олганларида аллавақт бўлиб қолган эди, тимқоронғи осмонда юлдузлар бодроқдай бодирларди.

– Назаримда, автобусга етолмаймиз, – деди Фариди ўксик товуш билан, – биз боргунча кетиб қолиши мумкин.

– Икки бурдак киши бир нарса қилармиз, – деб, Феруз қўл соатини кўзига яқин олиб бориб унга қаради. – Энди шошгандан фоиди йўқ.

Уларнинг қадами борган сайин секинлашди. Фаридани қирилган оёғини зўр-базўр босарди.

— Ҳечқиси йўқ! — деди Феруз Фариданинг кўнглига далда бергандай. — Эртага биринчи автобус билан жўнаймиз. Ишга ўз вақтида етиб борсанг, бас! Бу ердан қишлоққа оз қолди, бир ярим километр, чамамда. Хув, ана, чироқлар ҳам кўрина бошлади... Чойхона, адашмасам... Ўша жойда тунаймиз.

— Йўғ-эй, — деди Фаридани ташвишланиб, — нима бўлса ҳам, бир амаллаб уйга боришимиз керак. Кўрқаман... Фотима опа хавотир олади...

— Бир кеча минг кечами, Фаридани? Ёлғиз эмасмиз, икки кишимиз, нимадан кўрқасан? Тепангда ўзим тонг отпунча қоровул бўлиб чиқаман, — деди-да, кейин бир нарса эсига тушгандай қулди, — Фотима опанг, эҳтимол, ҳозир хавотир олаётгандир, ҳадемай, пиш-пиш ухлаб қолади, қулоғини кесиб кетса, билмайди...

— Йўқ, бу ерда қололмайман, Феруз, — деб қатъиятлик билан Фаридани унга қайрилиб қаради, — бир амаллаб кетишимиз керак!

— Ундай бўлса, — деди Феруз Фаридани юпатгандай елкасини силаб туриб, — оз-моз дам олайлик, узоқ йўлга чиқиш олдиан куч тўплаш лозим!

Улар сўқмоқлардан юриб бориб, бир-бирларини қўлларидан тутиб, пастликлаги ўт-ўланлар қулф уриб ётган майсазорга тушдилар. Феруз брезент чодирни сумкасида олиб, ерга тўшади. Эгидан калта чарм камзулини ечиб, унинг устига ташлади. Фаридани ўтқазиб, оёғидан туфлисини ечди ва ёнидан чўнтак фонарини чиқариб ёндирди-да, ёруғида чағир тошлардан яраланган тўпиғини, қирилган болдирини кўрди, шилинган жойига қўли тегиб кетганда қизнинг додлаб юборишига сал қолди.

— Кечир, билмасдан тегиб кетдим, — деди Феруз қўлини ўша заҳоти тортиб олиб, — бир оз сабр қил, ҳозир...



Сумкани ичидан ҳар эҳтимолга қарши олган катак кўйлагини чиқарди-да, шартта йиртди ва Фариданинг қонга беланган оёғини авайлаб бойлаб кўйди.

– Қалай?

– Яхши...

Фарида ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо оғриқ зўрлигидан ўз жойида яна ўтириб қолди.

– Сабр қил, шошма! Бир оз ўтирамиз, дам оламиз, сўнг аста-секин йўлга тушамиз. Шошилганимиз билан қаёққа борардик. Кечаси узоқ, тонг отишга анча бор. Атрофга кўз ташла, нақадар гўзал!

Фарида кўкка қаради, бутунлай ўзгача, шаҳар осмонига сира ўхшамайди. Ҳатто наврўз кечаларида ҳам бундай ғуж-ғуж юлдуз тўпини кўрган эмас, гўё улар тимқора само пардасини йиртиб, ерга, Фарида билан Ферузга ҳавас билан қараётган ошиқ кўзларга ўхшаб кўринарди, баъзан эса қўл чўзса етгудай шода-шода дурдоналар ярқираб порларди... Аҳён-аҳён осмоннинг бир бурчида Момо Ҳаво гугурт чаққандай кичик бир аланга ярқ этиб, уфқ кўксига отилган ўқ каби чизиқ тортиб, ўчарди... Бутун борлиқ сукунат ичра салобат билан тек турарди.

– Жуда ҳам жим-жит, – деди Фарида шивирлаб. – ваҳимадан одам юраги орқага тортади.

Фариданинг совқотгандай бадани увишди.

– Совуқ, еяпсанми? – деб Феруз елкасига яна бирор нарса топиб, ёпадигандай олазарак бўлиб у ён-бу ёнга қаради, ниҳоят ўйланиб туриб, устидаги пахмоқ кўйлагини ечди-да, Фаридага зўрма-зўраки кийдирди.

– Мана, энди, – деди кулиб, – жамалак сочинг бўлмаса, кўрган киши сени йигитча, дейди.

Феруз Фариданинг сочларини қўли билан тузатди-да, юзларини, елкаларини силаб-сийпалаб эркалади.

– Негадир қалтираяпсан? Ҳали ҳам совуқ қотаётганга ўхшайсан, – деб уни бағрига тортди ва камзули билан оёқларини ўраб, ёпиб қўйди. Бир вақт юзига қараса, кўзларидан шашқатор ёш томчилари оқаётибди.

– Йиглаяпсанми, нима қилди?

– Шунчаки, ўзим... – деб овози ичидан зўрға чиқди-да, бутун вужуди билан Ферузнинг бағрига кириб кетди. Кейин, нима бўлганини, нима деганини ўзи ҳам билмади, – Тошкентга кетмайсиз, хўпми?

Феруз эҳтирос билан унинг юзидан, кўзидан, кўкрагидан ўпди. Фарида эса юлдузларга тикилганча қолди, назарида улар бирин-кетин йирик-йирик томчилардай узилиб, баҳорги ёмғир каби ерга ёғиларди.





## АДАШГАНЛАР



## УЧИНЧИ БОБ

### 1

Қуддусни икки нарса қийнади: бири — зиммасига олган махсус топшириқ, иккинчиси — Фарида билан учрашув ва ажралиш оқибатлари... ҳамон унинг кўз олдида ҳаяжон ичида довдираб, ақлу ҳуши учган, кўз қароғларига қалқиб, узун киприкларига илиниб қолган олмос томчилар орасидан тикилиб турган Фарида... Қулоқларида болалиқдан таниш янғроқ овози... Кўрган-кечирганлари тушми ё ўнг, англолмасди. Наҳотки, ҳаммаси рост, ҳамма қилган ишлари тўғри бўлса?.. У, энди йўл-йўлакай ўзини тергарди, сўроққа тутарди: “Хўш, сен уни интизорлик билан излаб-излаб, топдинг, лекин?.. Ҳа, ҳамма гап ана ўша, “лекин”да!... Энди, нима қилишинг керак, Қуддус?..”

«Студбеккер» ғилдираклари олдинга босса ҳам, унинг хаёллари орқага тортарди. Яна ўйларди: “Нега, қутмадинг? Тошкентлик йигит ким? Айниқса, бунга баҳона бор эди-ку... Сен галварс, ҳамон ўз билганингдан қолмадинг, ўжарлик ҳам эви билан-да!” Шу алпозда чўли малиқдан ўтиб борарди. Яна ўйларди: “Ҳамма гапни айтишга айттингу, бир гап чала қолди...” Шу нарса хаёлига келганда юраги орқага тортди... Яхшиям, йўл битта, тик ва қумлик, йўқса, адашиб кетиши ёки бирор нарсага урилиши ҳеч гапмас!

Ҳолбуки, ўша тезликда тўлқинланиб кўринган Самарқанд остонасидаги асфальт йўллар, йўл устига соя солган чинор ва қайрағочлар аллақачон ортда қолган. Олдинда бўм-бўйи Қизилқум!

Мурунгов!

Қуддус бу томонга биринчи марта қадам қўйганини эслаб кетди:

Зарафшон! Қинғир-қийшиқ, майишган, лойсувоқ уйлар ва одам юрса оёғи ботадиган сертупроқ тор кўчалар. Улар қаришисида ёки ёнма-ён жойлашган бинолар, гаражлар, устахоналар, бостирма-омборхоналар, бензин сақлашга мўлжалланган баҳайбат бочкалар... Аҳён-аҳёнда учраб қоладиган сўлағаси чиққан аравалару “Студбеккар”, “ГАЗ” каби юк ташувчи машиналар... автокрану ёқилғи ташувчи махсус машиналар... бу азамат техника ва уни бошқарувчиларнинг таҳликаси чўлни асрий уйқудан уйғотиш, унинг бағридаги олтин сандиқни очини...

Қуддус ҳали манзилга етмай туриб, азим туп чинор тагида машинага тормоз берди-да, сигнални босди, кейин моторни ўчирди. Кўр ойдинда тумрайиб турган кулбадан ҳеч ким чиқмади. Начора! Сукунатга қулоқ тутди, сўнг машинадан тушиб, эшикни тақиллатди, “тиқ” этган овоз йўқ, ичкари қоп-қоронғи, фақат аллақандай улкан бир қуш қанотларини оғир силкитиб қичқирди-да, дарахтдан кўтарилиб узоқлашди... У яна тақиллатди, уй атрофини айланиб ўтди, ҳаммаёқ сув қуйгандай жим-жит, хувиллаб ётарди, ҳужрада ҳеч ким кўринмайди... Юраги орқага тортди, наҳотки... Наҳотки, ер чаппа айланса-ю, чароғон кундуз зим-зиё кеча бўлиб қолса! Наҳотки, кузак шабадаси эсиб, баҳорда барқ урган боғу роғларни хазон этса! Тек қотиб қолди... Бир вақт кўзи янги кўтарилган дўнғалакка тушди, ниҳоят, нима бўлганини англади. Суюм бобо дунёдан ўтган

кўринади. У қабр тепасида сукут сақлади, ён-верига бир қараб олди-да, сўнг тиловат қилди.

Шамол кўзгалди, дарахт шоҳидаги қовжироқ япроқлар шитирлаб, Суюм бобони яна эста солди, яхши одам эди раҳматлик чол, дилкаш, дилнавоз... Ҳар гал у билан учрашганда Қуддусни бир савол қийнарди: саҳронинг бир бурчида, чўли биёбонда яшашга уни нима мажбур қилди экан? Пулми? Ахир, бу ерда қанча пул топарди, дейсиз?... Ўз қишлоғида ҳам, бир самоварни қайнатиб, бу жойдагидан кўра кўпроқ даромад қилиши мумкин эди-ку! Хўш, ундай бўлса, нима сабаб? Тинчлик, осойишталикми? Йўл устида қандай осойишталик бўлиши мумкин? Йўқ! Йўқ! Бўлмаса, нима? Хиёнатми, бевафоликми, тарки дунёми?... Хаёл Қуддусни ана шундай қийноққа солди ва ниҳоят бир пиёла чой устида Суюм бобо айтган надоматлар кўз илғамас олисдаги тоғ-тошларга урилиб, акс-садо бергандай янгради:

– Бу бош нималарни кўрмади, дейсан, болам. Мен Николай замонидан қолган бир пой этикман гуё... Момоннинг айтишича, дадам ўн олтинчи йил мардикорга кетгану қайтиб келмаган. Онам бедаво дардга чалиниб, бемаҳал дунёдан ўтган... Мен бобом қўлида етимча бўлиб қолганман. Хуллас, ҳозир олтмишдан ошдим, билмайман, бу дунёга келиб, нима кўрдим? Кўрганим қариликда мана шу Қизилқум бўлди.

– Фронтга бормадингизми?

– Йўқ... – деди-ю, нимадандир хижолат тортгандай бошқа бир сўз демади.

Қуддуснинг кўнглида “урушдан қочиб қолган бўлса керак”, деган гўмон туғилди. Ўртага сукунат чўкди...

– Бола-чақа қилганмисиз, – деб ийманиб сўради Қуддус.

– Ҳамма бало ана шу уйланишдан бошланди, – деди Суюм бобо изтироб чекиб... – Ҳа, шундай бўлди, лекин уйланиш насиб этмади.

– Нега? – деди-ю, бирдан жим қолди, гўё ўзи берган савол ўзига ўринсиз туюлгандай...

– Ҳа, шундай бўлди, – дея такрорлаб, кулимсиради, – очигини айтсам, мен танлаган қиз ўзимизнинг қишлоқдан эди: содда, дилбар, истараси иссиқ, кўрган сайин кўргим келарди... Аммо, бир нарса дейишга лаб-даҳан йўқ... Фақат бир кун шаршарага бориб келаётганда қўлидан челагини “шарт” олганимни биламан, ўшанда унинг: “Вой, бу нима қилганингиз? Ўзим... ўзим”, деб ғамза билан айтган узук-юлуқ сўзлари ҳамон қулоғимда... Шундан кейин бир-икки йўлига чиқиб пойладим, ётиш-туришим бетайин бўлди-ю, ҳаловатим йўқолди. Бунини момом пайқадими, билмайман, уйдан эрта чиқиб кетсам ёки кеч қайтсам, кўнгли безовта, кўзи олазарак бўлиб турарди. Билмадим, кимдандир, бобомнинг қулоғига, нимадир етдими, мени уйлантириб қўйиш ҳақида гап чуваланиб қолди. “Эшитишимча, қизнинг дадасими ё амакиси, қайси бири аниқ билмайман, бобомга дебдики, неварангиз қизимиз билан дон олишиб юрибди, бу яхши эмас, Санобарни бадном қилиб қўйиши мумкин. Оладиган бўлса, олсин, уйлантириб қўйинг... Билсам, кейинги кунларда эрта-кеч шивир-шивир... – Уйлантирсак, уйлантириб қўяйлик, биз учун ҳам келин ғанимат, аммо-лекин пул йўқ”, деган гаплар қулоғимга чалинди. Совчи юборишган экан, «олса, олсин», деган дадаси қалин пули сўрабди, қалин бўлганда ҳам, қандоқ? Отнинг калласидай... Бобом бу гапдан гангиб қолибди, нима қилишини билмай... мен эшитдим-ку, сир бермадим, ўйлаб-ўйлаб бир фикрга келдим: пул топиш керак, асли гап пулда ҳам эмас, кўнгилда... Мен сенга айтсам, болам, ўшанда, эҳтимол, сендай эдим... сендай... ҳозир ўша ойдин кечаларни эслайман... Соғ бўйи, висол дамлари ҳамон кўз олдимда... Ўша пайт бир отга икки қамчи уриб, Санобарни олиб қочиш

ҳеч гап эмас эди... Мен бу ишни қилмадим... Муҳаббат ўз йўлига, қиз боланинг пардасини йиртишни истамадим, иффатини сақладим... Ўйладимки, пул топиш керак, ҳалоллаб олиш керак! – деди-ю, бирдан саросимага тушиб, у мендан сўради, – айтгандай, сен ўзинг уйланганмисан?

– Йўқ, – деб жавоб бердим, – мен ҳам пул топиш дардида...

– Ҳа, балли! – деди Суюм бобо сийрак соқолини қўли билан тараб туриб, – ҳамма гап пулда! Пул деган нарса бир бало экан. Мен ўша пулни қидириб, Самарқандга бордим, ростини айтсам, қишлоқда яшайверган эканмиз, шаҳар нималигини билмасдан... Шаҳарнинг, кейин билсам, кўрки ҳам бор экан, бўрки ҳам!.. Ҳа, шундай... Ҳаммадан даҳшатлиси, шаҳар кўркига маҳлиё бўлиб, бўрк тагида ким борлигини билмасдан алданиб қолар экан киши... Мен ана шундай бўлдим.

Куддус унинг гапига ҳангу манг бўлиб, қулоқ соларди, Суюм бобо очган китоб ёпилмас эди...

– Кун-уззукун иш қидириб, чарчадим, қорним очди, – деб қовоқларини уюб олди-да, давом этди чол, – кўчалар бўм-бўш, нурсиз... Бир ўзим йўлда тинкам қуриб, қоқилиб-суқилиб борардим... Сиёб бозорининг орқасидан ўтиб кетаётганимда кўримсиз бир чойхонадан эшитилган қаҳ-қаҳа, гурунг қулоғимга чалинди, кўз ташласам, бир неча ёш-яланг қарта ўйнаб ўтирарди. Мен аста-секин ичкарига қадам кўйиб, сўрининг бир чеккасига бориб, чой чақирдим.

– Э-э, чой қолдими? – жеркиб жавоб берди чойхоначи, – одамларнинг олди етти уйқуни уриб қўйди-ку!.. Фақат, мана бунақалар, – йигитларга ишора қилиб, – на ўзлари ухлашади, на ўзгаларни ухлатгали қўйишади.

Шундан сўнг бақариб-чақариб, жўраларни чойхонадан ҳайдашга уринди, аммо жиккак бир йигит:



– Намунча жиғибийрон бўлмасанг, ака мулло, – дея уни ҳовридан туширмоқчи бўлиб,ғижимланган эллик сўмликни узатди, – ўйиндан тушган чўталининг ол!..

Чойхоначи ғижимланган пулни олиб текислади-да, чўнтагига урди. Бояги йигит гапида давом этиб, менга яқинлашди:

– Ярим кечада чой нимаси, чанқов бостига, мана бундан торт, қариндош, – деди хириллаб.

– Раҳмат... бемалол олаверинглар, – дедим ҳурматини келтиргандай... – Бир вақт қарасам, бошқа бирови, кайфи тароқ йигит бир қўлида ароқ, бир қўлида қарта кўтариб, менинг тепамда турибди.

– Ич! – деди ўдағайлаб, – мана буни заҳарингга ич, кейин қартадан ол, бахтингни сина!

Мен тортиндим, ўйласам, уларнинг бирортасига бас келолмайман, секин қўзғалдим, ўрнимдан турдим.

– Ҳой, қариндош, – деди яна ўша йигит алжиб, – эркакмисан! Эркак бўлсанг, ол, оқ ур!

Нима қилишимни билмадим, ичсам, қорним оч, маст бўлиб қолишим мумкин, ичмасам, бир кори ҳол бўладигандай... Таваккал қилиб, пиёлани унинг қўлидан олдим-да, бўшатиб бердим.

– Офарин! – деди қаҳ-қаҳ уриб, кейин улфатларига қараб бақирди, – ҳа, энди, бу қариндошини бағримизга олсак бўлади... Урғочи десам, эркак чиқиб қолди, – деб, ҳингир-ҳингир кулди, улфатлар ҳам қўшилишиб кулишди. Кўп ўтмасдан кайфим ошди шекилли, мен ҳам қўшилишиб кула бошладим.

– У ёқдан қайтганингга анча бўлдими? – деди қалқиб кетган бошини кўтариб, улфатлардан бири – калта енг, катак қўйлак кийган пакана, пучуқ йигит.

– Қаёқдан?

– Курортдан...

– Қанақа курортдан... адашыпсан, мен сен ўйлаган одам эмасман.

– Хафа бўлма, бу ердагилар ҳаммаси ўзимизники, қариндошлар...

– Қариндошлар эканлигини кўриб турибман, лекин...

– Нима... Лекин? Балки, ака-ука тутинармиз?

– Раҳмат.

– Сенга ҳам раҳмат... Ундай бўлса, яна бир ол!

Ҳа, мен адий-бадий этиб ўлтирмай, аччиқма-аччиққа пиёлани дадил кўтардим... Сўнг қандай қилиб ўйинга қўшилиб қолганимни билмайман. Қарасам, кўлимда бир даста қарта... банкда пул камлигида омадим келади-ю, юз сўм, эллик сўм бўлганда нуқул ютқазаман. Бир вақт мени аҳмоқ қилаётганликларини билиб қолдим. Энди, менга бари бир: ютдим нима, ютқаздим нима?! Таваккалига “вабанк” урдим. Шундай қилиб, оз эмас, кўп эмас, олти юз саксон сўмга “чув” тушдим. Бўлар иш бўлди, кўлингиздан келганини қилинг, фақат менда пул йўқ, дедим. Аввал, мени “саранжом-саришта” қилишмоқчи бўлишди, сўнг... Шундай қилишлари ҳам мумкин эди, мен қаршилиқ ҳам кўрсатганим йўқ-да... қарасам, қариндошлардан бирининг кўлида каттагина пичоқ, юрагим орқамга тортди, аммо у гугурт чўпининг учини ўша пичоқ билан эринибгина чиқарди-да, тишини кавлай бошлади:

– Ўйлаб кўр, кейин афсусланиб юрма! Қариндош бўлишни икки марта таклиф этиш одати йўқ бизда, – деди-ю, кўзлари ғилай тортиб, овозида дўқ-пўписа оҳанги авж олди.

– Кўрқди, деб ўйлама, дўқ қилиш менинг ҳам кўлимдан келади. – Вазминлик билан жавоб бердим-да, ўрнимдан “шарт” туриб, этигим қўнжидаги пичоқни мен ҳам олдим...

кутилмаганда узоқдан чуриллаган ҳуштак товуши эшитилди... билмадим, менданми ёки ҳуштакданми чўчиб, орқага тисарилган қиморбозларга бир-икки ўқрайиб қарадим:

– Хўш, қариндошлар, қани бир ачомлашиб олайлик биринчи бўлиб, ким кўришади?

– Бекорга қонинг қайнамасин! Мен сенга чин кўнгилдан... – деди бояги йигит сўник овоз билан.

– Мен ҳам чин кўнгилдан... Сўкина кўрма! Сенинг йўлинг бошқа, меники бошқа... шундай экан, ўз йўлингдан қолма, – деб шолчани кўтарган эдим, унинг тагидан бир даста қарта чиқди.

– Ҳа, фирромлар, мана бунга нима дейсиз?!

Яқиндан яна милиция ҳуштаги эшитилди. Тўладан келган, шопмўйлов милиционер ҳадеб кичкинагина қора ҳуштакни пуфлаб, ваҳима билан атрофга аланглар эди. Лекин, унинг атрофида у ёқдан-бу ёққа изғиб, асаби бузилиб юрган чойхоначидан бошқа ҳеч ким йўқ... Ифлос сўри устида ароқдан бўшаган уч-тўрт шиша думалаб ётарди... Қарасам, катта самовар олдини тўсиб турган столда бир буханка нону кир сочиқ... Чойхоначининг ўзи, негадир, кўринмас эди. Мен бир буханка нондан бир бўлагини кесиб олдим-да, қия очиқ эшикдан секин чиқиб кетдим. Шопмўйлов милиционер ҳуштагига олисдан эшитилган иккинчи бир ҳуштакнинг овози жўр бўлди. Зум ўтмай бошқа жойлардан эшитилган ҳуштакларнинг товуши уйқудаги шаҳарни уйғотиб, гўё ўғирланган бир бўлак нонни кўйнига қистириб, тор, қоронғи кўчалар тез-тез юриб бораётган одамни кузатар эди.

– Ҳа, шундай бўлди, – деб гапида давом этди Суюм бобо, – аста-секин шилдираб оқиб турган водопровод олдида тўхтадим, эгилиб унга бошимни тутдим-да, бир оз ўзимга

келиб, ҳовуч-ҳовуч сув ичдим, сўнг водопровод ёнидаги харсангтошга утирдим. Шунда очиққанним билинди... Қўйнимдан нонни, қўнжимдан пичоқни олдим... Яна ҳуштак овози эшитилди... Бир хотин дод солиб, олдимдан ўтди, мен кутилмаган воқеадан гаранг бўлиб турар эдим, бирдан рўпарамда бояги шопмўйлов милиционер пайдо бўлди. Ундан олдин чойхонадаги “қариндош”лардан бири қоқилиб-суқилиб, чопиб ўтган эди. Милиционер мени кўрди-ю, тўхтади-да, “ҳе йўқ-бе йўқ”, менга қараб, «Қани, кетдик» деди. Энди, бу ёғини айтмасам ҳам бўлади, емаган сомсага пул тўлаганда қандоқ! Бир ярим йил ётиб чиқдим, икки йил Самарқанд дарвозаси менга берк бўлди... Қишлоққа қайтиб бориш учун юз керак!

– Тарки дунё қилибсиз-да!

– Ҳа, шундай! Санобар фақат ҳаёлимда... Санобар!.. Санобар!..

– Унинг тақдиридан хабарингиз бўлдим, йўқми?

– Даҳшат!.. Айтишга тилим бормади...

Суюм бобо ич-ичидан тўлқинланиб келган кўз ёшларини ютай деса ҳам, ютолмади... Унинг киприкларига илиниб турган инжу доналар дув этиб, негадир Қуддуснинг кўксига тушди... Дарҳол чўчиб уйғонди... қараса, бир ҳовуч довуччадай томчилар шатирлаб, кабинанинг ён эшигига уриларди. Қўлини ташқарига тутди, ҳа, ёмғир... ёмғир бўлганда ҳам, жуда қаттиқ, жала!.. Яна шамол... йўлга чиққанида ёмғир ёғишини билган бўлса ҳам, тоғ томондан босиб келаётган оғир, қора пахмоқ булутлар ёнлаб ўтиб кетар. балки адирларга ёғар деб, ўзига таскин берган эди... Начора, булут қалин, сўнги кўринмайди. Жума ёққан шанба тинар, шанба ёққан қачон тинар!

Қуддус махорка ўради, бир-икки гугурт чизиллатди. Ниҳоят, ўт олдириб, чуқур-чуқур тутун тортди. Фаридани эслади, Санобарни кўрмаган бўлса ҳам, кўргандай, уни кўз олдига келтирди... Ёшликда берган кўнги, дарҳақиқат, айрилмас бало экан... Суюм бобо тақдири билан ўз тақдирини чоғиштирди,

аллақандай ўхшашликларни кўрди: севги, ишонч, алдаш-алданиш... Наҳотки, шундай! Одам дунёга бир марта келади-ку. Ҳолбуки, кўз олдида бийдай дала, дардлашгани ҳеч ким йўқ, ёлғиз ўзи... Хаёл, фақат хаёл... Ер ҳамирдай кўпчиб ётарди... Қанча ўтиришга тўғри келаркан, шу аҳволда?! Бирданига бошида бир фикр чақмоқ чақди: борди-ю, хатарли йўлдан ўтиб олсачи, ёмғир ҳали ҳаммаёқни балчиққа беламай туриб?.. Балки, ўтиб олар... Ҳозирча, қум бағрига сув сингиганча йўқ...

У стартерни босди, лекин мотор совиб қолган эди, ирғиб туши-да, жон-жаҳди билан ручкани айлантирди, машинани юргизиб, қоронғилик қаърита шўнғиб кетди. Йўлми? Бари бир, бу ерларда йўл нима қилсин! У, ички бир туйғу билан тақирни мўлжалга олиб юрарди. Ҳали ҳаммаёқни ёмғир ювиб юбормай, қумликдан ўтиб олса, бас!

Машина чироғининг нурида аллақандай гирдоб, тиниқ ёмғир томчилари ялтираб, гўё унинг фарасидан отилиб чиқаётгандай... йўл деган у ёқда турсин, ҳар замон-ҳар замонда дуч келган дўнглик ё чуқурликни аранг илғаб оларди, машинани шитоб билан олдинга сураб, тахмин қилиб, жануби-шарқ томон борарди. Қайси бир вақт ким биландир йўлга чиққанида юлдузларга қараб, мўлжалдаги манзилни топганлари ёдига тушди. Ўшанда у чап томонга юриши, Дубби Акбар юлдузининг тўнкарилган томони ўнг ёқда қолиб кетишини эслаб қолган эди. Демак, ҳозирча тўғри йўлдан бораётибди. Аммо, айти пайтда, ўша Дубби Акбар ўзи қани-ю, унинг тўнкарилган томони қаёқда билиб бўлмас эди. Ер ҳам, осмон ҳам кўпикланиб, бир-бирига қоришиб кетгандай... Машина кабинасига майда тошдай урилаётган ёмғир томчиларию ёмғир ювиб, аранг кўзга чалиниб турган қум уюмларидан бўлак ҳеч нарса йўқдай дунёда!

Қуддуснинг чамасида йўл устидаги қудуқ яқин қолди, ўнг томонда бўлиши керак, адашмаган бўлса!.. Машинани буриб,

айлантириб, чироқ ёруғида изланди... Ҳа, ана, у!.. Гишт териб кўтарилган, теласида мослама ўрнатилган қудуқ. Демак, тўғри бораётибди. Тезроқ, иложи борица тезроқ, филдираклар ўтириб қолмасдан, тезликни янада ошириб, зудлик билан юриб бориш лозим! Нима бўлди-ю, машина пастга тушиб бораётганида тусатдан филдирак ўқи бушашиб, билчиллаб ётган қумликка ботиб қолди. Бир вақтлар қум ва тупроқдан ҳосил бўлган дўнғалак қуни билан ётган ёмғирдан пачаваси чиқиб, ботқоққа айланган эди. Қуддус машинани орқага суришга уринди, бўлмади, филдираклар янада чуқурроқ ботиб, аталаси чиқиб кетган ботқоққа жойлашиб олди. У белкуракни ўриндиқ тагидан кўтариб, кузов устидан орқа филдиракка ўтди-да, пастга тушиб, яна балчиққа ботди. Филдирак остини очиш мақсадида балчиқни четга сура бошлади, лекин бари бефойда эканини пайқади. Машина чуқурликка ботган кўринади, қирғоғини топиш керак!.. Оёғи билан тимирскилаб, икки қадам олдинга юриди, шу ердан бошлаб балчиқ саёланиб бораётганини сезди ва дам бермай, кавлашга уринди. Бир чеккадан балчиқни, иложи борица, ўзидан нари улоқтириб, ниҳоят, филдиракларга яқинланди, қора терга ботиб кетди, жон-жаҳди билан бутун нафратини балчиққа қўшиб отаётгандай... Агар ҳозир чиқиб олмаса, бу кулфатдан яқин орада қутулолмаслигини яхши биларди. Ниҳоят, филдирак таги тозаланди, белкуракни кераги бўлмай қолди, кузовга отиб ташлади. Кабина эшитини очиб, калитни бураганди, мотор ўт олмади, сўнг пастга тушди... Ручкани бир неча марта айлантирди-да, югургилаб чиқиб, машинага яна ўтириб олди, мотор ишлаб кетди, газ берди, машина бўғиқ гуриллаб юқорига кўтарилганда орқасига ўтирилиб қаради ва снаряд портлашидан ҳосил бўлгандек баҳайбат катта чуқурликка кўзи тушди, у пундагина қанча балчиқни суриб ташлаганини англади. Моторни ўчирмасдан тўхтади, бир неча муддат бутун вужуди бўшашиб, турган жойида қотиб қолди. Бирдан уйқу босиб келаётганини

сезди шекилли, сесканиб хўл кафтларини юзига суртди-да, газни босиб, тезликни оширди...

Тонготарга яқин машина яна ботиб қолди, яна белкуракни қўлга олди, узоқ уринди, бироқ беҳуда!.. Қўлидан ҳеч нарса келмаслигини билса ҳам бари бир, оғир, ёпишқоқ лойни улоқтирарди, кучи етмаганлигидан қийналарди, ёмғир томчилари эса, унинг кўз ёшларидай тер босган юзларини юварди.

Тонг қоронғисида пармалаш машинаси ёнига келган геологлар намиқиб ётган барханлар бағрида қандайдир бир қора нуқтани кўриб қолдилар. Улар яқинроқ бориб, ўз кўзларига ишонмай, таққа тўхтадилар, рўпарала бир “Студбеккер” ёмғир ювиб кетган барханга тумшуғи билан тиқилиб ётарди, ҳайдовчиси эса ҳолдан тойган, ўликми-тирик, билиб бўлмасди....

## 2

Қуддус кун бўйи на ўзига, на гилдиракларга дам берди... Автобазага етиб келганда ботиб бораётган офтоб уни Қизилқум саҳросидан изларди. Ҳар қалай у дарвоза олдида тўхтар-тўхтамас, ичкарига кирди-ю, дафъатан, моторни ўчирди ва бошини рулга қўйганча уйқуга кетди. Кўп ҳам ўтмади, кимдир биқинига туртгандай бўлди. Бу, бароқ қош, шалпангқулоқ Машариф эди...

– Ҳой, гафлаг, сени хўжайин чақиряпти!

Қуддус уйқусираб бошини аранг кўтарди, қовоқлари салқиган, кўзлари қизарган... Кабина зинасидан сирғалиб пастга аранг тушди, гандираклар яна бориб машина бортини ўнг қўли билан ушлаб, тик туриб қолди.

– Кайфинг борми? Худо бир асрабди-да!

– Санамасдан саккиз деяверма, оғзингга қараб гапир! Мен нима ташвишда юрдиму, сен эса...

– Айтмасанг ҳам, биламан, – деди томоғини тақиллатиб, – қани, тезроқ...

– Нима гап?.. Идорага ўт кетдим, намунча шоширасан? Йўлда шошилганим ҳам етар!

– Ким билсин, сенинг шошилганинг етадим, йўқми? Балки, хўжайин сендан баттар шошаётгандир, подшипникларингни мойлаб қўяй деб...

Қуддус зўрға қўзғалиб, кран ёнига борди, бошини совуқ сувга тутди. Шундан кейин бир оз ўзига келди шекилли, қўлларини кўксига қўйиб, чуқур нафас олди, керишди... Машарифни писанд қилмагандай ўриндиқ тагидан сочиқ билан кичкина ойнани олди-да, тарана бошлади.

– Ҳа, бўлди, бас! Шундоқ ҳам гўзалсан, паривашсан, тезроқ бор, сочларингни ўзи тараб қўяди...

Қуддус бари бир шошилмай аста-секин юриб, идора эшигини тортди, лекин ичкарида ҳеч ким йўқ... Стол устида одатдаги уч-тўрт палка, қозикда бир шапка турарди, холос. Директорни кутишни ҳам, кутмасни ҳам билмади, иккиланди... қайтиб, диспетчер олдига келди.

– Алиқул Амирович йўқ-ку...

– Хўжайиннинг бошида мингта иш, эҳтимол, бухгалтериядир, эҳтимол, омборда...

– Бухгалтерияни қарадим, зоғ учмайди...

– Демак, иш соати тутаган, ҳамма уйида, сендан бўлак... Кунқайтар, жазирама...

– Машариф, – деди тутақиб унга, – сен нима қилиб бунда ўтирибсан, ким чиқди, ким кирди, билмасанг?

– Энди сен қолувдинг, мени тергамаган, ҳожатхонага борсам ҳам, сендан сўраб, боришим керакми?

– Сўрайсанми, сўрамайсанми, сенинг ишинг, борсанг, боравер, ўзинг билган ўша жойга... Мен ўз кулбамга кетдим, қаттиқ чарчаганман...



Начора! Кун-уззукун тирик жонни ўз ҳоли-жонига қўймаган офтоб, энди ҳолдан тойиб, бошини саҳро болишига қўйган эди... Қуддус кета туриб, ортга тисарилиди, ўйланди: «Ким билсин, бари бир, раҳбар, балки омборхонададир...» Ҳар эҳтимолга қарши шахдам-шахдам қадам ташлади-да, темир эшик зулфини суғуриб олгудай «шарт» тортди, дарҳол кутилмаган ҳодисадан ҳангу манг бўлди: ғира-шира кўринган диван устида беўхшов бир нарса онда-сонда қимирлаб қўярди, гўё ташқарида иссиқдан тили осилган Олапар.

Қуддус бирдан чироқни ёқди ва:

– Кечирасиз! – деди-ю, ўзи очган эшикни ўзи ёпиб, чиқиб кетди.

Ким айбдор? Калитми ёки Тожиниёз? Эшик қулфланган эди-ку?! Энди, нима қилмоқ керак? Эртага автобазада дув-дув гап...

Тожиниёз дам ўтмай, ҳадеганда, бориб-келиб темир эшик мурватини текширарди: қулфланишга қулфлангану, лекин чала... ўз пешонасига ўзи урарди, аъзойи бадани титрарди... Вера Павловна упа-элик, пардоз-андоз билан банд... Чунки, бир ҳовуч қилиб тумраб қўйган сап-сарик сочи тўзиган, лўпли юзи, қабартма лабининг ранги ўчган, фақат кўм-кўк кўзлари лиқиллаб турарди...

Қуддус эртаси кун ишга чиқмади, ўзини ёмон ҳис қилди, йўл азоби – гўр азоби... Тагин ҳам бахти бор экан, геологлар гуруҳи учраб қолмаганда нима бўларди, ўзи ҳам билмайди!.. Ўйласа, автобазага қандоқ етиб олганига ақли бовар қилмас эди. Боз устига, Машариф оғзига келганини қайтармаганлиги. Алиқул Амировични тополмаганлиги ва ниҳоят, омборхонадаги томоша... ҳамма-ҳаммаси кўз олдидан ўтарди... Бирдан хона эшиги очилди, рўпарала Тожиниёз пайдо бўлди. Қуддус каравот оёғида ётган чойшабни бошига тортди, ғазабини изҳор этгандай... Тожиниёз эса кетарини ҳам, кетмасини ҳам билмай,

бир нафас турган жойнда тош қотди. Уй ичи жимжит, ташқарида эрта-ментанги шовқин-сурон, тақир-тукур, машиналар гулдуроти, хаёлида кечаги шармандалик! Яхшиям Кўчқортой йўқ, рейсдан қайтмаган, ўрни қандай тузатилган бўлса, шундай, бузилмаган...

– Қуддус, – деди Тожиниёз чойшабни унинг устидан “шарт” тортиб. – Узр!... Узр сўрагани келдим, кечир!

– Хафа бўлсанг, бўлмасанг, башарангни кўргани кўзим йўқ. Ўша наҳс босган башарангни! – яна чойшабни тортиб, ундан юз ўгирди...

– Айб менда... Кечир, Қуддус, Қуддусжон, айб менда, – деб, киши билмас, секин ёстиқ тагига қўл юборди. – мана, мен қошигда бош эгиб турибман... ишонмасанг, аҳволимни кўр! Мен...

– Сен, – деди тутақиб, чойшабни устидан улоқтириб, ёстиқни кўтариб отганда, бир даста пул ер билан битта бўлди... – Яна нима қилдинг, ифлос! Бу, нимаси?

– Энди мени ифлос эмас, аблаҳ деявер! Адашдим, яна адашдим...

– Сени уч уруш кўрган десам, бир уруш кўрганга ҳам ўхшамайсан! Тўғри, эгилган бошни қилич кесмайди, ўз ўрнида узр сўраш ҳам ёмон эмас, аммо, – деди-ю, ярим-яланғоч оёғини каравотдан солинтириб ўтирганлиги эсига тушдими, сочилган пулларни кўрсатиб, – жийда халтангни кўтар, қолган гапни кейин гаплашамиз.

Қуддуснинг сўнгги сўзидан... Тожиниёзнинг юраги орқага тортди.

– Қачон? – деганини ўзи ҳам билмай қолди.

Айни пайт Машариф кириб келди:

– Офарин, сенларга! Ҳозир гап сотиб ўтирадиган вақтми? Соат саккиз бўлиб қолди-ку! Сени, Қуддус, кечадан буён хўжайин йўқлайди... Тожиниёзнинг омборхонаси олди тўла ҳайдовчи, механик, слесар... Бирига “у”, бирига “бу” керак...

Қуддус қошларини чимириб, истар-истамас:

– Мен боролмайман, – деди.

– Нега, нима деб, айтай?

– Мана бу, Тожиниёз ўзи айтиб қўяди, тобим қочиб қолди...

Қуддуснинг кутилмаган илиқ муносабатидан Тожиниёз киши билмас хурсанд бўлди.

– Ҳа, майли, биз кетдик, ишдан кейин яна бир келиб, хабар оларман...

Шундан сўнг Тожиниёз ва Машариф ҳар иккиси йўл-йўлакай, негадир “лом-мим” демай боришарди, манзилга яқин қолганларида томдан тараша тушгандай Машариф:

– Ўнгтами, чапга? – деб, сўради бир қўли билан идорани, иккинчи қули билан омборхонани кўрсатиб.

– Чапга, – деди.

– Ҳа, ўзим ҳам билардим, чапга юриб, ўрганиб қолгансан...

Тожиниёзнинг энсаси қотди... Ўйланди, ниҳоят, омборхона томон қадам ташлади. Дарҳақиқат, одам кўп, темир эшик олди гавжум... Бири олиб, бири сўкарди, уни, эшитса ҳам, эшитмасликка соларди...

– Салом алайкум, жўралар, ушланиб қолдим.

– Ёшулли, – деди қоратўридан келган, қотма, ўрта ёшлардаги ҳайдовчи, – ишимиз битса... бас!

– Қачон битмаган, энди...

– Энди, – деб, унинг оғзидаги гапни илиб олди, ялангўш, кенг яғринли, ёўлабир йигит, – зағчастсиз машина юрмайди, ёшини яшаган, ошини ошаган...

– Ҳа, шундай! – деди бошқа бирови, унинг иши осон, унисини алмаштириб, бунисини қўясан, одам бузилса-чи, хўш?..

– Сеникини билмайман, Нормат ақанинг зағчисти бозор тўла, – деб оқ-чўтир, бир кўзи гилай механикка ер остидан

қараб кулди, унга шогирд бўлиб келган андижонлик Шокир полвон.

– Бас! Ҳозир аскияга бало борми?.. Иш кўп, вақт оз... – дея Тожиниёз стол тортмасидан қалин, қизил дафтарни олиб очди-да, – қани, кимга нима керак, тегишли ҳужжат борми?

– Бор! – деди қоржомасининг ён чўнтагидан бир парча қоғозни чиқариб. – Мана, мен эрта йўлга чиқишим керак, машинаминг орқа тормози ишламайди.

Яна бояги аскиябоз:

– Олди тормозинг ишлаб турганига шукур қил, ишламаса, нима қилардинг, мусофирчиликда? – деб, қаҳ-қаҳ урди, – яхшиям тормоз бор...

Ҳамма унга қўшилишиб кулди.

Тожиниёз омборхонага кирдимиз, эшик ва деразалар «лант» очилади, чиқдимиз “тақа-тақ”... фасли ёз, сахро шароити шуни тақозо этади, елвизак ўтиб турмаса, ҳаво етмайди... Ташқаридан директорнинг дўриллаган овози эшитилди, ким биландир салом-алик қиларди. Ичкаридан Тожиниёз чиқди: остона устида Амиркулов эмас, гўё дошсамовар турарди – қорни катта, оёқ қўли калта...

– Хуш кўрдик, хўжайин, – деди Тожиниёз жилмайиб.

– Мен сени Тожихўроз десам, Тожипиёз экансан, ёшулли! – деди ўнг қўли билан ҳовли ўртасидаги “Студбеккер”ни кўрсатиб, чап қўли шим чўнтагида, – ҳаммасига, энди сен айбдор, тўғрими?

– Тўғри... – деди-ю, бир нима томоғига тикилгандай “Хўжайин” дегунча директор оёғи остига келиб тўхтаган “ГАЗ–69” машина эшигини очиб, “тақ” этиб ёпди-да, кўздан ғойиб бўлди.



## ТАҲЛИКАЛИ КУНЛАР



## ТҮРТИНЧИ БОБ

### 1

Амиркулов Самарқандга телефон қоқарди, хавотирда, Қуддусдан дарак йўқ... Дастгоҳни олдимми ё олмадимми, билмайди... эшитгани бир мўъжиза! Қулоғини бураб қўйсанг, бас, айтганингни қилаверар эмиш... кўнглига ҳар хил гаплар келди: урушдан олинган ўлжа, Германиядан келтирилган... Ҳозир нима кўп? Искович итлар! У сўтак буни билармикан? Тожиниёз, негадир уни тасвия қилди, мен аҳмоқ “ҳа”, дедим...

Эшик остонасида, ияги ингичка, юзи аллақандай махлуқни эслатувчи бир одам пайдо бўлди. Бу Амиркуловнинг гумаштаси Тожи тўнка! Бошида анчагина уринган шапка, эғнида юпқа кулранг пиджак, кўкраги тўла орден, медаль ва турли сариқ, қизил значоклар...

– Қани, сен мақтаган қаҳрамон? Эпласа, ўша эплайди, дединг-ку, дом-дараксиз... ҳеч бўлмаганда телефон қоқмайдими, телефонограмма бермайдими? Ҳали бошимга бир балони олиб келмаса, дейман... ростини айтсам, шу кеча ухлолмадим, тушларим алағ-чалоғ... ўтир! – деди ўдагайлаб Амиркулов.

– Хўжайин, – деди билаклари тарашадай, ёноқлари ёнғоқдай туртиб чиққан ўрта ёшлардаги Тожиниёз Паҳмоқов. – Саломатлигингиз керак... Қуддус келди...

Амиркулов лом-лим демай, Тожиниёзга ўқрайганча, ундан кўз узмади.

– Қуддус ўз сўзли, айтганини қилади.

– Ўз сўзли Марат Халилович етмагандай...

– Мен бу ишни билиб туриб қилдим, суяк ташлаяпман, холос! Ҳозир сизнинг атрофингизда шундай одамлар бўлиши керак.

– Нега? – деди, юмшоқ тортиб Амиркулов.

– Ўзингиз айтгандай, Марат Халиловичга ўзига ўхшаган ўз сўзли, тутган ерини кесадиғанлар бас келмаса... – деди-ю, тўхталиб қолди...

– Сопини ўзидан чиқармоқчи бўлибсан-да, хумпар... тўғри, замон ёшларники, аммо-лекин, – деганда эшик очилди.

Қуддус директор хонасига қадам қўйди-ю, кутилмаган ҳолатдан ҳайратланди. Амиркулов қаппайган қорнини амал столига тираб, тик турарди, ориқ-тирриқ омбор мудури унга тикилганча гўё хум ичидан хириллаб чиқаётган товушга қулоқ соларди...

Бирдан Қуддусга:

– Хўш, яхши бориб келдингми? – деб сўради Амиркулов.

– Топшириқларингизни бажардим... дастгоҳ ҳовлида, кўришингиз мумкин, лекин олиш осон бўлмади, қонунга зид экан.

Бу гап Амиркуловга ёқмади.

– Қонун билан ишинг бўлмасин! Қонун ўзимизнинг қўлимизда! Гулмирзаевга мендан салом айтдингми? Бас! Қолган гап у билан менинг ўртамда, аммо-лекин, бир нерса... бир ҳафта юриб, қанча ишладинг? – деди ўдағайлаб.

Қуддус тилини тишлаб, жим турарди, бирдан Тожиниёз гапга аралашди:

– Кирадан қанча тушди?

– Кира, қанақа кира?

Амиркулов ҳушёр тортди, билдики, уч киши гаплашиб бўлмайди.

– Бор, сен энди ишингни қил, дастгоҳни қабул қилиб ол!.. – деди-да, дам ўтмай бирдан бақирди, – ие, ҳали ҳам шу ердамисан, тўнка?

Қуддус бундай ҳангомадан ҳангу манг бўлиб, ҳайрон турарди, кўрган кўзларига, эшитган қулоқларига ишонгиси келмасди. Ҳолбуки, хона эшиги очилиб, ёпилгандагина “тақ” этган товуш сувга отилган тошдай туюлди-ю, тўлқин билан ўйнашиб турган итбалиқни гўё ўз комига тортиб олди... Зотан, Амиркулов кўпинча ўз яқинини бегона олдида нафақат танқид қиларди, сўкиб ҳам юборарди, ҳатто ҳақорат этишдан ҳам тоймасди. Ўйлардики, шундай қилса, бошқалар бундан чўчийди, ҳайиқади... Яна Амиркулов қисик кўзларини катта очиб, Қуддусга қаради:

– Сендан угина, мендан бугина, тушундингми? – дея оёқ остидан секингина назар ташлаб, илжайиб қўйди.

Қуддус индамади. Амиркулов унинг қалбига киришга уринди:

– Сен ўйлайсанки, менга ёки менга ўхшаган раҳбарларга осон?! Йўқ, адашасан! Мен ҳаммаси бўлиб, мана шу сен ишлаб турган бир автобазанинг директориман. Сен-чи, сен ҳам бир ҳайдовчисан...тагин қаерда, Қизилқумда, чўли маликда! Сени мен Самарқандга бекорга юборганим йўқ... гапнинг очиги “Студбеккер”дай улкан машина куруқ бориб, куруқ қайтмайди! Қимирладингми, қир ошасан, бир нимали бўласан, тўғрими?

Қуддус индамади...

– Ҳа, балли! Келтирган дастгоҳинг фарз, суннати қани?

Амиркулов Қуддусга, Қуддус Амиркуловга тикилганича бир нафас жим қолишди.



– Бор энди, дамингни ол, дарҳақиқат, чарчаб келгансан, узоқми-яқинми, бари бир, йўл!..Йўл азоби – гўр азоби...

– Ҳечқиси йўқ, – деди Қуддус.

Амиркуловнинг хира тортиб турган кўзлари бирдан “ярқ” этиб ёришди. У бир минутда минг хил ўзгарарди: керак бўлса ундай... керак бўлмаса, бундай... Ҳозир шошилганидан, негадир, нима қилишини билмай қолди, стол чеккасидаги жўмраги учган чойнакка қўлини чўзиб, ўзига тортди-да, кечаги кундан қолган бир ҳўплам чойни сирқитиб, пиёлага қўйди:

– Насиба, – деди узатиб, – дунёнинг тагига етасан омонлик бўлса, – деб қўниб ҳам қўйди.

Ташқарида ҳар кунги ғала-ғовур... Амиркулов туни билан очиқ турган деразаларни ёпди, пардаларни туширди, ўт ёқиб, бош кўтарган саҳро қуёшининг йўлини тўстандай... Бирдан хона эшиги очилди-да, девдай бир йигит отилиб ичкарига кирди.

– Тинчликми? – деб Амиркулов ўрнидан кўзгалди.

– Тожиниёз бор экан, тинчлик йўқ! Запчаст сўрасанг, дўнғилайди... – деди титраб-қақшаб, қора-қура қўли билан манглайдан сизиб оққан тер томчиларини юзига суртиб, – ўлар бўлсам, ўлдим, бу юлғичнинг дастидан!..

Қуддус ўзини тўхтатай деса ҳам, тўхтатолмади, бирданига:

– Тамагир! – деди, – кўринган косага бурнини суқади.

Амиркуловнинг пешонаси тиришди.

– Аҳмоқ! – деб сўқинди... Лекин, хаёлидан сирли синоатлар бирин-кетин ўтди.

– Қойилман, – деди механик кўзлари чақмоқ чаққандай ёришиб, аммо бўлиб ўтган хангома Қуддуснинг бошини “тарс” ёргудай, унга тинчлик бермади, ётоқхонага кирганда каравот устида ётган бир парча қоғозга кўзи тушди ва уни олиб ўқиди: “Дўстим, Қуддус, мен “ўлжа” қидириб кетдим,

топсам, олиб келаман. Сен ўз жойингда тур, қимирлама, юзта-юзта қиламиз, боқладинг!”

Бу хат бояги девдай йигитдан эди. Қуддус унинг фикрига қўшилмади, эътироз билдирди: “Йўқ! Бу йўл тўғри бўлмайди, ичкиликнинг пайти эмас, ҳали вақт бор, Қўчқортой шошилиб қолибди”, – деди ўзига-ўзи. Лекин, кўнглидан яна ўша Амиркулов... Фарида... Тошкентлик йигит ўтди.

## 2

Тожиниёз Амиркуловнинг хонасидан чиқишга чиқиб кетди-ю, лекин алами ичида қолди, ўтиргани жой тополмади, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини оларди. Охири бўлмади, ўйлаб-ўйлаб бир баҳона топди шекилли, бирдан чехраси очилиб, ёнбошида турган темир чойнакка сув тўлдирди ва уни электр плита устига қўйди.

– Хўн, энди нима қилмоқчи? Балки, Қўчқортой олдига бориб, кеч бўлса ҳам. узр айтадимиз? Ким билсин, чой қайнагунча, унинг бошида юз хаёл... Балки, директор билан маслаҳатлашгани маъқулми?... Ҳар ҳолда, у ўзиники, сирдош... Ўйлаб-ўйлаб, шундай қарорга келди: “Механикни қўйиб турай, у баттол! Бўш келсам, бошимга чиқиб олиши мумкин... Амиркуловнинг дағдағаси зўр бўлса ҳам, тили қисик”...

Офтоб осмон тандирита қаланган ўтдай саҳрони ёндирарди. Соат маҳаллий вақт билан ўн икки... Биров йўлда, биров уйда тамалди қиларди. Автобаза ҳовлисида онда-сонда одам кўринса ҳам, кундалик шовқин-сурондан холи эмас... Моторнинг гуриллаши, аллақандай темир-терсақларнинг шақир-шуқури тинимсиз эшитилиб турарди. Тожиниёз омборхонанинг темир дарвозасини бир нафасга омонат ёлди-ю, бир чойнак чойни иккита пиёла билан кўтариб, ўз “кабинет”идан директор “кошона” сига “лип” этиб ўтди.

– Ассалом, хўжайин, бугун кўришмадик. Кун ҳам жуда қизиб кетди.

– Салом... – деди-ю, унинг қошлари чимирилди, – хўш, янгилик борми?

– Эшик остонасидаги қул ичкаридан огоҳ бўлиши керак, деган эдингиз... Қулоғимиз эшикда, кўзимиз тешикда...

– Ҳа, балли! Гапга анча чечансан! Бундай нарсани худо ҳар кимга ҳам иноят қилавермайди. Уни-буни қўй, ўзим сени чақирмоқчи эдим, келганинг яхши бўлди.

– Хизмат борми, хўжайин?

– Қанақа хизмат?! Ана, у жанжалкашларни бир ёқли қилиш...

– Мендан қандай ёрдам?

– Сенданми?! – деди ёвқараш билан...

Тожиниёзнинг хаёли қочди, тер босган бурнининг устини қўли билан артиб қуйди...

– Сенлар чиқиб кетгандан кейин Мария Михайловна кирди, устингдан трестга хат тушган экан, қайтиб келибди... Кўрсатди: “Мана, у!” кейин, “Алиқул Амирович, бунақа ўртоқ бизда ишламайди-ку?” – деди. Дарҳақиқат, аризага кўз югуртирсам, исминг тўғри ёзилган “Тожиниёз”, бироқ “Паҳмоқов” деган фамилангда, негадир “П” ҳарфи ўчирилган. Бунга кулсанг ҳам бўлади, йиғласанг ҳам!

Тожиниёз шикоятни қўлга олиб ўқир экан, борган сайин ялпоқ пешонаси тиришиб, чувакдай юзи янада ингичка тортарди.

– Яна ўша Кўчқортой пияниста, алкаш!

– Ҳа, шундай!.. Тўғри, сен айтгандай у алкаш, пияниста, лекин сен ўйлагандай нодон эмас, ёзган хатига қара! Мен сени тўнка десам, у косов дебди... Косов дегани, биласанми, қурни ўт олдиради, керак бўлса, ўтни ўчиради. Энг муҳими, қўл қуймайди. Мен бўлсам, ҳамон сени тўнка деб юрибман, – деди-да, боя ишшайган бўлса, энди қаҳ-қаҳ уриб кулди, –

авваламбор, бу нозик ишга Қуддусни аралаштириб, чатоқ қилгансан, кўрдингми, Қўчқортойнинг важоҳатини? Борди-ю, унга Қуддус қўшилса, икки ёрти бир бутун бўлиб, катта кучга айланади, тўғрими?

– Тўғри, мен айбдор...

– Энди, бундай қиласан, дастгоҳни дафтардан ўтказмайсан, гўё сен билан мен ишлаб турган автобазага ҳеч қандай дахли йўқ... Контейнерда турганча, тураверсин!..

– Хўш, кейин?

– Кейин бир гап бўлади.

– Касални яширсанг, иситмаси ошқора, дейдилар, хўжайин.

– Вақт ўзи табиб, тушундингми?

– Тушундим, лекин бир пачка пул бўлса ҳам, уни эплаб, киссага урмасанг, дўппайиб қолади.

– Сендан биров сўраса, “Марказдан мутахассис кутаётибмиз, эрта-индин келади”, дегин-қўйгин...

– Маъқул, хўжайин, жуда маъқул, – деди-ю, ўйланиб қолди, – тавба, ўзим топган Қуддусдан хавотиримиз шунча бўлса, наригисидан қанча бўлди?

– Ана, энди ўзингга келдинг? Бу гуруҳнинг бошида ким турганини биласанми?

– Биладан, Марат Халилович...

– Ҳа, балли!

– Лекин, у на алкаш, на аҳмоқ...

– Хўш, мен аҳмоқми? – деб бақирди.

Тожиниёзнинг ичидан қиринди ўтгандай ранги гоҳ оқарарди, гоҳ қизарарди...

– Мен уларга бир ўйин кўрсатайки, ўшанда Алиқул Амиркуловнинг кимлигини билиб қўйсин, билмаганлар...

– Хўш, хўш... Хўжайин, – деди устомонлик билан Тожиниёз.

– Сувни ким лойқалатса, балиқни ўша тутади. Билмасанг, билиб қўй, мен сувни шундай лойқалатайки, – деди ишшайиб, кўнглидаги макру ҳийла кўзларида “йилт” этгандай... – Сен ҳали ҳам тўнкасан, бир уруш эмас, икки уруш кўрган бўлсанг ҳам!

– Кечирасиз, хўжайин, ўйласам, онангиз сизни ёлғонга туққан...

– Ҳа-да, онам чевар, дадам адвокат...

– Мен бўлсам, ландовур, ҳар қанча уринсам ҳам ёлғонни сизчалик эплломайман.

– Сен ҳали ҳеч нарсани билмайсан, тўнка, чунончи, “Бир ёлғонда қирқ ёлғон” деган эртакни эшитганмисан?.. Менга, менга-чи, мақтансам-мақтанмасам, ҳатто бир ёлғонда қирқ ёлғон че-пу-ха!

– Сиз, қирқ ёлғон эмас, минг ёлғонни қотирасиз, – деб, турганида Амиркулов қўққисдан аксириб юборди, – ҳаққиси рост, қойил!.. Мана, мен сиз учун, сизнинг омадингиз учун ишлайман, пул учун эмас, хўжайин!

– Эл учун дегин, эл учун, – унинг кўкрагидаги орден ва медалларга ишора қилиб. – Кези келганда ишлат, барака топгур!.. Сен энди Тожиниёз эмас, Тожихўроз бўл, қичқиринг Бухоро тугул, Самарқандга етсин!

Тожиниёз кутилмаган бундай муносабатдан гангиб қолди, пиёлага қўл узатди, чой қуйиб, директорнинг кўнглини овламоқчи бўлди.

– Заҳарни заҳар кесади! – деди Амиркулов доғулилик билан.

Тожиниёз яна гангиди...

– Ана у холодильникдаги қурғур кесмаса, сен келтирган чой “чепуха!”

Тожиниёз қўллари қалтираб, хона бурчагида турган холодильникни очди:

– Оқиданми, қизилидан?

– Ўлдирса ҳам. Ўриснинг ароғи ўлдирсин, – деб кулди Амирқулов.

Тожиниёз ҳам томоғи тақиллаб тургандай, дарров шишани чап қўлига олди-да, ўнг кафти билан тагига бир уриб, бояги чой учун олиб келинган пиёлаларга аста-секин қуяр экан, сўради:

– Бўлдими, хўжайин?

– Қуй! – деди Амирқулов пиёла ҳошияларидан кўзини узмай, – ҳукуматнинг ўзи чизиб қўйибди-ку...

Тожиниёз унинг бундай ҳазиломуз ширин сўзлигидан эриб кетиб, пиёлани тўлдириб қуяётган эди, бирдан:

– Бўлди-бўлди, яхши! – деди-ю, оқ урди. Тожиниёз қўлини чўзганча, бир нима демоқчи эди, аммо улгурмади, пиёлани шиша билан уриштириб, Амирқуловдан бошқа садо чиқмагандан сўнг, оғзига яқин олиб борди-да, бир йўла кўтариб, отди.

– Жуда машқини олибсан-ку! – деди унга кўз қирини ташлаб, ҳазил аралаш, – энди тапбостига нима қиламиз, шапкани ҳидлаб кетаверамизми, десам, эски шапка ҳам йўқ...

Кулги кўтарилди.

– Лекин, хўжайин, ҳеч ким йўғида дилимдаги бир гапни айтиб қўй!

– Айт! – деди кибру ҳаво билан, – қўрқма, мен ҳам ҳеч кимдан қўрқмайман, айт, айтавер!

– “Получка” куни тўрт-беш киши ошхонада юзта-юзта қилиб ўтирганимизда, эсингиздами? Бирдан мени, “Тўнка, сен ҳам шу ердამисан?” деб чақириб қолдингиз.

– Хўш... хўш?

– Кайф қилиб, пинакка кетиб ўтирганлар кулиб юборишди...

– Хўш, гапни кўп чўзма!

– Кейин, кимдир, яхшигина оти бор, нега уни тўнка дейсиз деса, сиз кулиб, биринчи никоҳда бир тўнкани уч марта болта билан уриб, бир марта ёролмаганимни айтиб, мазаҳ қилдингиз... чидадим... чунки, ўзим айбдор! Мана, шу ичиб ўтирганимиз заҳри қотил айбдор, аммо...

– Аммо-лекин, дилингга эмас, тилингга ҳайкал қўйса, арзийди, – деди-ю, негадир ўйланиб қолди, – ҳайкал нима? Ҳайкал эсдалик, тилинг қичиб, шу гапни айтмаганингга, ҳозир ким эсларди уни?... Тўғрими?

Тожиниёз нима дейишини билмай жим турган эди, яна сўради:

– Тўғрими?

– Тўғри, хўжайин...

– Ҳамиша мен тўғри гапни айтганман, ўзинг айбдор. ўзинг деганингдай, – яримлаган шишани кўрсатиб, – мана бу, обизамзам айбдор! Тўғрими?

– Тўғри... тўғри, хўжайин.

– Тўғри бўлса, – оғзининг таноби қочиб деди, – қуй. тўнка!

Кичик гурунгда катта кулги бўлди...

– Умрингда шахмат сурганмисан?

– Сиз турганда бизга йўл бўлсин.

– Мен сента айтсам, шу ёшга етгунча шахмат деган нерсани кўп сурдим. Охирида адашдим, шекилли, фарзинни бой бериб қўйдим, сента ўхшаган “пешка”лар билан қолдим, холос. Энди, кимман? Самарқандда “ман-ман” деганларнинг биттаси эдим-ку... Эсингдами, пойафзал фабрикасида бош директор бўлиб турганимда шуҳрат қазондим, “Меҳнат қаҳрамони” бўлдим... Ҳаммаси бўлиб, бир эчки терисидан бошқа корхоналар бешта оёқ кийими ишлаб чиқарса, мен еттита қилганман... Шон-шавкат, мақтов, мансаб, машина, қай бирини айтай?... Обком бўлмасам ҳам, райком бўлдим.

– Эсимда.

– Олган бўлсам, туғилган кунимда совға-салом олганман... Кимдир мол, кимдир пул берган... Йўлга чиққаннимдами, курортга борганимдами, эҳтимол, шундай бўлган бўлса, бордир... Ким олмаган дейсан, олмаганлар бориб ётибди... Мени жазоладилар, қамалмадим, холос... Ўзинг биласан, хўш, кейин нима бўлди? Мендай азим тул чинорни кесиб, “ГАЗ-69” га ортдилар-да, мана шу чўли маликка жўнатдилар, “қуруғ”ини бериб қутулганим, шу!

– Эсимда, ҳаммаси эсимда.

– Эсингда бўлса, энди шахматни бошқача сурамиз! Мана, фараз қил, сув лойқади, яъни сени ишдан бўшатдим.

– Наҳотки, – Тожиниёзнинг ранги ўчди.

– Тўхта, сабр қил! Энди, сен тўнка эмас, Тожиниёз ҳам эмас, кимсан? Тожихўроз! Ҳа-да... автобазадаги кирди-корларни фош қиласан, менинг номимга ариза ёзасан, Кўчқортойни ифвогар дейсан, сенинг устингдан бошқармага юборган хатида ҳақоратлаганини айтасан, Марат Халиловични буфетчи қиз Вера билан дон олишиб юради, деган гапни Мария Михайловнага ёпиштирасан, хуллас, Қуддусни ҳам кимнингдир гумаштаси, дейсан-да, ҳаммасини бири-бири билан чўқиштириб, қолаверса, мен ҳам сени нотўғри ишдан бўшатганимни шикоятнинг бир чеккасига қистириб ўтасан. Мен комиссия тузаман, ўзим лойқатган сувни ўзим тинитаман... Эсингдами, сувни ким лойқатса, балиқни ўша тутуди, ким тинитса, ўша ютади!

– Тўғри, хўжайин! Лекин, Марат Халиловичнинг тарафдори кўп...

– Кўрқма, Тожихўроз! – деб истеҳзо билан кулди, - бирини ишлаб, бирини пешлаб қўяман ўзим... Керак бўлса, йўқ қилиб юбораман.

– Йўғ-эй, қаҳрингиз шунақа қаттиқми?



– Ҳали сен ҳам мени совунимга кир юлмаган кўринадан?

Амиркулов тўлдирилган пиёлани қўлга олиб, авваламбор унга қаттиқ тикилди, кейин, “олтинмисан, зумрадмисан, нерсасан?” – деди-да, бир отишда уни тинчитиб қўйди ва тўсатдан:

– Қани, Тожихўроғ умрингда ҳеч бўлмаганда, бир марта рост гапни айт-чи?

– Ие?

– Нега, ие?

– Қачон ёлғон гапирибман?

– Ўтган ишга салавот... Ҳозиргисини айт? Яхши курган нерсанг нима?

– Сиз! – деди, ўйламай-нетмай, тўсатдан.

– Нерса? Мен, ҳали, сента нерсаманми? – деб алжиди.

– Ҳа-да! Сиз менга бебаҳосиз!

Амиркулов бу гапдан қўнгли ёришиб, талтайди.

– Қуй! – деди, Тожиниёзнинг елкасига қоқиб...

Тожиниёз Амиркуловнинг бу кайфу сафосидан эриб:

– Сиз-чи, хўжайин, – деди тиржайиб унга, – нимани яхши кўрасиз?

Амиркулов бир вақт қўлидагини даст кўтариб:

– Пул бўлса, пул бериб, хотин оласан, пул бўлса, пул бериб, имон оласан! – деди-ю, аммо ичмади, билъакс, пиёлани столга уриб синдирди, Тожиниёзнинг ранги ўчиб, қони қочди, уй ичини арақ ҳиди тутди, – ана ўша йўқ!

– Наҳотки?..

Тожиниёз ўнг қўли билан ўз пиёласини Амиркуловнинг пиёласи ўрнига суриб, унга шиша оғзини тўғриллади-да, чап қўли билан дариҳтиёт, ўз ёнида олиб келган “қуруғ”ини чўнтагидан чиқариб, унга узатди... Амиркулов нимани олди, нимани олмади, ўзи ҳам билмай қолди.

– Донишманд халқимиз нима деганини биласанми? “Тома-тома қўл бўлур...” Ҳа, ҳозир ана ўша катта қўлда наинки,

балиқлар, аллақандай наҳанглар пайдо бўлганки, унча-мунчага тўймайди!..

Начора! Уларниг кайфлари анча ошган бўлса ҳам, ҳар икки жўра бири-бирдан ақллироқ гап айтишга уринарди.

– Қазисан, қартасан, ахир, ўз аслингга тортасан, – деди тиржайиб Тожиниёз, – тапбостини мазаси бўлмади... бирор нима топиб келай...

– Узоқлаб кетма!

Тожиниёз, дарихтиёт дераза пардаларини тушириб, хона эшигини ташқаридан қулфлаб, чиқиб кетди. Амиркулов ёлғиз ўзи креслога суянганча ёнбошлаб хаёл сурарди: бирдан эсига Мария Михайловна тушди-ю, юраги орқага тортди, “П” ҳарфи ўчирилган бўлса, бу жиноят-ку?! Хона қулфига калит солинганда, мудроқ босган кўзлари “ярқ” этиб, чўчиб тушди, камера эшиги очилгандай... бир вақт қараса, узун бўйли, найновдай, лақаби вужудига қовушмаган Тожиниёз кириб келди, қўлида бир бўлак нон, колбаса, беш-олтита курт, яна алланималар солинган алюмин тарелка...

Яна бўш пиёлалар тўлдирилди.

– Хўш, нима учун ичамиз, – деди Амиркулов қисик кўзларини бир қўли билан ишқалаб туриб...

– Охири бахайр бўлиши учун, – деди Тожиниёз унга аллақандай хижолатли нигоҳ ташлаб, – ижозат берсангиз, бир латифа эсимга тушиб кетди.

– Қизиқми? Кулгилими?

– Қизиқ бўлмаса, латифа бўладими?

– Йўқ! Олдин айт, кейин ичамиз...

– Айтишларича, бир кун бир фуқаронинг уйига кутилмаганда меҳмон келибди. Мезбон, ҳар қалай, уни ҳурматини келтирай деб, хотинига палов буюрса, хотини рўзғорда ҳамма нарса бору, фақат сабзи йўқ, деган жавобни берибди. Мезбон иккиланиб ўтирмай, тўрва-халтани кўтариб

бозор борса, кечаги сабзининг нархи эртасига уч баробар ошиб кетибдики, қўлидаги пул бир қадок сабзининг учдан бирига ҳам етмабди. Нима қилишини билмаган харидор қозикалон дарвозасини қоқибди, лекин бу уринишдан нажот топмабди. Ниҳоят, бозор, бозордаги нарх-наво муаммоси адолатли подшо қулоғига етиб борибди. Подшо мулозимларига олувчини ҳам, сотувчини ҳам, оёғини ерга тегдирмай, зудлик билан саройга олиб келишни буюрганда, бу воқеани эшитган, наинки, шаҳар ё қишлоқ, бутун мамлакат ларзага келибди. Сотувчига ўшқирган подшо дебдики: “Нечун бозорда нарх-навони ошириб юбординг, ахир, бу хусусда менинг амру фармоним бор-ку! Сен кимга хиёнат қилдинг, менгами. қонунгами ёки харидорга?” Сотувчи дебдики: “Эй ҳазрати олийлари, мен деҳқон эмасман, ҳожатбардор олибсотарман, холос”. Подшо дебдики: “Бу судхўр, олибсотарни жазоланг, токи, бозор мозор бўлмасин, фуқаролар очдан ўлмасин!”. Сарой аъёнларидан бири не хаёлларга бориб, подшодан сўрабди: “Эй, олампаноҳ, жазонинг қайси бир турини қўллаймиз?” Подшо буюрибди: “Ўша қопдаги сабзиларнинг ҳар бирини “тик” тургазиб, унинг устига сабзипурушнинг лозимини ечиб ўтказинг!”

Ҳа, шундай, бунга ҳеч шубҳа йўқ, чунки подшонинг амри вожиб! Лекин ҳар гал жазо шарти ўталганда сабзипурушнинг “Охири бахайр бўлсин! Охири бахайр бўлсин!..” деган пушаймонидан бояги харидор ажабланиб, ундан сўрабди: “Нега ҳадеб, охири бахайр бўлсин, дея зорланасан?” деса, сабзипуруш жавоб берган эмиш: “Ҳали, қопдаги сабзи тагида ловлаги ҳам бор, унда нима бўлади?..”

Амиркулов бу латифадан ўзини туюлмай, ниҳоятда қаттиқ кулиб юбордики, ичган ароғига қалқиб кетиб, ўлар ҳолга тушди. Тожиниёз қўрққаниданми, шишаларни яшира бошлади... Фавқулудда хона эшиги зарб билан очилди. Дераза

пардалари туширилиб. ичкари ғира-шира бўлганиданми, Амиркулов наздида тонг отгандай, гўё у ўз уйида ухлаб қолгандай... Стол устига қўйган бошини зўрға кўтарди, рўпарада бош инженер турарди.

— Алиқул Амирович, — деди кўрган-кечирганидан хижолат тортгандай, — кечирасиз, безовта қилдим, аммо Қуддус Қодировни Теран қудуққа боришига қаршиман... қаттиқ чарчаган...

Амиркулов унга:

— Подшонинг амри вожиб, — деди-да, яна бошини стол устига қўйди.

### 3

Қуддус ҳар галгидай эрта уйғонди. Ҳали офтоб ўз ётоғида, кўз очиб, киприк қоққанича йўқ... Уй ичи ғира-шира... Чироқни ёқди, тунука чойнакка сув тўлдириб, уни электр плита устига қўйди. Ўзи ярим-яланғоч ҳавога чиқиб, чуқур-чуқур нафас олди, одатдаги спорт машқини қилди: чопди, сакради, ўтирди-турди ва ҳоказо, ва ҳоказо... Сўнг ўз хонасига қайтиб кирди ва чўзилиб ётиб, бир оз вужудига дам берди. Унинг каравоти билан деярли ёнма-ён, бир одам ўтадиган йўл оралиғида яна бошқа бир каравот турарди. Унда Кучқортой ётарди, ҳали уйғонмаган...

Қуддус соқол олиш учун тайёргарлик кўрди: кичкинагина бежирим алюмин идишчага кирсовун зарраларини солиб, бояги плита устида қайнаб турган сувдан озгина куйди-да, махсус шчётка билан уни роса кўпиртирди, сўнг икки юзига суртиб, худди ўзини қорбобога ўхшатиб қўйди. Сўнг чап қўлини бир юзига тираб, ўнг қўлига устарани олиб, кўпик суртилган соқолини қиртишлай бошлади. Нима бўлди-ю, хаёли қочди, эҳтимол, бунга дераза кесақисига суяб қўйган,

қиёфасини ўзида акс эттираётган бир парча тошойна синиги сабаб бўлгандир.

Таажкуб! Вақт деган нарса шунчалик тез ўтадимми?! Наҳотки, кўз очиб юмгунингча, тонг отса, кўз очиб юмгунингча, кун ботса! Бир оғиз сўз билан айтганда чўл қўйнидаги шаҳар ҳаётбахш олов устидаги дошқозондай қайнарди... Автомашиналарнинг бетўхтов гуриллаши, кулоқни қоматга келтирувчи шовқин-сурони Зарафшон устида салобатли ҳайқирикдай янграрди...

Ана шундай тинимсиз шовқин-сурондан гангиган Қуддус, хаёлида рўпара келган одамдан нималарнидир сўраб, анча юрди-да, охири, автобаза дарвозаси олдига келиб тўхтади... Бир неча дақиқа аланглаб, яқингинада қурилган ва тепасига “ошхона” деб ёзиб қўйилган оқ уйдан чиқиб, унга дуч келган майкаси қорамойга беланган йигитчадан сўради:

- Ҳой, ука, идорангиз қаерда?
- Ким керак эди?
- Автобаза директори...
- У киши ҳозир йўқ, нима масала?
- Нима масала бўларди? Иш масаласи...

– Ундай бўлса, кадрлар бўлимига ёки бош инженерга учрашинг... Бугун директоримизнинг хотинининг туғилган кuni... Уйига борсангиз, зиёфат устидан чиқасиз, – деб кулди.

– Зиёфатни менга ким қўйибди? Менга иш керак! – деганига, мана, ҳозир неча йил бўлди?

Ҳа, шундай! Хаёл арғамчиғи узун, унга ўралашдингми, чиқиб кетишинг қийин! Қуддус ҳам бир нафасда оладиган соқолини бир соатга чўзди. Кўз олдига нималар келмади? Бутун бир умр босиб ўтган ҳаёт йўли!.. Ўша кез Қуддус Марат Халиловични топди-ю, ундан нари кетмади.

– Тушунинг, ўртоқ инженер, узоқ йўлдан келганман, Самарқанддан, Бухоро бўлса ҳам майлийди... Бунинг устига борар жойим ҳам бетайин!

– Сиз ҳам мени тўғри тушунинг, – деди соч-соқоли ўсинқираган, ўрта бўй, хушбичим йигит, – мен ҳам бу ерга кечагина келганман. Ҳали бу корхонанинг пасти-баландини билмайман.

– Ким билади? Ким ҳал қилади?

– Директор!..

– Директор йўқ-ку, эшитишимча, бутун хотинининг туғилган куни...

– Ҳа-да!

– Ўзингиз, ҳал қилиб қўяқолмайсизми...

– Яхши йигит кўринасиз... Аммо, ҳужжатингизда ишқал бор, қамалган экансиз...

Ўтмиш Қуддуснинг эсига ногаҳон тушди-ю, юраги орқага тортди, қўли қалтираб кетди. Кўз олдини қоронғилик босди... Кўчқортой уйқусираб, “под” солиб юборди, Қуддуснинг кўзи негадир “ярқ” этди, қараса, эшик остонасида Марат Халилович турарди... Бу қандай тасодиф?!

– Лабинг устига пичоқ тегибди, – деди, гаши келгандай... – пичоқ ушлаганда шошилмаслик керак!

Марат чўнтагидан ҳамиша ўзи билан бир қисм пахта ва ясси бир шишачада одеколон олиб юрарди, мана ҳозир қўл келди. У одеколон қопқоғини бир-икки бураб, пахтага томизди-да, Қуддуснинг нафақат устара теккан ерига, юз-кўзига бир йўла суртиб юборди.

Қуддуснинг юзи ачишгани билан кўзи равшан тортди.

– Хуш кўрдик, – деди кулимсираб.

– Зудлик билан Теран қудуққа ёнилғи етказиш керак. Кеча бу ҳақда Алиқул Амирович билан гаплашсам, мени таажжубга солди, мастми ё писанд қилмадимми, куйи тушган бошини юқори кўтариб, “подшонинг амри вожиб”, деб қисқа қилиб қўяқолди... Лекин сен борма!

– Нера?

- Узоқ йўл босиб чарчагансан... Кеча келдинг...
- Унчалик эмас, керак бўлса, ҳали бу Теран кудуқ экан-ку, ундан нарига ҳам...
- Мен сенинг кимлигингни билганлигимдан, югургилаб келдим, борма!.. Кейин биласан...
- Сиз менинг оғир кунимга ярагансиз, суянчиқ бўлгансиз... Лекин, кечирасиз, буйруқдан бўйин товлломайман.

Марат Халилович ҳам, истар-истамас ўтган кунларни хотирлади: аввалбошида иккиланганлигидан хижолат тортди, бироқ Амирқулов билан учрашувда қатъий турганлигидан ўзи мамнун бўлиб, бир аллома айтган сўз эсига тушди: “Ҳамма нарсанинг чиқиндиси бўлиши мумкин, лекин одамнинг чиқиндиси йўқ!”

#### 4

Кўчқортойга биркитилган шогирд ҳозир ярим кузови олиб ташланган машина кабинасида ўтириб, баранкани завқ билан айлантирарди.

Унинг устози юриб кетаётган машина қанотига қулайгина ўрнашиб олганича моторнинг аллақандай мурватини бурар ва ҳали шатакка олиб ётган самосвалнинг шоферига нималардир, деб қичқирар эди.

Бу капитал ремонтни тугаллаш арафасидаги ишлардан бири... Деярли барча қисмлари янги деталлардан ташкил топган моторни ишлатиб юбориш, бошқача қилиб айтганда, қайта тикланган машинага жон бағишлаш билан баробар... Лекин, бу осон эмас! Шунинг учун ҳам мотор бир-икки йўталиб, сўнг бир меъёрда гувиллаб ишлаб кетганда нафақат устоз, шогирд ҳам бениҳоя қувонди.

Самосвал бир текис тортиб боргандан сунг Кўчқортой уни тўхтатиб, энди шатакдан ажратишни буюрди.

– Қаранглар, бинойидай нафас олаяпти, – деди самосвал шофери моторга қулоқ солиб туриб.

– Бўлмасам-чи, сен нима деб ўйлаган эдинг. Қани, ўзинг айт-чи, бу ерда Қозоқбоевдан бошқа ким бунақа металломи машинага айлантира олади? – деди гурур билан Қўчқортой.

– Ростини айтсам, ҳеч ким!

– Ана шундай! Аммо, буни ким тушунади, ким қадрига этади?

– Нолишинг ноўрин! Кези келганда гапиришади...

– Камроқ гапириб, кўпроқ ҳақ тўлашса эди! Афсуски, чўталчилар кўп... ҳам бўйидан, ҳам энидан уради. Боз устига, топганинг қорнингдан ортмайди, орзу-ҳавас деган нарса ҳам бор-ку! Тўрт ой ичида қанча топган бўлсам, бари буфетда қолди. Хўш, ўзинг айт-чи, шуми адолат?

– Ўзинг кўп ичасан-да!

– Нима бўпти?... Ичасам, ўз пулимга ичаман... Ўзганинг пулига ичяпканлар йўқми?!

– Ке, қўй, шу гапларингни... Кетдик! – самосвал шофери гапни қисқа қилди. – Ҳали, мен ойлигимни ҳам олганим йўқ... зора улгурсам...

Бензин ташпийдиган икки машина ёнида Алиқул Амирович турарди.

– Ҳа, Қуддус, келдингми, ишларинг қалай?

– Умуман, ёмон эмас. Фақат улар яна эртагача ёнилғи етмай қолармикан, деган ташвишда...

– Хабарим бор... Радиограмма олдим... Чекасанми? Чарчагандирсан?

– Ҳа, оз-моз. Нима эди?

– Балки, Теран қуддуққа яна бир марта...

– Бугунми?

– Бугун бўлмаганда сўраб ўтирмаган бўлардим. Биласанми, бир неча бензовозни Учқудуққа юбордим. Энди, яна



“тезликда ёнилги жўнатиш!” деган радиограмма келиб турибди.

– Йўлга қачон чиқиш керак?

– Икки-уч соатлардан кейин!

– Қайси машина тайёр? – деди жиддий, топшириқни

қабул қилгандай...

– 97-13...

– Мен у машинани яхши биламан, лекин анча уринган, эскирган... Ана, у дарвишни олиб кетсам, нима дейсиз, – деб олисдан кўринган Кўчқортойни кўрсатди, – яхши механик.

– Сен айтмасанг ҳам ўзи шундай... Унга путёвка ёзилган...

Куддус ўз ётоғига ўтди, апил-тапил бир пиёла чайни ичаричмас, пайдан фойдаланиб, йўл-йўлакай почтага ташлаб кетишни мўлжаллагандай чамадондан қоғоз-қалам олиб, хат ёза бошлади. Бу хат ҳамиша кўнглидаги, кўпдан бери ўйлаб юрган, ич-этини еб ётган дард-алам эдики, уни ёзиб улгуролмасди, вақт оз, шошиларди... Энди, бир варақни тўлдирди, иккинчи, учинчи варақ ҳали бўш... Гап кўп, айниқса, урушга бордимиз-бормадимиз? Нега қамалиб қолди, нега Фаридага айтмади, ёлгон гапирдимиз, яширдимиз ёки алдадимиз, ҳамма-ҳаммасини ёзди... Бир неча варақ тўлди, конвертга солди, сўнг конверт елимига лабларини суртиб, ҳўллади, ёпиштириб қўйди ҳам... Уй адресини билмагани учун “Самарқанд, Хўжа Ҳофиз кўчаси, 27-китоб дўкони, Фарида Муродовага” деб, конверт устига ёзди-ю, жўнатишга келганда иккиланди: Ким билсин ёзган хатидан кўнгли тўлмадимиз ёки Фарида қилган ишни қилгиси келдимиз, ҳозирча жўнатмайдиган бўлиб, чамадон қопчигига тиқиб қўйди-да, яна алланималарни ўйлаб, уй тўридаги деразани очди: девор тагида бир тўп ҳайдовчи майишган темир скамейкада ўтиришарди, парча-парча йиртилган газеталарга махорка ўраб чекишарди, негадир оғиз қолиб, бурунларидан ҳалқа-ҳалқа тутун чиқаришарди.

– Тожиниёзнинг иши чатоқ, — деди ўтирганлардан бири, — кетса, кетгудай...

– Қўлтиқтаёғи бор-ку...

– Ким?

– Шуни ҳам билмайсанми?

– Унинг устидан ҳам шикоят тушганмиш...

Бири олиб, бири қўярди... гала-говур... Бири “ундай” деса, бири “бундай” дейди...

– Мабодо, Амиркулов кетса, ўрнига ким бўларкан? — деди ўтирганлардан бири.

– Тайёр одам турибди-ку! — деди бошқа бирови.

– Бош инженерни айтасанми? Жуда жиккак, салобати йўқ! — деб гўлдиради бужур йигит.

– Лекин, олий маълумотли!

– Раҳбар учун авваламбор салобат керак, билдингми? — деди яна бояги бужур. — Мана, конкрет, Алиқул акани олайлик, ҳақиқий раҳбар, бир хўмрайса, ярим ойлигингни бериб қўйганингни билмай қоласан...

– Чаласавод-ку... — деди ёнма-ён ўтирган киши.

– Гап маълумотда эмас!

– Бўлмаса, нимада?

– Маълумот ўз йўлига... Гап илдизда... Амиркуловнинг илдизи чуқур...

Ҳайдовчилар ёнига Марат Халилович келиб, ҳар бири билан қўл олиб сўрашди.

– Демак, ҳаммангиз янги машина олишни хоҳлайсиз, шундайми? Эскисини кимга берамиз?

– Шу ҳам гап бўлдимиз, ўртоқ инженер? — деди бояги бужур, — списать қилиш керак!

– Ахир, эксплуатацион километражнинг ярмини ҳам ўтагани йўқ-ку, бу 13–55! Кимнинг машинаси?

– Меники, — деди дудуқланиб малласоч йигит.

– Буни қабул қилиб олганингизга олти ой бўлди, холос.  
– Хўш?  
– Нима, ярим йилда бир янги машина минсак арзийди,  
бу чўли маликда.

– Мен ҳам! Эҳтимол, у асфалт йўлларда олти ой эмас,  
ўн олти йил кушдек учиб юрар, бу ерда олти ойга чидаш  
берса, бас!

– Гап шу, – деди Марат Халилович бузуқ машинага  
ишора қилиб, – ким ўз қўли билан тузатмаса, унга йўл  
варақаси ёзилмайди.

– Бундан чиқди, ҳайдовчиларни механикликка,  
слесарликка ўтказмоқчимисиз, шундайми, начальник.

– Ўтказмоқчи эмасман, ўргатмоқчиман, эскини янги  
асрайди.

– Иш ҳақи нима бўлади?

– Меҳнатга яраша...

– Қаттиқ кетяпсиз, начальник...

Шу орада гуруннга ранги кесакдай, бурни сумакдай, қора  
кўзойнакли киши келиб қўшилди. Ҳали гап бошламасдан  
туриб, тутатқи сўради, бир эмас, уч киши унга гугурт чертди.  
Бу, автобазанинг бош бухгалтери Баширов эди.

– Ҳа, йигитлар, нима гап? – деди совуққонлик билан.

– Шунчаки, иш олдидан разминка, – деб ўтирганлардан  
бири чўнтагидан дастрўмолини олиб, бурнини артди. – Салқин  
ҳам тушиб қолди.

– Офтоб чиқишини кутяпсан, шекилли, – деди бошқа  
бирови.

– Хомтама бўлма, ҳали сен кутган офтоб тоғ ортида, –  
ҳазил қилди унга бояги малласоч.

– Бугун, пул ҳам бўлади, кун ҳам, – деди паст сурилган  
қора кўзойнагини қаншари устига ўнг қўли билан кўтариб  
туриб, – Алиқул Амировичнинг туғилган кунлари...

– Кўнглига сигармикан? Комиссия иш бошлаганмиш...

– Кўйинг бундай “узунқулоқ” гапларни, – деб Бангиров уларнинг оғзига урди. – Боринг, ойлигингизни олинг!

Касса дарчаси олдида шоферлар оломони, шовқин-сурон...

– Йигитлар, ҳозир рейсга жўнашим керак, – деди нафаси бўғзига тиқилиб келган Қуддус, – балки рухсат берарсиз...

– Ўзинг ҳозиргина келдинг шекилли рейсдан?

– У пул учун эмас, эл учун ишлайди, – деди кесатик билан филай йигит.

– Ҳа, шундай! Сенга нима?

Ҳамма кулди...

– Кўчқортой борар эмиш, янгилик...

– Бари бир, яна бир ҳайдовчи керак. Кўчқортой яхши уста, ўз касбининг профессори, аммо...

Касса ёнида турган бояги филай механик яна гапга араллашиб, ҳасадгўйликдан оғзига келганини қайтармай, Қуддусга:

– Ахир, сен икки уруш кўргансан, иккала машинани ҳам ўзинг ҳайдаб кетавермайсанми?

– Икки уруш эмас, мен сен кўрмаган уч урушни кўрганман, лекин буни сенга мутлақо алоқаси йўқ! Сен билан окоп тугул, бир ҳожатхонада ўтиришни истамайман.

– Кўйинглар, жанжални!.. Қани, оладиганингни ол, – деди алмисоқдан қолган кўзойнагига ип бойлаб, қаншаридан пастга кўндириб олган кассир.

Қуддус дарчага яқинлашиб, Кўчқортой билан ёнма-ён бўлди.

– Мени қараб юборинг-чи, – деди.

– Бир юз қирқ олти сўм етмиш тийин. Имзо чекинг, – деди кассир.

– Буники чакки эмас, – деб бўйнини чўзиб унга қаради, навбатда турганлардан бири.

- Санаб олинг, – деди кассир.
  - Хожат йўқ, шошиб турибман, – деди Қуддус.
  - Уялма! Санаб ол!.. – деди шивирлаб унга Қўчқортой.
- Қуддусга унинг бу гапи екмади шекилли, ёвқараш қилиб деди:
- Мана, навбат энди сеники...
  - Ўртоқ Қозоқбоев, – кассирнинг овози эшитилди, –

пулингизни оласизми ё йўқ?

– Ҳа, майли, берсанг, бер! Яшаш керак-ку, ахир...

– Машиналар тайёр. Цистерналарга ёнилги қуйишяпти. Ярим соатдан кейин йўлга чиқиш мумкин, – деди Машариф Қуддусга, қўлларини латта билан артатуриб ва яна қўшиб қўйди ёнидаги мўйлаби сабза урган бир ўспиринни кўрсатиб, – мана бу, сенларга ҳамроҳ бўлмоқчи...

Қуддус йигитнинг бошидан-оёғига кўз югуртириб, деди:

– Хафа бўлма, ука, ҳали сенга вақт бор, йўл оғир...

– Йўл оғир бўлса бўлар, киши чиниқади, айниқса, шогирд...

– Отинг нима?

– Миқти! – деди у аллақандай ғурур билан.

Қўчқортой бир чеккада турганча ҳозиргина кассадан олган пулини қайта санаб, бир қўлидан иккинчисига ўтказди, ўзи-ўзига нималарни дегандай, лаблари пирпирарди ва ниҳоят алам билан ўнг қўлини бир силтаб, олдинга юрди. Шу фурсат рўпарасидан Миқти чиқиб қолди ва хурсандлигидан кўзлари ёниб, унга:

– Олиб бўлдингми?

– Олдим, – деди ғўлдираб Қўчқортой.

– Қанча ёзишибди?

– Шунча, яна шунча! – деб бармоқларини ўйнатди, – энг муҳими, меҳнатимиз йиғлаб кетди.

Миқти идора биноси бурчагидан энди пешайвон зинасига қадам қўйган эди, Қуддус чақириб қолди:

- Миқти устозинг қани?
- Ошхонага ўтди шекилли...

Бино ёнида турган машина тагидан аллақандай темирларнинг бир-бирита урилиб жаранлагани эшитилди, сўнг олдинги гилдиракларни оралаб ўтган Кўчқортой кўринди.

- Мен сени ахтариб юрган эдим, – деди Қуддус.
- Нега?
- Амиркулов чақиряпти.
- Нимагалигини билмайсанми?
- Вақт зиқ, рейсга жўнашимиз керак... – деди Қуддус, бензин ташийдиган машина орқасига ўзини олиб, сўнг баллонларни бир-икки тепиб, хуштак чалиб қўйди.

## 5

Девор нақшлари унниққан торгина залда одам унчалик кўп эмас эди, шунга қарамай ғала-ғовур... Шалоғи чиққан алюмин стол атрофида беш-олти киши ўтирган бурчакдан аллақандай хирилдоқ товуш эшитилди:

- Бола баҳона, дийдор ғанимат...

Амиркулов қорнини ёзув столига тираганча янги бир гап айтгандай кеккайиб турарди. Давлатов қизил алвон кўтариб кириб келди-да, унинг устига ёйди, сўнг майишган икки темир столни бирини иккинчисига бирлаштириб, устига оқ супр ёпди. У билан кетма-кет буфетчи қиз Вера тарелка, қошиқ-вилкаларни жон бошига мўлжаллаб қўйиб чиқди... Отдел кадр Мария Михайловна стулларни санади: бир, икки... йигирма... ўттиз... Кимдир бир чеккаси қора-қура, анча уринган Амиркуловнинг портретини аллақайдан топиб келтириб, уни тўр деворига қоқиб қўйди... Бу ўтирганлардан кимгадир ёқди, кимгадир ёқмади, лекин Амиркуловнинг ўзи “чурқ” этмагани учун бошқалар ҳам бир нарса демади...

Тожиниёз ўйлашиб турди-да, сўнг директорнинг юрагига қўл солмоқчи бўлиб, унга:

– Бугун сизнинг туғилган кунингиз, сизнинг юбилейингиз, хўжайин! – деди.

– Ҳали мен тирикман-ку! – деди директор нима дейишини билмай...

Ўртада кулги кўтарилди. Бирин-кетин кириб келган меҳмонлар бу кулгини Амиркулов шарафига йўйиб, кулги аралаш қарсақ чалиб юбордилар.

Юбилей оқшоми ана шундай бошланди. Кимдир Амиркуловнинг устига чопон ташлади, кимдир оёғи остига гилам тўшади, кимдир гул берди, кимдир пул... Лекин юбилярнинг кўнгли негадир қоронғи, кеч кирса ҳам ой чиқмагандай... Чунки, на Бухородан, на Самарқанддан дарак бор? Йиғилганлар ҳаммаси ўз атрофидаги, ўзига қарашли одамлар... Зал тўлар-тўлмас...

Амиркулов ўз мавқеига, ўз обрўсига жамоа олдида путур етмаслиги учун чора-тадбир излади ва гўё топди:

– Ўртоқлар, дўсти азизлар, – деди қизил алвон ёпилган стол ортига ўтиб, – мен бу кеча программаси билан танишдим, мана бу ҳурматли биродаримиз айтиб берди, жуда яхши, эҳтимол, ундан ҳам аъло, лекин сиз рози бўлсангиз, кичик бир ислоҳ киритмоқчиман, яъни расмий мажлис ёки узундан-узоқ докладга ҳожат йўқ! Мен бир каминаи камтарин... Менга на шон-шуҳрат, на бир битмас-туганмас давлат керак?! Ҳаммамиз бир-биримизни яхши таниймиз, жуда яхши биламиз.

– Тўғри, тўғри! – деган овоз эшитилди.

– Қани, бир қарсақ чалиб юборинглар!

Қарсақ чала-чулпа янгради. Эшик “ғиқ” этиб очилди, у барини-бу барига ургандай шошиб-пишиб Тожиниёз кирди ва Амиркуловнинг ёнига ўтирди-да, стол устидаги шишани

очиб, стаканларга қуя бошлади. Устма-уст уч-тўрт марта “отилди”. Кўп ўтмай, дастурхонга иссиқ овқат тортилди, буханка-буханка нонлар тўғраб ташланди, кетма-кет захри қотил қўйилди, қадаҳлар айтилди, “оқ” урилди. Ўйин-кулги авжига чиқди. Энди на биров-бировни менсийди, на биров-бировга қулоқ солади... Стол охиридан гармонь овози эшитилди, демак, Баширов ҳам шу ерда... Шокир полвон ўзича ўтирган жойида хиргойи қиларди... Вера Тожиниёз билан “асса-асса” га тунди, қарсак устига қарсак... Дам ўтмай, Давлатов меҳмонларни тартибга чақирди ва узундан-узоқ бир нималар деб қадаҳ кўтарди:

– Дўстлик учун, қардошлик учун!

Бу сўзлар нечоғлиқ қадрли бўлса ҳам, биров эшитди, биров эшитмади. Тожиниёз Амиркуловнинг пинжига кириб, Марат Халилович Вера билан дон олишиб юрганини эслатди... Ким нима қилса, нима истаса шу...

Шокир полвон тинчимаган Нурмат “тажанг”га ўдағайлади:

– Бас қиласанми, йўқми, – деб уни судраб остонага олиб бориб, эшикни очган эди, “ғур” этиб, саҳро шамоли дастурхон устидаги “ноз-неъмат”ларни ер билан яксон қилди.

– Эшик-эликлар ёпилсин, – деб буюрди Давлатов. – Ўйинбузуқиларни жой-жойига олиб бориб, ётқизиб қўйинглари!

– Менга ёқади, – деди Амиркулов.

– Нима ёқади...

– Ана шундай эркинлик, демократия...

– Сиз, анча-мунча қаттиққўл эдингиз-ку, таажужуб! – деди Давлатов.

– Ҳа-да, идорада... мана бундай ўтиришларда юмшоқ қўлман? – деб қаҳ-қаҳ отиб кулди. – Ишонмасангиз, келинойингиздан сўранг...

– Кечирасиз, Алиқул Амирович, қўйиб берсанг, бундайлар бири-бирини еб қўйиши мумкин...



– Ҳа, нима бўлти?  
– Мастмисиз?  
– Йўқ! Йўқ!! Сиз мастсиз, ўртоқ ўринбосар, ҳозир шундай...  
Эркинлик... Ким нима қилса қилади...

– Сиз билан бугун гаплашиб бўлмас экан. Эртага гаплашамиз, – деди Давлатов узун бармоқлари билан чакка суякларини эзгилаб...

– Эртага?.. Эрта мен бу ердан кетаман...

– Қаёққа, – деб ўсмоқчилаб сўради Давлатов.

Амиркулов индамади... Лекин, бирдан Тожиниёзга бақирди:

– Марат Халиловични чақир, қани у?

Марат Халилович етиб келди:

– Тинчликми?

– Эртага кетаман, – деб алжиди, – ўрнимга сени қолдираман... Мана, бу, – Давлатовни кўрсатиб, – эшитсин!..

– Қаёққа?

– Истаган еримга... Самарқанд ҳам чақиряпти, Бухоро ҳам...

– Ҳали сизни ундан нарига ҳам чақиради, – деб энсаси қотганидан эшикни тарақлатиб чиқиб кетди Давлатов.

Амиркулов қуйи солинган бошини аранг кўтариб, деди:

– Одам эмас экан-ку, бу Давлатов деганинг... йўқ! Мен Самарқандга бораман, Самарқандга...

Тожиниёзнинг кўнглидан ҳозир нималар ўтмади, дейсиз, айниқса, яқинда бировга кўриниб, бировга кўринмасдан келиб кетган Гулмирзаев... Бундан фақат Тожиниёз хабардору буфетчи қиз... Ўша кун улар овга чиқишган-ку, ҳамма гап ўшанда ҳал бўлган... “Газ-69” нинг орқа ўриндиғида икки оғайни суҳбат орасида гоҳ чекишиб, гоҳ юзта-юзта “отишиб” боришарди. Бир вақт Амиркулов тимирискиланиб қолди, Гулмирзаев унга:

- Нима қиялсан? – деди.
- Дастрўмолимни қидиряпман, – деб талмовсиради.
- Ахир, бу менинг чўнтагим-ку, – деди Бекмирза ака.

Машина мотори шовқин солиб бораётган бўлишига қарамай, “динг” кулоқ “тўнка” “пиқ” этиб кулиб қўйди, билдики, бу чўнтакдаги “соққа” у чўнтакка ўтди... Буни ўзи билан ёнма-ён ўтирган Вера ҳам сезмади...

- Май... Май беринг, – деб бақирди Амиркулов...

Меҳмонлар аллақачон тарқалган, Марат Халилович ҳам хижолатпазликдан, ҳали биров билиб, биров билмасдан ғойиб бўлган эди... Фақат Тожиниёз:

- Тўхтанг, хўжайин, – деди унга қадаҳ узататуриб, – тўхтанг, ҳали менинг айтадиган гапим бор...

Амиркулов аллақачон пинакка кетган, босинқирарди, туш кўрарди: Самарқанд... Регистон ресторани... Шаҳарнинг катта-кичиклари тўпланган. Дастурхонда турли ноз-неъматлар, айниқса, оқ, қизил шишалар... Мусиқа... Ҳайин-кулги... қадаҳлар кетма-кет жарангларди. Кимдир уни мустақкам қояга ўхшатарди, кимдир тўлқинли дарёга, кимдир бағри беқиёс баҳри муҳитга, кимдир Қизилқум кўёшига... Бирдан яна кимдир дастурхон ортидан ўқдай отилиб, ўртага чиқди:

- Йўқ! Мен бу фикрга қўшилмайман, энг муҳими, энг аввал ҳар ким ҳам одам бўлиши керак! Одамийлик учун ичаман! – Қарсақлар янгради, қарсақ устига яна қарсақлар... Амиркулов кўзини очди, уйғонди шекилли... Минг афсус, у “Регистон” ресторанида эмас, Тожиниёзнинг ёнбошида, автобаза ошхонасининг цемент полида ётарди.





**ФАЛОКАТ УСТИГА ФАЛОКАТ**



## БЕШИНЧИ БОБ

### 1

Моторлар зўриққандай гуриллар, аста-секин, қаричма-қарич тепаликка интилиб борарди.

Машиналар Мурунтов кенглигига кўтариларди. Довон ошилганда чанг-тўзон аралаш кўз илгамас кулранг текислик намоён бўлди.

– Сиз нечанчи класс шоферисиз? – деди Миқти юзини Қуддусга буриб, – илгари қаерда ишлагансиз?

Қуддус жавоб бермади. У машина ойнасидан кўзларини қисганча, физиллаб ўтаётган саҳро йўлига тикиларди.

– Нима ҳам дердим. акажон, лекин ўн соат давомида “миқ” этмай бориш...

– Сен мендан ўтганни билмайсан, Миқти? Сўраган бўлсанг, айб эмас, албатта... бу ерга келгунча рулга уч йил ўтирмадим.

Йўлда тез-тез чанг-тўзон уюмлари учраб турарди. Машиналар гилдираги ўқигача тупроққа ботиб, юролмай қоларди, қора қўнғиз каби гўнғиллаб, олдинга судраларди. Уюмлардан ўтгач, теп-текис, қаттиқ ерга қадам қўйилар, спидометр стрелкаси яна етмиш рақамни кўрсата бошларди. Текисликнинг туз босган оғир қисми... Замин бўлаклари цемент тўлдирилган чуқурликларга ўхшарди. Айтишларига

қараганда, бундай шўр ерга дуч келган машиналар ўз тезлиги билан ботқоққа ботгандай ҳоллар ҳам бўлган...

Аммо, ана шундай шўрхок бўлақлардан бирини босиб ўтгач, Қуддус Миқти билан икков ўз машинаси соясида махорка чекишиб, Кўчқортойнинг машинаси чанг-тўзон булутига шўнгиб боришини томоша қилишарди.

– Қара-я, сузиб чиқди...

– Демак, чакки эмас.

– Ҳа, майли, жўнадик биз ҳам...

Улар кабинага ўтиришди, стартерлар чийиллади ва машиналар тақир бўйлаб учиб кетди.

Мурунтов текислиги гўё машиналарга қарши еларди, цистерна кетидан чанг бўрони кўтариларди, Қуддус эса баранкага тармашганча борарди. Ногаҳон яқинлашиб қолган пармалаш механизмига кўзи тушди, билдики, бу ерда геологлар гуруҳи...

Коржомаси мойга беланган ишчи ёнига бориб тўхтади ва ундан нималарнидир сўради, брезент қўлқоп кийган ишчи қўли билан ишора қилиб, тушунтирди. Миқти мисли тинимсиз рақс ихтиёрига берилган қудратли техниканинг бир меъёрадаги ҳаракатига маҳлиё бўлиб қараб қолди. Шу орада иккинчи машина қувиб етиб келди.

– Ҳорманглар, – деди машинадан тушиб Кўчқортой ва Миқтига кўз қирини ташлаб қўшиб қўйди. – менинг шогирдимни ўзингники қилиб олдинг, шекилли?

– Ҳа, шундай бўлди, яхши бузоқ икки онани эмади.

Миқти “нима, мен бузоқманми?” дегандай бошини тескари бурди. Буни пайқаган Қуддус дарҳол унга:

– Жаҳлинг чиқди шекилли тўғри сўзга, болалигинга бординг-да... бир кун бир улфатчиликда мени шундай аския қилишдики, ўлиб кетган дадам ханги, мен хўтик бўлдим – кулгидан ичак узилди. Билсам, аскиячи жўралар Марғилондан экан.

– Марғилонликларинг ажойиб экан, – деди энсаси қотиб Миқти, – сени хўтик деса, сендай яхши одамни-я...

– Ана, шу-да! Аскияни тушунмаганлигинг... Ҳа, майли, ҳали ёшсан, мен ҳам ўшанда ёш бўлганман... Бу, ўтмиш, албатта, ҳозир ундан кўра муҳим ишимиз бор. Қани, кетдик.

Миқти Қуддуснинг орқасидан эргашиб, унинг ёнига бориб ўтирмақчи эди, Кўчқортой рашк қилдими, нима бўлди:

– Хой, бола, – деди пешонаси тиришиб, – яна қаёққа кетяпсан?

– Қаёққа бўларди, ем еган охирига боряпти-да, – деди Қуддус кулиб.

Аския тугул қочириқни ёқтирмаса ҳам, баъзан Миқти эшитишни яхши кўрарди.

– Сен билан устод, гаражда ишлаганим етар, энди оз-моз кўксимга шабада тегсин, Қуддус аканинг ҳам суҳбатини олай...

Машиналарга ўтиришди. Моторлар гуриллади. Лекин, мўлжалланган манзил ҳали узоқ...

– Уч йил, бу ерга келгунимча, рулга ўтирмадим, дедимми?.. – давом этди Қуддус афтидан аввал бошлаган ҳикоясини, – ҳа, шундай... Авваламбор, Гитлерни қувиб, Берлингача олиб бориб қўйдик, ўз уйида кули кўкка совирилди, кейин Япон уруши... думини кўрдим, холос... Лекин, захри ҳамон танамда... – деб, манглайига тушиб, тўзиб турган соч толаларини чап қўли билан силаб-сийпаб кўтарди-да, тагидаги чандиқни кўрсатди.

Мурунгов текисликлари гўё машинага қарши еларди, цистерна кетидан чанг бўрони кўтариларди, Қуддус эса баранкага тармашиб борарди.

– Худди, менга, бу икки уруш етмагандай учинчи урушга дуч келдим. Бу ҳаммасидан ошиб тушди...

– Урушдан кейин яна қандай уруш?

– Гап урушнинг олдин-кейинида эмас... Мен айтмай, сен эшитма! Даҳшат!!!

Қуддуснинг кетидан иккинчи бензовоз борарди, уни Қўчқортой бошқарарди. Кулранг, бепоеън чўли малик... Қақраб ётган, дарз кетган тақир устида сийрак янтоқлар... Чанг-тўзон булутлари орасида икки машина учиб борарди.

– Қирқ километрни уриб кўйдик, – деди Қуддус билан ёнма-ён ўтириб, ўриндиқда силкиниб бораётган, ориқ, қотма Миқти спидометрга қараб.

– Қирқ бўлса қирқ-да!.. – писанд қилмай жавоб берди Қуддус.

– Ахир, ўзингиз ваъда берган эдингиз... ўттиздан кейин баранкани ўзингизга тутқазаман деган эдингиз, эсингиздами?

– Йўлнинг қанақалигини кўряпсанми?

– Қанақа? Бундан яхши бўлмайди...

– Кейинроқ, катта тақир бошланади, ана ўшанда ҳайдайсан.

– Кейин, кейин деяверасиз... Бунақада бутун умрим шогирдликда ўтиб кетади-ку!

– Бутун умр! Ҳозир ёшинг нечада?

– Ўн еттидан сал ошдим...

– Баранкани биринчи марта тутганимда, биласанми, мен неча ёшда эдим?

– Неча ёшда эдингиз, қаердан билай?

– Ўн тўққизда, уқдингми? Гаражда ўн олти ёшимдан ўралашиб юрганман. Сен ярим йилда бир сакраб, шофер бўлиб олмоқчимисан?

– Бошқалар бўлишяпти-ку...

– Э-э, шофер бўлдими улар? Баранкани айлантириб, газга босишни бир кунда ҳам ўрганиб олиш мумкин. Сени эса ҳақиқий шофер қилмоқчиман. Ана ўшанда Қуддус акангни бир умр эслаб юрасан!

Миқти қуюқ чанг-тўзон пардаси қоплаган ойнадан олдинда кетаётган Қўчқортойнинг машинаси тўхтаганини пайқаб қолди.

– Нега тўхтади экан?

– Уйқи босди ёки хумор тутди шекилли?.. – мийиғида кулиб қўйди Қуддус.

– Тўхтамаймиз, керак бўлса, қувиб етсин! – деди Миқти.

– Чўлда якка машинада юриш мумкин эмас. Шунақа қонун бор.

Қуддуснинг машинаси Қўчқортойнинг бензовози ёнига бориб тўхтади.

– Миқти! – деб чақирди Қуддуснинг машинаси томонга олазарак қараб ва фляганинг қопқоғини очиб, нафас олмай шимирди.

Уларнинг ўзлари билан овора бўлиб турганларидан фойдаланган Миқти Қуддуснинг машинасини ўт олдириб ҳайдаб кетди.

– Сени... Бу нима қилганинг? – деди Қўчқортой ўзини аранг тутиб.

Қўчқортой фляга қопқоғини бураб, ўз жойига қўйгандан сўнг, Қуддусга:

– Нима бўлпти? Майли, ҳайдаса ҳайдасин, бағри кенг саҳрола от солса, солсин!

– Бор-э!.. Сени қара-я, мастмисан, отиб олдингми?!

Қўчқортой чаққонлик билан машинага чиқиб, стартер педалини босди. Қуддус кабинага оёқ қўйишга аранг ултурди. ҳар иккиси Миқти ўзбошимчалик билан ҳайдаб кетган бензовозни қувиб қолди.

– Қон билан кирган жон билан чиқар экан, – деди Қуддус, – ҳали сенинг товонингга қолмасам?!

– Ўзингни бос, хавотир олма!

– Ҳали, у ёш... бунча учмаса?!

– Мен айтдим, босавер, деб...

– Сен-а?..



– Ҳ-ҳа, мен, – деди кўзларини чақчайтириб, – тақир тугагунча... тортганича босавер, дедим...

– Бекорга бердинг унга машинани. Кўряпсанми, жиннига ўхшаб учиб кетаётганини...

– Қани, бир ҳўнграб юбор, – деди-да, ўтирган жойида бошини Қуддуснинг елкасига қўйиб алжиди, – дарров енгил тортасан, мен эса устингдан қуламан.

– Наҳотки бировнинг дард чекиши сен учун кулгили бўлса?! Эҳ, нималар деб, жавраб ўтирибман, сенга! Сен ҳали ҳам ўша-ўша Кўчқортой экансан! Мен нодон адашибман. Илоҳим, омонлик бўлсин!

– Кўрқма Қуддус!

– Ўчир овозингни!

– Майли, урсанг ҳам, сўксанг ҳам!

Қуддуснинг гоҳ асаби бузилиб, жаҳли чиқарди, гоҳ бир кори ҳол бўлмаслиги учун ўзини босиб, унинг гўё тайин-бетайин гапларига қулоқ соларди.

– Қуддус, Қуддусжон... – Кўчқортой шундай деди ю жим қолди, бир нафас ўтар-ўтмас яна, – мен, эҳтимол, сенинг олдингда айбдордирман, лекин ҳақман... алашим ичимда...

Кўчқортой маст бўлса ҳам, ёнма-ён ўтирган Қуддус ҳушёр тортди, унинг пойма-пой, аммо тагли сўзларига жиддий эътибор бериб қулоқ солди.

– Менинг ўтмишим қораланган... қора... аслида оқ! Оппоқ... Тўғри, авария қилганман, бу ҳам аниқ: Бухоро – Самарқанд йўлида... Қон тўкилди, одам ўлди... ўлган ким? Хотиним! – деб қичқириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. – Мени қамадилар, суд қилдилар, ким айбдор? Менми, йўқ! Йўқ!!! Ким бўлди, сенга айтолмаётганим ўша муттаҳам? Область прокурорининг ўғли!.. Мен ичмай, ким ичсин?! Алашим ичимда, тагин ҳам яшаятман?.. Қани, адолат? Қани, ҳақиқат?!

Куддуснинг қўлидан руль чиқиб кетишига сал қолди, аъзойи бадани бўшашдимиди, нима бўлди, ўзи билмайди...

– Кечир мени, – деди Қуддус хўрсиниб, – энди тушундим дарҳақиқат, йўлимиз бир экан... Нега, эртароқ айтмадинг, нега?..

Алча олисда кетаётган Миқти кабинадан бошини чиқариб, буларга қарарди, унинг тер босган қувончли юзида жилмайиш барқ урарди. Қуддуснинг уни қувиб бораётганини кўриб, кўнглига нимадир келди-да, яна газни босди.

Машиналар энг юқори тезликда кетиб борарди, аммо оралиқдаги масофа қисқармас эди.

Ниҳоят, Қуддус эшикни очиб, бир оёғини зинага қўйиб, гавдасини кабинадан чиқарди-да, муштини кўрсатиб, “тўхта” дея қичқирди.

Лекин, Миқти буйруққа бўйсунини хаёлига ҳам келтирмас, илжайганча шўхлик қилиб, хуштак чалиб, елдек учиб борарди.

Ўн беш километрдан иборат тақир ер ўн беш метрдек тез ўтиб кетди. Энди текислик тугаб, олдинда ўйдим-чуқурлар кўрина бошлади.

Миқти бўш келмас, ўша тезликда давом этарди. Балки, мўлжаллаган жойда тормоз беришни ўйлаб қўйгандир... Чуқурликка бир неча қадам қолганда зарб билан педални босди-ю, тормоз ишламаётганлигини англади, ялт этиб орқасига қаради. Яқинлашиб келаётган бензовознинг икки ён қанотида Қуддус ва Қўчқортой туришар, қўлларини силкитиб қичқиришар, Миқти эшитмас, қулоқлари том битган эди. Сўнгги дақиқаларда газ педалидан оёғини олиш яшин тезлигида эсига тушди. Афсус! Кеч...

Машина бир-икки сакраб чуқурга шўнғиди-да, ён томонга ағанаб, қуюқ тўзон ичида ғойиб бўлди. Кетма-кет етиб келган Қуддуснинг машинаси ағдарилиб ётган бензовоз ёнидан ўтиб, ундяч йигирма метр нарида тўхтади.

Қуддус кабина ёнида йиқилган Миқтига қараб чопди, кўтариб олмоқчи бўлди, ололмади, оёқлари кабина эшиги остида...

– Тезроқ кел! – Қуддус Кўчқортойни чақирди, – тезроқ!!!

Аммо, Кўчқортой ағанаб ётган бензовозга ишора қилиб кичқирди:

– Қоч!.. Ҳозир портлайди! Қоч, деяпман!!! – ваҳимадан ола-кула бўлган кўзларини Миқтидан узмай орқага тисарилди...

Қуддус капотга қараган эди, унинг тагидан тил чўзаётган оловга кўзи тушди. Шундан кейин Миқтининг олдига етиб бориб, икки қўли билан тупроқни, иложи борича, кавлаб, жон-жаҳди билан бир чеккага торта бошлади, эшик тагидан уни чиқариб олмоқчи бўлди.

Кўчқортой ҳамон югурарди, кўзлари тинган, кўрмас... Бир пайт нимагадир қоқилиб, муккаси билан тушди... Ҳолдан тойди, эмакларидан бошқа иложи қолмади...

Ғилдирақлар эса паст-баландликларда сакраб, Кўчқортойдан нари Қуддус томонга ғилдираб борарди. Энди, унинг кўз қорачиғида, фақат бепоеён саҳрода аллақандай кўрқинчли бир куч янглиғ қалбига таҳдид солаётган баҳайбат, оғир ғилдирак... Бир вақт орқасига қараса, цистернага тобора яқинлашиб бораётган алангага кўзи тушди...

Таажоуб! Қуддус на йиғларди, на дод соларди, билъакс куларди... Ким билсин, Миқтини ўлимдан қутқариб қолгани эсига тушиб хурсандми ёки даҳшатли ҳис, эпсиз ҳаяжон тазйиқида ақлдан оздими?!

Лекин, ўрнидан туриб узоқроққа қочмоқчи эди, бирдан портлаш юз берди... Жаҳаннам олови... Ер остин-устун... ҳалокат!.. Кўчқортой нарида, Миқти берида ётарди, Қуддусдан ном-нишон йўқ! Фақат ўйинқароқ саҳро шамоли кеча автобаза кассасидан олинган пулларни айқаш-уйқаш қилиб тупроққа қоришиб ётган қора ғилдирақлар устидан учириб кетди.

Бир икки кун ўтар-ўтмас вилоят газетасида мотамсаро билдириш:

*“Мурунгов автобазаси коллективи фидокор Қуддус Қодировнинг фожиаали ўлими муносабати билан унинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади”.*

Узунқулоқ ёмон гаплар тез тарқалди. Билган ундай деди, билмаган бундай... Биров бу ишда Амиркуловнинг қўли бор деса, биров бу бахтсизликни Қуддуснинг ўзидан кўрарди. Хуллас, автобазада бир комиссия иш бошламасдан, иккинчи комиссия тузилди – дафн комиссияси... Кўчқортой билан Миқтининг аҳволи оғир... Ҳозирча касалхонада...

Бу даҳшатли фожиядан хабар топган Фарида нима қиларини билмай саросимага тушиб қолди: Уругтга бориб келсамикан? Ойнабулоқда нима гап? Таъзия, фотиҳахонлик... Дафн маросими қандай ўтди экан? Унинг бошида шунга ўхшаш минг савол, ҳозирча жавоб йўқ... Фақат қўлидаги газетанинг таъзия чоп этилган саҳифасига термилганча, кўзларига ёш оларди, холос. Баъзан хаёлига Қизилқум саҳроси келарди, ҳолбуки умрида кўрмаган...

Уч-тўрт кун ўтар-ўтмас Ортиқ пайдо бўлди, унинг қўлида ҳам ўша газета... Фарида билдики, Ортиқ ҳам эшитган... Ярим очик дераза кесакисида ўтирарди, гуё дўкон ичидаги тинчликни кутгандай... Фарида ҳали у билан салом-алик қилишга улгурмаган бўлса ҳам, вақт-вақти билан унга кўз қирини тапшлаб кўярди, диққат-эътибордан четда қолдирмагандай... Ортиқ ўзича, ҳеч ким билан ишти йўқ, ҳатто қаерда ўтирганлигини ҳам унутган, фақат ўзи билан ўзи овора, қўлидаги эски бир китобни гоҳ очиб, гоҳ ёпиб кўярди, асабини босишга бир баҳонадай...

Дўконда харидорлар сийраклашди. Фарида дераза кесақисига кўз ташлади, энди у ерда елкасига мольберт осган чўққисоқол рассом эмас, галстук таққан, сочи таралган, соқол-мўйлови олинган хушбичим йигит ўтирарди.

– Хўш, қаёқдан кун чиқди? – деди Фарида унга яқин бориб.

– Кун эмас, алашмасам, булут босиб келди Қизилқумдан! – деб илмоқли жавоб берганида Ортиқ, Фарида ўз сўроғидан хижолат тортиб, қизариб кетди. У бундай қочирикларни фақат Феруз айта олади, деб ўйларди.

Фарида ҳол-аҳвол сўраб, Анзират хола ва Турсун тоға ҳақида алоҳида-алоҳида, уларнинг соғлиғи, туриш-турмуши билан қизикди. Лекин, Қуддуснинг ҳалокатини ҳеч қачон кутмаганлигини айтиб, унга бўлган ёшлик меҳру муҳаббатини яширолмади, жуда-жуда ачинди, кўзига ёш олиб, деди:

– Сен уни яхши билмайсан, кўрган бўлсанг, қишлоғимизга борганинга бир-икки кўргансан, холос... Ўт-олов деса, бўларди уни... эшитишимча, ўлими ҳам шундай бўлибди...

Ортиқ нима дейишини билмай серрайганча жим турарди. Фариданинг кўзларидаги аччиқ ёш кўз милкларида қотиб қолдими, артинай деса, рўмолчасини тополмасди... Магазинга кириб-чиқиб турган кишилар бу воқеадан ҳайрон бўлгандай дам тўхтаб, дам тўхтамай ўтиб кетишарди... Эҳтимол, кўнгилларида бу икки ёш можароси, рашк ёки эру-хотин ўртасидаги рўзгор қийинчиликларидай туйиларди.

– Кечирасан, Ортиқ!.. – деди-да Фарида дўкон ичкарасига кириб кетди ва бир нафас ўтмай унинг бир кўлида аёлларга хос пардоз сумкача пайдо бўлди, иккинчи кўлида дастрўмол...

– Хўш, нима қилдик? – деди Ортиқ кўнгил сўраганими ёки бирор масалани ҳал этганими келган кишидай...

Фарида нима дейишини билмай ҳайрон, фақат ўйлагани Қуддус эди, яъни: “Яна ўша ишни қилибди-да!.. Мени

Ойнабулоқ сойида бир ўлимдан қутқарган бўлса, энди автомобиль портлашида шогирдини ҳалокатдан асрамоқчи бўлибди?! – деган ҳаёлда турарди. – Минг афсус! Бу гал ўйлаганча бўлмабди, начора?!”

– Нега, индамайсан. Фарида? – деди Ортиқ.

– Нима ҳам дердим, бўлар иш бўлган. Сен билан менга нима қолди: фақат ачиниш, иложи бўлса, қишлоққа бориб. Нурунисо аммамдан кўнгил сўраш...

– Келганимнинг сабаби ҳам шу, энди...

– Энди, сенга айтсам, йўл узоқ, кўнгил яқин... Бориш керак, албатта. Лекин, қандай қилиб, қачон, ким билан? Бу гапни ўйлаганману ҳали ҳал қилганимча йўқ...

– Истасанг, бирга бориб келамиз, қишлоқ йўлини яхши биламан, эсимда... Сен айтганча, болаликда бирга бўлдик, аммо тақдир ўз йўлини ўзи танлади.

– Тўғри, – деди Фарида, – сенинг, бу фикрингга тўла қўшиламан... Кўришмаганимизга ҳам кўп бўлди, ҳадемай сен институтни битирасан, диплом оласан... Мен ўқишдан қолиб кетдим, лекин баъзан ачинаман, баъзан ачинмайман, чунки шу дўконга келиб, сотганимдан, ўқиган китобим кўп бўлди. Нафақат ҳаёт, китоб кўзгуси кўзимни очди. Бу ҳам билсанг, тақдир!

– Сен айтган фикр, нечоғлик тўғри бўлса ҳам, бари бир нисбатан... Бу, шунчаки оддий гап эмас! Буни билиш, буни тушуниш учун, – қўлидаги шалағи чиққан китобни кўрсатиб, – мана бу алломанинг буюк кашфиётини, ноёб назариясини ўқишинг керак!

Фарида ҳангу манг қолди, китоб муқовасига тикилди, бир оз уринган, четлари титилган суратга кўзи тушди, бироқ ўзи билган ёки эшитган донишманд ёки буюк кишиларнинг бирортасига ўхшатаолмади, сўнг сўрашга мажбур бўлди:

– Ким?

– Эйнштейн...

Фарида китобни Ортиқнинг қўлидан олди, варақлагандай бўлди, яна суратга тикилди, унинг буюклигига гоҳ ишонар, гоҳ ишонмасди, фақат “Эйнштейн” деб, ўзича такрорлаб қўярди, эҳтимол, унутмаслик учундир...

– Кечирасан, Ортиқ, – деди Фарида аллақандай андиша билан овозини пастлаб, – бари бир мен бундай буюк шахсни билмайман, олимми, рассомми ёки шоирми?

– Буни билиш учун унинг кашфиётлари билан таниш бўлишинг керак! Бир оғиз сўз билан айтганда, “Нисбат назарияси” деган гап бор, эшитган: бўлсанг... Шунингдек, “Ньютон қонуни”... Улар, менинг ўйлашимча, бири-бирига аллақандай ҳамоҳанг, аллақандай ҳаракат ҳақида...

Таажжуб! Фариданинг кўз олида рассом, вайрона бағридаги гул, гулга қўл чўзган қиз... Қулоғида Ферузнинг сўзлари: “Ҳар қандай санъат асари ҳаракатсиз, ўлик... Жонсиз бир буюм...”

Бир вақт дўкон ичи ғала-ғовур бўлиб кетди, унга юзмаюз келган харидор гўё Фаридадан Эйнштейн асарини сўраётгандай... Ортиқ ўзини четга олди, сўнг кўча томон юриб, ташқарига чиқди, л.зонрезгиликдан узилган бир япроқнинг сумбула сувида оқштини томоша қилди... Бирдан Фарида уни чақириб қолди ё: ўшанда бу китоб дўконига нимага ва нима учун келганлигини англагандай:

– Борамизми? – деди.

– Қаёққа?

– Кишлоққа, таъзия билдиргани?

– Сен, қизиқ экансан, – деди Фарида, – “ҳе” йўқ, “бе” йўқ, ўзингдан ўзинг... Нималарни ўйлаб тургандинг?

– Сени, – деди бир тан гап тополмаган Ортиқ.

– Қўй бунақа ҳазилинг чи! Ҳозир ҳазилнинг вақти эмас...

– Бўлмаса, нима қилдик? Мен нимага келдим?

– Бу ҳақда ўйлаб кўрамиз ҳали... Яна такрорлайман: қачон... қандай... сен эртага кел, унгача мен Фотима опа билан маслаҳатлашиб олай, ундан ташқари она қишлоғим, ахир, урф-одат... Сен ё мен билмаган гаплар ҳам бўлиши мумкин.

Ортиққа Фариданинг айтганлари ёқдимми ёқмадимми, бари бир, ўзининг кундалик иш режасидан келиб чиқиб, деди:

– Кўй, уша кампирни, ҳамма нарсага аралаштирсанг ҳам, бунга аралаштирма!

– Нега ?

– У ким бўпти?..

– Онам ўрнида она...

– Мен-чи?

Фарида қўл соатини қулоғига тутди, сўнг унга қаради: вақт 5<sup>45</sup>... Ҳали ёпмай туриб, “ёпиқ” деган тахтачани эшик кесакиларига тортилган ипга илди.

– Сенми?.. – деди Фарида жилмайиб унга, – сен Анзират холанинг арзандасисан!

Ўртага бир нафас жимлик чўкди.

– Йўқ! Йўқ!!! – деди ич-ичидан ҳапприқиб чиққан овоз билан Ортиқ. – Сен адашяпсан, сен мени ҳали билмайсан! Балки, билмаганинг ҳам яхши, билганингда, ўйлайманки, балки иккимиз ё бахтли бўлардик ёки бадбахт!

– Ўтинаман, Ортиқ, ҳозир бу гапларнинг мавриди эмас...

– Балки, сен ҳақдирсан, Фарида! Мен гумроҳ, балки кечикдим... Сўнгги пушмон, ўзингга душман, – деди-да, Фариданинг кўзларини кўзлари билан илиб олди ва унинг қуюқ киприклари кўксига соя солиб турганини кўрди. – Ҳа, шундай! Энди айтмасам, қачон айтаман: барибир севаман, севаман сени!

– Кўй! Ҳали мен Эйнштейнни ўқиганимча йўқ! Аввал ўқий, кейин... – деди, ҳазиллаша туриб Фарида, сўнг эшик қулфига қалит солди, – кечирасан, шошиб қолдим...



– Шошиб қолдим?! Таажжуб! – деди Ортиқ ўзини камситилгандай ижирганиб, асабийлашди...

– Хайр, кўришгунча, Эйнштейн! – деди Фарида кулиб ва магазин зиналарини бир-икки оралаб, пастга тушганда рўпарадаги манзилга келиб, автобус тўхтади, хайрият, чиқиб олишга улгурди. Феруз уни Бибихоним мадрасаси ёнида кўзи тўрт бўлиб кутарди.

### 3

Ортиқ уйга қайтди. Йўл-йўлакай ўйлагани Фарида бўлди: “Нега унинг олдида борди, боргани тўғри бўлдими ё йўқ?.. Эйнштейн бу ерда нима қилиб аралашиб қолди, на Қуддусга, на Фаридага алоқаси йўқ-ку! Бу, ахир менинг диплом ишим-ку... Айниқса, ўлим устида муҳаббат?! Эҳ, каллаварам, нима иш қилиб кўйдинг?.. Ойимга келганда Фарида ҳақ! Ҳа, шундай, ўтган гап ўтади, лекин хотирада сарқити қолади... Мен уни ўз вақтида ҳимоя қила олдими? Йўқ! Бир томонда она, онаизор, иккинчи томонда ҳали ўзим билмаган муҳаббат”... Йўл-йўлакай Ортиқ ўзини тергаб, уйга етганини ҳам билмади...

Ҳали Ортиқ кўча бошида эканида узоқдан кўзига эшик олдида тўхтаган “Тез ёрдам” кўринди. Лекин, машина кимникига келганлиги номаълум: буларникигами ёки кўни-кўшникигами?.. Ҳар ҳолда, Ортиқнинг юраги орқага тортди, қадами илдамланди. Ҳадемай, дарвоза олдида етиб борганда, уй ичидаги ғала-ғовур, ташвишли овозлар унинг қулоғига чалинди. Ҳали ичкарига кириб ҳам улгурмаган эди, бирдан оқ халат кийган икки киши бир санитария замбилини кўтариб чиққанлигини кўриб ранги ўчди. Машина кетидан “дод” солиб қолган Анзират хола Ортиққа:

– Қаёқда юрибсан, даданг тоқбағазидан йиқилди, – деди кўлидаги газетхалтани кўрсатиб, – мана, шу бир бош узумни чуғурчиқдан қизганиб...

– Ҳа, шунга шунчаликми, еса, ебди-да... кимлар нималарни емаётибди, қолаверса, кимлар кимларни!

– Сен шундай дейсан-да, болам, даданг қайнаган сув тўкилса, ерни ялагудай бўларди, оловнинг ҳаққи бор, деб.

Ортиқ кулди:

– Бировнинг ҳақини емаган-да?!

– Ҳеч қачон!

– Қайси эрингизни айтаётибсиз?... – деди Ортиқ пешонаси тиришиб.

– Ҳозирча битта... Раҳматли даданг ётган жой жаннат бўлсин!

– Ойижон, дадамни ҳеч қачон унутганим йўқ! Ҳамиша эслайман: қандай нуроний одам эдилар... заҳматкаш, ҳалол, покиза... минг афсус! Менинг бахтимни кўрмадилар... эртаиндин диплом ёқлайман.

– Кейин ким бўласан?

– Физик...

– Ҳа, ўтган бир куни ҳам айтганидинг... менга ёқмайди... ҳатто, ростини айтсам, одамнинг эсида ҳам турмайди танлаган мансабинг... Ҳеч бўлмаганда исполком бўлмайсанми...

– Мен танлаган касб мансаб эмас, илм!

– Ҳа, майли! Сен айтганча, илм бўлса, бўла қолсин, ундан нима фойда?... Мен тунов куни бир бешик тўйига бориб, эшитганим шу бўлдики, Охунжон деган бозор оқсоқолининг куёви ҳаммаси бўлиб исполкомга ўринбосар бўлибди... дангиллама участкаси бор эмиш, дегани деган, егани еган... Сен билан биз бўлсак, дадангдан қолган девол-дармиён ҳовлини ремонт қилолмаймиз...

– Турсун тоға уни сотадиган бўлиб юрганмиш-ку...

– Кимдан эшитдинг?

– Аллақайси бир олмақчи бўлган одамдан...

– Вой, чолим қурмасин, қурумсоқ чол! Мендан яширибди-да, ҳовли меники-ку, раҳматли отангдан қолган... мерос...

– Ҳали сиз билмаган гаплар кўп, эҳтимол?!

– Илоҳим тирик келсин!.. Тирик келса, ҳали унга кўрсатиб қўяман!

– Нимани? – деганича Ортиқ ўз хонасига кириб кетди. Анзират хола, энди жавоб бераман, деб тилини қайраб турганди, ён қўшниси Хадича буви кўнгил сўрагани чиқиб қолди.

#### 4

“Самарқанд–Ургут” автобуси манзилгоҳига етиб келганда, уни Фарида билан Фотима опа кутиб туришарди. Қўлларида беўхшов тоғора ва алланималар...

Автобус келиб тўхтади. Йўловчилар бирин-кетин чиқиб жойлашиб олдилар. Фарида ҳамма нарсани эплади-ю, лекин тоғорага келганда, жой тополмади, бахтига шофер йигит хушфезъл экан, дарров унинг қўлидан олди-да, машина ёнбошидаги биров билмас бир жойга ўрнатиб қўйди. Автобус тўла одам: катта-кичик, хотин-халаж... Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас ҳайдовчи стартерни босиб, бирдан кучли газ берганда машина ўз жойидан шундай қўзғалдики, гўё ер силкингандай бўлди. йўловчилар худди яшик ичидаги буюмлардай аввалига бир айқаш-уйқаш бўлиб, сўнг бир-бирларига қаттиқ ёпишиб, энди бир-бирларидан сира ажралмай дегандай ўрнашиб олдилар.

Йўл тик... Атрофда кеч куз манзараси... осмон тўла қуш... чексиз кенглик... Бир ёнда шудгор қилиб ҳайдаб қуйилган, бир ёнда ҳали гўзапояси олинмаган далалар... Бир боқсанг, пайкал ёқасидаги дарахтлар ранг-баранг баргларини, гўзалликларини кўз-кўз қилиб тургандай... бир боқсанг, қип-яланғоч, беҳаё, беандиша... Йўловчилар эса, танишминотанишми, бари бир, нималарнидир ўзаро гаплашиб, баҳслашиб

боришарди. Шунчалик шовқин зўр эдики, мотор овози унинг олдида ҳеч гап эмас... Қулоқлар қоматга келди, эртан-метан турган баъзи бир йўловчи мудраса, баъзи бири бемалол хуррак отарди...

Фотима опа бу томонларга биринчи марта йўлга чиқиши. Фарида шу боисдан бўлса керак, унга алланималарни уқтириб борарди. Бир вақт Фотима опани ҳам уйқу элитгани Фариданинг елкасига ёнбошилаганда маълум бўлди. Фарида ўз хаели билан банд: “Ҳали қишлоққа борганда кимларни кўради? Кимлар билан қандай муносабатда бўлади? Айниқса, Ўғилхон ая билан учрашганда ота мерос ҳақида гаплашиш ўринли бўладими ё йўқми?” деган қалтис масалалар уни қийнарди. Ҳар ҳолда, мотам, азали маросим...

Автобус Ургут марказидаги манзилга келиб тўхтаганда, тормоз кучидан йўловчилар бир қалқиб, кейин ўзларига келдилар. Фотима опа ҳам кўзини ишқалаб, Фаридага:

– Етиб келдик, шекилли? – деб мингиллаб қўйди.

– Ҳали автобусдан тушганимиздан сўнг, пиёда қишлоққача бир-икки километр юришимиз керак...

– Энди ҳеч гап эмас, бир оз кўзим илинди, юрсак, юраверамиз, йўл яхши экан, бу ёғи ҳам шундай бўлса, ажабмас...

– Бу ёғи қишлоқ йўли, пасту баландликлар, лекин жуда баҳаво, жуда гўзал!

Бир сумка майда-чуйда пишириқларни Фотима опа, кичик бўлса ҳам, бесўнақай тоғорани Фарида кўтариб Ойнабулоқ сари йўл олдилар. Дарҳақиқат, қишлоқ ҳавоси ниҳоятда мусаффолигиданми, янги манзара, янги куч бахш этганлигиданми, чарчаш нималигини билмадилар...

Фақат етиб келиб, ичкарига кирганларида ҳовли юзида на хотин, на эркак кўринарди. Бир вақт молхона ёнбошига бойлаб қўйилган ит занжирини шилдиратиб, бир-икки

вовиллади. Уй ичидан Нуринисо амма чиқди, бошидан оёғигача қорага беланган, ажин босган чувакдай юзи элас-элас кўринарди, ўрта бўй, ориқ, тол чўкиртакидай... Фарида ўзини унинг бағрига отганча, йиғидан ўзини ҳеч тўхтатолмасди. Навбат Фотима опага келганда ҳам, бари бир, Фарида йиғиси тинмади, аччиқ кўз ёшидан милклари қизариб, қовоқлари салқиди... Кўни-қўшнилари чиқишди, бирин-сирин кўришиб, айвон ўртасига қўйилган хонтахта атрофидаги кўрпачага ўтирдилар. Сўнг Қуддуснинг арвоҳ хотирасига бир сира йиғи бердилар-да, сўнг ҳол-аҳвол сўрашдилар... Кўп ўтмай, Ўғилхон ая етиб келди, яна унинг келиши муносабати билан ялпи йиғи берилди.

Кимдир қўшнилардан бири ўз уйидан бир чойдишда чой дамлаб чиқди ва бир пиёладан ўтирганларга олдинма-кетин узатди.

— Ҳеч нарсага овора бўлманглар, ҳар ҳолда, азали уй, — деди қишлоқ оқсоқоли ўз мақомида, — чойни, ҳозир кун ботмасидан Муроджон аканинг уй-музейида ичамиз.

Бу таклиф Фаридага маъқул келди шекилли, Фотима опага бир қараб қўйди-да, ўрнидан қўзғалди. Ўғилхон ая бош бўлиб, улар Фариданинг ота ҳовлисига йўл олдилар. Нуринисо амма нима қиларини билмай, Фариданинг юзи-кўзидан ўпиб, ўтирган жойида дуо қилди, яхшиликлар тилаб қолди.

— Йўқ, амма, ҳали ҳеч қаёққа кетаётганим йўқ! Қайтишда, албатта, кириб ўтамиз, хайрлашамиз, — деди Фарида, ҳурматини келтириб...

Ўғилхон уларни тўғри уй-музейга олиб борди. Ўзи айтгандай, Фаридадан олиб қолган оилавий альбомда сақланган суратларни, ҳали Муроджон ака ҳалок бўлмасдан аввал келиб турган мактубларини ойнабанд рамкаларга солиб, деворларга дид билан ўрнатилганини кўрган Фотима опа унга дил-дилдан

миннатдорчилик билдирди. Фариди ўзи туғилиб-ўсган уй деворларини ўпғудай, тупроғини кўзига суртғудай бўлди, дам у курсида, дам бу курсида, дам у кўрпачада, дам диванда ўтириб, ўтган кунларни эслади, сўнг дераза ёнига бориб, олис-олисларга тикилганча қараб қолди...

Уй-музей қоровули Саримсоқ ота бир сопол лаганда буғи чиқиб турган палов кўтариб кириб келди, дастурхон устига кўйди, сўнг меҳмонлар билан сўрашди. Фариди унғача саломалик қилган бўлса ҳам, эҳтимол, кексалиқдир, эҳтимол, қозон-товоқ дегандай, “у-бу” билан овора бўлганлигиданми, пайқамаганлиги маълум бўлиб қолди.

– Қизим, келганинг кўп яхши бўлди, азали кун бўлса ҳам...

– Нимасини айтасиз, ўз уйим-ўлан тўшагим... Бу гапни кўпинча дадам раҳматликдан эшитардим. Раҳмат сизга, отахон, дадам билан онам чироғини ёқиб ўтирганингиз учун...

Бир ошамдан ош ейилди, бир пиёладан чой ичилди, сўнг, Саримсоқ ота Қуръон тиловат қилди-да, уни Муроджон ака билан Холисхон опалар хотирасига бағишлади ва “ҳамқишлоғимиз мулла Қуддуснинг ҳам ётган жойи жаннат бўлсин”, деб кўшиб кўйди... Фотиҳа ўқилди... Саримсоқ ота гапида давом этиб, деди:

– Барака топкур, Ўғилхон мана шу музейни ташкил қилди, сув келса, симирди, тош келса, кемирди, осон бўлмади...

– Кўп мақтаб юбордингиз, – деб унинг оғзидан сўзини илиб олгандай: – Инсоний бурч ҳақида гап кетса, ҳамиша Муроджон акани эслайман. Мен нима қилдим? Ўз вазифамни ўтадим, холос! Энди, бу уй қадамжо бўлиб қолди...

– Ҳа-да... Тунов кун Қуддус ишлаган автобазанинг директори ўзига яқин бир киши билан фотиҳахонликка келганда ҳам, йўл-йўлакай бу уйга кириб ўтди, – деди-ю, ая, бир муҳим нарса эсига тушгандай югургилаб, ичкаридан

қизил муқовали қалин дафтарни кўтариб чиқди ва уни варақлади, — мана, бунни ўқи, Фарид! “Иккинчи жаҳон урушининг қурбони, марди майдон Муроджон Аҳмедовга шон-шарафлар бўлсин! Меҳнат Қаҳрамони Алиқул Амиркулов”.

— Тўхта! — деди Саримсоқ ота жони қолмаган гилам дўпписини бошидан олиб ғижимлаганча — Алиқул билан бирга келган Тожиниёзни билмайману, аммо-лекин ўзи ўзимиздан, ўз қишлоғимиздан... Амиркул шайтоннинг ўғли...

— Амиркул шайтон?

— Ҳа, ҳали, сен ёш бўлгансан, — деб, боя ғижимлаган дўпписини ёзиб, тахларини ўз жойига келтиргандай, кериб, — унинг отаси қишлоғимизда ўта тақводор киши бўлган, уни ҳурматлаб, Амиркул тўрам дейишган... Бир кун у киши ҳаж тарадусида хайрия йиғиш учун Ойнабулоқ лабидаги энг кекса чинорга бир тўрва илиб қўйган... Ҳамма топган-тутганини ўша тўрвага савоб учун келтириб ташлайверган... Айтишларича, қишлоғимизнинг баъзи “ман-ман” деган бойлари хайри-эҳсонларини тўрвадан ташқари ўз қўлига ҳам берганлар... Вақти-саоти келиб, тўрам ҳажга жўнаганлар, лекин дом-дараксиз... Икки ҳаж фасли ўтган, тўрамдан ҳамон дарак йўқ! Кимдир, қишлоғимизнинг бообрў оқсоқолларидан бири, эҳтимол, ҳажни қабул бўлгандир, дегандан кейин аза ҳам очилган... Қизиги шундаки, аза очилган кун тўрам бир сопол кўзачани кўз-кўз қилиб, эшикдан кириб келадилар. Ҳамма ҳайратда, тирик жон борки, у кишига топинади. Қишлоқда дув-дув гап... Оғзи муҳрланган, ичи “обизамзам”га тўлдирилган кўзача мачит тўрига қўйилади, фақат тўрам ўзлари улуғ айём кунлари намозхонларга бир қултум-бир қултум ўша кўзачадаги обизамзамдан қўйиб бериб турадилар...

Фаридани тоқати тоқ бўлгандай:

— Ҳали, Амиркул аканинг дадаси ҳақида гап шунча бўлса, ўзига келганда қанча бўлади? Жуда қизик, аммо...

– Аммо-лекин, қизиги энди келди, эшит, болам, – дея Саримсоқ ота ҳикоясини давом эттирди. – Кунлардан бир кун Самарқанд полицмейстери тўрамни ўзига тилмочликка таклиф қилади. Тўрам ҳам розилик берадилар... Чунки, Маккаи Мукаррама йўли олис, тилсиз иложи йўқ, бир тил эмас, икки-уч тилни билиш ҳам камлик қилади... Негадир, тўрамга ўрис тили қўл келади, бу ҳам худонинг инояти... Шундай қилиб, энди у киши Ургутда ҳожи, Самарқандда тилмоч... Яна қизиги шуки, полицмейстер жанобларининг Амирқул дейишга тили келмаганиданми ёки ўзининг исми Андрей, фамилияси Собачкин бўлганиданми уни ҳам Андрей дейди-ю, лекин фамилиясини сира-сира тилга олмайди. Хотини Анна Михайловнага ҳам бу маъқул келиб, баъзан Андрей деса, баъзан эркалагандай Андруша ҳам дейди.

Бундай кулгили саргузаштдан Фарида ҳангу манг бўлди...

Ташқаридан кимдир:

– Фарида, чойга чиқинглар, – деганда қочган хаёлини йиғиб олиб, деди: – Кеч қолмадикми, автобус кетиб қолмадикми?

– Йўқ, ҳали вақт бор, лекин...

– Насиба, – деди Ўғилхон ая. – Ўз уйингда бир пиёла чой, бир ошам ош емай кетсанг, гуноҳ!

– Кечки автобусдан кеч қолсак, яхши бўлмайди. – деди бир оз ўзига келиб Фарида, – ҳали Нурунисо амма билан ҳам хайр-хўшлашиб кетишимиз керак...

Нурунисо амма уларни қаршилаб оларкан, Фариданинг номи ёзилган бир мактубни унга тутқазди:

– Вой, эсим қурмасин, кексалик, айбга буюрмайсан, қизим... Бу, хат Қуддуснинг чамадони филофидан чиқди, сенга аталгани учун очмадик...

Фарида дарров англади: демак, жўнатилмаган мактуб... Уни титраб турган қўллари билан авайлаб елимларини кўчириб очди:



“Жоним, жонгинам Фарида!

Мен сени биринча марта алдадим, кечир!.. Ўша кун, Самарқандда учрашган кунимиз ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, ҳолбуки, наздимда, бир тушдай ўтди-кетди. Сени кўриб ниҳоятда севиндим, болалик, қолаверса, ёшликнинг энг ширин дамлари ёдимга тушди. Балки, шунинг учун ҳам айтадиган гапимни айтолмай, ҳаяжонландим. Сўнг, йўл-йўлакай кўп ўйландим. Кўз олдимдан бепоён сахро манзараси эмас, Ойнабулоқ чашмаси, соя-салқин сойликлар, Мингчинор гўзаллиги, Ургут тепаликлари ўтаверди... Лекин, сен ҳаминша қалбимнинг тўрида турдинг, гўё сен билан дардлашиб кетдим: “Нега, мен, галварс, рост гапни айтиб қўя қолмадим?.. Нега, тошкентлик рассомни кутмадим?.. Эҳтимол, вақт, эҳтимол, менинг ичим тўла ҳаяжон бунга имконият бермагандир. Айниқса, сен билан хайрлашув пайтида ўзимни қандай тутганлигим, кейин ўзимни қийнади... “Нега, Фаридани бунчалик хафа қилдим”, деган ўкинч ҳамон кўнглимдан кетмайди...

Энди, сенга юрагимни ёриб, икки-уч йил мобайнида бўлиб ўтган воқеани айтсам, мен ҳеч қандай урушда бўлганим йўқ, лекин ундан баттар жаҳаннамга рўбару келдим...

Фарида, жоним, бу гапларни сени хафа қилиш, кўнглингни бузиш учун эмас, узимни қабул этишинг учун ёзаётибман.

Фарида, сен билан хайрлашгандан сўнг, эртаси кун эртан-метан Ургут район ҳарбий комиссариатига бордим, ундан бизни, армияга чақирилган йигитларни грузовой машинага солиб, шаҳарга олиб келдилар. Бир неча кун, гапнинг қисқаси, Самарқанд гарнизонида бўлдик. Ҳали фронтга жўнамасимиздан бир кун олдин дам олиш учун шаҳарга бориб келишга рухсат бердилар. Фарида, сен танийсанми-йўқми, Аширмат деган ҳамқишлоғимиз Самарқандаги ФЗУ да ўқир

эди, мен ўша билан бир кўришиб, хайрлашиб кетай деб, кечки пайт, гарнизонга қайтишим олдида, уни йўқлаб бордим... Қарасам, бир-икки курсдошлари билан юзта-юзта қилиб ўтиришарди... Тўғриси, аввалига тортиндим, улар яна кимнидир кутиб туришган экан, у йигит келгандан кейин, ҳеч мени ўз ҳолимга қўйишмади: “Олинг, бир пиёла ўлдирибдими”, “Айниқса, фронтга бораркансиз, яна қачон кўришдик”, “Соғ-саломатлик учун” деб, бири олиб, бири қўйди... Шайтон йўлдан урдими, мен ҳам олиб юборибман-да! Бир вақт жўралардан бири: “Қани, турдик, кетдик” дегани, ўшанда мен Аширматдан “қаёққа” дегани эсимда... Аширмат менга: “Мана бу Норбой билан ётоқхонага кўчиб ўтунимизча, бир одамнинг хонадошида квартирант бўлиб турган эдик, ҳозир ўша жойга бориб, кўчларимизни келтириб оламиз. Холхўжа ёрдамга келди, шофер, “Скорий помош”... Сен бўлсанг, – деди сўзида давом этиб, – машинада ўтираверасан”. Мен унга: “Йўқ, ҳеч иложим йўқ, гарнизонга бормасам бўлмайди, рухсат муддати тутаган, акс ҳолда, жазолашлари мумкин” десам, Аширмат менга “Ҳозир, шу ҳолда гарнизонга кириб борсанг, жазоламайдилар, деб ўйлаяпсанми? Ичгансан, яширолмайсан, бунинг устига, кеч... Яхшиси, ҳозир, юкларни олиб келамиз, сен машинани пойлаб турасан, сўнг Холхўжа ўзи “Скорий” да олиб бориб қўяди, гўё йўл устида тобинг қочиб қолган, кечаси ким суриштириб ўтирибди, эртаси туя кўрдингми йўқ!..” Менчи, мен лақма, Аширматнинг сўзига лаққа тушдим... “Скорий” га тўрт киши ҳаммамиз чиқдик, кайф тароқ, машина темир йўл вокзали ёнбошида қурилган тўрт қаватли ғиштин иморатнинг олдида бориб тўхтади... Аширмат айтгандай, мен машина ичида пойлоқчи бўлиб ўтирдим. Улар уч киши анча вақтдан кейин олдинма-кетин уни-буни кўтаришиб, олиб келиб, машинага жойладилар... Мен, ҳумсо, ҳеч нарсадан беҳабар машинани пойлаб ўтираверган эканман...

Минг афсус, терговда маълум бўлишича, ўша кеча қаттол, жуда оғир жиноят юз берганки, даҳшат! Мен ўзим билмаган қонли фожиага шерик бўлиб қолганимни кейин англадим, кўзим кўрмаган, қулоғим эшитмаган, мудҳиш фожиадан ларзага тушдим, нафратландим, аммо...

Аслида ҳодиса бундай бўлган экан: Дарҳақиқат, Аширмат билан Норбой Самарқанд Давлат дорилфунунининг доценти Шоюсуповнинг уйида ижара тўлаб турганлар... Гап шундаки, мен ҳамқишлоғим бўлмиш Аширматни йўқлаб боришим, улар энди қамоқдан чиқиб, “Тез ёрдам” машинасига бир амаллаб, ҳайдовчи бўлиб тайинланган собиқ савдо ходими Холхўжа билан тил бириктириб, доцентнинг уйини уриш, мол-мулкни ўмариш пайига тушган пайтларига тўғри келган. Терговда яна маълум бўлишича, улар учаласи, мен машинада ўтирганимда, пастга тушиб, юзларига ниқоб туганлар, Аширмат билан илгари ўзларида сақланиб қолган калит билан эшикни очганлар, Холхўжа дарэҳтиёт остонада қоровуллик қилиб турган. Ичкаридан дарҳол ярим-яланғоч доцент чиққан, унинг кетидан хотини... Булар пичоқ ўқталиб, уларни қўрқитганлар, пул ва қимматбаҳо буюмларни топиб беришни талаб қилганлар... Ноилож, эру хотин очик-сочиқ, югуриб-елиб, бор-йўғларини ўртага қўйганлар... Олишга олганлару, лекин кетар олдиларида огоҳлантириб, бу ҳақда мабодо, милицияга хабар қилтудай бўлсалар, соғ қолмасликларини айтганлар-да, эшикни ёпмоқчи бўлиб турганларида, уй бекаси фавқулудда Норбойнинг овозидан таниб қолганлигини билдириб қўйган... Шундан сўнг, улар бир эмас, уч киши яна хонага қайтиб кирганлар-да, эру хотинни пичоқлаб ўлдирганлар. Дод-вой, шовқин-сурон кўтарилган, қўни-қўшнилар чиқишган... Милиция келганда полда ярим-яланғоч эру хотин ўлиги қора қонга беланиб ётарди, мен бўлсам жиноятдан беҳабар “Скорий помош” да тамаки тутатиб ўтирардим.

Кечир, Фарида, жоним, жонгинам, энди, бу ёғини ёзмасам ҳам бўлади, аммо виждон ҳаққи иложим йўқ! Беайб айбдорман, судландим, қамалдим, яна кимдир қамалди, кимдир отилди, даҳшат! Ҳамон ўйлайман: нега сенга хат ёзмадим, яширдим?.. Нега алдандим?.. Нега адашдим?.. **Истайманки, Сен адашма! Мен ёмонга сен яхши бўл! Мен сени севаман!**”

– Мен ҳам! – деб юборганини Фарида билмай қолди... Лекин, эски яра янгиланди... Кўзларига ёш келди-ю, кутилмаган қонли фожиадан вужудини титроқ босди, ўзини жарлик ёқасида, ҳалокат олдида тургандай ҳис этарди, бирдан кўнгли озиб, ҳушидан кетди.

– Сув келтиринг, совуқ сув, – деб Ўғилхон ая қичқирди. Фотима опа саросимага тушди, Нуринисо амма нима қилиб қўйганини билмай пушаймонда, ўзининг пеннаасига ўзи шапатилаб урарди.





## ХИЛВАТДАГИ СЎНГГИ УЧРАШУЕ



## ОЛТИНЧИ БОБ

### 1

Феруз Фаридани билан сўнгги марта Бибиҳоним мадрасаси ёнида кечки пайт учрашганда ҳали хайрлашмасдан туриб, бирдан уни бағрига босди-да, юзидан, кўзидан томоқлари тагидан ўла бошлади. Фаридани кутилмаган бу ҳолатдан ҳаяжонланиб, унинг титраб турган қучоғидан “лип” этиб чиқиб кетди.

— Вой, нима қилганинг, бу?.. Биров кўриб қолса, нима дейди? Яна Бибиҳоним мадрасаси ёнида, муқаддас жойда! — деб араз қилгандай вайрона қаршисидаги ўзига таниш харсангтошга бориб ўтирди.

— Кечир, Фаридани! Мен сени севаман... Кошкийди, тушунсанг, — деди Феруз унга яқинлашиб, туйғулар тугёнида ақлдан озгандай, — минг бир кунга татигулик бир лаҳзани! Унда мени айбламаган бўлардинг, асло!

Фаридани бошини пастга эгиб, асрий кошин синиқларидан учиб тушган бир парчани хаёл оғушида томоша қиларди.

Феруз унга:

— Бибиҳоним аянинг ҳусни жамолини томоша қилипсанми? — деб ҳазиллашди ва секин-аста унинг ёнига, харсангтошнинг бир чеккасига омонат ўтирди.

— Томоша қилсам, арзимайдими, — деди ғамза билан Фаридани.

– Арзиганда қандай! Жуда арзийди! Мен ҳам Бибихоним аяни хурсанд қилай, деб сени шу ерда ўпдим... Ҳа, худди шу ерда... Биласанми, шундай ривоят бор, балки эшитгандирсан?

– Нима ҳақда?

– Гапнинг лўндаси, бир бўса ҳақида... Дейдиларки, Амир Темур ҳазратлари Бибихоним аяга арзигулик армуғон ўйлаб, ўйларига етолмаганларида, вақийдан хабар келганмиш: “Эй, Соҳибқирон, сен Эрону Турон, бутун Мовароуннаҳрни, ҳатто Ҳиндистону Ажамни забт этдинг. Наҳотки, Сароймулкхонимга арзигулик бир совғага қурбинг етмаса!” Дарҳақиқат, Сароймулкхоним Амир Темурнинг катта хотини бўлиб, дил-дилдан уни севган, ардоқлаган, қолаверса, Бибихоним, деб эркалаган...

Навбатдаги сафарга жўнаш олдидан Сароймулкхонимга атаб бир қасри олий қуриш нияти Соҳибқирон қалбига тинчлик бермайди. Ниҳоят, йўлга чиқар олдида гўзал ва баҳайбат, буюк бир кошонани хаёл этган Темур моҳир уста, санъаткор меъморларни ўз ҳузурига тўплаб, уларнинг бу қутлуғ ишда камарбаста бўлишларига оқ фотиҳа беради-да, ўзи сафарга жўнайди.

Бибихоним Соҳибқиронни кузатгандан кейин, унга муносиб жуфти ҳалол, париваш бир малика мақомида бош муҳандисга шундай топшириқлар берадики, ақлу идрок бовар қилмайди. Авваламбор, етти иқлимдан етти юз “ман-ман” деган ҳунармандни жамулжам этиш, Амир ўйлагандан ҳам зиёд, тез ва соз қилиб, саркарда қозонган ғалаба шарафига иншоотни битказиш шартини унинг олдида кўндаланг қўяди. Аллақайси мамлакатдан келган хорижий муҳандис бу ишнинг қийин ва мураккаб эканлигини маликага айтганда, у:

– Кўз кўрқоқ, кўл ботир, – дейди шижоат билан...  
– Ҳа, шундай, маликам, Сиз ҳақсиз, кўз кўрқоқ, – деди кулиб, изтеҳзо билан муҳандис, суқли, ошиқона нигоҳини Бибихонимнинг қуралай кўзларидан узмай... – Илҳом бахшида этсангиз, иншоолло!

– Бу не деганинг?

– Афу этгайсиз! Бу, деганим, бир бўса...

– Ҳазилми, чин?

– Мабодо, Сизнинг шартингиз чин бўлса, маликам, меники ҳам шундай!

– Сенга бир бўса эмас, юз соҳибжамолни ҳарамдан олиб чиқиб, танлаганингни тортиқ қилишим мумкин...

– Йўқ, йўқ, маликам!!! Менинг муҳаббатим Сизнинг сеҳрли кўзларингизда... ўзингиз айтганингиздай кўл ботир, кўз кўрқоқ, аммо сиз кўрқманг, шартим ўша-ўша!

– Ҳаё, андиша?

– Жозиба, гўзаллик!

Фарида Ферузнинг сўзларига маҳлиё бўлиб, унинг пинжига кириб кетганини билмади, лекин хаёли ҳамон ўша бўсада...

– Кейин?

– Кейин, Бибихоним хорижий муҳандисга дедими, “Сен адашма, сенинг кўзларинг қалбингни чалғитмасин, ҳамма аёл ҳам бир зот, бир гўзаллик нишонаси бамисоли, шундай ўхшатиш жоиз бўлса, ранго-ранг тухум: оқ, қизил, сариқ, кўк...” Алданма, бу унинг сирти, холос, аслида бари бир хил, ҳаммаси гўзаллик, жозиба соҳибаси...

– Узр, маликам! Сиз билан баҳслашувга ҳаққим борми, йўқми, билмайман?

– Бор, деб, фараз эт!

– Ташаккур, жаноби олиялари, минг бор ташаккур! Ижозатингиз ила, майли, фараз этсам, Сизнинг кўз



олдингизда бир жуфт биллур қалаҳ... Ҳар иккиси ҳам тўла: бирида шаффоф, тиниқ оби ҳаёт, хушбўй, муаттар, иккинчиси...

– Бас қил, тўхта, жодугар! Сен мени мот қилдинг, ўз вақтида таслим бўлмоқ нафақат эр йигит, бокира аёл учун ҳам ифтихордир!

Фарида Ферузнинг елкасига бошини қўйиб, унинг тиззаси устидаги бир қўлини кафтлари орасига олиб, силаб-сийпади:

– Кейин?

– Кейин, лабзи ҳалол малика шартини ўташга мажбур бўлди. Қўли билан юзини паналаб, андиша қила-қила бир бўса берди. Лекин, муҳандис титраб-қақшаб, бутун вужуди билан ёниб ўпдики, маликанинг тиниқ юзида ўпич бир умр ўчмас из қолдирди. Саркарда сафардан қайтганда шоҳона иншоотни кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўлди-ю, аммо муборакбод этиб, Бибиҳонимни ўпай деса, унинг нурли чеҳрасидаги бир доғ Соҳибқиронни шундай саросимага солдики, лаҳшат!

Амир беҳаё, беномус муҳандисни топиб келтиришни ва оёғидан дорга осишни буюрди. Сарой аъёнлари, ясовуллар, ҳамма-ҳамма уни излаб, осмон бўйи қошона устига чиққанларида, маълум бўлдики, ошиқи беқарор муҳандисни муҳаббат фарингтаси қанотлари остига олиб, учиб кетган эмиш... бу, бир афсона...

– Ҳа, Феруз, сен айтгандай, бу бир афсона бўлса, бордир... Начора! Менинг наздимда бутун ўтган умрим, кўрган-кечирганларим, ҳатто ҳозир бир тош устида иккимизнинг ўтиришимиз ҳам худди афсона...

– Лекин, мен сени бағримга босиб ўпганим-чи?

– Эҳтимол, бу ҳам...

– Йўқ! Бу, афсона эмас.

– Бугун бўлмаса, эрта кетиб қоласан-ку... Уни нима дейдилар? Айрилиқми ёки...

Феруз жавоб бериш ўрнига яна уни қаттиқроқ бағрига босди, юзидан, кўзидан, томоқлари тагидан ўпди. Фарида ҳам энди унга чирмовиқдай чирмашиб олди... Вайрона бағридаги оқшом нақадар тинч, нақадар дилбар! Ҳеч ким йўқ... Сукунат, фақат сукунат... Бу тош усти улар учун гўё бир кўшкдай, тахти салтанатдай...

Бундай учрашув, бундай висол соатлари оғушида Феруз гангиб, масту аласт юрарди, қора кунларни, кўнгилсиз воқеаларни хаёлига ҳам келтирмасди, фақат баъзан-баъзан Фариданинг тақдири билан ўз тақдирини солиштирар, ана ўшанда, алақандай ўхшашлик борлигини фаҳм этгандай юраги орқага тортарди... Мана, Фаридани кўрмаганига уч-тўрт кун бўлди, китоб дўкони ҳамиша ёпиқ... Хавотирда, тоби қочиб қолдимикан, қаёққа боришини, кимдан сўрашини билмайди. Тўғри, бир неча марта уни кузатиб қўйган... Уйини, кўчасини ҳам биледи, лекин ҳамиша бевақт, ярим кечада... Бунинг устига уйдагилари билан нотаниш... Билгани шу китоб дўкони, келади-кетади, Фаридадан дарак йўқ...

Бугун эрта-метан яна хабар олгани келди, яна дўкон ёпиқ... ишонмагандай эшикни бир-икки тортиб кўрди, очилмади, қимир этмади... сўнг қўлидаги ағдарма калта камзулини эгнига кийди, чўнтагидан папирос олиб, гугурт чертди, чуқур-чуқур бир-икки тортди, буруқсатиб тутун чиқарди. Яна бўлмади, зерикди шекилли, рўпарадаги киоскага бориб, газета олмоқчи бўлди... киоскачи ҳали янги газеталар келмаганлигини айтди.

– Эскиси бўлса ҳам бўлаверади, — деди ҳазиломиз, гўё ўқишга эмас, эрмакка олаётгандай...

Киоскачи чол ивирсиниб:

– Ма, болам, бириси кунги, – деб газетани узатганида унинг чўққи соқолига кўзи тушиб, хижолат чекди.

Феруз газетани олиб, йўл ёқасига қўйилган скамейкага бориб ўтирди-да, варақлай бошлади. Биринчи саҳифада “Пахта теримини жадаллаштирайлик”, яна шу тахлит мақола ва хабарлар, иккинчи, учинчи саҳифаларда ҳам расмий ё норасмий бири-бирига ўхшаш материаллар, очерк ва лавҳалар, тўртинчи саҳифада эса аллақандай бир шеър ва бир неча таъзияномалар... Феруз барига бир бошдан назар ташлаб, Қуддус деган номга кўзи тушганда, негадир ўйланиб қолди, хаёли қочди, хотирасида Фаридани билан биринчи учрашув кунлари, тикланди. Ҳаяжонланди, ҳатто Фаридани Қуддус деганида, бу ўзи Феруз дегани...

Таажжуб! Ферузнинг хатти-ҳаракатини айна пайтда олисдан Ортиқ кузатиб турарди. Улар бир-бирлари билан таниш бўлмасалар ҳам, ҳар иккиси кейинги кунларда, деярли ҳар кун эрталаб, бир вақтда китоб дўкони ёнида пайдо бўлишарди, гўё ваъдалашгандай... Бу ғайритабиий учрашув унинг кўнглига шубҳа солди, аста-секин юриб бориб Феруз билан ёнма-ён ўтирди ва ўз қўлидаги газетани варақлади. Ферузнинг қўлида ҳам айна шу газета... ер сузиб бир-бирларига қараб олишди... Сўнг Ортиқ Феруздан сўради:

- Соатингиз борми, неча бўлди экан?
- Дўкон очилишини кўтяпсизми, – деди Феруз.
- Анча вақт бўлиб қолди, шекилли?
- Ҳа, бугун ҳам очилмайдиганга ўхшайди...
- Кеча ҳам келганмидингиз? Кўрганга ўхшайман.
- Ҳа, шундай... ҳар кун келаман, сизни ҳам, кечирасиз, ҳар кун шу ерда кўраман... адашмасам, бўёқ қидириб юргандирсиз?

– Бўёқли ишим йўқ... – деб гапни қисқа қилди Ортиқ энсаси қотиб.

Ферузнинг кўнгли бундай муомаладан ғаш тортди, аммо аниқроқ билиш учун яна савол берди:

– Бўлмаса, ҳар кун келишдан на фойда?

– Фақат фойда кўрса кўришадими одам одам билан? Дўстлик, қариндошчилик... Бўёқ сизга керакдир, – деб яна кўшиб кўйди кибрланиб, – мен физикман!..

– Мен лирикман, – деди Феруз газаб аралаш ғурур билан, – мана, танишиб олдик... Баҳслашишга ҳожат ҳам қолмади... Дарҳақиқат, бўёқсиз ишим битмайди, лекин бу гал бўёқ учун эмас, олган бўёқларим ҳаққи, миннатдорчилик билдириш учун келганман. Минг афсус!.. Эрта-индин Тошкентга қайтишим керак.

– Сиз тошкентликмисиз?.. Рассоммисиз? – деди Ортиқ, кўнглидаги ғубор кўтарилгандай..

– Ҳа, шундай! Самарқанд мен учун илҳом париси, – деб жавоб берди Феруз.

– Тушунарли, – деди Ортиқ очиқ чеҳра билан, – унга менинг ҳам яқин орада Тошкент боришим, эҳтимол... худо хоҳласа, яна кўришиб қолсак, ажабмас...

– Демак, диссертация тайёр бўлиб қолибди-да, – деди кулиб Феруз, – табриклайман!

– Йўқ, унчалик эмас... ҳали вақт бор, аммо...

Ферузнинг юрагига ғулғула тушдими, негадир бир нафас жим қолди, сўнг асосий мақсадга ўтди:

– Айтишингизча, қариндош экансизлар, ҳар кун дўконга келгандан кўра, бир кун уйига бориб, хабар олмайсизми?

– Кечирасиз, исми шарифингизни билмайман, қандай мурожаат қилишим мумкин?

– Феруз, десангиз бўлаверади.  
– Мен ҳам шундай! Ортиқ Сатторов, деярли тенгдошмиз...

– Ҳа-да...

– Феруз! – деди тўлқинланиб Ортиқ, – кўлингиздаги газетанинг тўртинчи бетини очинг, унда таъзиянома бор...

– Кўрдим, ўқидим, кўп ачиндим, – деди Феруз, – фалокат! Бахтсизлик...

– Ўша йигит, Қуддус, Фариданинг ҳамқишлоғи бўлади, уни мен ҳам танирдим.

– Хўй, энди?

– Ҳамма гап шунда!.. Таъзия билдиргани Ойнабулоққа бирга боришимиз керак эди... Мен келдим, у келмади ваълага, бир-биримизни адаштириб қўйдик, қишлоққа бордим-бормадим, билмайман.

– Балки, тоби қочиб қолгандир, балки боргандир?.. Мен, ундай бўлса ҳам, бундай бўлса ҳам, бари бир, хабар олиш керак, деб уйлайман.

– Тўғри, – деди Ортиқ, – бориш керак... Истасангиз, бирга борамиз, у турган жойни биламан.

Феруз ҳайрат ичида унинг сўзини англолмади.

– У турган жой ўз уйи эмасми?

– Йўқ! – деди-ю, Ортиқ бошқа гап айтмади.

Феруз ўйланиб қолди-да, ўзига-ўзи:

– Демак, Фарида яширган экан-да! – деди.

Ҳар иккиси ҳам ўтирган жойларида бир-бирларига тикилиб, узоқ вақт жим қолишди...

## 2

Ҳеч қачон меҳмонхона остонасига ёлғиз оёқ қўймаган Фарида ўша кун кечга яқин Феруз турган хона эшигини тақиллатди.

Ҳеч ким жавоб бермади, демак, нафақат ўзи, шериги ҳам йўқ... Ноилож иккинчи қаватдан зинама-зина пастга тушаркан, Тошкентга кетиб қолмадимикан, деган ташвиш унинг қалбини каламушдай кемирарди... биринчи қаватда “Маъмурият” деб ёзиб қўйилган ойна туйнугига борди-да, ичкарида ўзига зеб бериб, лабига қизил суртиб ўтирган сатанг аёлдан сўради:

– Феруз Холдоров шу ердами?

– Ҳозирча шу ерда, – деди-да, хона калитлари илиб қўйилган яшикчага қаради, – лекин чиқиб кетган.

Фариданинг кўнгли жойига тушди, ўз-ўзига:

– Хайрият, кетмаган экан... – деди-ю, серпардоз жувонга раҳмат айтиб, ташқарига чиқар-чиқмас Феруз кириб келди. Бу, учрашув ҳаммасидан ошиб тушди, йўл устида ногаҳон бир-бирларини бағриларига босиб, ўпишганларида, бояги танноз рашк қилдими ёки ҳавас... ойна туйнугидан бош чиқариб:

– Меҳмонхонада кучоқлашиш, ўпишиш ман этилган, қондани ким бузса, юз сўм штраф! – деди-да, қайта қалдирғоч уясидай турмакланган бошини туйнукдан тортиб ололмади, соч толалари ойна четларига илиниб қолган эди. Ё раббий! Энди, ошиқ-маънуклар меҳмонхона маъмурини кутилмаган фалокатдан қутқаришга шошилдилар. Фарида бир қўли билан иягини ушлаб, иккинчи қўли билан пешонасидан итарса, Феруз ичкарига ўтиб, секин-аста орқа томондаги сочларини пастга тушириб, турмагини ёйиб, омон-эсон бошини туйнукдан чиқариб олиши биланоқ тантанавор оҳангда:

– Табриклаймиз! – деб қичқирди. Фарида ҳайратда, жувон стол устида ётган бир парча синиқ тошойнага қараб, ўзини танимагандай ўзи-ўзидан хижолатда...

Фарида Феруз билан кўчага чиққанларида қош қорайган эди, осмон гумбазида юлдузлар бирин-кетин ёниб, муҳаббат йўлига нур сочаётгандай туюларди уларга...

Феруз гапни нимадан бошлашни билмагандай, дафъатан:

– Мен сени жуда соғиндим, Фарида, сен-чи? – деди-да, ўнг қўли билан унинг бошини ўзига тортиб чап юзидан ўпди.

– Қаёққа кетяпмиз?

– Сен келдинг, энди мени қаёққа олиб борсанг, ўша ёққа бораман, – деб ҳазиллашди Феруз.

– У ёғини суриштирсангиз, ўзим ҳам билмайман, мен ҳам соғиндим...

– Ростдан-а? Ростми? Янада яхши кўриб кетдим сени, Фарида... Авваламбор олиб қўйган поезд билетимни алмаштирдим, қолаверса, сени адаштирдим...

– Мен сенинг олдингда айбдорман, Феруз... шунинг учун келдим. Аммо, сени алдаганим йўқ! Фақат Куддус билан ўртамиздаги болалик, ёшлик муҳаббатини, ўйинқароқ илк севгини айтмадим, холос... чунки сени кўрганимда, бу ўткинчи бир фаслдай туюлди менга... лекин унинг ўлими, яширолмаيمان, мени талвасага солди, куни кеча Ойнабулоққа бориб келдим... Инсоний фазилатларга бой, тиниб-тинчимас, самимий, меҳр-оқибатли, хушфезъл, ўз сўзли инсон эди у...

– Сенинг сўзларингга ишонаман, Фарида, – деди унга ҳамдардлик билдиргандай, – очигини айтсам, мен ҳам ҳали мактабда ўқиб юрганимда севги нималигини билмасам ҳам, аллақандай ҳис-туйғуларга берилганим эсимда... ўша, эҳтимол, биринчи муҳаббатдир?..

Ферузнинг кутилмаган мулоҳазалари Фаридани жуда қизиқтирарди:

– Нега, нега? – деб, такрор-такрор сўраганда у жавоб топа олмагандай индамаса ҳам, унинг хаёлидан ўтмиш синоатлари, сирли синоатлар ўтди: Ёрқиной... дадасининг фожиали тақдири... аясининг иккинчи эрга чиқиши ва ҳоказо ва ҳоказо...

Энди, нафақат ўзлари, ҳатто уфқдан кўтарилган ярим ой гўё Самарқанд Давлат дорилфунуни устида тўхтаб, уларнинг суҳбатига кулоқ солаётгандай кўринарди...

Фарида Ферузни яна саволга тутди, у бошлаган гапнинг тагига етмоқчи бўлгандай:

– Шундай қилиб, Феруз, кетмасанг бўлмайдими? Сенсиз энди эртани тасаввур этолмайман.

– Мен ҳам, лекин Самарқанд муддати тутади, ҳолбуки...

– Мен ҳам, муҳаббат муддати эмас, бу!

– Тўғри, Фарида, фикру ўйимиз бир, кўнгил ҳам шундай!

– Шундай экан, билетни топшириб қўяқолсанг бўлмасмиди, алмаштириб ўтиргандан кўра?.. Тошкентдан воз кечсанг, Самарқанд нима деган гап? Ургутга кетардик, у ерда сен севган мовий осмон, тиниқ чашма, минг чинор...

– Ҳа, мен-ку, тушунаман, Ортиқ нима дейди? – ундан Фаридани рашк қилгандай, шубҳаланиб, – биз у билан, сени излаб, сен турган жойга бирга боришни ваъдалашиб қўйганмиз...

– Энди, бунинг ҳожати йўқ! Сен билан кўришдик, унга мен ўзим бир важи корсон дерман. Тўғри, ишга чиқолмадим, қишлоқдан чарчаб қайтдим, бир оз мазам бўлмади.

– Қизиғи шундаки, қариндошинг билан сен баҳона танишиб олдим. Лекин, у мендан сени қизгангандай бўлди.

– У ўзи шунақа...



– Бу нима деганинг?

– Ким билсин, балки севар?.. Мен уни ҳурмат қиламан, авваламбор, яхши йигит, билимдон, китобдан бош кўтармайди, қолаверса, қариндош... мана, мен сенга ҳамма гапни айтдим, сен бўлсанг, индамайсан, хаёлинг Тошкентда...

– Мен гапирсам гап кўп, бу оқшом адоқ бўлмайди.

– Наҳотки?

– Ҳа, шундай... яхшиси, кетар олди Самарқанд кечасини, юлдуз тўла осмонини бир томоша қилайлик...

– Билетни қайси кунга алмаштирдинг?

– Бу ҳозирча сир...

– Шуюм гап бўлдими, – деб Фарида ўрнидан туриб, Феруздан аччиғлангандай ўзини олиб қочди.

– Ҳазиллашдим... Наҳотки, ҳазилни тушунмасанг? – деди Феруз унинг этагидан тортиб.

– Ҳазилнинг ҳам эви бор-да! Мен бунақа ҳазилни тушунмайман, тушунишни ҳам истамайман! – деб юзини бурди.

– Тавба қилдик, маликам! – Феруз кулиб, қўлини кўксига қўйди. – Ҳозир, Гўри Амирга борамиз, зиёрат қиламиз, ҳар қанча узр бўлса, яна ўша ерда айтамыз, ундан Регистон... Улуғбек расадхонаси... Обираҳматдан ўтиб, Шоҳизинда ва ниҳоят, Бибихоним вайроналарига!.. Ҳўш бундай программага нима дейсиз?

Фарида индамали.

– Нега, индамайсан, маъқул бўлмадимми?.. Ана, ўша муҳаббат маъбудасида биз ҳам дил-дилдан донишманд меъмор шартини ўтаймиз... нега индамайсан?

Фарида Ферузнинг кўксига бошини қўйди-да, негадир ҳўнгир-ҳўнгир йиғлади.

– Нега, йиғлаяпсан, Фариди, – Феруз уни юпатмоқчи бўлди, кейин ағдарма калта камзулининг тугмаларини ечиб, қучоғига тортди, – лекин, бари бир...

– Наҳотки, ўзинг қилиб қўйган ишни ўзинг билмасанг? – деди-ю, Фариди кўз ёш аралаш Ферузни ўпди, қўлларини бўйнига ташлади...

Феруз аввал ҳайратдан ҳангу манг бўлди, сўнг ич-ичидан суюнди. Фариданинг дарз кетган кўнглини бутунлашга урингандай лабларидан ўпди, бағрига қаттиқроқ босди...





## БИР КЕЧА ҲАНГОМАСИ



## ЕТТИНЧИ БОБ

### 1

Бир неча кундан бери бетўхтов ёққан ёмғир ҳали-бери тинмайдиған кўринади. Фарида эрталаб уйғониши биланоқ осмонга қаради: осмонни яна қора булут босған, ҳаво совуқ, худди ёз ўтиб, куз яқинлашиб қолгандай...

Феруз кейинги кунларда хомуш, камгап... портрет устидаги иши ҳам чала... Балки, унга борлиқни ўз рангида кўриш учун бир парча қуёш етинмаяптимикин?!

– Билет бор эканми? – сўради Фарида овози чиқар-чиқмас, Ферузни панага олиб.

– Йўқ, бўш жой қолмабди, ҳамма билетлар сотилган... Бир кеча минг кеча эмас, лекин...

– Проводникка пул қистирсанг, жой топилади.

– Қизик! Бундай гапни сен қайдан биласан?

– Устозлардан...

– Устозларинг зўр экан-ку... эҳтиёт бўл!

– Сен ҳам... Мен буни на нон дўконда эпллодим, на китоб магазинида, ҳамон ўша-ўшаман, иложим қанча?

Фарида ич-ичидан хўрсинди. Феруз унинг бошини кафтлари орасига олди:

– Нега кўзларинг бунчалик ғамгин, урушга кетаётганим йўқ-ку?

– Негадир юрагим ғаш...

Занг урилди... вокзал перрони гавжум... ғала-ғовур.

– Шошма! Поезд жўнашига ҳали вақт бор. Бу, энди биринчи занг...

– Мен эмас, вақт шошаяпти... Мен сенинг ёнингданман! Поезд кетса, кетар, сен борсан-ку, менга яна нима керак? Сенга-чи?

– Менгами? – Фарида турган жойида ерга қаради. – Соғинасанми, йўқми?

Феруз Фарида билан неча ой, неча кун бирга бўлган бўлса, уни бундай ҳолатда кўрмаганиданми, ҳайратта тушди:

– Кошкийди, билсанг, мен ҳозирданоқ соғинаялман, – дея уни бағрига босиб, кўзларидан ўпди... Сочларини силаб, лабларидан бўса олганда Фариданинг вужуди титради.

– Мен ҳам сени... – деди-ю, Фарида совуқ қотгандай Ферузнинг ич-ичига кириб кетганини ўзи ҳам билмай қолди.

Феруз Фариданинг узун ва нозик бармоқларини ўйнаб туриб:

– Минг афсус! Соғинч туйғуларини киши негадир айрилик олдида пайқайди?! – деди

– Бу нима, бахтми ёки?..

– Эҳтимол, бахтдир, – Феруз унга таскин бермоқчи бўлди.

– Йўқ! – деди Фарида қатъий эътироз билдириб. – Йўқ! Йўқ!!!

– Истасанг, мен ҳеч қаяққа кетмайман, шу ерда қоламан. Ҳозир багажни кўтариб, сизларникига борамиз, бутунлай!

– Нималар деяпсан? Буни хаёлингга ҳам келтирма! Давлат мукофотига қўйилишинг муносабати билан очиладиган кўргазма, қолаверса, муҳокама, мунозара...

– Энг муҳими, сен!.. Сенинг портретингни тутатишни шунчалик истардимки...

– Ҳечқиси йўқ...

– Нега энди ҳечқиси йўқ?.. Июлда яна шу ерда бўламан, худо ўлдирмаса...

- Нафасингни шамол учирсин, яхши ният қил!
- Албатта келаман, десам, маъқул бўладими?.. – мийиғида қулиб ҳазиллашди, – бўёқ топилса, бас!
- Бўёқ, эҳтимол, сенга керакдир, менга энди... – деди-ю, ғамза билан унга қаради... Қутилмаганда сўнгги занг урилди... Феруз Фаридани жон ҳолатда ўпди, хайрлашди.
- Гул... гулдаста-чи, – деди Фарида, – эсингдан чиқдими? Вагон зинасидан узатилган гулдастани олишга олди-ю, унинг эвазига қалбини қолдиргандай ичкарига кириб, яна қайтиб чиқди.
- Фарида, мана бунни ол, ёмғирдан эҳтиёт қил!
- Нима, бу?
- Портрет, “Биринчи муҳаббат”, сенда мендан нимадир қолишини, ўтган кунларимизни эслатиб туришини истардим.
- Менда, шундай ҳам, сендан кўп эсдалик бор... бу эса сенинг ижодинг, сенинг асаринг...
- Тўғри, лекин бу сенга ёққан, сен маъқуллагансан...
- Феруз тала-тўполон, оёқ остида юклар уюлган тамбурда шай кийинган, санагудай сочи силлиқ таралган, тилла кўзойнакли, ёши ўтинқираган йўловчига дуч келди... бири ичкарига, иккинчиси ташқарига интиларди.
- Пастга тушиб чиқай!...
- Шошманг, домлажон.
- Сен шошма!
- Ё тавба...
- Тавба-тазарруингни хотинингга айт!
- Хотиним бўлмаса-чи? – кулди...
- Ундай бўлса бахтиёр экансан, Хемингуэй! Соқолни бекорга қўймабсан, – деди-ю, вагондан пастга тушиб олди-да, негадир орқасига бир қараб қўйди.
- Уят-э! – деди проводник аёл тушунар-тушунмас, – булар, яна интеллигентлар эмиш...

Занг урилди, иккинчи занг эди, бу!.. Поезд жўнади...

Фариданинг бошидаги рўмоли энди қўлида, уни гул ўрнида силкитарди. Мана, платформа ҳам тугади... оёқ остида тупроқ аралаш шағал... Сўнгги вагон рўпарасидан ўтаётганда, ҳеч бўлмаганда унинг милтиллаган фонарини кўриб қолиш ниятида яна олдинга чопди. Наздида ҳозир поезд кўздан йўқолади-ю, фонарь кўринмай қолади, ҳамма-ҳамма синоатлар унутилади, ҳеч нарса бўлмагандай, бари гўё туш, алаҳлаш...

Начора! Фарида тошга қоқилиб йиқилгунча югурди, ўрнидан турганда поезд кетиб бўлган эди, олдинда фақат онда-сонда аллақандай чироқлар ялт-юлт этарди, улар орасида ўша яккаю ягона, севги ортидан дунёнинг нариги бурчигача боришга тайёр турган киши ғойиб бўлди. Фарида ҳамон узоқлашиб бораётган поездга қараганча дардини ичига ютиб, қадамини секинлатди ва лекин алдамчи хаёллар қанотида олис-олисларга учиб кетганини ўзи ҳам билмас эди...

Айни пайтда, вагон йўлагига бир жувон хушбичим, қоратўр, чўққисоқол, елкасига катта этюдникни осиб олган бояги йигитдан кўз узолмасди...

– Кечирасиз, маликам, сиз қайси купедансиз? – шошилиб сўради.

– “9” “6” га ўхшайдими? – деб, жувон унинг юрагига ўт ташлагандай, қаҳ-қаҳ уриб чопиб кетди. Феруз кутилмаган бундай нозу карашмадан хангу манг бўлиб, ортидан қараб қолди. Сўнг, ерга қўйган юкни яна кўтариб борди-да, у купедан бу купега ўтиб, ниҳоят эшиги очиқ бир купе олдида тўхтади. Ичкарида сочлари ёйиқ бояги аёл юпқа пижамада оёқларини чўзиб, кўкрагини очиб, эркаланиб ётарди.

– Кечирасиз, яна сизга дуч келдим, адашмасам, бу тўққизинчи купеми?

– Ҳа, шундай! Сиз энди бизнинг янти ҳамроҳимизсиз? – таниса ҳам танимагандай...

– Худо хоҳласа... – кулди юкларини ерга қўйиб...

Аёл узатган оёқларини солинтириб, қўл чўзди:

– Светлана.

– Феруз, – деди-ю, сўрашга ийманди, ҳайратланди ва ўзича такрорлади. – Светлана?

– Асли отим Ёрқиной.

– Ёрқиной, бу бошқа гап... Сен мени танимадинг шекилли?

– Танидим, лекин сени синаш учун ўзимни танимасликка олдим. Давлат мукофотига номзодни танимаслик гуноҳ-ку, – тилёғламалик билан унга кўз сузиб қаради. – Айниқса, журналист учун.

– Наҳотки?... Ҳақ гапни айтсам, бирор мақолангни ўқиганим йўқ.

– Ўқиган бўлсанг ҳам, мени билмаган бўлишинг мумкин. Чунки, Светлана Зоҳидова, деб имзо қўяман.

– Ёрқиной-чи?... – деди Феруз, – мен сени таниганимда Ёрқиной Бадалова эдинг, эсингдами?

– Нега эсимда бўлмасин, аммо кейин замона зайли билан Ёрқиной Паҳмоқова бўлдим, ҳозир Светлана Зоҳидовна Табибуллаеваман... Ҳамма-ҳаммаси эсимда... айниқса, сен билан “Танго”га танца тушганим...

Феруз қотиб-қотиб кулди:

– Ҳа-да, эсингда бор экан, оёғингни бостаним...

– Оёғим баҳона, ўзинг биласан, нима қилганингни... – деди-да, ҳингир-ҳингир кулиб, – ҳозир мени кинога тез-тез таклиф қилиб туришади, лекин бирон марта кинога олинмаганман.

– Нега энди?

– Режиссёрга ёқсам, операторга ёқмайман.

Феруз кулди.

– Ҳа, шундай! Кулсанг, кулгудай гап... Аммо, ростини айтсам, буни жиддий иш, деб билмайман.



– Кимга қандай...  
– Менимча, шон-шухрат ўткинчи.  
– Лекин, усиз ҳам яшаб бўлмайди!  
– Сўраганнинг айби йўқ, кечирасан, Феруз! Мухлис, мухлисларинг кўпдир-а? Бояги сени кузатган қиз ким?..  
Натуршчисами?

– Йўқ! Сен ўйлаганча эмас.

– Уйландингми?

Феруз стол устига ёзилган дастурхон учини ўйнай бошлади.

– Негадир, сени кўрганда юрагим “жаз” этди, – қўлини чўзиб, кафтини Ферузнинг билагига қўйди, – ҳолбуки, эрим бор, қизим бор... бари бир, биринчи муҳаббат – муҳаббат экан.

Феруз индамади... Узоқ-узоқда қишлоқ йўллари, йўл ёқасида ёқилган чироқлар...

– Мен поездда юришни шунақа яхши кўраманки, – деди тилини яримта қилиб.

Феруз ҳамон “лом-мим” демасди, кутилмаганда, кўз олтидан Фарида ўтди... Қўлини дарҳол тортиб олди, Ёркиной чўчиб тушди.

– Кечирасан, тинчликми?

– Тинчлик...

– Ари-пари чақдими, дебман?

Эшик очилиб, купега бояги тилла кўзойнакли киши кириб келди.

– Жонгинам, келдингизми? Хайрият-эй! Поезддан қолиб кетдингизми, деб юрагим така-пука бўлиб турган эди. Хаёлимдан нималар кечмади... Шунақаям кўрқитасизми, одамни? Худога минг марта шукур, соғ-саломат экансиз, энг муҳими, ёнимдасиз, – такрор-такрор ўпди.

– Ўрикни қўйиб олай, – деб унинг кучоғидан чиқди.

– Ўрик?! Ахийр, мен шафтоли деган эдим-ку! – дея ўшқирди Ёркиной.

– Шафтоли йўқ экан, – деди ранги ўчиб.  
– Шунақа шафтоли егим келяптики... ақалли бир дона!  
– Мен нима қилай, шафтоли ҳали пишмаган бўлса?!  
– Мен ҳам нима қилай, шунақа егим келяптики, сиз булсангиз...

– Ха, бу, илунақа, – деди Ферузга қараб, кўзойнакли киши, – баъзан чақмоқдай ярқирайди, баъзан момақалдироқдай гулдурайди, ўз номига яраша... ҳа-да, Ёркиной...

– Кечирасиз, танилтирмабман, – оғзи билан бир кулки, Ферузни кўрсатиб, – ёшликдаги дўстим, машҳур рассом, салкам лауреат...

– Биз ҳам эски танишмиз, – деди энсаси қотиб: – Феруз Холдоров...

– Мана бу, аллома, – кўзойнакли кишига ишора қилиб, – менинг эрим, суюгим, Эргаш Ёрматович... Эшитган бўлсангиз керак, профессор Табибуллаев...

Феруз индамди.

– Мен Эргаш Ёрматовични эркалаб Эрик, дейишга ўрганганман.

– Тавба, – деди профессор.

– Аввалбошда қийналдик, у мени Светлана Зоҳидовна деб кўрди, бўлмади...

– Тавба! Ё тавба!!! – ижирғанди Эргаш Табибуллаев.

– Кейинчалик Светлана, Света...

– Ёркиной-чи?

– Асло! Баъзан феъли айниса, Светлана Заҳаровна деб ҳам кўяди... Яна бир қизиқ нарса, худо муҳаббат неъматини улашганда менга кўпроқ теккан, бир вақтда уч йигитни севиб қолганман.

– Ана энди қизиги келди... – деди рассом.

– Яна кийиз китоб очилди, – профессор пешонаси тиришиб, – бир таклиф бор: ресторан ёпилиб қолмасдан тамадди қилиб олмаймизми?

- Маъкул.
  - Бизнинг Света, шунақа, ресторансиз туrolмайди.
  - Рестораннинг нимаси ёмон? – Ферузга кўз қисиб қўйди Ёрқиной, – идиш-товоқ ювмайсан...
  - Худди ўзи ювадигандай гапиради-я!
  - Бари бир эмасми?! – бидиллади лаби лабига тегмай Ёрқиной.
  - Ҳа, бу, шунақа, баъзан чақмоқ чақади, баъзан момагулдирак...
  - Яна “шунақа-мунақа”... қитиқ патимга тегманг. Эрик!
  - Қўйинглар!.. Борсак, борақолайлик, ҳадемай ресторан ёпилиб қолади.
  - Бу, бошқа гап... бир минут чиқиб туринглар. кийимимни алмаштириб олай. Мана, бу ғафлат, – юқорида ётган йўловчини кўрсатиб, – чиқди-ю, ухлади, уйғониб қолса...
  - Нима қилиш керак?
  - Уйғотиб қўйинг, бирпас чиқиб турсин...
  - Ҳой, биродар, бир нафас чиқиб туринг, аёл киши кийиниб олсин...
  - Нега, аёл киши дейсиз, профессор бўла туриб, ҳеч бўлмаса хоним, денг, турмуш ўртоғим денг...
  - Уйқудан бонн кўтармайди. Демак, қаттиқ чарчаган.
  - Ундай бўлса, майли-я! Худо кўрсатмасин, пайт пойлаб бор-йўғимизни шилиб кетса-чи!..
  - Йўғ-эй! – деди Феруз.
  - Хоним хавотирда...
  - Тўғри айтади Эрик, – деди лабини чўччайтириб Ёрқиной.
  - Кўзингизни очинг, қанақа одамсиз?
- Нотаниш йўловчи бир ўтирилиб, профессорга каради-да, сўнг ундан сўради:
- Қаерга келдик?.. Жиззахга яқинлашдикми?
  - Поездга ҳозиргина чиқдингиз-ку... Уйқусираяпсизми?

- Кечирасиз, жуда қаттиқ ухлабман.
- Хоним кийиниб олсинлар, биродар.
- Нима орамизда аёл киши ҳам борми? – деб ҳазиллашди...

Феруз унга:

– Намунча мента тикиласиз, аёл мен эмас, ёнингизда...

– Эҳ-ҳа! Мен аёлларга соқол қуйиш қолувди энди, деб хайратга тушдим.

Ёрқинийнинг тилидан бол татиди:

– Кечирасиз, акахон, менинг эрим шунақа, минг марта узр!..

Нотаниш йўловчи пиджагини елкасига ташлаб чиқиб кетди, бориб ҳожатхонанинг эшигини тортди, ичкаридан “зайнит” деган товуш эшитилди... ноилож тамаки тутатди, ранги ўчиб, қони қочди... Ҳожатхона эшиги ҳамон ёпиқ: “Занято”. Феруз эр-хотин ўртасидаги муносабатни зимдан кузатиб турарди. Бу, тўй устига томоша бўлди.

– Антиқа, – деди профессор рассом ўчирган зажигалкага кўзи тушиб.

– Ҳа-да... Италиядан... суйилтирилган газ билан ёнади. Мана, кўришингиз мумкин, – унга узатди.

– Дарҳақиқат, антиқа, – такрорлади, кўзойнаги тагидан қараб, – жуда соз! Мен ҳам шундай чиройли нарсаларга ўчман.

– Бу, зиёли учун идеал! – деди, унинг санъаткорона ишланган бир буюмга бўлган муносабатидан хурсанд бўлиб.

– Мен бир медикман, сиз рассомсиз! – деди паға-паға тутун орасидан тикилиб, камтарона. – Санъат ўзи гўзаллик!..

– Табиат ундан ҳам... Хўш, бу ҳақда профессор нима дейдилар?

– Нима ҳам дердим, Сиз айтган гўзал табиатнинг ақли камоли, ҳусни жамоли – инсон!.. Сиз буни мендан яхши биласиз. Ўйлайманки, сизнинг асарларингиз, ана шу буюк ва айни пайтда, сирли бир қиёфанинг тасвири...

– Дарҳақиқат, шундай! Мабодо, инсон қалби, унинг ҳис-туйғулари санъат асарида акс этмаса, у санъат ўлик!

– Йўқ! Мен тирикман, – деди ичкаридан қаҳ-қаҳ отиб Ёрқиной, – сиз эркаклар ҳаминша шунақа... Ҳали ҳам гап сотиб ўтирибсизларми?

– Сизни кутиб турибмиз, хоним, – деди профессор.

Ёрқиной ўзига зеб бериб, купедан кибру ҳаво билан чиройини кўз-кўз қилгудай чиқиб келди: тимқора ва бениҳоя юпқа кўйлак тагидан бадани оқ булут оралаган ойдай кўринса, лорсиллаган кўкраги кишини ҳайратга соларди... ғоз ўмровли қадди-қомат кумуш ипга тизилган марварид шоладан ўзига гаройиб кўрк касб этиб, худди қадимий шоҳона кўзага ўхшардики, асло қўяверинг!

– Поезда мунақа ясан-тусаннинг нима кераги бор! – деб дўнғиллади профессор.

– Мана, мен айтмадимми, эрим шунақа, бегонадан рашк қилади...

Феруз, афтидан, хижолат тортиб, иншамеди.

– Менинг фикрим қатъий! Аёл ҳаминша аёллигича қолиши керак, эркак эркаклигича, маъқулми?

– Маъқул, – деб кулди профессор, – бошқа нима ҳам дердик... ҳали, ресторан ёпилиб қолган бўлмаса?..

– Йўт-эй!

– Қани, кетдик! – деди-да Феруз Ёрқинойга йўл берди.

Нотаниш йўловчи ҳамон вагон йўлагига қорнини чангаллаб, изғирди. Ниҳоят, сигарета қолдигини эзгилаб, дераза ёнидаги кулдонга итқитди, бориб ҳожатхона эшигини бор кучи билан итарган эди, очилди-кетди. Ичкарида унитаз устида қоп-қора, қотма бир ўспирин китоб ўқиб ўтирарди.

– Бу, онангни уйими? – жеркиб ташлади ҳоли жони қолмаган йўловчи.

– Нима қилай, ака мулло? Ҳадемай, имтиҳон.

– Тайёрланишнинг жуда зўр жойини топибсан, хумпар!  
– Кираверинг, кечирасиз, – деб, иштонини кўтариб, йўлакка чикди-да, бир нарса эсига тушгандай яна ҳожатхонага бошини суқиб деди: – Эшикнинг қулфи ишламайди, қўлингиз билан ушлаб туринг!

## 2

Айни пайт ресторанда кечки овқат авжида эди. Феруз миришкор қули билан шиша оғзини очиб, қадахларга коньяк қуярди.

– Хўш, навбатдаги қадахни кимнинг шарафига кўтарамиз?

Ёркиной шоша-пиша:

– Азиз меҳмон учун, машҳур рассом, менинг эски дўстим, қадрдоним учун... Урра!– деди-да, Ферузга кўз қисди, – бўлажак лауреат учун!! Урра! Урра!!!

Профессор хотинини қувватлади, ҳатто ўрнидан туриб ичмоқчи бўлиб, қалқиб кетди, Феруз уни суяб қолди. Шу аснода официант аёл яна келди...

– Буюринг, марҳамат...

– Мен буюраман, пулини сиз тўлайсиз, – деди профессорга қичиқ қилиб Ёркиной.

– Болп устига...

– Учта товуқ... яна нима?

– Битта хўроз, – деб қолди Феруз.

Официант аёл ҳазилни чин билиб, ошхонага бориб, қайтди:

– Хўроз йўқ экан, фақат товуқ.

– Сизда бўлмаса, бизда бор, – деди, Ферузга қошини учириб, сўнг эрига бир қараб қўйди.

– Светлана!!!

– Ҳа, нима? Яна шунақа-мунақами?... Кўриб турибсиз, аския қиятман.

– Аскияга бало борми?  
– Бу, кафедра эмас, ресторан... харала-тарала... ҳазил-хузул...  
нима дедингиз, Феруз Низомович?

– Ундай бўлса бир савол...

– Бемалол.

– Кечирасиз, сизга эмас, Эргаш Ёрматовичга.

Профессор кулоғини “динг” қилиб, рассомга қаради. Феруз унга тўсатдан:

– Сочга иссиқнинг таъсири борми?

– Бор, албагга, ёзда яхшироқ ўсади, айниқса кечаси...

– Кечирасиз, домла... балки саволим ўринсиздир, начора?..

Светлана Зоҳидовна маза-бемаза гаглардан ҳам гагилашайлик деганлари учун айтяпман...

– Бу, маза-бемаза гап эмас, илм!.. Мана, кўринг, рақамларга мурожаат қилайлик: ёзда қишга нисбатан 1,2 марта тез, кечаси кундузига нисбатан ундан тезроқ, хуллас, одам сочи бир кеча-кундузда 0,35 мм ўсади. Хотинларнинг сочи олдида эркакларники ҳеч гапмас! – деди кулиб, истехзо билан, – мана, менинг бошимга-ю Светлананинг сочига қаранг!

– Эрикнинг ўзи айбдор, вақтида ётмайди, тонг оттунча ўқигани-ўқиган, ёзгани-ёзган... Кутиб-кутиб, ухлаб қоламан... унинг сочи тўкилмай, меники тўкилсинми?

– Мана, танишиб ҳам олдик...

– Олдикми? Олдик, – деди-да профессор рассомнинг дастурхонда турган қадаҳига ўз қадаҳини чўқиштириб, баралла кўтарди.

– Эрик! Юрагингиз эсингиздан чиқмасин!

Шу орада овқат келди. Яна қуйилди, яна ичилди. Ёркинойнинг бадани қизиб, кайфи ошди:

– Кошқийди, ўтирган стулим каравот бўлиб қолсайди, қўйлагимни у ёққа, пайпоғимни бу ёққа итқитиб, маза қилиб ухлардимки... – деди қадаҳини кўтариб, – икки эркак бир хотинча бўлолмадиларинг! Ҳа, майли!..

Феруз шишага бир қаради-да, оз-оздан қуйди.

– Бас, етар, – деди профессор.

– Йўқ!... Шундай ичгим келяптики...

– Света, Светлана?..

– Ҳа!..

– Бизнинг хотин шунақа...

– Яна шунақа-мунақа... жонимга тегди.

– Светлана!

– Эрик!!! – сўнг жаҳл устида ғамза билан Ферузга, – намуноча мендан кўз узмай қолдингиз? – деди.

– Бўйнингиздаги марваридга қараб тўймайтман, жуда антиқа!

– Шундай!.. Эрик бунди Ҳиндистонда бир йондан сотиб олган, туй кунимиз менга совға қилган...

– Ҳиндистонда бўлганмисиз?

– Ҳа. Ҳиндистонда... Индонезияда ҳам, – лоқайдлик билан жавоб берди Эргаш Ёрматович.

– Биз саёҳатни яхши кўрамиз, айниқса, мен... Мен, шунингдек, санъатни севаман... – деди гапга аралашиб Ёркиной.

– Санъаткорни ҳам, деяверинг, – деди кулиб, профессор.

– Чалғитмай туринг, ҳозир мен бошқа гапни айтмоқчиман...

– Хўш, хўш?

– Сизга эмас, Феруз Низомовичга.

– Бир кун Эрик билан бир рассомнинг асарлари кўргазмасига бордик. Ҳасанбоевми, Хусанбоевми, ҳозир унчалик эсимда йўқ...

– Санъатшунос эслолмаса, бошқалар...

– Сабр қилинг, эсладим, рассом Эсонбоев, асарлари ёмон эмас, бизга ёқди.

– Тра-фа-рет! Ҳолбуки, у менинг ўртоғим, начора?! Ҳақ гапни айтяпман, трафарет...

– Ундай бўлса, бундай виставкани нима зарури бор?

– Яқинда элликка кирди. Эллик ҳазилакам ёпи эмас, айниқса, ижодкор учун... Кимдир нимасини кўрсатиши керак, юбилей



бўлгандан кейин... Бундан ташқари, тўй тўёнасиз ўтмайди. Биров уни, биров буни олиб келади, қарсак устига қарсак, совғасалом устига шон-шуҳрат... Қарабсизки, кеча ҳеч ким билмаган зот, бугун машҳури жаҳон... мен ҳам унга Самарқанд дўконидан алланима олиб қўйдим. Худо хоҳласа, тантанали кечада тақдим этаман.

– Мен бир рассомни танийман, Худойберганов, хотини бизнинг клиникада ишлайди...

– Трафарет! “Ман-ман” деган рассомларингизни айтиб бераман: Холматов – трафарет, Маникин – трафарет, Кенжабоев – трафарет...

– Наҳот, халқаро буюк бирон атоқли рассомимиз бўлмаса...

– Бор! Биз ҳали уни билмаймиз.

– Нечун?

– Ким буюк? Келажак кўрсатади! Келажакка ҳавола!!!

### 3

Ёрқиной купега кира солиб, профессорнинг тўшагига ўзини ташлади, талтайиб чўзилди...

– Шунақа иштаҳа билан овқат едимки, қорним шишиб кетди, – негадир қорни қолиб, кўкрагини кўрсатди, – лекин, кимдир ақалли бир дона шафтоли олиб келса, йўқ демасдим, жон-жон деб, ердим.

– Ўрик-чи? Ўрик бор, – деди профессор,  
Рассом ўзини тутолмай бир-икки йўталиб қўйди.

– Эрик, нега энди бири-бирига ўхшамаган нарсаларни менга таклиф қиласиз.

– Асабимни бузманг...

– Сиз бузаяпсиз, мен эмас!

– Мен, фақат, медицина нуқтаи назаридан гапиряпман: ўрик шафтолидан фойдалироқ... шунга шунчаликми?

– Ҳа, бўлмаса-чи?! – тутақди, қизариб-бўзарди, – бу, қуриб кеткур маржон мени бўғиб юборди, бўғилиб кетдим. – деб Ферузга бўйнини тутиб, мурожаат қилди, – ечишга ёрдамлашиб юборинг.

Рассом профессорга бир назар ташлаб, марварид шодасини ечди.

– Раҳмат, сизга, – деди кўзини сузиб.

– Курсам, бўладими?

– Бемалол...

Профессор гапни давом эттирди:

– Ўриклагги витаминлар, шунингдек, бошқа кислоталар концентрацияси....

– Нима қиласиз, тушунтиравериб, ўзингизни қийнаб. Сиз айтган илм кимга керак?!

– Ўрикни шафтолидан афзаллигини айтмоқчиман, холос...

Шунга ҳам ота гўри, қозихонами?..

– Йўқ! – дедим, – йўқ!! – икки кўлини белига қўйиб, – ўрик – бу, ўрик, шафтоли – шафтоли! – силтаниб, шиппагини чала кийганча, купедан чиқиб кетди.

– Керак бўлса, кўйинингга ҳингир-ҳингир қилиб киради, керак бўлмаса, илон бўлиб, захрини сочади...

– Профессор, кечирасиз! Ўша йог сизни алдабди, – гапни бошқа ёққа бурди Феруз. – Кумуш ипга терилган дурдоналарга қаранг, бир шодада ўн қатор шундайми?

– Ҳуш?

– Ҳаммаси бир хилми, йўқ?

– Ҳуш, ҳуш?

– Бир қараганда ҳар қаторда ўн марварил бирдай кўринади.

Аслида бешта, ўнта эмас, бештаси қани?

– Тушундим... қолгани оддий тош демоқчисиз?

– Ҳа-да.

– Йўқ! Бунга йогнинг ўзи айтган.

– Таажжуб!

– Таажжубга ҳожап борми? Айтинг, агар марварид унта бўлганида, нархи ҳам, шунга яраша икки баравар қиммат бўлармиди ёки арзон?

– Албатта, қиммат...

– Баракалла!.. Энди, молнинг ўтиш, ўтмаслигига эътибор беринг...

– Таги кўп эдими?

– Йўқ! Фақат битта, шугина...

– Очиғини айтсам, ноёб нарса!

– Тўғри... Феруз Низомовичнинг ҳақиқий санъаткор эканига яна бир бор ишондим, — деди эшикдан кулиб кириб Ёркиной, — бу марварид ҳар қандай кўйлаққа ярашади!

– Эҳтимол... Лекин, сиз, мана бу занжирга бир қаранг! — деди профессор расомга уни яқин олиб бориб, — оддий кумуш! Ҳатто, кумуш эканига ҳам, киши ишонмайди... Чунки, чўкичланган белгиси йўқ...

– Гап сиз айтган “проба” да эмас, маҳоратда! Қаранг, қандай нозик ишланган, кўрган кўз қувонади, — деди жимжилоғи билан кўрсатиб, — мана бу, аждар, мана буниси нилуфар!.. Дарҳақиқат, мўъжиза, нодир санъат! Буни фақат инсон қўли, инсон хаёли яратиши мумкин. Наҳотки, гўзалликни бозори бўлса, кимдир сотса, кимдир олса?!

– Мана, кўриб турибмиз-ку, Феруз Низомович, кўрган кўзларимиз гувоҳ!

– Ҳўш, шундай экан. Эргаш Ёрматович, мулки нафосатни сотишга йогни нима мажбур қилди?

– Ким сўрабди, дейсиз, ундан... Олинг, деб ҳоли жонимга кўймади, шундай арзонга берди.

– Балки, бечоранинг бошига қутилмаган кулфат тушгандир.

– Аксинча, — деб, юқори полкада жимгина ётган, негадир ўзини танитишга тоқати тоқ йўловчи гапга аралашди. — Кулфат деганингиз, кулфат эмас, ғойибона бахт бўлса, нима дейсиз?

– Кечирасиз, фикрингизга қўшилолмаймак, мулоҳазангизда мантиқ йўқ, – деди профессор.

– Хафа бўлманг, хаёлимга келганини айтдим, холос... Эҳтимол, ўша йог бўйдоқдир, уйланмагандир. Ногаҳон, бир қизни яхши кўриб, ишқ ўтида ёнган бўлса...

– Ёнган бўлса, ёнгандир, лекин нега севгилисига совға қилмади, мана бу, менинг қўлимдаги марварид шодани?

– Муҳтожликни юзи қурсин! Ўйлайманки, бундай бебаҳо нарсани совға қилишга қурби етмас... Боз устига, ёши ўтинқираган бўлса, мабодо...

– Йўқ! Гап на ёшда, на ҳуснда... дейдиларки, пошшонинг ишқи қурбақага тушибди... Муҳаббат ҳусни чирой танламайди, шунингдек, кексами ёш, унга бари бир...

– Ҳа-да, бари бир! Сиз ҳам, мана бу шода марваридни менга совға қилгансиз-ку! – деди гапта аралашиб Ёрқиной, – жонимга тегди бефойда фалсафалар! Муҳаббатдан гапирсангиз-чи... муҳаббат ёшартиради-ку, қариб қолган бўлсангиз...

– Демак, – деди ўзи-ўзига нотаниш йўловчи, – Светлана Зоҳидовнанинг ичи қизияпти...

– Қизиганда қандоқ, наҳот, уч эркак бир хотиннинг кўнглини овлолмасангиз?..

– Бенават, бенават!

– Хўш, муҳаббат ўзи нима? – деб қоштини учириб қўйди Ёрқиной, – бирингиз медиксиз, бирингиз санъаткор, яна бирингиз, минг афсус билмайман!

– Муҳаббат – бу энг олий ҳис-туйғу, – деди рассом.

Профессор ўйланиб қолди. Нотаниш йўловчи Ферузнинг фикрига қўшилгандай бошлини қимирлатди.

– Хўш, муҳаббат олий туйғу экан, унинг мезони борми?

– Бор, – деди жон ҳолатда. – Мана, вақтнинг мезони – соат, маърифат мезони – китоб, модомики, шундай экан, муҳаббат мезони, адашмасам, диёнат, виждон... Энди, сиз айтган йогта

келсак, униңг меҳр-мурувват мезони сизга берган антиқа марварид бўлса керак, деб ўйлайман, — деди нотаниш йўловчи.

— Мен ҳам шундай фикрдаман, кўринишидан ўзи оч бўлса ҳам, кўзи тўқ бир кекса... — деди ўйланиб профессор.

— Ҳа, балли! Эсингиздами қирғин-барот уруш йиллари уч юз грамм нон учун тонг оттирилгани, очередь турилгани, сўнг талашиб-тортишиб нонни ҳали уйга етиб бормай, чойхонада ўртага қўйилиб, чойхўрлар бир-бирига олинг-олинг қилганлари. Энди бу, ўтмиш... Ҳозир нима гап? Талон-торож, хиёнат, ўғирлик ва ҳоказо, ва ҳоказо... Минг афсус! Йўқликдан эмас, тўқликдан! Аммо, не-не бадавлат кишиларни биламан, бировга нон тугул, сув бермайди. Бунга нима дейсиз? — деб қошларини чимирди нотаниш йўловчи.

— Тўғри! Лекин, оляпканлар ҳам бор, беряпканлар ҳам...

— Бу, пора! На инъом, на мурувват... Кимдир кўлидан берса, кимдир йўлидан, — профессорга қараб, — бир шода марваридни деярли текинга олдим, дедингиз. Ўша йог не ниятда сиз мусофирга уни бахшида қилгандир...

— Балки...

— Мабодо, шундай бўлса, сизга дуч келган йог на бой, на гадо? Бир сўз билан айтганда, саховатпеша... олижаноб одам!

— Бундай кишилар кам, бахтга қарши...

— Ҳолбуки, бахт ўзи инсоннинг инсонга беғараз муносабатида, қолаверса, ҳурмат-иззатида барқарор эмасми?! — деди яна қошларини чимириб, нотаниш йўловчи.

— Шундай...

— Демак, йог ҳам сизга яхшилик қилиб, ўзини бахтиёр ҳис этган бўлса, ажабмас!

— Сиз ҳам бахтиёрсиз, Эрик, мана, бу марваридни менга ҳадя қилдингиз-ку! — деб, гапга аралашди Ёркиной.

— Фирт тасодиф! — деди профессор.

– Демак, туриш-турмушимиз тасодиф экан-да?! Йўқ, йўқ!  
Бу, тасодиф эмас, муҳаббат!

– Ким билсин? Мен на пайғамбарман, на авлиё! – деди энсаси қотиб профессор.

– Бу, қанақаси, тушунолмадим, Эргаш Ёрматович?!

– Мен ҳам. Светлана Заҳаровна... кечирасиз Зоҳидовна!

– Сиз ҳам кечирасиз, – деб жаҳд билан купе эшигини тарақлатиб, шиппагини кияр-киймас чиқиб кетди.

– Қизиқ! Жуда қизиқ!!! Балки, муаммони ечишга манави маржон ёрдам берар, – деди нотаниш йўловчи, рассомнинг қўлидан олиб, уни диққат билан бир-икки айлантириб кўрди. – Дарҳақиқат, мўъжиза!... Бу, биласизми, асли нима ўзи?

– Мендан сўраяпсизми? – деди ҳайрон бўлиб Феруз.

– Ҳа, шахсан, сиздан?... Асли аёллар безаги... ҳам сунъий, ҳам табиий дурдоналардан кумуш ипга териб, тизилган зеби зийнат, қадимий заргарлик буюми. Сиз, ҳар қалай, таниқли рассомсиз, санъаткорсиз... Лекин, қўлингиздаги тилсимот сирини пайқамаганингизга ҳайронман. Инсониятнинг асрий муаммолари натижасида дунёга келган фалсафий тилсимот, бу! Маълум шакл касб этган тизимга эътибор беринг-а, бу нимани ифодалайди?

– Адашмасам, одам юрагини... – деди гапга аралашиб профессор.

– Сиз медиксиз, мен рассомдан сўраяпман?

– Менинг фикримча, – деб тантиқланиб, кириб келди-да, суҳбатга қўшилди Ёрқиной.

– Сиз, сабр қилинг, – деди унга нотаниш йўловчи.

– Бу, шунақа, керак бўлса, сўфининг азониға ҳам аралашади, – деди Эргаш Ёрматович.

– Яна шунақа-мунақа... жонимга тегди... Сен билан ит яшасин! – деди-да, чиқди-кетди.

Нотаниш йўловчи профессорга тикилганча қараб қолди..  
Рассом, негадир, чимчилоғи билан қулоғини қичиди... Шу пайт  
остонада шахмат кўтарган офицер пайдо бўлди:

– Безовта қилмадимми, кечирасиз! Ҳали шахмат йўқ, деган  
эдингиз, мана, топдим... Ҳайинчи борми?

– Йўқ! – деди профессор овози чиқар-чиқмас...

– Бу, ўртоқлар-чи?

– Йўқ.. Йўқ!!!

– Узр! – деди-да, офицер чиқиб кетди.

Нотаниш йўловчи гапида давом этди:

– Хўш, шундай экан, юрак ўзи нима?

– Илҳом булоғи... ҳис-туйғу манбаи... – деди Феруз.

– Менинг фикримча, мотор! – деди профессор. – Бутун бир  
организмни ишга солади, унга куч-қувват бағишлайди...

– Йўқ! Юрак, бу, муҳаббат... – эшик орқасидан  
Ёркинойнинг овози эшитилди.

– Тўғри, ҳар бир юракда яхшилик ва ёвузлик яшайди, –  
деди рассом...

– Мен бу ҳақда ўйламаган эканман, – профессорда қизиқиш  
пайдо бўлди. – Хўш, бўлмаса, марварид нимани ифода этади?

– Марварид марваридни, яъни инсонга хос маънавий  
бойликни... қаранг, шодага қандай теран ўрнатилган, ҳатто унинг  
борлигини ҳам пайқамасиз, – деди нотаниш йўловчи.

– Ҳа-да! Инсоннинг инсоний қиммати ҳам, ўйлайманки,  
ана шу марваридда! Нима дедингиз? – қўшиб қўйди рассом.

– Бошқа ҳаммаси пўрсилдоқ! – деди нотаниш йўловчи.

– Демак, ҳамма тизимга ҳам асл марварид ўрнатилмагани  
бежиз эмас экан-да?

– Шубҳасиз! Кўряписми, нилуфарни бир ямлаб ютган  
ажлар нусхаси бор юрак шаклидаги марварид, марварид эмас,  
олдий тош... менимча, буни изоҳлашга ҳожат йўқ!

– Жуда тўғри! – деди Феруз.

Яна офицер кириб келди, унга эргашиб Ёркиной.

– Доминога қалайсиз?

– Шундан бошқа иш йўқми? – деди профессор.

– Ҳа, нима? Эрмак-да, ўйнасак!.. – орадан ҳеч гап ўтмагандай яна, – менинг эрим шунақа...

Ҳеч ким ҳеч нарса демасди, офицер чиқиб кетди, лекин унинг кетидан Эргаш Ёрматович:

– Мабодо, энди қарта кўтариб келса, бўйнидан ушлаб, йўлакка чиқариб кўяман! – деди.

– Нима кераги бор, купеси биздан беш қалам нарида, – деди Феруз.

– Мана, бунга тушунмаяпман? – деди ўйчан қиёфада нотаниш йўловчи.

– Нима? – ҳайрон бўлиб сўради Ёркиной.

– Ҳаммаси тушунарли, лекин мана бу юракдаги на оддий тош, на марварид?!

– Бўлмаса, нима экан? – қизиқсинди профессор.

– Марварид, аммо қалбаки бўлиши керак.

– Ҳа-а! Бу, биласизми, нима? Ҳозир айтиб бераман, – кулиб деди Ёркиной.

– Светлана! Нима кераги бор, а?

– Нега, энди?.. Никоҳ кунимизнинг биринчи кечаси...

– Светлана, ўйлаб гапиряпсанми ўзинг! – деди тутақиб Эргаш Ёрматович.

– Нима бўпти?.. Қисқаси, марвариднинг биттаси йўқолганлиги маълум бўлди. Бутун уйни остин-устун қилиб ташладик, топилмади... Қидирмаган жойимиз қолмади.. Хуллас, заргарга бордик, лекин унга моси бўлмади, сунъий марварид қўйишга тўғри келди.

– Демак, ўшандан бери бу юракдаги марварид қалбаки, денг?.. – деди галати бир оҳангда нотаниш йўловчи.



Профессор Ёркинойга қаради: “Ўзингга тилаб оласан” дегандай...

Айни пайт эшик тақиллаб, яна ўша офицер кириб келди, профессорга тикилганча:

– Балки, қарта ўйнармиз?

Ҳамма ҳайрон, бир-бирига қарашди.

– Узр! – дея чиқиб кетди.

– Энди, мен буни бу ҳолда қолдиролмайман! – дарғазаб бўлиб ўрнидан турди профессор.

– Эрик! Шаштингиздан қайтинг! – дея унга таскин бермоқчи бўлди Ёркиной.

– Сиз эса зиёли одамсиз, – деди рассом.

– Ўйлайдики, қандай фисқ-фужур бунда... Дарвоқе, кечирасиз, сизнинг касбингиз нима, агар сир бўлмаса?..

– Авваламбор, ҳар кимдан ҳадиксираш ўзи ярамайди, муҳтарам профессор, энг муҳими, имон мустаҳкам бўлса, бас! Қолаверса, каминангиз оддий соатсоз уста... Ҳа, шундай, мен соатсозман.

– Мен ҳам шунга ўхшаш бир касб эгаси бўлсангиз керак, деб, ўйлаган эдим. Ахир, ҳар қандай киши ҳам қалбаки марваридни ҳақиқийсидан ажрата олмайди-да. Сиз эса бир кўришда айтдингиз-қўйдингиз!

– Раҳмат... бироқ бу сунъий марваридни яхши ишланган деб, бўлмайди. Баъзан ғоят усталик билан ишлангани учраб қоладики, уни ҳақиқийсидан фарқ қилиш қийин!

– Ҳадеб бир гапни гаплашиш меъдангизга тегмадими?.. Уйқим келяпти, Эрик... – деб, эснаб эркаланди Ёркиной. – Мен ечинаман, ташқарига чиқиб туринглар!

Ҳамма вагон йўлагига чиқди. Худди шу пайт китоб-дафтар солинган каттакон бир халтани кўтарган ўспирин келиб соатсоз билан кўришди.

– Ҳалиям жойлашмадингми?  
– Жой йўқ, ака мулло... у вагондан бу вагонга ўтиб юрибман...

– Жуда вақтида келдинг... отинг нима эди, эсимдан чиқди?  
– Ўроқбой!  
– Ўроқбой эмас, энди Ўртоқбойсан, – деди қучоқ очиб, бағрига босганча, – сен бу кеча менинг ўрнимда ётасан, мен мана шу ўтирган жойимда ухлаб, тонг оттираман.

– Раҳмат, ака мулло, раҳмат!.. Бир қийнаганим етмасмиди ўзи, яна...

– Ҳечқиси йўқ! Ҳадемай, Тошкентга етиб оласан, институтга ҳам жойлашасан... Ана ўшанда йўлда кимлар билан учрашганингни эслайсан... Ўйлайманки, ҳатто фахрланасан... мана, бу оқсоқол профессор Эргаш Табибуллаев... Мана, бу қора соқол рассом Феруз Холшоров.

Ўроқбойнинг кўзлари жавдираб, нима дейишини билмай, довдирарди... соатсоз гапида давом этди:

– Ҳозир шундай замон, ҳеч ким ўтирган ўрнини бировга бекорга бермайди, айниқса, амал курсисини... – ҳазиломуз боланинг бурнига чертиб, кимгадир киноя қилгандай, – сен ўтирган курси ўша дамда, билсанг, ҳар қандай мансабдорниқидан зўр эди, пора бериб ҳам, олиб бўлмасди... молодец!

Рассом воқеадан хабардор бўлгани учун кулгисини ичига сиедирилмай “пиқ” этиб қўйди. Профессор анқовсираб сўради:

– Ҳамқишлоқми?

– Йўқ! Буни мен “ҳожатхона”дан топиб олганман, олтин...

Профессор рассомга, рассом профессорга қаради, ҳар иккиси ҳайрон. Соатсоз яна давом этди:

– Олтин келажагимиз бу ёшлар! Сизга айтсам, азизларим, нафақат вагондаги жойимизни, ҳали ҳаётдаги ўрнимизни ҳам шуларга топирашимиз.

Ичкаридан эпик тақиллади, кириш мумкин, деган маънода.

– Нима қилдик? – деди профессор.  
– Сизлар сабр қилиб турасизлар. Мен бу йигитни жойлаштириб чиқаман, қалай, маъқулми?

– Бемалол... Лекин, қонунга хилоф бўлмайдими? Бебилет...

– Қонун адолатни ёқлайди, инсонпарварликни ҳимоя қилади... Хоним масаласи, рухсат берсангиз, менга ҳавола! Ўзим тинчитаман...

– Жуда ажойиб одам, билмагани йўқ, – деди Эргаш Ёрматович орқасидан имо қилиб Ферузга.

– Дарҳақиқат...

Соатсоз купе эшигини авайлаб очди ва секин ёпиб чиқди.

– Тинчликми? – ҳадиксираб сўради профессор.

– Тинчлик... Хоним ноз уйқуда, хавотир олмасангиз ҳам бўлади.

– Худога шукур, – деди ичида профессор.

– Айтгандай, ҳалиги маржонни қанча баҳолаган бўлардингиз? – Феруз соатсоздан сўради.

– Буни айтолмайман.

– Ҳар қалай, мўлжалингиз?

– Нима, сотиб олмоқчимисиз?

– Мен буни ҳаёлимга ҳам келтирмайман, лекин ҳурматли профессор мени тушунсалар, санъаткор сифатида...

– Йўғ-э, нималар деяпсиз! – деди Эргаш Ёрматович.

– Қанчага бўлса ҳам, олардим.

– Ёрқиной бу маржондан айрилган кун, ҳаётдан ҳам айрилади.

Айни пайт ичкаридан аёл кишининг чинқириғи эшитилди. Бу совуқ товуш қайси купедан экани номаълум бўлса ҳам, тақир-тукур эшиклар очилди, деярли ҳамма йўловчи йўлакка чиқди, дув-дув гап, шовқин-сурон:

– Ўғри! Ўғри!

– Йўқ! Ўғри эмас, бир купеда бир йўловчи ёнидаги аёлнинг номусига тажовуз қилибди...

– Зўрлабди!!!

– Қайси купеда?..

– Ким?

Оломонни ёриб, Ёрқиной ярим-яланғоч дод солиб, соатсозга тапшланди:

– Сизнинг ўрнингизда бегона ётибди...

– Тинчланинг, ўртоқлар! Мен ҳозир ҳамма гапни тушунтириб бераман... Бир оғиз сўз билан айтганда, бировни биров на тунаган, на зўрлаган... Англашилмовчилик бўлиши мумкин... Мен ўрнимни ўғлим тенги бир ўспиринга бердим, – қўли билан рассом ва профессорни кўрсатиб, – мана бу, бир кечалик ҳамроҳларим гувоҳ...

Ҳамма тарқалди, лекин Ёрқиной тинчимасди, бодиллаган кўзларининг шоҳсоққаси ўйнаб бидиллади:

– Нега, мен билмайман, нега, нега?

– Сиз ухлаб қолган эдингиз, хоним... Эрингиз хабардор.

– Эрим хабардор бўлса, ўзига! Мен аёл кишиман, унинг устига очиқ-сочиқ...

– Мен кимман? Мен ҳам эркакман-ку... Ҳар ҳолда, у бола сизнинг ҳам фарзандингиздай...

– Кўйинг, менга ақл ўргатманг, ким бўлсангиз ҳам... – асабийлашиб, ўз нарсаларини қайтадан кўздан кечирди, ҳатто юқорида турган чамадонни профессорга олдириди, бир нима излагандай уни очиб, ёпди... Ўроқбой тош қотиб, ухларди... Феруз аста ёнбошлади, профессор нима қилишини билмасдан, эсанкираб турарди.

– Мен бир уйқуни олганман, энди ухламайман, – деди соатсоз.

– Эрик, сиз ҳам ухламайсиз! – титраб-қақшаб марваридни дам у сумкасига соларди, дам ёстиғи тагига қўярди, хулласи калом, миясига нима келса шуни қиларди Ёрқиной, – бу

бетайинлар дастидан мен ҳам ухламайман... ҳали ким билсин, ўғрими-тўғри?..

– Хайрли кеч! – деди жилмайиб соатсоз ва секин ўрнидан туриб, купедан чиқиб кетди. Йўлак бўм-бўш, биронта очик эшик йўқ...

Соатсоз дераза ёнидаги ташланма курсида ўтириб, хира ой нурида “лип-лип” ўтаётган дала-данит манзарасини томоша қиларди, олис-олис қишлоқларда милтиллаган чироқлар унга осмон этагига сиғмай ерга тўкилган юлдузлар ёки йиртқишлар подасининг тун қўйнида чўғдай чақнаган кўзлари бўлиб кўринарди... Хаёл, хаёл, яна хаёл... Шундай қилиб, кўзи уйқуга кетди: вагон ойнасида унга туман аро ярим-яланғоч, сочлари ёйиқ Ёркиной кўринди.

– Бари бир, безовтаман! Бирон нарсамни ўғирлаб қўйишидан қўрқаман, айниқса, марваридимни...

– Марварид эмиш! Энг катта бойлигинг – диёнат-чи?.. Буни аллақачон йўқотганинг эсингдан чиқдимиз?

– Ифво, туҳмат!!!

– Бошқача бир жавоб беришингни кутмаган ҳам эдим.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Эсла! Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам қандай эдинг, кўр... у пайтда ҳали эгнингдаги шоҳона либос ҳам, юзингдаги пардоз ҳам, кулоқларингдаги тақинчоқлар ҳам йўқ эди. Ягона бойлигинг – ёшлик, шўхлик эди, холос! Қалбингда ниш урган севги ҳам ўша сен йўқотган покликнинг, диёнатнинг нишонаси эди-ку?! Сен на уни, на буни қадрладинг, аксинча, оёқости қилдинг!

– Эслашга ҳожат борми?

– Ундай бўлса, бор, ухла! Мен, мана, бу йигит билан гаплашиб олай...

– Демагог! – деди-да, бурнини жийириб, кўздан ғойиб бўлди Ёркиной.

– Салом, Тожиниёз! – деди соатсоз.  
– Салом, лекин мен сизни танимаяпман...  
– Сен ҳали куп нарсани билмайсан. Ҳув, ана у лола териб юрган қизнинг сени севиб қолишини, ҳатто бевақт ётоғингга кириб, қучоғингга ташланишини ҳам хаёлингга келтиролмайсан. Сен эса... сен ҳам севиб қоласан уни, аммо...

– Нега, аммо?

– Кўпчилик ҳали асл дурни қалбакидан ажрата олмайди, минг афсус! Оддий тошни бебаҳо гавҳар, деб юрганлар анчамунча... Сен ҳам ўшаларнинг бирисан!

– Йўқ! Менинг кимлигимни билмас экансиз...

– Жуда яхши биладан, сени, ёшулли! Хоразмдансан... Отанг атоқли арбоб, онанг уй бекаси. Сен Ёрқинойга норасмий уйланиб, ўз уйингга олиб борганингда, на отанг, на онанг, на қариндош-уруғларинг қабул қилди! Сўнг Самарқандга келишга мажбур бўлдиларинг...

– Тўғри! – деди Тожиниёз ҳайратомуз, – сиз, бу синоатни қайдан биласиз?

– Биладан... ҳали сен билмаган гапларни ҳам биладан... У шундай доғули! Сендан аввал Ферузни ҳам алдаган... Унга сенинг дадангнинг обрўйи, Ферузнинг дадасидан қолган мулк керак бўлган. Бироқ, қатағон этилган шахснинг уй-жойи, мол-мулки мусодара қилинишини билмаган, билгандан кейин оёғини тортган... Ҳўш, бу қандай муҳаббат?! Сен-чи, сен ундан кейин, Робияга уйландинг, лекин...

Узоқдан Ойнабулоқ қишлоғи Зарафшон сойининг бағрида очилган гулдай кўринарди... Тоғ тизмаларининг томиридан сизиб оқётган ер ости сувлари шу қишлоқ бағрида тарвақайлаб илдиз отган асрий чинорлар тагига етиб борганда мислсиз чинни косада жилолангандай тиниқ бир чашма яратардики, бу чашмадан бир ҳовуч сув ичган эркак умрида дард кўрмас, юз ювган аёл ажин нималигини билмас экан...

Кун тиғида, чашма бўйида Фариди Ферузга эркаланиб, ёлборарди:

– Кетма, кетма... ҳали мен сенга айтмаган гапим кўп: дадамдан қолган ҳовли-боғ, уй-музей... илҳомбахш дала, даралар...

– Таажжуб! Ёзнинг жазирама куними ёки қишнинг зимистон туними, бари бир, мен бу қишлоққа, сенинг қишлоғингга йўл олганда чашма лабида бир нафас ҳордиқ чиқараман, атрофга назар ташлайман. Баҳор айёмидаги сайроқи қушлар таронасига қулоқ соламан, куз палласи улар тарк этиб, учиб кетган ғамгин дарахтлар бутотидаги ғариб ва бенаво уяларга тикилганча хаёл суриб қоламан. Сен-чи, Фариди?..

– Салом! – деди соатсоз.

– Салом, лекин мен сизни танимаяпман, – деди Феруз.

– Сен ҳали кўп нарсадан беҳабарсан, ўйлайсанки, олам гулистон...

– Тушунолмадим?

– Ҳа-да... тушуниш осон эмас, тушуниш учун яшаш керак!...

Вагон бирдан қалқиб кетди, Феруз чўчиб уйғонса, туш... Соатсоз ўз жойида йўқ... Темир йўл гўё пастликка тушиб кетарди, телеграф устунлари, дарахтларнинг аранг кўриниб турган қовжироқ шохлари аста-секин чекиниб, тепалик ортида ғойиб бўларди... Вагон ғилдиракларининг тақ-туқи янада қаттиқроқ эшитила бошлаган бўлса ҳам, ундан баттари, поезд рельсдан чиқиб, пастга отилгандай туюларди... Олис-олисдан сой ва ариқлар тоғ елкасига энди минган кўёш нурларида ялт-юлт этарди... Поезд Тошкент остонасида ҳамон олға интиларди, маррага яқинлашиб борарди...

1984-2004

Тошкент

## МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| Ҳамид Фулом. “Муҳаббат мезони” романи ҳақида бир оғиз сўз..... | 5   |
| Биринчи боб. Сўқмоқлар.....                                    | 7   |
| Иккинчи боб. Вайронадаги гул.....                              | 47  |
| Учинчи боб. Адашганлар.....                                    | 91  |
| Тўртинчи боб. Таҳликали кунлар.....                            | 109 |
| Бешинчи боб. Фалокат устига фалокат.....                       | 139 |
| Олтинчи боб. Хилватдаги сўнги учрашув.....                     | 165 |
| Еттинчи боб. Бир кеча ҳангомаси.....                           | 179 |

*Адабий-бадиий нашр*

**Рамз Бобожон**

### МУҲАББАТ МЕЗОНИ

Р о м а н

Муҳаррир *Ҳ.Маҳмудова*

Мусаввир *Т.Сайдуллаев*

Бадиий муҳаррир *Р.Зуфаров*

Техник муҳаррир *Т.Смирнова*

Мусахҳиҳ *Ф.Ортиқова*

Компьютерда саҳифаловчи *З.Аҳмедова*

ИБ № 4266

Босишга 10.01.05 й.да руҳсат этилди. Бичими 70x108<sup>1/16</sup>. Таймс гарнитураси. Офсет босма. 9,10 шартли босма тобоқ. 10,5 нашр тобоғи. Жами 2000 нуска. 1 завод 500 нуска. 15 рақамли буюртма. 112–2004 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. 700128. Тошкент. Усмон Юсупов кўчаси, 86.